

Ўзбекистон Республикаси Вазиралар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ташкент ислом университети


ҚУРЪОНШУНОСЛИК

Ўқув қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети

ҚУРЪОНШУНОСЛИК

(Ўқув қўлланма)



“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2011

УДК:297(075)

Мазкур ўқув қўлланма “Куръоншунослик” фанига багишланган. Унда Куръоннинг ўрганилиши, таржималари, Куръон тарихи, унинг таркибий тузилиши, лаҳжалари, қироат турлари, Куръон илмлари, Куръон мавзулари ҳамда тафсир илми ва Мовароуннаҳр муфассирлари ҳакида қимматли маълумотлар келтирилган бўлиб, талабаларнинг бу борадаги билим ва кўнижмаларини шакллантиришга қаратилган.

Ўқув қўлланма Тошкент ислом университети ўқув жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган. Ундан исломшунос тадқиқотчилар, талабалар ҳамда Куръоншунослик фани билан қизиқувчи китобхонлар ҳам манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи:

А. Ф. Абдулаев – тарих фанлари номзоди

Тақризчилар:

И. Усмонов – тарих фанлари номзоди

И. Бекмирзаев – тарих фанлари номзоди.

Масъул муҳаррир:

**З. Исломов – филология фанлари доктори,
профессор**

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент ислом университети Ўқув-методик кенгашининг 2010 йил 20 декабрдаги ва Илмий кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги мажлисида муҳокама этилди ва нашрга тавсия қилинди (2-сонли мажлис баённомаси)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишларий бўйича қўмитанинг 2011 йил 26 апрелдаги
830-рақамили тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-390-18-8

© “Тошкент ислом университети”
нашиёр-матбаа бирлашмаси, 2011.
© А. Ф. Абдулаев, 2011.

Мундарижа

Кириш	5
1-боб. Қуръоншуносликнинг исломшунослик фанлари тизимида тутган ўрни.	8
1.1. Қуръон илмларининг ўрганилиши	8
1.2. Европада Қуръоннинг ўрганилиши ва таржималари	16
1.3. Россияда қуръоншуносликнинг шакланиши.....	22
2-боб. Қуръон тарихи ва Усмон мусҳафи хусусиятлари.	30
2.1. Қуръон тарихи.....	30
2.2. Усмон мусҳафи ва унинг хусусиятлари	39
2.3. Қуръоннинг босма нащлари	46
3-боб. Қуръоннинг таркибий тузилиши. Маккий ва маданий суралар	50
3.1. Қуръон сура ва ояллари.	50
3.2. Маккий ва маданий суралар, ояллар	57
4-боб. Етти ҳарф (лаҳж) ва етти қироат тушунчаси....	64
4.1. Қуръоннинг етти лаҳжада нозил бўлганлиги ҳақидаги ҳадислар таҳдили.....	64
4.2. Қуръон лаҳжалари бўйича қарашлар таҳдили.....	66
4.3. Қироат тушунчаси.....	74
4.4. Етти мутавотир қироат.	77
4.5. Қироат турларининг миңтақалар бўйича тарқалиши	81
5-боб. Қуръон илмлари, мавзулари	89
5.1. Сабабун нузул ва муносабат илмлари.....	89
5.2. “Носих ва мансух” ҳамда “ом ва хос” илмлари.....	94
5.3. “Муҳкам ва муташобиҳ” ва “муқаттаға ҳарфлар” илмлари.....	99

5.4. Қуръон мавзулари.....	103
5.5. Қуръонда ахлоқий тарбия масалалари ва диний таассубга муносабат	114
6-боб. Тафсир илми ва Мовароуннаҳр муфассирлари	120
6.1. Тафсир ва таъвил.	120
6.2. Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобийлар даврида тафсир. Дастлабки тафсир мактаблари.....	124
6.3. VIII–IX асрларда Мовароуннаҳрда тафсир илми....	133
6.4. X асрда Мовароуннаҳрда тафсир илмининг тараққиёти.....	139
6.5. XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда тафсир илми.	143
Хулоса.....	147
Иловалар.....	148
Фойдаланилган манба ва адабиётлар:	158
Глоссарий.....	160

КИРИШ

Биз ҳам фарзандларимизнй она Ватанга мұхаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мағкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшлиаримиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан барабар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишисин.

И. Каримов

Ушбу ўқув қўлланма “Қуръоншунослик” фанига оид бўлиб, “Қуръоннинг жамланиши”, “Қуръон илмлари”, “Қуръон мавзулари”, “Тафсир илми” каби мухим мавзулардан иборат.

Қуръоншунослик фанининг мақсади Қуръон тарихи, Қуръон илмлари, тафсир илми ва у билан боғлиқ билимларни холислик, тарихийлик, илмийлик асосида ёритиб беришдир. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

- Қуръоннинг тарихи, жамланиш босқичларига оид ривоятлар ва тадқиқотларни таҳлилий ўрганиш;
- мусулмон халқлар орасида Қуръон, қироатларнинг тутган ўрнини аниқлаш;
- ✓ – Қуръон илмлари яхлит тарзда ўрганилган асарлар, уларнинг муаллифларининг ҳаёти ва фаолиятини билиш;
- Қуръон оятлари маъноларини тўғри талқин этиш ва жамият маънавий тараққиёти учун улардан тўғри фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бериш;

– турли адашган гурухларнинг Куръон оятларини нотўгри талқин этиш ҳолатларини олдини олиш, диний таассубга қарши моҳиятини очиб бериш.

Куръон ва унинг тафсирлари Марказий Осиё ҳалқлари ижтимоий-маънавий, ахлоқий-маданий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутиб келади. Миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, унга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялаш ҳам ушбу фаннинг асосий вазифаларидан саналади.

/ Юртимиизда қадимдан турли дин ва конфессия вакиллари-нинг ўзаро тотувлик, бағрикенглик асосидаги мулоқотини давом эттириш ҳамда динлараро низоларнинг олдини олишда ҳам мазкур фан аҳамиятга эга. Куръоншунослик фанини билиш талабаларда Куръон ҳақида холис илмий хулоса чиқара олиш, динийлик ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қилиш каби дунёқарашни шакллантиради.

Куръоншунослик фанини ўқитишда қуидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсаддага мувофиқ:

– Куръоншуносликдан маъруза, амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш жараёнида фақат ўқув қўлланма, рисолаларда муайян мавзуга оид келтирилган гоя, фикр-мулоҳазалар билан чегараланмасдан, балки ғарб ва араб-мусулмон тадқиқотчиларининг бу борадаги ишлари, шунингдек, Куръон тафсирига оид асарлар матнларидан фойдаланиш;

✓ – талабаларда Куръон, унинг маънолари ҳақида тўғри дунёқарашни шакллантириш, олган билимлари асосида воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли равишда холисона фикрлай олиш кўнкимасини пайдо қилиш;

– таълим бериш жараёнида фанга чуқур илмийлик, тарихийлик, холислик билан ёндашиш;

✓ – талабаларнинг диний онг даражасини ҳисобга олиш, уларнинг диний ҳис-туйғуларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, атеистик қарашлар ёхуд динга таассубона ёндашувларнинг заарли моҳиятини асосли очиб бериш;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзбек халқининг маънавий мероси, дини, шу жумладан ислом дини қадриятлари, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалари, таъриф ва тавсифларини Куръоншунослик фанини ўрганишда дастуруламал, назарий асос қилиб олиш.

Куръоншунослик фанини ўқитишда техник воситалар, фан бўйича слайд, харита, схема ва бошқалардан фойдаланиш, шунингдек, аудио, видео, компьютер воситалари ёрдамида Куръон, унинг қироатлар бўйича ўқилиши, тарихи, муфассирларнинг йўналишлари ва услублари ҳақидаги ўқув фильмларини намойиш этган ҳолда самарали ташкил этиш кўзда тутилган.

1-БОБ. ҚУРЬОНШУНОСЛИКНИНГ ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТТАН ЎРНИ.

1.1. Қуръон илмларининг ўрганилиши

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръон илмларининг шаклланиш тарихи, олимларнинг бу борадаги асарлари, ривожланиш босқичлари, ҳозирги давр араб-мусулмон олимларининг қуръоншунослик ва Қуръон илмларига доир тадқиқотлари ҳақида билим ва тасаввурни ҳосил қилиши.

Таянч иборалар: Қуръон илмлари, Қуръоншунослик, мусҳаф, расмұл-мусҳаф, мажоз үл-Қуръон, иъжозул-Қуръон.

Қуръоншунослик фани ўрта асрларда юзага келган Қуръон илмлари фанини қамраб олади ҳамда унинг замонавий күриниши. Қуръоншунослик фани Қуръоннинг тарихий тараққиётини ўрганиш, унинг асосини аниқлашда мұхим ўрин тутади.

Қуръон илмлари доирасига Қуръон лаҗжалари, қироатлари, сабабун-нузул (оятнинг нозил бўлиш сабаблари), муносабат (сурә ва оятларнинг бир бирига боғлиқлиги), носих ва мансух (оят ҳукмининг бошқа оят билан бекор қилиниши), мұжкам ва муташобиҳ (бир йўналишда мазмун берувчи ва икки ёки ундан ортиқ йўналишдаги мазмунларни касб этувчи оятлар), маккий ва маданийлик каби илмлар киради. Ушбу илмларнинг асослари Мұхаммад (с.а.в.) даврларида юзага келган.

1.1. Куръон илмларининг ўрганилиши

✓ Куръон илмлари Куръон маъноларини тушуниш ва талқин этиш учун босқичма-босқич тараққий этган. Куръон араб тилида нозил бўлгани учун уни саҳобийлар умумий мазмунда тушунгандар, тушунишда қийинчилик сезган ўринлари ҳам бўлган. Саҳобийлар Куръонни жамлаш ишини бошлаганларида “расмул-мусхаб” илми юзага келган. Мазкур илм Куръон айрим сўзлар ёзилиши ва ўқидишида бир-биридан фарқ қилишини ўрганувчи илмдир. Ушбу илм араб ёзуви ва ҳаракатлар қўйилиши, қоидалар тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда ривожланди. Шу билан бирга илгаридан мавжуд бўлган сабабун-нузул, маккий ва маданийлик, носих ва мансух, гарибул-Куръон илмлари ҳамда тафсирга эътибор кучайиб, улар илм сифатида бир-биридан ажрала бошлади. Ушбу илмлар ҳадислар таркибида алоҳида бўлимлар сифатида қайд этиб борилган.

Бу араблардан бошқа халқларнинг исломга киришлари ва исломга оид билимларни эгаллашлари аносида шаклланган.

Олимлар Куръон тафсирига оид асарлар битганлар ҳамда бу саъй-ҳаракат тафсирнинг Куръон илмларидан алоҳида мустақил илм сифатида ажралиб чиқишига омил бўлди. Шунга кўра, Куръон илмлари алоҳида-алоҳида ўрганилган асарлар илк ислом даврида вужудга келган. Ушбу ишлар II/VIII асрдан бошланган бўлиб, Язид ибн Ҳорун (ваф. 117/735), Шуъба ибн Ҳажоқож (ваф. 160/776), Вакиъ ибн Жарроҳ (ваф. 197/812), Муқотил ибн Сулаймон (ваф. 150/767) дастлабки Куръон илмлари доирасидаги тафсир бўйича асар муаллифлари бўлдилар.

✓ III/IX асрда Абу УбайдА Муаммар ал-Мусанно (ваф. 209/824) “Мажозул-Куръон” асари билан ушбу ном остидаги илмни алоҳида илм сифатида қайд этилишига асос солган. Абу Убайд Қосим ибн Салом (ваф. 224/839) носих ва мансух ҳамда қироат илмларига бағишланган икки асарни яратиб, бу илмларни алоҳида ажралишида муҳим ҳисса қўшган. Имом Бухорийнинг устозларидан бири Али ибн Мадиний

(ваф. 234/848) сабабун-нузул илми бўйича асар яратиб, бу ном остида йўналиш шаклланишига хизмат қилган. Шу билан бирга, Ҳорис ибн Асад Муҳосибий (ваф. 243/857) Куръоннинг айрим илмларига багишлиланган “Фаҳмул-Куръон” асарини, Ибн Қутайба (ваф. 276/889) “Мушкул-Куръон” асарларини ёзганлар.

IV/X асрда Муҳаммад ибн Халаф ибн Марзабон (ваф. 309/921) “Ҳовий фи улумил-Куръон” асарини яратгани ҳақидаги маълумотларга кўра, у биринчи бўлиб “Куръон илмлари” атамасини ишлатганини тасдиқлаш мумкин. Чунки бу даврга қадар ушбу атама истифодага кирмаган эди.

Шунингдек, бу даврда Муҳаммад ибн Жарир Табарий тафсирга бағишлиланган “Жомеъ ал-бәён фи улумил-Куръон”, Муҳаммад ибн Қосим Анборий (ваф. 328/939) Куръон илмларига бағишлиланган асарларини ёзганлар. Шу билан бирга, юртимиизда Имом Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) тафсирга бағишлиланган “Таъвилот аҳлис-сунна” (“Таъвилотул-Куръон”) асарини, Абу Лайс Самарқандий (ваф. 375/985) “Тафсир” асарини яратганлар. Айниқса, Абу Лайс Самарқандийнинг асари Куръон илмларига кенг эътибор қаратилгани билан ажралиб туради. Унда носих ва мансуж, сабабун-нузул, қироатлар, маккий ва маданийлик, муҳкам ва муташобиҳ ҳақида кенг сўз юритилган. Шунга кўра ушбу асарни ҳам шу даврдаги Куръон илмлари жамланган асарлар сирасига киритиш мумкин. ✓

Қироатлар бўйича Ибн Мужоҳиднинг (ваф. 324/935) қироатлар таҳтилига оид “Сабъ фил-қирот” асарида илк бора етти мутавотир қироат турларини ажратиб, ишончлилиги борасида изланиш олиб борилди. У ўз даврида ислом оламида истеъмолда бўлган қироатларни таҳлил этиб, аниқликлар киритган. Унинг қироатларни еттита мутавотирини ажратиб, қолганларини машҳур ва шоззларга бўлиб бериши, қироат илми олимлари учун асос вазифаси чиҳ ўтаб келмоқда.

Бу даврда яна / Абу Бакр Сижистонийнинг (ваф. 330/944) Куръондаги тушуниш мушкул бўлган сўзларга багишланган “Фарибул-Куръон”, Абу Бакр Боқлонийнинг (ваф. 403/1012) Куръон услубидаги инсонларни ожиз қолдирадиган жиҳатларига багишланган “Иъжозул-Куръон”, Ибн Ҳабиб Найсабурийнинг (ваф. 406/1015) “Танбиҳ ала фазлумил-Куръон”, Али ибн Иброҳим Саъид Ҳавфийнинг (ваф. 430/1039) “Иъробул-Куръон” асарлари алоҳида соҳалар бўйича дастлабки қадам бўлди. Ҳавфийнинг яна “Бурҳон фи улумил-Куръон” асари бизгача етиб келган. ✓

Али ибн Иброҳим ибн Саъид Ҳавфий “Бурҳон фи улумил-Куръон” асарининг номи илгариги асрда кашф этилган атаманинг мақбул бўлганини кўрсатади. Мазкур асар тафсирга багишланган бўлиб, 30 жилдан иборат, Миср Араб Республикаси фондларида айримлари сақланмоқда, Куръон илмларини ҳар бир сурага берган тафсири давомида келтириб борган. Бу услугуб шу даврга хос хусусият бўлиб, у Куръон илмларига таъриф бериш асосида назарий жиҳатдан эмас, балки шарҳлаш давомида амалий, татбиқий жиҳатдан қайд этилгани билан ажратлиб туради. Яъни у Куръон илмларини мавзулар остида жамлаб Куръоннинг турли ўринларидан келтирган ҳолда мисоллар билан қувватлантириб, турларга ажратмаган. Балки, у тафсир ёзишга ихтисослашган бўлиб, муносиб ўринларда Куръон илмларини қайд этган. Заркашӣ унинг мазкур асаридан фойдаланган ҳолда қисқача тарзда Куръон илмларини баён этган.

Ундан кейин эса, Ибнул Жавзий (ваф. 597/1200) томонидан “Фунунул афнон фи уюн улумил-Куръон” ҳамда “Мужтабо фи улумил-Куръон” асарлари яратилган. Ушбу асар Ҳасан Зиёуддин Атар томонидан напротив тайёрланиб, 1987 йилда Байрутда чоп этилган.

VII/XIII асрда Али ибн Муҳаммад Саховийнинг (ваф. 643/1245) “Жамолул-Курро”, Абу Шома Абдураҳмон ибн Исмоил ибн Иброҳимнинг (ваф. 665/1266) “Муршид ал-

важиз ила улум татаъаллақ бил-Китобил-азиз”, Иzz ибн Абдуссаломнинг (ваф. 660/1262) “Мажозул-Куръон” асарлари таълиф этилди. Ушбу асарлар ҳам Куръон имлари қисман ўрганилган асарлардир.

VIII/XIV асрда Ибн Қаййим (ваф. 751/1350) “Ақсомул-Куръон” номли Куръондаги қасамларга бағишиланган асарини ёзган бўлса, бу даврда Куръон илмларига яхлит тарзда эътибор қаратилган ҳамда янада мукаммал асарлар яратилиши бошланди. Бадруддин Заркаший (ваф. 794/1391) “Бурҳон фи улумил-Куръон” асарида 34 илмни келтирган бўлиб, Куръон илмларига оид фанларни келтирмаган. Мазкур охирги асар Куръон илмлари яхлит тарзда, турларга бўлиниб, алоҳида мавзулар остида ўрганилган дастлабки асардир. Унда таъриф ва мисоллар билан бойитилган ҳолда назарий жиҳатдан ёндашилган. Унда ўз давригача яратилган асарлардан истифода этилган, улардан қисқартириб олинган фикрлар ҳам келтирилган. Шу билан бирга, ўз таҳлилий қарашлари асосида фикрларини баён этган. Ушбу асар Муҳаммад Абул-Фазл томонидан тадқиқ этилиб нашрга тайёрланган.

IX/XVI асрда Жалолиддин Балқиний (ваф. 824/1421) “Мавоқиъ ал-улум мин мавоқиъин-нужум”, Муҳаммад ибн Сулаймон Кофиёжий (ваф. 879/1474) “Тайсир фи қавоид ат-тафсир” асарлари билан Куръон илмларига доир айрим илмларни ўз қарашлари билан янада бойитдилар.

Юқоридаги асарларда мавзулар чегараланган бўлиб, фақат айрим илмлар ёки бир илмни ўрганишга қаратилган, ёки барча Куръон илмлари ҳам қамраб олинмаган.

Ушбу давр намояндаларидан Жалолиддин Суютий (ваф. 911/1505) “Итқон фи улумил-Куръон” номли қомусий асарини яратди. Суютий ўз давригача бўлган Куръон илмларига бағишиланган асарлардан истифода этган ҳолда, мазкур илмлар таърифларини бир жойга жамлаб 80 номдаги Куръон илмларини зикр этиб, уларга таъриф берган.

Суютий Қуръон илмларини яхлит, мукаммал қамраб олиш масаласига якун ясади. Чунки ундан кейин алоҳида ажралиб турадиган асар битилгани ҳақида маълумот мавжуд эмас. Ҳозирда ушбу асар кўпчилик араб мамлакатларида Қуръон илмлари фанларида асосий қўлланма бўлиб келмоқда.

XIV/XIX асрга келиб, гарбда Қуръон, у билан боғлиқ мавзуу ва илмларнинг ўрганилиши билан янги босқич юзага келди. Ушбу тадқиқотлар араб-мусулмон тадқиқотчиларининг Қуръон ва унинг илмларига юзага келган муаммолар ва саволлар асосида янгича ёндашувларини талаб этди. Мазкур икки тарафнинг Қуръон атрофидағи изланишлари унинг янада кенгроқ ўрганилишида омил бўлди.

Ҳозирги вақтда Мұҳаммад ибн Саломанинг “Манҳажул Фурқон фи улумил-Қуръон”, Манноъ Қаттоннинг “Мабоҳис фи улумил-Қуръон”, Мұҳаммад Али Собунийнинг “Тибён фи улумил-Қуръон” ҳамда Мұҳаммад Абдулазим Зарқонийнинг “Маноҳилул Ирфон фи улумил-Қуръон”, Мұҳаммад Бакр Исмоилнинг “Диросот фи улумил-Қуръон”, Иброҳим Абёрийнинг “Мавсуъатул-Қуръония” асарлари ҳозирги даврда соҳа бўйича мұҳим тадқиқот бўлиб турибди.

✓ Айтиб ўтиш лозимки, XIX асрдан қуръоншунослик борасида гарб тадқиқотлари ҳамда уларнинг Қуръонга нисбатан танқидий ёндашувлари кейинги даврда мусулмон шарқи олимларининг уларга нисбатан раддия беришларига сабаб бўлиб, бу борадаги тадқиқотларга янги мавзулар кириб келишига замин яратди.

Гарб қуръоншунослиги тадқиқотлари араб-мусулмон олимларининг Қуръонга доир масалаларга янги қараш ва фикрлари билан ойдинлик киритишларига турткни бўлди. Чунки гарб шарқшунослари Қуръонга доир илмий қарашлари билан бирга танқидий қарашлари бўлганлигидан мусулмон олимлари ва оммаси томонидан тўлиқ тарзда қабул қилинмади. Балки улар танқидий қарашларга раддия бериш, мушкул ўринларга изоҳлар беришга ҳаракат қила бошлидилар. Лекин

замонавий араб-мусулмон қуръоншунослиги фақат гарб қуръоншунослигига раддия бериш билангина чекланмайди. Балки, вужудга келган муаммо ва саволларга замона талабларидан келиб чиққан ҳолда жавоб берувчи изланишлар олиб боришга ҳам ҳаракат қилинади. Мұхаммад ибн Саломанинг “Манҗажул Фурқон фи улумил-Куръон”, Манноъ Қаттоннинг “Мабоҳис фи улумил-Куръон”, Мұхаммад Али Собунийнинг “Тибён фи улумил-Куръон” ҳамда Мұхаммад Абдулазим Зарқонийнинг “Маноҳилул Ирфон фи улумил-Куръон”, Мұхаммад Бақр Исмоилнинг “Диросот фи улумил-Куръон”, Иброҳим Ибёрийнинг “Мавсұъат ал-Куръония” асарлари ҳозирги даврда соҳа бўйича мұхим тадқиқот бўлиб турибди.

Иброҳим Абёрийнинг “Мавсұъатул-Куръон”асари 1984 йилда Қохирада нашрэтилган. Китоб 11 жилдли бўлиб, умумий 14 бобда келтирилган. Улар Мұхаммад (с.а.в.) ҳаётлари, Куръон тарихи, Куръон илмлари, Эъжозул-Куръон, Носих ва мансух, Куръонмавзулари, Маккий ва маданий оятлар, Куръон эъроби, Қироат ва қорилар, Куръон қироатлари, Ғарибул-Куръон, Тафсир ва муфассирлар, Куръон тафсири бобларидир. Куръон илмлари бобида анъанавий тарзда илгариги бу борадаги асарлар йўналишида илмлар санаб ўтилган. Унда 73та илмга таъриф берилган. Шунга кўра, айрим мавзулар Куръон илмлари доирасида ўрганилиб, кейин алоҳида мавзуга ҳам чиқарилган. Яъни, айрим мұхим Куръон илмлари – носих ва мансух, қироат, маккий ва маданийлик каби илмлар кенгроқ баён этилган. Сўнгги боб кенг бўлиб, унда 114 сурага оятма-оят шарҳ берилган. Шунга кўра охирги боб алоҳида асар ҳисобланиши мумкин ва унга 9–11 жиллар бағишлиланган. Муаллиф Куръонга шарҳ беришда ўзига хос услуг баштаги, тафсир асарларида берилган шарҳларни таҳлил этади.

Ушбу тадқиқот ҳозирги давр тадқиқотлари орасида кенгқамровлилиги билан ажralиб туради.

Мұҳаммад Бакр Исломнинг “Диросот фи улумил-Қуръон” тадқиқоти ўзига хос услугда амалга оширилган. Муаллиф унда Қуръон илмларини 30 та мавзу остида ўрганади. У аввал Қуръон илмлари маъноси, Қуръон илмларининг шаклланиши ва тараққиёти мавзуларини ёритиб беради. Китобнинг охири “Эъжозул-Қуръон” мавзуси билан тугалланади. Унда муаллиф Қуръон илмларини танлаб олган ҳолда ўрганган бўлиб, асосийларига тўхталган. 27 та Қуръон илмлари таърифланган ҳамда ундаги “Қуръон услуги хусусиятлари” мавзуси бошқа қадимги ва замонавий тақиқотларда алоҳида мавзу остида ўрганилмаган. “Таъбир этишдаги гўзаллик”, “Тасвирлашдаги нозиклик”, “Таъсир қуввати” кабилар алоҳида аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан ушбу тадқиқот янги мавзуларни кўтариб чиққанлиги билан ажralиб туради.

Манноъ Қаттоннинг “Мабоҳис фи улумил-Қуръон” тадқиқоти замонавий қуръоншуносликда алоҳида ўрин тутиб келмоқда. Ушбу асар ўзига хос тартибда тузилган бўлиб, ҳозирга қадар исломшунослар томонидан мұҳим тадқиқот сифатида фойдаланилади. Китоб 29 мавзудан иборат бўлиб, унда 20 дан ортиқ Қуръон илмлари таърифланади. Унда Қуръон қиссалари алоҳида мавзуда ўрганилгани уни бошқа бу йўналишдаги асарлардан ажратиб туради. Тадқиқот “Қуръон” мавзуси билан бошланиб, “Баъзи машҳур муфассирлар таржимаи ҳоллари” мавзуси билан тугалланади.

Мұҳаммад Абдулазим Зарқонийнинг (ваф. 1947) “Маноҳил ирфон фи улумил-Қуръон” асари ҳам ҳозирги даврдаги мурожаат этиладиган тадқиқотлардан саналади. Китоб 17 мавзудан иборат бўлиб, “Қуръон илмларининг маъноси” мавзуси билан бошланиб, “Эъжозул-Қуръон” мавзуси билан тугалланади. Унда 10 дан ортиқ илмлар келтирилган. Эътиборли жиҳати, унда Қуръон услугига алоҳида мавзу бағишланган. Бу борада дастлабки Қуръон илмларига оид асарларда аҳамият қаратилмаган.

Демак, замонавий қуръоншунослик тадқиқотларида Куръон илмлари илгариги асарларидаги каби эмас, балки бошқача таркибларга бўлинган ҳолда ўрганилиши янги мавзуларнинг киритилиши билан фарқланмоқда.

“Куръон тарихи” номи остида эълон қилинган ишлар орасида Мұхаммад Тоҳир Курдийнинг тадқиқоти аҳамиятга молик. У асосан Усмон мусҳафи хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қиласи. Ушбу мусҳаф ёзувининг такомиллашувига оид қарашларини ҳам баён этган. Шу билан бирга бошқа мусҳафлар масаласига ҳам тўхтатган.

Юқоридаги тадқиқотларда замонавий муаммолардан бўлмиш Куръоннинг бошқа тилларга таржима қилиш масаласи ва қўйиладиган шартлар борасида фикр ва қарашлар ўрин олган.

Шу билан бирга, гарб қуръоншуносларининг фикр ва ёндашувларига раддия бериш ҳам тадқиқотларда ўрин олмоқда. Гарб шарқшуносларининг Куръонга доир барча танқидий қарашларига жамланган ҳолда раддия берилган тадқиқот ҳозирга қадар амалга оширилмаган бўлса-да, лекин бир нечта йўналишлар бўйича раддиялар берилган ишлар эълон қилинган. Бу кўпроқ қироатлар мавзусига доир қарашлар бўйича раддияларни қамраб олади.

1.2. Европада Куръоннинг ўрганилиши ва таржималари

Куръоннинг Европа тилларига таржималари борасида олиб борилган тадқиқотларга кўра, энг дастлабки таржима лотин тилига қилинган бўлиб, Петр Достопочтений (1092-1156) буйругига кўра, 1143 йилда Петр Толедский, Петр Пуатье кабилар томонидан ёзиб тугатилган. Бу таржима ўз даври имконият ва талабларига кўра, асосан ислом динига танқидий ёндашув асосида амалга оширилгани тадқиқотларда зикр этилган. Чунки у даврда Гарб дунёси мусулмонларга нисбатан ҳам адоват, ҳам ҳавас билан қараган эди. Ушбу таржима Европада Куръонни ўрганиш бўйича

1.2. Европада Куръоннинг ўрганилиши ва таржималари

дастлабки қадам бўлди. Бу иш кейинги тадқиқотларга туртки бўлиб, Куръонни ўрганиш жадал суратларда тараққий этди, деб бўлмайди. Фақат XVI асрдан бу борада янги ишлар юзага кела бошлади.

1530 йилда Венецияда Куръон чоп этилди. Бу даврда китоб чоп этиш ихтиро қилинган, усмонли туркларнинг гарбга юришлари муваффақиятли кечётган эди. Балда 1543 йил Библиандр Роберт Кеттонский томонидан амалга оширилган Куръоннинг лотин тилига таржимаси нашр этилди. XVII асрда ислом динига қизиқиш янада ортди. 1649 йил Александр Росс томонидан Куръон биринчи бор инглиз тилига таржима қилинди. Ушбу таржиманинг камчилиги унинг араб тилидан эмас, балки француз тилидан таржима қилинганидадир. 1698 йилда италиялик Людовик Мараччи томонидан Куръоннинг араб тилидаги нашри, 1734 йилда Лондонда Жорж Сейл тарафидан Куръоннинг янги инглиз тилидаги таржимаси чоп этилди. Унга муаллиф таржима билан бирга изоҳлар ҳам берган, бунда асосан Байзовийнинг шарҳига кўпроқ таянган.

XIX асрда, 1834 йил Густав Флюгель томонидан тайёрланган Куръоннинг араб тилидаги нашри гарб қуръоншунослигида мурожаат этиладиган манбалардан бўлди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу даврга қадар Куръонни ўрганиш асосан унинг нашри ва таржимасига эътибор қаратиш юзасидан амалга оширилди.

1843 йил “Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) нинг ҳаёти ва фаолияти” га доир китоб ҳамда “Куръонга тарихий-танқидий муқаддима” номли Густав Вайлнинг тадқиқоти эълон қилинди. Ушбу иш Европада қуръоншунослик соҳаси бўйича бу даврга қадар амалга оширилганлари орасида салмоқлироқ бўлди. Унинг шогирдларидан Алойс Шпренгер ва Уильям Мюир ўз устозларидан фарқли равишда Мухаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳаётини ёритишида ишонилар. Манбаларга асосан Шпренгерни учун уларнинг тадқиқотлари мукаммалроқ кўринишга эга бўлди. Шпренгернинг пайғамбар қасиғати ташаккути

Toshkent Islam universiteti
Axborot resursa markazi

Inv. № 18153

20 Yuz "

тадқиқоти 1851 йил Ҳиндистоннинг Аллоҳобод шаҳрида, сўнг 1861–1865 йилларда З жилдлик “Мұҳаммаднинг ҳаёти ва таълимоти” номли асари немис тилида нашр этилди. Ушбу асарнинг кириш қисми қуръоншуносликка бағишиланган бўлиб, унда маккий ва маданий суралар, Қуръоннинг жамланиши борасида сўз юритилган.

Юқоридагилардан ғарб шарқшунослари мусулмонлар қўлларидаги ишончли манбаларга мурожаат этмаганлари, балки турли асарлардан ишончли ва ишончсиз маълумотларни ишлатиш ва илмий муомалада таҳлилсиз фойдаланиш услуби қўлланилгани намоён бўлади. Бу тадқиқотлар асосан Қуръонга танқидий ёндашув кўпроқ устун бўлган даврда юзага келган бўлиб, шунга кўра ислом дини, унинг манбалари, Пайғамбар тарихини ўрганиш анча бошлиғич босқичда турган дейиш мумкин. Ушбу услугуб ҳозирда ҳам ғарб шарқшунослигига бутунлай йўқ бўлиб кетган деб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирга қадар ғарб шарқшунослари мусулмон олим ва тадқиқотчилари томонидан танқидга учраб келадилар. Чунки мусулмон уламолари наздида кўпчилик ишончсиз ривоятларга асосланган маълумотлар, ровийлар ишончлилигини аниқлаш анча аввал – ўрта асрларга қадар амалга ошириб бўлинган мавзудир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган изланишлар қамровини кенгайтириш мақсадида 1857 йил Париж Ёзма ёдгорликлар ва бадиий адабиётлар академияси Қуръонни тадқиқ этишга бағишиланган танлов эълон қилди. Бу ҳаракат қуръоншунослик соҳасини янги поғонага олиб чиқди. Танлов иштирокчиларига қуйидаги вазифа қўйилган эди: “Қуръон қисмларининг бошлиғич кўриниши, тартиби ҳамда қай йўсинда амалга оширилгани, Мұҳаммад пайғамбарнинг ҳаётига оид Қуръонда зикр этилган ўринлар, буни ёритишда араб тарихчилари ва муфассирлари асарларидан фойдаланиш, Қуръоннинг энг дастлабки даврда талафуз қилинишидан, то унинг ҳозирги кундаги ҳолатигача бўлган даврдаги

ўзгаришларини ўрганиш, қадимги нусхаларни ўрганиш, бунда уларнинг турли қироатларда ўқилишини аниқлаш".

Ушбу танловда Алойс Шпренгер, италиялик Мишель Амари ҳамда Теодор Нёльдекелар иштирок этдилар. Нёльдеке 1856 йилда Куръоннинг келиб чиқиши борасида тадқиқотини нашр этган эди. Ушбу танловда айнан уғолиб чиқди. 1860 йилда академия маблаги ҳисобидан "Куръон тарихи" номли кейинги давр тадқиқотлари учун асос бўлган асарини нашр этди.

Лекин ушбу тадқиқот ҳам илгаригидек ишончли ривоятларни ажратиш асосида амалга оширилмаган бўлиб, мусулмон олимлари томонидан танқидга учраб келмоқда.

Т. Нёльдеке 1898 йили ушбу ишнинг иккинчи нашрини тайёрлашни Фридрих Шваллига топширади. Куръоннинг келиб чиқишига бағишлиланган қисми 1909 йилда Лейпцигда нашр этилди. Куръоннинг тузилишига бағишлиланган иккинчи қисми 1919 йилда чоп этилди. Швалли шу йил вафот этгандан сўнг, учинчи Куръон матнлари тарихига бағишлиланган қисми Г. Бергштрассер томонидан ишлана бошланди. Учинчи китобнинг учдан икки қисми 1926 ва 1929 йилларда чоп этилди. У ҳам вафот этганидан кейин китобнинг қолган қисми устида ишлаш энди Отто Претцлга ўтди. Шу тарзда Т. Нёльдеке тадқиқотининг қайта ишланиши узоқ даврни ўз ичига олиб, асосий тўрт шарқшунос олимнинг бу борада қунт билан ишлashingа тўгри келди. Китоб биринчи нашридан 68 йил кейин, қайта ишланиши бошлангандан 40 йил кейин тутатилди. Албатта бу давр мобайнида тадқиқот бойитилди. Бу эса ўз навбатида унинг илмий қадри ортишига замин яратди.

Т. Нёльдеке қуръоншунослик борасида тадқиқотларини давом эттирган бўлиб, "Куръон тили ҳақида" номли тадқиқотини яратган. 1902 йили Хартвиг Хиршфельд "Куръоннинг тузилиши ва шарҳлари бўйича янги изланишлар" номли ишини нашр эттирди.

Яна эътиборга молик тадқиқотлардан Йозеф Хоровицнинг "Куръон тадқиқотлари" номли асари қуръоншунослиқда муҳим

аҳамият касб этди. Унда муаллиф Куръондаги қиссалар ва исмлар борасида изланиш олиб борган. Артур Жефферининг “Куръонда чет тили лексикаси” номли тадқиқотида бу борадаги изланишларнинг хulosаси берилган.

Шунингдек, Игнац Гольдциернинг “Ислом тағсири йўналишлари” номли тадқиқоти ҳозирга қадар ғарб шарқшунослари томонидан машҳур ва қимматли асар сифатида тан олинниб келинмоқда. У кўплаб масалаларга янгича қарашлари билан муносабат билдирган. Масалан, унинг фикрига кўра, “Куръон матнларини тузиш қисман шарҳлашни ўз ичига олган”.

ХХ асрда Ричард Белл, Режи Блашер ва Руди Парет каби олимлар Куръонни ўрганиш бўйича алоҳида аҳамиятга молик ишларни амалга ошириллар.

Р. Беллнинг тадқиқотлари маъruzалар тўплами сифатида 1926 йилда “Исломнинг христиан мұхитида пайдо бўлиши” номи остида нашр этилган. Шу каби Куръон таржимасига бағишлиланган асарига унинг тадқиқот натижалари киритилган. Унинг изланишлари тўлдиришлар билан “Куръоншуносликка кириш” тадқиқотида шогирди Уильм Монтгомери Уотт томонидан нашр этилган.

Р. Блашернинг “Куръон: сураларни классификациялаш тажрибасига кўра” деб номланган Куръон таржимасига бағишлиланган асарининг биринчи жилди фақат кириш қисмидан иборат бўлиб, қимматли тадқиқот сифатида юзага келди. Ушбу тадқиқот 1959 йил алоҳида нашр этилган. У Куръон матнларини жамлаш тарихи, қироат турлари, хат турлари ва шу каби масалаларга бағишлиланган.

Р. Паретнинг энг аввало “Мұхаммад ва Куръон” номли тадқиқоти ва “Куръон тарихий манба сифатида” мақоласини айтиб ўтиш лозим. Унинг томонидан тайёрланган Куръоннинг немис тилига таржимаси тўрт нашрда амалга оширилган.

Шубҳасиз, ҳозирги кундаги ғарб тадқиқотлари учун асос вазифасини 1860 йил нашр этилган Т. Нёльдекенинг

1.2. Европада Қуръоннинг ўрганилиши ва таржималари

“Қуръон тарихи” асари ўтаб келмоқда. Ушбу тадқиқот юқорида айтилганидек, бир неча авлод ғарб шарқшунослари томонидан тўлдирилиб, сайқал берилди ҳамда уч жилдда 1937 йилда мукаммал нашр сифатида мутахассисларга ҳавола этилди.

Тадқиқот адабий, тарихий тадқиқотлардан таркиб топган бўлиб, Қуръон матнлари тарихини ўрганиш, уларни инсоният тарихи хужжати сифатида тадқиқ этиш йўлини тутади. Биринчи жилд қўйидаги асосий мавзуларни ўз ичига олади: Муҳаммаднинг пайғамбарлик фаолияти ва ваҳий, Қуръон қисмларининг асоси (маккий ва маданий суралар, насл бўлган оятлар). Унда муаллиф томонидан Қуръонни анъанавий тарзда Макка ва Мадина даврларига бўлинган ҳолда ўрганилса-да, маккий суралар услубий ва мазмуний жиҳатдан таҳдил қилиниб яна уч даврга ажратилади. У Макка даврининг биринчи босқичи суралари қисқалиги, кўплаб қасам сўзлари ишлатилиши, пайғамбарлик мазмун-моҳияти ва бу билан мушрикларни қаноатлантиришга эътибори билан ажralиб туришини таъкидлайди. Иккинчи Макка даври сураларида вазъ ва огоҳлантириш услуги устун бўлгани, Аллоҳнинг ваъда ва таҳдидларининг рост эканлигини таъкидловчи маънолар юзага чиқади. Учинчи босқич эса, услугуб жиҳатидан олдингисидан кўп фарқ қилмаслиги, кофирларга нисбатан таҳдидларнинг кучайиши билан ажralиб туриши айтилади. Иккинчи жилд қўйидаги асосий мавзуларни ўрганади: Ваҳийнинг Муҳаммад даврида ёзиб борилиши, сураларга бўлиш, расмий бўлмаган Қуръонни жамлаган саҳобийлар, Қуръон нусхалари, Зайд ибн Собитнинг дастлабки жамлаши, Усмон мусҳафидан бошқа мусҳафлар, Халифа Усмон даврида мусҳафнинг шакланиши, Қуръоннинг муқаддас китоблар билан алоқаси, Муҳаммадийлик манбалари, Қуръоннинг шакланиши, сура ва оятлар бўйича замонавий христиан тадқиқотлари қўрсаткичи. Унда Зайд ибн Собитнинг Қуръонни биринчи жамлаши, сўнг Усмон мусҳафининг жамланиш тарихи ривоятлар асосида таҳдил этилади ҳамда Усмон мусҳафидан олдинги бошқа

мусҳафлар билан қиёсий таҳлил қилинади. Унинг шаклланиш тарихи ва тартиби ривоятлар асосида муфассал ўрганилади. Мусҳафнинг айрим ўринлардаги ўзгартиришлар мавжуд деб қабул қилинган ҳолда изланиш олиб борилади.

Учинчи жилд Куръон матни тарихи, муқаддима ва уч фаслдан иборат: биринчи фасл расм (Усмон мусҳафининг ёзилиш шакли), иккинчиси қироат, учинчи фасл Куръон қўлёзмалари, унда яна Куръоннинг қадимги қўлёзмалари намуналари бўлими келтирилган. Куръон матнлари борасида изланиш олиб борилади. Қироатлар ҳамда Усмон мусҳафи расми бошқа мусҳафларга кўра ўқим билан қиёсий таҳлил этилади. Қироат илми бўйича фаолият кўрсатган машҳур қорилар, қироат турлари ва хусусиятлари тадқиқ этилади ҳамда ўз давридаги Куръон қўлёзма нусхалари тўғрисида сўз юритиш билан ниҳояланади.

1.3. Россияда куръоншуносликнинг шаклланиши

✓ Россияда Куръоннинг ўрганилиши 1453 йили Усмонли туркларнинг Константинополь (Истамбул) шаҳрини босиб олгандан кейин бошланган. XVII асрларда Россияда ислом дини ва Куръон бўйича асосий манбалар юнон, лотин, поляк, немис, инглиз, француз ва бошқа гарб тилларига таржима қилинган асарларни ташкил қиласар эди. Ушбу асарларда асосан Куръон, умуман, ислом динига нисбатан танқидий қараш устун бўлган.

1552 йили Иван Грозний Қозон хонлигини бўйсундирагч, Россиянинг қўшни мусулмон давлатлари маданияти, урф одатлари, анъаналарини ўрганиши янги босқичга ўтди. XV-XVII асрларда Литвада Куръоннинг илк бор шарқий славян нусхаси ёки белорус тилидаги таржимаси вужудга келди. Таржима Литва княzlари хизматида бўлган бир гуруҳ татар зиёлилари томонидан амалга оширилган.

Пётр I даврига келиб, Россияда Куръонни илмий ўрганиш, таржима қилиш ва уни тарқатиш кенг қамровли тарзда

амалга оширилди. Бу соҳада у Голландия, Англия, Германия исломшунослик марказлари тажрибаларига таянди. Пётр I буйргуга биноан 1716 йили Петербургда Куръоннинг рус тилига қилинган илк таржимаси чоп этилади. Рус тилига дипломат ва шарқшунос Андре дю Рие (1580–1660) томонидан амалга оширилган таржимаси ва 1647 йил Парижда, Германияда 5 марта чоп этилган таржима асосида яратилди.

Куръон бўйича тўлиқроқ ахборотга эга бўлишни ҳоҳлаган Пётр I йирик давлат арбоби, олим, Германия Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Туркияда истиқомат қилиш натижасида ислом динини яхши тушунган, форс, араб, турк тилларини яхши эгаллаган исломшунос олим Дмитрий Кантемир (1673–1723) зиммасига Куръон мазмунининг батафсил баёнини ва Мұҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт йўлларини холис илмий ёритиб бериш вазифасини юклайди. **Лотин тилидан таржима қилинган Дмитрий Кантемирнинг “Мусулмонлар китоби ёҳуд Мұҳаммад динининг аҳволи” номли китоби 1722 йили Санкт-Петербургда чоп этилди.**

Шарқда, хусусан, мусулмон ўлкаларида Россия манфаатларининг ўсиши оқибатида маҳсус кўчма араб шрифтли босмахоналар ташкил этилди. XVIII аср ўрталарига келиб, Куръоннинг моҳиятини очиб берувчи ва илоҳий китоб эканлигини ёритувчи рус тилидаги асарлар, матбуот нашрларида ислом дини ва Куръон ҳақида гарб тилларидан таржима қилинган ҳамда асл нусхадан олинган маълумотлар, мақолалар сони кўпайиб борди.

Россия куръоншунослиги тарихида янги босқич Екатерина II ҳукмронлик қилган давр билан боғлиқdir. Россиянинг турклар билан бўлиб ўтган жангларида қўлга киритилган галабалар, Қрим хонлигининг қўшиб олиниши ва бошқа мусулмон ўлкалари босиб олинганидан сўнг янгича ёндашув зарурати пайдо бўлди. 1783 йили Қрим хонлиги қўшиб олингач, Россия ҳукумати мусулмонларнинг ҳақ-ҳукуқларини

ҳимоя қилиш бўйича йирик шаҳарлар, мусулмон ўлкаларида татар, форс, араб тилларини ўқитиш бўйича ўқув юртлари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Россия олий ўқув юртлари қошида “Исломшунослик” марказлари ташкил этилиб, Куръонни ўқиш ва унинг сураларини шарҳлаш бўйича ҳам дарслар киритилди. Натижада, XVIII–XIX асрларга келиб, Россияда исломга, Куръонга нисбатан илмий ёндашув шаклана бошлади. Бунда Қозон Руҳоний Академияси мусулмон устоз ва талабалари илмий ишлари салмоқли ўрин тутди.

✓ 1787 йилга келиб Россияда, Петербург шаҳрида Екатерина II буйруги билан биринчи бора Куръоннинг арабча, Петербург нусхаси босмадан чиқарилди. Екатерина II фикри билан айтганда бу ҳаракатлар “ислом динига кириш ёки уни тарғиб этиш эмас, балки, мусулмонларни бирлаштириб турадиган ва ўзига тортадиган Куръонга қўл солиб кўриш” эди. Куръоннинг юқоридаги арабча нусхаси мулло Усмон И smoil нусхаси асосида тайёрланиб, 1789–1798-йиллар мобайнида Петербургда 5 маротаба босмадан чиқди. 1802 йил император буйругига асосан Петербургдаги араб шрифтидаги мусулмон типографияси Қозонга ўтказилди. Европада хусусан, Россия мусулмон ўлкаларида бу нусха Қозон нусхаси номи билан машҳур бўлди.

XVIII аср охириларида М.И.Веревкин Куръоннинг Дю Гиен томонидан амалга оширилган французча таржимасидан рус тилига ўгириши Россияда фан ва адабиёт ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, А.С.Пушкин, П.Я.Чаадаев, Л.Н.Толстой, В.С.Соловьев, М.Л.Михайлов асарларида Куръон таъсири намоён бўлди. ✓

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Россияда Куръонни ўрганиш Германия, Франция, Англиядаги изланиш ва ёндашувлардан фарқ қила бошлади. Бу даврда Россия таркибига киритилган мусулмон ўлкаларининг мавжудлиги масалага ўзгартиришлар киритди. У ҳам бўлса, энди Россияда мусулмон халқлар билан бирмунча келишувгә киришиш ва шу орқали ўз таъсирини сақлаб туриш мақсад қилинган эди. Бу даврда энди танқидий

ёндашув билан бирга, илмий холислик асосида қараш пайдо бўла бошлаган эди.

✓ 1859 йилда, Қозон илоҳиёт академияси қошида очилган Шарқ тиллари кафедраси томонидан Қуръоннинг ҳукмий оятлари ҳақида хабар берувчи, ёки Қуръонда адабий, тарихий, ҳуқуқий диний соҳалар бўйича билдирилган оятларни шарҳлашга багишланган китоб, яъни “Конкорданс” асари нашр этилади. Бу китоб муаллифи Қозон Университетида биринчи Форс кафедрасига асос солган форсшунос олим Мирзо Муҳаммад Али-Ҳожи Қосим ўғли Казембек (1802–1870) бўлиб, унинг Россияда яратган бу иши Россия исломшунослигининг гарбча талқин ва қарашлардан узоқлашишига имкон яратди. ✓

1878 йили Қозон илоҳиёт академиясининг таниқли шарқшуноси, православ эътиқодининг тарғиботчisi Г.С. Саблуков томонидан Қуръон араб тилидан рус тилига ўтирилди. Таржима фақат “Татар исломшунослиги” тажрибасига таянгандигига қарамасдан, миссионерлик, танқидий фикрларга асосланганлиги ва кенгайиб бораётган Чор Россияси манфаатларини, христианликни тарғиб этганлиги учун халқ орасида кенг танилди ва қайта-қайта нашр этилди.

Таниқли рус шарқшунос олими А.Б.Холидовнинг фикрича, бу даврда Россиянинг 8 та энг иирик шаҳарларида араб шрифтига асосланган типографиялар ташкил этилган. Ушбу типографиялар кўмагида 1787 йилдан то 1917 йилга қадар 172 та Қуръон, 191 та Қуръоннинг еттидан бири (ҳафтияк), юздан ортиқ Қуръоннинг алоҳида сураларига багишланган тафсирларнинг нусхалари нашр этилган. ✓

1917 йилги инқилобдан кейин то 1935 йилларга қадар, Россияда ҳокимият тепасига келган Советлар ҳукумати бу борада Чор Россияси каби маълум маънода мусулмонлар билан келишиш йўлидан борган. Масалан, 1917 йили В.И.Ленин буйруғи билан 1869 йилда Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман томонидан Санкт-Петербург халқ кутубхонасига Самарқанддан олиб келинган Қуръоннинг

энг қадимий Усмон мусҳафини ўз диёрига қайтарилишини мисол қилиш мумкин. Шунингдек, инқилобдан кейин ҳам ижодий фаолият олиб борган В.В.Бартольд (1869–1930), Л.Е.Кримский (1871–1941), А.Ф. Шебунин (1867 йилда туғилган), И.Ю.Крачковский асарларида Россияядаги куръоншунунослик ривожига алоҳида бўлимлар ажратилган.

1921–1930-йиллар мобайнида И.Ю.Крачковский Куръоннинг навбатдаги русча таржимасини яратади. Академик И.Ю.Крачковский 1951 йил вафот этган бўлса-да, таржима 1963 йилда нашр этилди. Мазкур иш араб филологик, тилшунунослик нуқтаи назаридан ёритилганлиги учун илмийлик жиҳатдан барча русча Куръон таржималаридан, қолаверса, бир қатор ғарб таржималаридан ҳам устунликка эга.

80-йиллардан кейин СССР ўз алоқаларини Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ мусулмон давлатлари билан мустаҳкамлашга эътибор қаратса бошлади. Эронда содир этилган ислом инқилоби, Яқин Шарқда вужудга келган диний фанатизм, фундаментализм, вахҳобийлик ҳаракатларининг сиёсий тус олиши исломга нисбатан ёндашувга бирмунча ўзгартиришлар киритишни тақозо этди. Натижада, К.С.Кашталёва, П.А.Грязневич, М.Б.Пиоторовский, С.М.Прозоров, Е.Резванлар каби олимлар етишиб чиқиб, қуръоншунунослик бўйича рус исломшунуслигининг намояндалари бўлмиш В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Л.Е.Кримский йўлларини тутдилар. ✓
✓Л.И.Климович, В.А.Авксентьев, Р.Р.Мавмонтов, С.И.Жабборовлар эса, Куръонни атеистик нуқтаи назардан ўрганишга ҳаракат қилдилар. ✓

90-йиллардан кейин, СССРнинг парчаланиши оқибатида, Россия ва Марказий Осиё мусулмон ўлкаларига Эрон Ислом тарғибот маркази, Покистон, Саудия Арабистони, Туркия нашриётларида чоп этилган Куръоннинг янги арабий босмалари кириб кела бошлади. Натижада ҳозирга келиб, Собиқ Иттифоқ мусулмон ўлкаларида 1990-йилларигача кенг тарқатилган Куръоннинг Қозон, Тошкент, Кохира нашрлари

ўрнини ўқиши ва ёдлаш учун қулай бўлган янги нашрлар эгаллай бошлади.

✓ Хозирги пайтда Куръоннинг рус тилидаги таржималари кўп бўлишига қарамасдан, қуидаги таржималар асосий ўрин тутиб келмоқда:

1. Куръон таржимаси Дмитрий Николаевич Богуславский томонидан 1871 йилда қилинган бўлиб, араб тилидан рус тилига ўтирилган биринчи таржима деб тан олинди. Таржима кўпроқ бадиий услубда амалга оширилган, ўз даврида нашр этишга рухсат берилмаган бўлиб, 1995 йил Москвада нашрдан чиқди.

2. “Куръон” (мусулмонларнинг қонун китоби) – Гордий Семёнович Саблуков таржимаси 1878 йили Қозонда, кейинчалик 1896, 1907, 1990, 1991 йилларда нашр этилди.

Гордий Семёнович Саблуков (1804–1880) таржимаси асл арабча нусхадан рус тилига ўтирилган иккинчи йирик таржима деб тан олинди. Лекин олим таржимасига миссионерлик нуқтаи назаридан ёндашиши оқибатида, Куръон мөдиятини ёритишда кўпгина хатоларга йўл қўйган.

3. “Куръон” – Игнатий Юлианович Крачковский (1883–1951) таржимаси илк бор 1963 йилда Москвада, кейинчалик 1986, 1989, 1990, 1991, 1998-йилларда қайта-қайта нашрдан чиқсан. Таржима асл нусхадан рус тилига ўтирилган учинчи таржима бўлгани сабабли сўзма-сўз, маъноларига путур етказилмаган ҳолда қилинган. Таржимада Куръонга нисбатан билдирилган салбий фикрларни бартараф этиш, холисона ёндашув кўзга ташланади. И.Ю.Крачковский академик ва араб адабиёти, тарихи, маданияти, тилини пухта билувчи филолог ва шарқшунос олим эканлиги учун, унинг таржимаси илмий қиммат ва устунликка эга.

4. “Куръон” – Валерия Михайловна Порохова таржимаси 1991, 1995, 1997-йиллар китоб шаклида нашр этилган. Таржиманинг бошқа таржималардан фарқли томони, таржимон таржимага шеърий услугуб жиҳатидан

ёндашгандигидадир. В.М.Порохова яратган таржима биринчи рус муслима аёли яратган таржимадир. 1997 йил Қоҳирада “ал-Азҳар” университети қошидаги Халқаро Исломшунослик Академияси қуръоншунослари бу таржима тўла ислом руҳиятида ёзилғанлигини тан олдилар.

5. “Қуръон” – Мұхаммад Нури Усмонович Усмонов таржимаси (1924 йилда туғилган) 1995, 1999-йиллар Москвада нашр этилган. Олдинги таржималардан мусулмон олими ёзганлиги сабабли, ислом манбалари асосида яратилғанлиги, илмийлиги, ўтган тафсир соҳаси олимлари тажрибаларига таянилғанлиги билан ажралиб туради.

6. “Муқаддас Қуръон” номли таржима 5 йил давомида Эльмир Кулиев томонидан амалга оширилган бўлиб, 2002 йили Саудия Арабистонида, Мадина шаҳридаги Фаҳд Қуръон босмахонасида чоп этилган. Ушбу таржима ҳам мусулмон олими томонидан яратилгани сабабли ислом муфассирлари сўзлари ва нақлга асослангани билан ажралиб туради. Таржимон ушбу нашрни яратишда машҳур муфассирлардан Куртубий, Ибн Касир каби олимларнинг тафсирларига таяниши билан бирга Крачковский ва Усмоновларнинг Қуръоннинг рус тилига таржималаридан истифода этган.

Ҳозирда Россияда Қуръоншунослик борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларнинг орасида Қуръонга нисбатан танқидий ёндашуввлар ҳам холисона муносабатлар ҳам мавжуд. Қуръоннинг таржималари орасида мусулмон олимлари томонидан амалга оширилғанлари ҳам кенг тарқалаётганини кузатиш мумкин. /

Саволлар

1. Қуръон илмларига оид қандай асарларни биласиз?
2. Евropa қуръоншуносларидан кимларни биласиз?
3. Қуръоннинг рус тилидаги таржималарини сананг?
4. Қуръоннинг инглиз тилига таржималари ва муаллифлар ҳақида нималарни биласиз?
5. Ўзбекистонда Қуръон таржималари бўйича амалга оширилган ишлардан қайсиларни биласиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Суютийнинг "Итқон фи улумил-Куръон" асарида тутган услуби.
2. Р. Белл ва У.М.Уоттларнинг қуръоншунослик бўйича тадқиқотларининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Россияда Куръонни ўрганиш бўйича замонавий тадқиқотларнинг йўналишлари.

Кўшимча адабиётлар

1. Заркаший. *Бурҳон фи улумил-Куръон*. 4 жилдли. - Кохира: Мактаба Дорут туроғас, 2002.
2. Суютий. *Итқон фи улумил-Куръон*. 2 жилдли. - Кохира: Дорул ҳадис, 2004.
3. Белл Р., Уотт У. М. *Коранистика. Введение*. - Москва-Санкт Петербург: Диля, 2005. -205 б.
4. Климович Л.И. *Книга о Коране*. - Москва. Политиздат, 1988. - 284б.
5. Муҳаммад ибн Лутфий Саббоғ. *Ламаҳот фи улумил-Куръон ва иттижсоҳот ат-тафсир*. Байрут: Мактаб исломий, 1990. -357 б.
6. Муҳаммад Бакр Исмоил. *Диросот фи улумил-Куръон*. Shamelae-book. 2007.
7. Муҳаммад Тоҳир Курдий. *Тарихул Куръон*. Shamelae-book. 2007.
8. Нёльдеке Т. *Куръон тарихи*. / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж. Томар. -Байрут: 2004. -841 б.
9. Обидов Р. *Куръон ва тафсир илмлари*.-Т: Тошкент ислом университети, 2003. -468 б.

2-БОБ. ҚУРЬОН ТАРИХИ ВА УСМОН МУСХАФИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

2.1. Қуръон тарихи

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръоннинг жамланиш тарихи, босқичлари ҳақида маълумот ҳосил қилиш, бу борада кенг тарқалган қарашларни тақдим этиш.

Таянч иборалар: жамъул-Қуръон, саҳифа, қиртос, китоб, Абу Бакр мусҳафи, мусҳафлар.

Қуръоннинг жамланиш тарихи бўйича бир нечта асар ва тадқиқотлар яратилган. Булар қаторида Суютий, Заркаший ҳамда ўтган асрда Али ибн Сулаймон Абийд, Иброҳим Абёрий, Муҳаммад Шаръий Абу Зайд, гарб тадқиқотчиларидан Т. Нельдеке, И. Гольдциер, Р. Белл ва В.М. Уотт тадқиқотларини зикр этиш мумкин.

Қуръоннинг жамланиши илк даврда уч босқичда амалга ошган. Биринчи босқичда Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида тери, хурмо дарахти пўстлоги, тош, суяқ каби нарсаларга ёзилган. Иккинчи босқичда Ямома жангидан кейин Умар ибн Хаттобнинг таклифига кўра Абу Бакр буйруги билан Зайд ибн Собит саҳифаларга ёзиб жамлайди. Учинчи босқичда Ҳузайфа ибн Ямоннинг Усмон ибн Аффонга Қуръоннинг турлича ўқилиши кишилар орасида адоватни кучайтираётгани ҳақиқидаги хабаридан сўнг Усмон яна Зайд ибн Собит ва бир нечта саҳобийларга Қуръонни жамлап ишини топширади.

Қуръон тарихи, Қуръон илмларига багишланган асарларда ушбу давр баъзи фарқланишлар билан кенгроқ баён этишга ҳаракат қилинади. Айтиб ўтиш лозимки, бу даврни ёритиш

борасида анча салмоқли ишлар қилиниши билан бирга, ҳали очиб беришга эҳтиёж бўлган ўринлар ҳам мавжуд. Чунки жамланиш жараёни ёритилган ривоятлар кўпчиликни ташкил этса ҳам, айрим ҳолатлар тўлалигича ёритилемаган. Балки, баъзи масалаларга ойдинлик кирита олиш муаммо бўлиб қолавериши мумкин.

1-босқич. Муҳаммад (с.а.в.) даврларида Куръоннинг жамланиши. Бу давр Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлик даврларини ўз ичига олиб, Куръоннинг айрим ашёларга ёзиб борилиши, унинг тарқоқ ҳолда бўлганлиги ҳамда асосан кишиларнинг ёдида сақланганлиги билан ажralиб туради.

Макка давриданоқ Куръон саҳифалар ва турли ашёларга ёзиб борилгани қайд этилган ривоятлар мавжуд. Умуман, Куръоннинг ўзида “китоб”, “қиртос”, “саҳифа” каби сўзларнинг ишлатилгани бу тушунчаларнинг арабларга яхши маълумлиги ва уларда бу нарсаларнинг ишлатилганини билдиради. Масалан:

Ёзув маъносида ишлатил- ган сўз	Оят	Оятнинг таржимаси	Сура ва оят раками
Саҳифа	رَسُولُ مِنَ اللَّهِ يَتَلَوُ صُحْفًا مُطَهَّرًا	Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар пок саҳифаларни ўқимоқда	Байина (98): 2
Ёзиладиган нарса	يَوْمَ نَطُوي السَّمَاءُ كَطْأَ السِّجْلِ لِلْكُتُبِ	У кунда осмонни ёзув учун китоб (қофозни) ёйиб кўйгандек ёймиз	Анбиё (21): 104
Қиртос	وَلَوْ نَزَّلْنَا عَلَيْكَ كِتَابًا فِي قِرْطَاسٍ فَلَمْ سُوَدَ بِأَيْدِيهِمْ لَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ هَذَا إِلَّا سِحْرٌ مُبِينٌ	Агар сизга қофозда ёзилган ёзув туширганимизда қўллари билан ушлаб кўриб, куфр келтирсанлар “бу сеҳрдан бошқа нарса эмас”, дердилар.	Анъом (6): 7

Шунингдек, ҳадис тўпламларида жумладан, Ҳокимнинг “Мустадрак” асарида Макка даврида ёзувлар ва ашёларнинг ишлатилгани тасдиқланган: Умар ибн Хаттобнинг исломни

қабул қилиши ҳақидағи ривоятта кўра, у синглиси Фотиманинг уйида бир саҳифані (тери ёки қоғоз) кўриб қолади ва унда ёзилган оятларни ўқииди. Умар ўша даврда Маккада ўқишни биладиган камчилик кишилардан бири бўлган. Яна бир ривоятда жоҳилият даврида Лабид ибн Рабиъа исмли шоирнинг исломни қабул қилиши ҳам юқоридаги ривоятга ўхшаш. Лабиднинг шеърий қасидаси араб шаҳарларида шуҳрат қозонади. Бошқа шоирлар унга тенг келадиган шеър тақдим этолмайдилар. Шунда Қуръондан айрим суралар унинг шеърий қасидаси ёнига илиб қўйилади. Буни ўқиган Лабид Қуръоннинг инсон сўзи эмаслигини айтиб, исломни қабул қиласди. Бу каби ривоятлар исломнинг ilk даврлариданоқ Қуръон ёзиг борилганини билдиради.

Хижратдан кейинги даврда Қуръоннинг ёзиг борилиши ва жамланишига доир Зайд ибн Собитнинг сўзи эътиборга молик: “Биз Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида тери бўлакларига Қуръонни ёзар эдик”. (Ҳоким “Мустадрак”). Яна унинг ривоят қилишича, “Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида ваҳийни ёзиг борар эдим. У киши менга ёзиг бўлганимдан сўнг “Ўқи!” дер эдилар. Мен ўқир эдим. Агар бирор нарса тушиб қолган бўлса тўғрилар эдилар”. Муслим ривоят қилишича, “Расулуллоҳ (с.а.в.): Мендан Қуръондан бошқа нарсани ёзиг борманглар”, деганлар.

Ушбу даврда Муҳаммад (с.а.в.)га котиблик қилганлар Абдуллоҳ ибн Арқам, Зайд ибн Собит, Жаъфар, Умар, Усмон, Муғирира, Муовия, Холид ибн Саъийд ибн Ослар хисобланади.

Қуръоннинг тартибланиши ҳам ilk даврлардан амалга оширилган. Чунки Усмон (р.а.)дан қилинган ривоятта кўра, Муҳаммад (с.а.в.) нозил бўлган сураларни қаерга қўйишни кўрсатиб берганлар. (Абу Довуд, Нисоий, Термизий, Аҳмад, Ҳоким). Шу каби Муслим саҳиҳида Абу Саъийд Ҳудрийнинг Муҳаммад (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадиси ривоят қилинади:

“Мендан Қуръондан бошқа нарсани ёзиг борманглар. Кимки Қуръондан бошқа нарсани ёзган бўлса ўчириб

2.1. Қуръон тарихи

ташласин. Менинг сўзларимни (суннатимни) бошқаларга (оғзаки) айтишингизда гуноҳ йўқ....”

Бухорийнинг “Саҳиҳ”идаги ривоятга кўра, Мұҳаммад Пайғамбар (с.а.в) ўқиш ва ёзишни кейинчалик ўргангандар дейиш мумкин. Ҳудайбия сулҳини тузишда “Мұҳаммад Расулуллоҳ ва Суҳайл ибн Амр томонларидан тузилган шартнома” дейилган ўринга Макка мушриклари эътиroz билдириб, “агар Пайғамбар бўлганингда сенга қарши урушмаган бўлар эдик, Мұҳаммад ибн Абдуллоҳ деб ёз”, дейишган, шунда бу ерда ҳозир бўлган Али ибн Абу Толибга “Расулуллоҳ” сўзини ўчиришни буюрганлар, бироқ Али бунга кўнмаган, сўнг ўзлари ўчириб, яхши ёзишни билмасалар ҳам “Мұҳаммад ибн Абдуллоҳ” деб ёзганлар. Ушбу тўпламда ҳам, бошқа ҳадис тўпламларида ҳам мазкур воқеа бироз турлилик билан зикр этилган. Айримларига кўра, ўзлари ёзганлари аниқ ифодаланмаган, Алидан қўлларини ўша ёзув устига кўйишларини сўраганлар, сўнг сўзни ўчирганлар.

Ҳадис тўпламларида юқоридаги ривоятдан ташқари у кишининг бирор хат ёки ваҳийни ёзганлари ҳақида маълумот учрамайди.

Илк даврда Қуръоннинг ёзиг борилиши турли ашёларда, жумладан, қоғозда қайд этилган бўлиб, бироқ унинг яхлит бир китобда жамланиши амалга оширилмаган. Бунга сабаб сифатида, Пайғамбар (с.а.в)нинг ҳаётликлари сабабли унинг нозил бўлиши давом этиши мумкинлиги, насҳ бўлиш ҳолати эҳтимоли борлиги кабиларни кўрсатиши мумкин.

2-босқич. Абу Бакр (р.а.) даврларида Қуръоннинг ёзма яхлит ҳолга келтирилиши. 632 йил Ямома жангидан сўнг Умар ибн Хаттоб ушбу давр учун янгича ёндашувни кўтариб чиқди. У ҳам бўлса, Қуръонни ёзма равишда жамлаш зарурлиги ғояси эди.

Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида келтирилган ривоятга кўра, Умар ибн Хаттоб Абу Бакр ҳузурига келиб, Ямома куни бўлган жангда кўп қорилар ҳалок бўлгани, Қуръонни билган кишиларнинг вафоти уни ёддан кўтарилишига олиб келиши

мумкинлигини айтиб, жамлаш таклифини беради. Сўнг Зайд ибн Собит чақиртирилиб, унга Муҳаммад (с.а.в.)га тушган ваҳийнинг ёзувчиси бўлганлиги учун Куръонни жамлаш иши топширилади. Зайд ибн Собит бунга тезда розилик бермагандан сўнг Абу Бакр унга “сен бир ёш йигитсан, сени айбламаймиз”, деган. Сўнг у кўниб, дарахт пўстлоги, тошларда ёзилган ҳамда кишилар ёдидаги Куръон оятларини саҳифаларга ёзиб, жамлай бошлайди.

Ривоятга кўра, Абу Бакр (р.а.) давридаги дастлабки ёзма жамланишга Куръонни ёд билганларнинг вафоти, унинг кишилар онгидан кўтарилиш хавфи сабаб бўлган. Чунки Ислом тарихига оид манбаларда ушбу жангда 70 нафар Куръонни ёд олган кишилар вафот этгани нақл этилади.

Жараён қандай кечганлиги борасида ривоятлар камчиликни ташкил қиласи. Уларга кўра, Абу Бакр Умар ибн Хаттоб ва Зайд ибн Собитга масжид олдида ўтиришлари ва Куръондан деб ҳисобланган оят ва сураларни икки гувоҳ бўлган ҳолатдагина қабул қилиб, жамлашларини буюради.

Айрим ўринларда келтирилган маълумотларга кўра, Зайд ибн Собит “Лақод жаакум...” (Тавба: 128) оятини Хузайма ибн Собит Ансорийдан топгани ва уни Тавба сурасига киритгани, яна бошқа ривоятда “Минал муъминийн рижалун садаку ма ъаҳадуллоҳа алайҳи” (Аҳзоб: 23) оятини қидириб, Абу Хузайма ал-Ансорийдан топгани ва Аҳзоб сурасига киритгани айтилган.

Агар илгариги даврдаги жамланиш ҳақидаги ривоятларни ҳисобга олинса, тери, тош, пўстлоқ каби турли ашёларга ёзилган Куръонтуралари бу даврда қоғоз саҳифаларга кўчириш ва бир жойда жамлаш иши амалга оширилгани маълум бўлади.

Ушбу жамланма “суҳуф бакрия”–“Абу Бакр саҳифалари” ёки “Абу Бакр мусҳафи” сифатида номланиб, етти лаҳжани ўз ичига олган деб ҳисобланади. Кейинги Усмон мусҳафи эса, умуман олганда, етти лаҳжадан бири Курайши лаҳжасига кўра ёзилган.

Мазкур мусҳаф аввал Абу Бакрда, унинг вафотидан сўнг Умар ибн Хаттобда, кейин эса, унинг қизи Ҳафсада сақланади.

2.1. Қуръон тарихи

Чунки Умар (р.а.)нинг ҳаётлигига Усмон(р.а.) унинг ўрнига келиши ҳали аниқ эмас эди.

Умар ҳукмронлиги вақтида (634–644) мазкур саҳифаларга мурожаат этилгани, ёки унга зарурат сифатида масалаларни ечишда таянилгани ҳақида ёзиб қолдирилмаган. Бунинг сабаби сифатида айтиш мумкинки, бу даврда Қуръонни ёдлаган ва яхши билган саҳобийлар етарли бўлганлар. Ихтилофлар чиққан, лекин улар фикрдий масалаларда турлича ҳадисларни келтириш ва саҳобийларнинг ўз фикрларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиш доирасида бўлган. Шунинг учун Умар ибн Хаттоб Ибн Масъуд, Ибн Аббос каби олим саҳобийларга ҳадис ривоят қилишни тақиқлаган. Ҳадисдан ихтилоф чиқишига қарши турилган ҳолатда ўз-ўзидан Қуръон ҳақида тортишувнинг ҳам олди олингани келиб чиқади.

Умавий халифа Марвон ибн Ҳакам Абу Бакр мусҳафини Ҳафса бинт Умар ҳаётлигига ундан олиш ва ёкиб юборишига ҳаракат қиласди. У мусҳафни топширишга кўнмайди, сўнг вафотидан кейин уйидан олиб ёкиб юборилади. Марвон ибн Ҳакам бу ишини “ундаги ёзувлар Усмон мусҳафига кўчириб сақланиб бўлинган, бундан кейин кишилар шубҳаланиб, яна ихтилофлар чиқмаслиги” учун қилгани билан изоҳлаган.

З-босқич. Усмон (р.а.) даврларида мусҳафда жамланиши. Абу Бакр ва Умар вафотларидан кейин ҳокимият Усмонга ўтгандан сўнг орадан 19 йил ўтиб, 651 йилда Қуръонни яна жамлаш эҳтиёжи тугилди. Бу гал энди, бир нечта лаҳжаларда ўқиб, ҳар бир ўқиш эгаси бошқасини нотўғри ва хато деб ҳисоблай бошлагандан кейин бу муаммо чора кўрилишини талаб этди.

Ривоятта кўра, Ҳузайфа ибн Ямон Озарбайжон ва Армания билан урушда иштирок этиб, мусулмонлар орасидаги бу ихтилофни пайқайди. Ҳузайфа бу ҳолат келишмовчиликлар кучайишига олиб келишини айтади. Чунки кишилар ўз мусҳафлари бўйича ўқишни тўғри, бошқаси хато, деб санашар эди.

Ушбу уруш бўлаётган жойларга кўра, Шом ва Куфадаги саҳобийларнинг ўқиш услублари ва мусҳафлари ўртасида

жиддий тортишув кечган, дейиш мумкин. Ҳузайфанинг ҳам Куфага келиб, турлича ўқиши асосидаги низолар ҳақида сўзлашига кўра ҳам, айнан ушбу шаҳар мусҳафининг бошқа яна бир мусҳаф билан ўқилишда жиддий ихтилоф бўлган. Бунгача бир нечта саҳобийларнинг мусҳафлари мусулмонлар орасида тарқалган бўлиб, минтақаларга қараб улар асосида Куръон ўқилган. Ҳуммас аҳли Миқдод ибн Асвад, Дамашқ аҳли Убай ибн Каъб, Куфа аҳли Абдуллоҳ ибн Масъуд, Басра аҳли Абу Мусо Ашъарий мусҳафлари бўйича ўқишар эди.

Сўнг унинг сўзларини саҳобийлар ва кўпчилик тобиийлар маъқуллашади. Фақат Ибн Масъуд шогирдлари бизнинг ўқишимиз хато эмас, деган маънода жавоб беришади. Ибн Масъуд ҳам ўз мусҳафини маъқуллайди. Шунда Ҳузайфа бу ердан Мадинага кетади ва зудлик билан Усмонни хабардор қиласди.

Усмон олимлар билан маслаҳатлашгандан сўнг, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъийд ибн Ос, Абдураҳмон ибн Ҳорисларни чақиради. Ҳафсада сақланаётган саҳифалар асосида китоб шаклидаги, бир хил лаҳжадаги, яъни Қурайш лаҳжасидаги ўқиш услубини китоб шаклига келтириш вазифасини юклайди. Усмоннинг уларга, “агар сизлар Зайд ибн Собит билан ўқишида ихтилоф қиласангиз, унда Қурайш лаҳжасида ёзинг, Куръон Қурайш лаҳжасида нозил бўлган”, сўзи эътиборга молик.

Суютийнинг Ибн Аштадан хабар беришича, “Котиблар агар бирор оятнинг ўқилишида ихтилоф қиласалар, Расулуллоҳ (с.а.в.) ўргатган кишилар олдиларига, узоқ жойларга бориб бўлса ҳам қандай ўқилиши ҳақида маълумот олиб келганлар”. Шунга кўра, улар илгариги жамлаш каби ёзилган ва ёдаки Куръонни кишилардан қидириш ва йигиш йўлидан ҳам борганлар.

Сўнг Усмон бошқа мусҳафларни, ёзилган Куръон ёзувларини ёқиб юборишни талаб этади. Ҳақиқатда бу мусулмонлар орасида Куръон ўқишини бир хилликка келтириш бўйича жиддий иш бўлди.

Расмий қабул қилингандың мусхаты да у билан биргә үқишиңдеги услугуби бошқа саҳобийлар наздидағы үқишиңдеги тартиблардан фарқ қылса-да, уларнинг ўз ёзув да китобларини ёқиши ёки йўқ қилиш ҳамда уларнинг юқоридаги ҳолатдан ташқари Усмон расмий этаёттандырасмий мусхаты жиҳдий қаршилик қилганларни ҳақида маълумот мавжуд эмас. Демак, бунга деярли барча олимлар розилик билдиришган. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг унга Усмон мусхатынини тарқатиш да унга ўтиши ҳақидағы буйруқ келганида, ўз мусхатынига хиёнат қилмасликка ҳамда бошқаларни ҳам ўз фикрига чақирганини айтиши мумкин. Лекин бу ҳам вақтинча бўлиб, кейин ўз үқишиңдеги услугубидан воз кечиб, расмий мусхати қабул қилгани айтилган. Яна Абу Дардо ҳам айрим сўзларни үқишиңда бироз эътироz билдиргани ривоятларда келган. Булардан бошқа ўлкалардаги саҳобийлар ҳам бу каби қабул қилмаслик фикрида бўлган бўлишлари мумкин, лекин буларнинг ҳаммаси жиҳдий бўлмай, вақт ўтиши билан расмий мусхат тарқалиши амалга ошиди.

632 йилда жамланган Абу Бакр суҳуфлари 651 йил жамланган Усмон мусхатынига қадар маълум маънода Қуръон лаҳжаларини сақлаб турди. Усмон мусхатынини даврда чиқиши мумкин бўлган катта ихтилофларга чек қўйди дейиш мумкин. Чунки Қуръонни үқиши бўйича бундан кейин жиҳдий ихтилофлар чиққани ҳақида маълумотлар учрамайди. Ҳажож жиҳдий ибн Юсуфнинг саъи-ҳаракати билан Усмон мусхатини кенг ёйиш ҳамда Ибн Масъуд мусхаты да үқишиңдеги услугубига чек қўйишга ҳаракати ҳам узил-кесил кишилар қўлидаги мусхатларни бир хилликка келтиришга хизмат қилди. Кейинги даврда Абу Бакр ибн Мужоҳиднинг (ваф. 324/935) қироатларни етти мутавотирга чегаралашини айтиши мумкин. Унга қадар, яъни 300 ҳижрий йилларгача қироатларни чеклаш бўйича барчага мақбул, тизимли иш қилинганды ҳақида маълумот мавжуд эмас. Бўлган ҳаракатлар ҳам асосан чеклашдан кўра, мавжуд қироатларни қайд этишга асосланган.

Зайд ибн Собит мусхатини тайёрлашда ўзининг илгариги тажрибасига мурожаат этган ҳолда иш олиб борган. Зайд

аввало Абу Бакр сұхұфлари асосида ишни амалга оширган. Бириңчи мусҳаф ўша даврдаги етти Макка лаҗжаларида бўлганлигининг эҳтимоли кўпроқ. Абу Бакр мусҳафининг кейинчалик ёқиб юборилгани сабабли мусулмон олимларининг ушбу мусҳаф хусусиятини очиб бериш имкониятлари йўқолди.

Бириңчи уриниш Қуръоннинг кейинги жамланишида муҳим тажриба вазифасини ҳам ўтаган. Усмон томонидан тайёрланиб, ўлкаларга юборилган мусҳафлар ўқишини ягона лаҗжа асосида бўлишини таъминлашдаги асослардан бири бўлиб, ҳар бир мусҳаф билан муқриъ – Қуръон ўқитувчилари масъул қилиб юборилгани унинг мавқенини мустаҳкамлаган. Лекин кўпчилик манбалардаги каби Қурайш лаҗжаси тўлиқ, тарзда ўқиш услубига айланди, деб бўлмайди. Ҳозирги кунимиздаги Қуръон Усмон мусҳафи асосида экан, унинг устида олиб борилган тадқиқотларга кўра, унда бошқа лаҗжалардаги сўзлар ҳам ишлатилган. Демак, Усмон мусҳафида Қурайш лаҗжаси асосий ўрин тутган ва бошқалари ҳам кўлланилган деган қараш далил ва исботга эгадир.

Шундай қилиб, Зайд ибн Собит Мадина мусҳафини ўқитишига масъул қилинган бўлса, Абдуллоҳ ибн Соиб Маккага, Муғирия ибн Шиҳоб Шомга, Абу Абдурәҳмон Сулламий Күфага, Омир ибн Абдулқайс Басрага мусҳафлар билан ўқитиши учун масъул қилиб юборилганлар. Улар эса ўз минтақалари бўйича кишиларга Қуръонни ўргатиб, шогирдлар етиштира бошлаганлар.

Машҳур тарихчи Ибн Касир (ваф. 774/1373) ўз давридаги Усмон мусҳафи ҳақида маълумот беради: “Усмон мусҳафлари орасида энг машҳури Дамашқдаги жомеъ масжидда шарқий рукнида сақланаётганидир. Ушбу мусҳаф илгари Табарияда бўлган, сўнг 518/1124 йил Дамашққа олиб келинган. У жуда буюк, улкан, чиройли хатда, тушунарли, сиёҳ билан ёзилган. Фикримча, тия терисига ёзилган бўлса керак”. Бу ҳақда яна Абу Абдуллоҳ Зинжоний Шом мусҳафини Ибн Фазлуллоҳ Умрий VIII аср ўрталарида кўрганини зикр этиб, ушбу мусҳаф Санкт-

Петербургдаги Қўлёзмалар фондида бирмунча вақт сақланиб, кейин Британия музейига кўчирилганини тажмин қиласди.

2.2. Усмон мусҳафи ва унинг хусусиятлари

Мавзунинг ўқув мақсади: ҳозирги кундаги Қуръон ёзуви ва ўқилишининг асоси бўлмиш Усмон мусҳафи, ҳақида унинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ҳақида билим ва маълумотларни шакллантириш.

Таянч иборалар: мусҳаф, Усмон мусҳафи, мусҳафлар китоби, араб ёзуви, куфий хати, насх хати, эъроб белгилари, эъжом нуқталари.

Мусҳафлар борасида мусулмон олимлари томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган. Ушбу ишлар “расмул-мусҳаф” илми деб номланиб, “мусҳафлар китоби” жанридаги асарларда берилган. Ҳижрий II/VIII асрда қатор муаллифлар томонидан бу борада асарлар яратилган. Улардан: Ибн Омирнинг (ваф. 118/736) “Ихтилоф масоҳиф Шом ва Ҳижоз ва Ироқ”, Кисойининг (ваф. 189/805) “Ихтилоф масоҳиф аҳлил-Мадина ва аҳлил-Куфа ва аҳлил-Басра” каби ўнга яқин асарлар номини келтириш мумкин.

Улар орасида фақат Абу Бакр Сижистонийнинг “Китобул-масоҳиф” асари бизгача етиб келган.

“Расмул-мусҳаф” деганда Усмон мусҳафи ёзилган хат назарда тутилади. Ушбу ёзув услуби кейинги даврларда шаклланниб, мукаммаллашган ва ҳозирги кунда ишлатиладиган хатдан фарқ қиласди.

Араб ёзувининг шаклланиши. Аслида араб ёзуви ислом пайдо бўлишидан олдинроқ Арабистон ярим оролидаги Ҳижоз воҳасига кириб келган эди. Ушбу ёзувнинг шаклланиши борасида кўплаб тадқиқотлар яратилган. Айrim қарашларга кўра, араб ёзуви ҳимярий ёки жанубий ёзувдан олинган бўлиб, карвон йўллари билан Шомга етиб борган.

Бошқа қараашга кўра, араб ёзуви набатий ёзуви тараққий этиши натижасида шаклланган. Иордания шарқидаги Умму Жамол минтақасида ислом пайдо бўлишидан олдин милодий 250 йилга тўғри келадиган ёзувлар буни тасдиқлайди. 328 йилга тўғри келадиган Набатийлар ерларидағи Ҳаврон минтақасида жойлашган подшоҳ ва шоир Имруул-Қайс қабртошида битиклар мавжуд бўлиб, ушбу ёзувнинг Ҳаврондан Анбор ва Ҳийрага, сўнг бу ерлардан Думатул-Жандал орқали Ҳижозга кириб келган, деган қараашни таъкидлашга кўмак беради.

Шунга кўра, араб ёзуви асли набатий ёзувидан, у эса оромий ёзувидан олинган. Сўнг эса, икки мактаб – Куфа ва Ҳижоз мактаблари асосида тараққий этган. Куфаникidan фарқли равишда Ҳижоз услуги майин, осон ёзилиши билан ажralиб туради.

Куръон ушбу ёзув билан саҳобийлар даврида ёзилиб китоб шаклига келтирилган. Унда нуқталар, ҳаракатлар, сураларнинг бошланишини ажратиш, оятларга рақамлар қўйилиши бўлмаган. Шунингдек, Усмон мусҳафида сўзлар сатр охирига сифмаган ҳолларида унинг давоми кейинги сатрга ёзилган. Кейинчалик эса сўзни сатрга сифдириш, уни бўлмаслик услуги келиб чиқди.

Куръонга нуқталарни қўйиш уч босқичда амалга оширилган:

Биринчи босқичда эъроб нуқталари қўйилган. Бу босқичда ҳаракатлар ҳозирги кунимиздек бўлмай, нуқталар билан ифодаланган: фатҳани ҳарфнинг устига нуқта қўйиш билан, касра ҳарфнинг остига нуқта қўйиш билан, замма ҳарфнинг ёнига нуқта қўйиш билан амалга оширилган.

Умавийларнинг Ироқдаги волийси бўлган Зиёд ибн Убайдуллоҳ Абул Асвад Дуалийга (ваф. 69/688) сўзларнинг келишигини (марфуъ, мансуб, мажрур) яъни эъробини ажратиш учун белгилар қўйишни буюради. Сўнг Дуалий Куръонга ҳеч нарса қўшиб бўлмаслигини айтиб буни рад этади. Сўнг бир кун бир киши “Инналлоҳа барийъун минал мушрикийна ва расулиҳи” деб, яъни “расулаҳу”ни хато ўқигани ва маъно бузилганини эшитиб, қандай қилиб Аллоҳ

ўз пайғамбаридан пок бўлади дейди ва Зиёднинг олдига келиб, сўзларга белгилар қўйишга розилигини билдириб, эъробни ифодалаш мақсадида нуқталар қўяди.

Иккинчи босқичда ҳарфларга нуқталар қўйиш амалга оширилган. Вақт ўтгандан кейин Абдулмалик ибн Марвон Ҳажожожга амр қилиб, Ироқ уламолари ҳарфларни ажратиш учун нуқталар қўйишлари лозимлигини айтади. Бизга маълумки, “ба”, “та”, “са”, “дол”, “зол”, “ра”, “за”, “син”, “шин”, “сад”, “зод”, “то”, “зо”, “айн”, “файн”, “фа” ва “қоф” ҳарфлари шакли бир хил ҳарфлар нуқталарсиз ёзилган бўлиб, ёзувлардаги ҳарфлар сиёқса қараб ўқилган. Сўнг Ҳажожож Яҳё ибн Яъмур ва Наср ибн Осимларга (ваф. 90/709) бу ишни амалга оширишни буюради. Ҳарфларга нуқталар қўйиш эъжом нуқталари ёки забт нуқталари деб аталади.

Учинчи босқичда эъроб нуқталари ҳозирги кунимиздаги шаклларга ўзгартирилган. Чунки олдинги босқичларда амалга оширилган нуқталар, яъни эъроб ва эъжом нуқталари бир-бири билан аралашиб кетади. Зоро, ҳарфларни ажратиш учун ҳам, ҳаракатни ажратиш учун ҳам нуқта қўйилган эди. Гарчи Дуалий қизил рангда нуқталар қўйган бўлса-да, ўкувчиларга ҳам, хаттотлар учун ҳам қийинчиликлар туғдира бошлаган эди.

Шундан сўнг машҳур лугавий олимлардан Халил ибн Аҳмад Фароҳидий бу масалани ечиб ҳозирги кунимиздаги ҳолатга келтиради.

Яъни фатҳа ҳарф устига “алиф” ҳарфини кичик ва қия тарзда чизиш билан, касра “алиф” ҳарфини кичик ва қия тарзда ҳарф остига, замма эса ҳарф устига вов ҳарфини кичик тарзда чизилиши билан амалга оширилган. Шу каби, “сукун”ни ифодалаш учун “хо” (ҳарфун хафиғ-енгил ҳарф) шаклида чизилган. Тащдидни ифодалаш учун эса “шадда” сўзидан “шин” ҳарфи кичик тарзда ишлатилган.

Сўнг эса мусҳаф янада ривожлантирилиб, ҳизблари, жузълари, ўндан бири, бешдан бири, тўртдан бири, саккиздан бири ажратилади.

Шу тарзда куфий хатида Усмон мусҳафи ўқиш ва ёзишга қулайлаштириб, осонлаштириб борилган.

Ибн Муқла томонидан насх хати кашф этилгандан сўнг Куръон ушбу хат тури билан ёзила бошланади. Бундан илгари кашф этилган нуқталар ва ҳаракатлар сақланиб, ҳарфларнинг шакли аниқлаштирилиб, ёзилиши ва ўқилиши осонлашади. Ушбу хат ҳозирда араб тилининг расмий ёзувига айланган.

Илк даврларда Усмон мусҳафи кўчириб турли ўлкаларга тарқатилганда ва то ҳарф, ҳаракатлар акс эттирилгунга қадар сўзлар шаклан бир хил бўлган ва ояллар ажратилмаган эди.

Тобиий ва табаға тобиййлар томонидан ҳатто Мусҳафга бирон белгини киритилиши танқид остига олинган эди. Бу масала бир мунча даврдан сўнг ўз кучини йўқотган, шунинг учун ҳам Қуръон ва у билан бирга араб ёзуви такомиллашиб борган.

Усмон мусҳафининг ўзига хосликлари. Усмон мусҳафи нуқта ва ҳаракатларсиз ёзилгани, бир мунча давр ушбу ҳолатда тургани унинг қироатларга таъсири ва унинг кейинги даврда ўқилишидаги ўрнини ўрганишни тақозо этади.

Бизгача етиб келган Абу Бакр Сижистонийнинг “Китоб ихтилоф масоҳифис-саҳоба”, кейинги даврларда “Китобул масоҳиф” номи билан танилган асари мусҳафлар борасида муҳим манба бўлиб қолмоқда. Ҳозирда тадқиқотчиларнинг ушбу асар ва бошқа манбалардаги мавзуга доир қарашларини ўрганишлари натижасида маълум маънода юзага келган муаммоларга ойдинлик киритилган.

Мазкур асар ва бошқа тадқиқотларга кўра Усмон мусҳафининг қўйидаги хусусиятларини келтириш мумкин:

1. Эъроб ҳаракатлари ва эъжом нуқталарининг мавжуд бўлмаганлиги. Бу даврда бу қулайликлар кашф этилмаган эди. Масалан, Ҳужурот (49) сураси б-оятидаги *فَتَبَيَّنُوا* сўзи шаклида ҳам ўқилган. Бунга сабаб эъроб ҳаракатлари ва эъжом нуқталарининг ilk даврда бўлмаганлиги ва иккала қироатни қамраб олиш назарда тутилганидир. Бу сўз Усмон мусҳафида қўйидагича бўлган:

فنسوا

2. Ҳазф. Яъни ҳарф тушириб қолдириш қоидаси. Алифнинг “ё” ни до ҳарфи ва “ҳо” танбиҳ ҳарфидан тушириб қолдирилиши. Масалан:

يَأَيُّهَا النَّاسُ هُؤلَاءِ

Барча музаккар ва муаннасадаги тўгри кўпликлардан “алиф”нинг тушириб қолдирилиши; танвинли ноқис феъллардан ясалган фоиллардан “ё” нинг тушириб қолдирилиши; тўртта ўринда ноқис феъллардан охирги “вов” ҳарфи тушириб қолдирилган.

3. Феълнинг кўплик шаклида охирига “алиф”нинг қўшилиши. Ҳозирда араб тилида ушбу қоида тўлиқ амал қилинади.

4. Ҳамзанинг айрим ўринларда ҳарфсиз сатрнинг ўртасига ёзилиши.

5. “Вов” ҳарфининг айрим сўзларда талаффуз этилмаса-да, қўшилиши.

6. “Фасл” ва “Васл” қоидаси, “ан” ва “ин” ҳарфлари кейинги ҳарфлар билан қўшилишида баъзан ажратилиши ва баъзан қўшилиши.

7. Икки қироатни қамраб олиш мақсадида сўзлардан “алиф”нинг тушириб қолдирилиши, “та марбута”нинг “та” шаклида ёзилиши.

8. Тарқатилган мусҳафлардан бирига мос келувчи ўқиши услубининг мавжудлиги ва мусҳафларнинг турли қироатларни қамраб олиши мақсадида бир сўзнинг уларда турлича ёзилган сўзларнинг мавжудлиги.

Шу билан бирга, Усмон мусҳафи шакллангангунга қадар саҳобийлар қўлларида ўзлари фойдаланадиган мусҳафлар бўлган. Ушбу мусҳафлар Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Аббосларга тегишли. Нусхалардаги сура ва ояtlар тартиби бир-биридан фарқ қиласди. (5-илова).

Суралар тартиби ижтиҳодий деган фикрни илгари сурган олимлар ўз даврида Али ибн Абу Толиб, Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абдуллоҳ ибн Аббос томонларидан тақдим этилган тўрт мусҳафда суралар кетма-кетлиги бир-биридан фарқли эканини ҳужжат қилиб кўрсатадилар. Шунингдек, улар Али (р.а.) мусҳафи билан боғлиқ ушбу воқеани ҳам далил сифатида талқин этадилар: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг вафотлари яқинлашганида одамларнинг дин борасида беқарорликка тушиб қолишганини кўриб, Қуръонни тўпламагунча ридоларини ечмасликка қасам ичадилар ва уч кун уйларидан чиқмай Қуръон сураларини тўплайдилар. Бу – Қуръон жамъ бўлган дастлабки мусҳаф эди.

Ибн Надим ўзининг “Фихрист” асарида мазкур мусҳаф кейинчалик Жаъфар оиласида сақланганини зикр этиб: “Мен ўз замонимда Абу Яъли Ҳамза қўлларида бир мусҳафни кўрдим, унда Али ибн Абу Толиб (р.а.) хатлари билан ёзилган бир қанча саҳифалар йўқолган эди, бу мусҳафни Ҳасан ўтилари замонлар оша сақлаб келаётган эдилар, бу – ўша мусҳафга кўра суралар тартибидир”, деб сура тартибини келтиради.

Аҳмад ибн Абу Яъқуб Яъқубий (III/X аср) “Фихрист”-нинг иккинчи қисмидан тушиб қолган ривоятларни келтиради: “Али ибн Абу Толиб (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этган вақтда Қуръонни жамъ қилиб бўлган эдилар ва уни туяга ортиб олиб келдилар. Сўнг дедилар: Бу – Қуръон. Мен уни тўпладим. У зот Қуръонни 7 жузъга бўлган эдилар. Улар – Бақара, Оли Имрон, Нисо, Мойда, Анъом, Аъроф, Анфол жузълари бўлиб, ҳар бир жузъ мазкур сураларнинг бири билан бошланғар эди”.

Яна бир ривоятга кўра, Али мусҳафи Қуръоннинг нозил бўлиши ва носихнинг мансуддан кейин келиши тартибига кўра тузилган эди.

Убай мусҳафи ҳақида ибн Надим дейди: “Фазл ибн Шозон айтади: Бир ишончли ровий дўстимиз айтди: Убай ибн Каъб қироатига кўра суралар таълифи Басрадан 2 фарсаҳ келадиган “Ансор” қишлоғида яшовчи Мұхаммад ибн Абдумалик Анзорий

қўлида сақланар эди. У бизга бир мусҳафни кўрсатиб деди: “Бу – Убай мусҳафидир. Биз уни ота-боболаримиздан ривоят қилганимиз”. Мен уни кўздан кечирдим, ундан дастлабки сураларни, сўнггиларини ва оятлар сонини кўриб чиқдим. Кейин у (Ансорий) сураларни шу мусҳафда келган тартибда сўзлаб берди”.

Абдуллоҳ ибн Масъуд мусҳафи ҳақида ҳам Ибн Надим Фазл ибн Шозондан ривоят қилиб, дейди: “Абдуллоҳ ибн Масъуд мусҳафидаги суралар кетма-кетлигини қўйидаги тартибда кўрганман” деб айтди. Кейин Ибн Надим мазкур тартибни илова қиласди.

Ибн Надим сўзида давом этиб дейди: “Фазл ибн Шозон айтди: Ибн Сирин айтди: Абдуллоҳ ибн Масъуд мусҳафидаги Муъаввизатайн (Фалақ ва Нос) ҳамда Фотиҳа суралари ёзилмаган эди”.

Ибн Надим айтади: “Ибн Масъуд тузган дейилган кўплаб мусҳаф нусхаларини кўрдим, улар орасида икки бир-бирига ўхшаш мусҳафни учратмадим, қолаверса, уларнинг аксари кўп нусхали пергамент (олий навли қоғоз)ларда битилган эди. Тахминан 200 йилча илгари ёзилган бир нусхасида эса Фотиҳа сураси ҳам бор эди”.

Абдуллоҳ ибн Масъуд мусҳафидаги суралар кетма-кетлиги эса Муҳаммад ибн Абдулкарим аш-Шаҳристонийнинг (ваф. 548/1153) “Мафотихўл-асрор ва масобиҳўл-аброр” номли тафсирида зикр этилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Фотиҳа, Фалақ ва Нос сураларини ўз мусҳафига киритмагани унинг бу сураларни Куръон мусҳафига киритилмайдиган худди “Дуои қунут” каби ҳисоблаганидан бўлиши мумкин.

Шу ўринда Усмон мусҳафининг расми, яъни ёзилиши Муҳаммад (с.а.в.) томонларидан ўрнатилганми ёки саҳобийларнинг ижтиҳодлари асосида ёзилганми? деган савол тортишувли бўлганлигини айтиб ўтиш ўринли. Кўпчилик биринчи қарашни қўллаб-қувватлаганлар. Ижтиҳода сосида ёзилган деган қараш эса, юқорида айтилган ёзилиш услубидаги

хусусиятларидан келиб чиқиб айтилган. Қоидаларнинг айримлари ҳар доим ҳам қўлланилмаган бўлиб, истисно тарзида қоидадан чиқилган ҳолатлар ҳам мавжуд.

2.3. Куръоннинг босма нашрлари

Мавзунинг ўқув мақсади: Куръоннинг ҳозирги кунда нашр этилиши, унинг хусусиятлари, асосланилган қироат ҳақида атрофлича билимни шакллантириш.

Таявч иборалар: Мухаллалотий мусҳафи, Қоҳира мусҳафи, Мадина Куръон нашриёт мажмуаси, “Усмон расми (ёзуви)”.

✓ Куръон босмахоналар ташкил этилиши билан яна янги босқични босиб ўтди. Мусулмон олимлари ва оммаси томонидан дастлаб бу масалага иккиланиш ва шубҳа билан қаралди. XIX аср бошларида Истамбулда Усмонли турк сultonининг саъй-ҳаракатига қарамасдан муфтийнинг расмий фатвоси фақат Куръондан ташқари бошқа диний китобларга чиқарилди. Натижада, Куръон маълум муддат хаттотлар томонидан кўпайтирилиши давом эттирилди.

Шунинг учун Куръоннинг матбааларда босилиши дастлабки даврда фақат Европа давлатларида амалга оширилган, Венецияда 1537–1538-йилларда Куръоннинг биринчи нашри босмахонадан чиқарилган бўлса, сўнг Гамбургда 1694-йилда нашр этилди.

Айрим қараашларга кўра, Римда, тахминан 1499–1538 йиллар оралиғида, амалга оширилган томон мавҳум ҳолда яна бир нашри чоп этилган. Лекин ушбу нашр Усмон мусҳафига мос эмаслиги ға сифатсиз қофозга нашр этилгани сабабли мусулмон ўлкаларининг эътиrozига учради, сўнг шу туфайли Рим Папаси томонидан мазкур нашрни ман этишга буйруқ чиқарилган.

1125/1694-йил нашр этилган Гамбург нусхаси протестантлик оқимиға мансуб Эбраҳам Хинклман томонидан нашр этилган бўлиб, бунда араб тили ва ислом билан яқиндан танишиш мақсади кўзда тутилган. Ушбу нусха 560 саҳифада бўлиб,

ҳар бир бетда 17-19 сатрда, қора сиёҳда чоп этилган. Нашр сураларнинг исми, ҳарфларда имловий хатоларга йўл қўйилгани натижасида сўзларнинг маъноси ўзгариб кеттган. Нусха Дорул-кутуб ал-Мисрия фондида сақланмоқда (масоҳиф № 176).

Рим нашри 1698 йил амалга оширилган бўлиб, у икки қисмдан иборат: биринчи қисми Куръон матни ва таржимаси, иккинчисида иловалар берилган. Ушбу нашр италиялик руҳоний Людвиго Мараччи томонидан амалға оширилган бўлиб, илгаригилардан ҳарфларни аниқ ифодалаш каби бир мунча сифати яхшиланганини кўрсатади.

Куръон Россияда 1787 йил Санкт Петербургда Мавло Усмон бошчилигига, сўнг 1848 йилда Қозонда Муҳаммад Шокир Муртазо ўғли томонидан 466 саҳифада чоп этилган. Унда Усмон мусҳафига риоя этилган бўлиб, оятлар рақамлари қўйилмаган. Вақф қоидалари сатр тепаларида қўйилган. Нашрда хатоларга йўл қўйилган, бироқ улар китобнинг охирида илова тарзида келтирилган.

1834 йилда шарқшунос Флюгель томонидан Лейпцигда чиқарилган Куръон нашри кўғчилик шарқшунослар томонидан яхши қабул қилинган бўлса-да, мусулмон олимлари томонидан Усмон мусҳафига тўлиқ мос келмаслиги учун танқидга учраган.

Шу каби, Эронда 1244/1828 йил Төхронда, 1248/1833 йил Табризда, 1887 йилдан кейин Ҳиндистон матбааларида нашр этилди.

Юқоридаги нусжалар ҳам Усмон мусҳафига кам ўринларда мос келиб, замонавий имло қоидалари асосида ёзилган эди.

1308/1890 йилга келиб, Қоҳирада Ризвон ибн Муҳаммад Мухаллалотий Усмон мусҳафи қоидаларига риоя этган ҳолда, Куръоннинг босма нашрини амалга оширган. У тўлиқ вақф ўринларига “то”, кифоя вақф ўринларига “коф”, вақф ҳасан ўринларига “ҳо”, солиҳ вақф ўринларига “сад”, жоиз вақфларга “жим” ҳарфларини қўйган. Шу каби кириш қисмida Имом Донийнинг “Муқниъ”, Абу Довуднинг “Китобут-танзил” асарлари асосида ёзувни таҳрир этганилигини зикр этиб, илк даврда Куръон ёзилиш тарихига тўхталган.

Ушбу мусҳаф “Мухаллалотий мусҳафи” номи билан танилган. У мусҳаф олдинги нашрлардан устун бўлсада, варақларининг сифатсизлиги ва тошбосма нашрнинг қониқарли бўлмаганини учун Азҳар раҳбарияти томонидан бир нечта кишидан иборат гуруҳ тузилиб, уни кўриб чиқиш иши, яъни Усмон мусҳафи қоидаларига мослик даражаси, Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятига мувофиқлигини кузатиш, “Китобут-Тароз” асари асосида Харрознинг қўйган белгиларини текшириб, Андалус ва Мағриб ўлкалари белгиларини Халил ибн Аҳмад Фароҳидий ишлаб чиқсан эъжом ва эъроб белгилари билан ўзгартириш каби ишлар топширилади. Азҳар нашри илк бора 1342/1923 йил, сўнг яна бир бор қироат илмига оид асосий китобларга солиштирилган ҳолда, айrim тузатишлар киритилиб, бир йилдан кейин иккинчи марта чоп этилади ҳамда мусулмон ўлкалари томонидан мамнуният билан қабул этилади.

Ҳозирги кунимиздаги мусҳафларга “Усмон расми” асосида ёзилган деган ёзув мавжуд. Бу юқорида кўрасатиб ўтилган хусусиятлар акс эттирилгани ва айнан саҳобийлар давридаги мусҳафлар орасида Усмон мусҳафи асос қилинганини кўрсатади.

1984 йил Саудия Арабистонида ташкил этилган Мусҳаф нашрига мўлжалланган матбаа томонидан Қуръон асосан Ҳафснинг Осимдан қилган ривояти бўйича чоп этиб келинмоқда. Ушбу мусҳаф хаттот Усмон Тоҳа (1934 йил тугилган) томонидан ёзилган намуна асосида тайёрланган бўлиб, асосий хусусияти унда ҳар бир бетнинг охирида оят тутгайди.

Ҳозирда Ҳафснинг Осимдан ривояти асосида оятларни ҳар бир бетда тугамай кейинги бетга ўтадиган шаклда ҳам тайёрланган. Шу билан бирга, ушбу матбаада Варшнинг Нофеъдан қилган ривояти асосидаги мусҳаф ҳам нашр этилган.

Ҳозирда мазкур матбаа томонидан бир йилда 10 миллиондан ортиқ нусха чоп эттириш йўлга қўйилган бўлиб, ислом оламида Ҳафс ривояти бўйича ўқиш услуби тарихда мисли кўрилмаган ҳолда тарқалмоқда.

2.3. Куръоннинг босма нашрлари

Такрорлаш учун саволлар

1. Куръоннинг Мұхаммад (с.а.в.) даврларидаги жамланиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Усмон мұсқафининг жамланиши қайси сабабларга күра амалға оширилған?
3. Усмон мұсқафи хусусиятлари нималардан иборат?
4. Ҳозирда Куръоннинг нашр этилиши ҳақида нималарни биласиз?
5. Жаҳондаги қайси құлөзма фондларида Усмон мұсқафи сақланмоқда?
6. Усмон мұсқафининг Тошкент нұсхаси ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил иш мавзулары

1. Т. Нәйдекенинг “Куръон тарихи” асарига күра дастрлабки даврда Куръон жамланиши.
2. Суютийнинг “Итқон фи улумил-Куръон” асарида Куръоннинг жамланиш тарихининг ёритилиши.
3. Р. Белл ва У.М. Уоттларнинг куръоншунослик бүйича тадқиқотларида Усмон мұсқафи бүйича қарашларнинг акс этиши.
4. Тошкентдаги Усмон мұсқафи тарихи оид тадқиқотлар.

Құшымча адабиётлар

1. Заркаший. Бурхон фи улумил-Куръон. 4 жилдли. - Қохира: Мактаба Дорут түрос, 2002.
2. Суютий. Итқон фи улумил-Куръон. 2 жилдли. - Қохира: Дорул ҳадис, 2004.
3. Белл Р., Уотт У. М. Коранистика. Введение. - Москва-СанктПетербург: Диля, 2005. -205 б.
4. Мұхаммад Бакр Исмоил. Диросот фи улумил-Куръон. Shamela e-book. 2007.
5. Мұхаммад Тоҳир Курдий. Тарихул Куръон. Shamelae-book. 2007.
6. Нәйдеке Т. Куръон тарихи. / Араб тилига таржима ва изохлар муаллифи Ж. Томар. -Байрут: 2004. -841 б.
7. Обидов Р. Куръон ва тафсир илмлари. -Т: Тошкент ислом университети, 2003. -468 б.

З-БОБ. ҚУРЬОННИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ. МАККИЙ ВА МАДАНИЙ СУРАЛАР

3.1. Қуръон сура ва оятлари.

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръоннинг сура ва оятлари, унинг тузилиши бўйича қарашлар, таҳлиллар ҳақида билимни шакллантириш.

Таян иборалар: Қуръон, сура, оят, ваҳий, сабъ тувол, миъун, масоний, муфассал.

Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръон” деб номланади. Араблар ва жами мусулмонлар “ал-Қуръонул-карим” деб номлашади. Немислар “Коран”, инглизлар “The Holy Quran”, французлар “Соган”, руслар “Коран” сифатида қабул қилганлар.

Қуръон ва унинг таркибий тузилиши бўйича бир нечта манба ва тадқиқотларда изланиш олиб борилган. Жумладан, Заркаший, Суютий, Манноъ Қаттон, Т. Нельдекеларнинг илмий асарларини зикр этиш мумкин.

Қуръон ислом динининг асосий манбаси бўлиб, ақида, шариат қонун-қоидалари, тарихий қиссалар, одоб-ахлоқ масалалари акс этган китобдир. У кейинги даврларда ислом динига оид турли илм ва фан йўналишларининг ажralиб чиқишига ижобий таъсир кўрсатган.

“Қуръон” сўзи “қараға” – “ўқимоқ” сўзининг ўзаги бўлиб, у “мағъул” бўлиб, “ўқиладиган нарса” маъносини билдиради. Истилоҳий маъноси сифатида “Аллоҳнинг Мұҳаммад (с.а.в.) га туширган, саҳифаларға ёзилган, тавотурлик даражасида нақл этилган, тиловати билан ибодат қилинадиган сўзи”dir, деб

3.1. Куръон сура ва оятлари

таъриф берилган. У яна Қуръонда “Китоб”, “Фурқон”, “Зикр”, “Калом”, “Қавл”, “Танзил” номлари билан ҳам аталган. “Қуръон” сўзи 70 дан ортиқ оятларда келгани учун муқаддас китобнинг асосий номига айланган. Қуръон жамлангандан кейин “мусҳаф” деб ҳам атала бошланди.

Қуръон билан боғлиқ ибора “ваҳий” бўлиб, унинг лугавий маъноси “тез суръатда, махсус, махфий тарзда тегишли кишига (ёки томонга) билим ва маълумотни билдириш”. Қуръонда “ваҳий” сўзи “васваса” маъносида жин ва шайтонларнинг бир-бирларига махфий тарзда маълумот бериши ҳамда “илҳом” маъносида Аллоҳнинг асалариларга йўл-йўриқ кўрсатганида, “амр” маъносида Исо ҳаворийларига нисбатан имон келтиришга буюрилганларида ишлатилган. Лекин “ваҳий” сўзи асосан Аллоҳ томонидан пайғамбарларга билдирган сўзларига нисбатан ишлатилган бўлиб, юқоридаги ҳолатларда илҳом ва васваса сифатида шарҳ берилган. Исломда ваҳий Пайғамбарга тушида ёки уйғоқлигида қалбида маънога эга сўзнинг фаришта кўринмаган ҳолда жо этилиши, Жаброил воситасида Пайғамбарга сўзлаши тушунилади.

“Сура” сўзи араб тилида “юқорилик”, “баландлик” маъноларини билдиради. Унинг келиб чиқиши бўйича турлича қарашлар мавжуд. Баъзилар унинг иврит тилидаги “шурах” (қатор) сўзидан келиб чиққанини айтганлар. Яна бошқа қарашга кўра, бу сўз сурия тилидаги “шурта” “сурта” (ёзув) сўзларидан келиб чиққан.

“Сура” сўзи “бошланиш, тугалланиш ва номларга эга камида уч оятдан иборат Қуръон қисмлари”га нисбатан қўйланилади.

“Оят” сўзининг маъноси эса, “белги” “аломат”, “мўъжиза”, “хужжат” маъноларини билдириб, “Қуръоннинг алоҳида, олдинги ва кейингиларидан узилган, бошланиши ва тугаши бўлган бўлаклари”га айтилади. Оят кўпинча бир жумлани ўз ичига олади. Шунингдек, оятда бир нечта жумла

бўлиши ёки бир нечта оят бир жумлани ифодалashi мумкин. Оятларнинг белгиланиши ваҳий асосида бўлган деган қараш кўпчилик уламолар томонидан қабул қилинган. Ривоятга кўра, саҳобийлар Пайғамбар (с.а.в.)дан ваҳийни тинглаётганларида бироз тўхташ ва қаломни вақтинча узишларидан билиб борганлар. Шунга биноан “оят” атамаси Қуръонда қаломнинг ўзидан олдинги ёки кейингисидан узишда белги-аломат асосида бўлганидан келиб чиқсан.

Ваҳийнинг тушиши баъзан муайян вақт кетма-кетлигида, баъзан узилишлар билан, баъзан бирор саволга жавоб сифатида, баъзан масала юзага келган ҳолатда, баъзан сабабсиз нозил бўлган.

Масалан: Масжидул-ҳаром зиёрати вақтида Умар ибн Хаттоб Мақоми Иброҳимда намоз ўқишни жорий қилиш ҳакида Муҳаммад (с.а.в.)дан сўраганида, бу борада оят тушади ҳамда Мақоми Иброҳимда намоз ўқиш ҳар бир зиёратчининг умра ва ҳаж амалларини бажарипларида жорий этилади.

Оятлар ўнта, бешта, ёки ундан кам ёки кўпроқ ҳажмда тушган. Баъзан бир оятнинг ярми тушиб, кейин қолгани нозил бўлган. Узун суралардан Мурсалот, Сафф, Анъом суралари тўлиқ ҳолда тушган.

Ҳадис тўпламлари ва тафсир асарларида оятларнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ривоятнинг бир ёки бир нечта оятларга тегишли эканлиги уларнинг бир ёки бир нечта оят тарзида тушганини тасдиқлайди. Агар кўпчилик оятлар бир вақтда тушганда сабабун-нузул ҳақидаги ривоятларда улар зикр этилган бўлар эди.

Қуръон суралардан, улар эса, оятлардан таркиб топган. Сурага “боб” сифатида ҳам таъриф берилади. Лекин бу аниқ, равшан ифода эмас. Қорилар томонидан ёдлаш ва эслаб қолишга осон бўлиши учун қисмларга бўлинган. Рубъ (чорак), ҳизб (бўлим) ва жузъ (пора)ларга бўлинниб, Қуръон 240 рубъ, 60 ҳизб, 30 жузъдан иборат. 1 жузъ

3.1. Куръон сурә ва оятлари

ҳозирги эң күп тарқалган Мадина мусҳафида 20 бетни, 1 ҳизб 10 бетни, 1 рубъ 2,5 бет ва ундан ортиқроқни ташкил қиласы. Куръонни айнан шундай тақсимлаш күпчилик томонидан ишлатилади.

Шу каби бундан бошқа тақсимлаш ҳам мавжуд. Масалан: суралар ұажмуга күра 4 қисмга бүлинади:

1. Сабъ тувол-Етти узун суралар. Улар: Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Тавба.

2. Миъун-Юзликлар. Улар: Етти узун сурадан кейинги юзға яқын оят ёки ундан ортиқ суралар. Юнус сурасидан Намл сурасигача бүлган қисм.

3. Масоний. Юзликлардан кейинги туркум суралар. “Иккиликлар” маъносидаги бу туркумнинг номланишига сабаб уларда иккى жиҳатнинг, яъни мўминларга неъмат ваъди (ваъдаси) ва имон келтирғанларга ваъийд (яъни азоб ваъдаси) маъносидаги оятлар биргаликда келишидир. Бу “Қасас” сурасидан “Хужурот” гача бүлган қисмни қамраб олади.

4. Муфассал (“узилган”). Масонийлардан кейинги туркум суралар. “Муфассал” деб номланишининг сабаби сураларнинг қисқалиги учун “басмала” билан тез-тез узилиб туришидандир. Ушбу суралар туркумининг бошланиши “Қоф” сурасидан то “Нос” сурасигачадир.

Яна бошқа ривоятларда ўзгача таркибга бўлингани ҳақида ҳам қарашлар мавжуд. Абу Довуд ва Ибн Можа суннларида Авс ибн Ҳузайфадан шундай ривоят қилинади: “Саҳобийлардан Куръонни қандай тарзда қисмларга бўласиз, деб сўрадим. Улар: 3 та, 5 та, 7 та, 9 та, 11 та, 13 та сураликка сўнг эса муфассал қисмга бўламиз дейишди”. Шунга кўра, 48 та сура бўлингандан сўнг, алоҳида муфассал деб аталган сураларга бўлениши айтилмоқда. 48-сура “Хужурот” сураси билан тугайди. 49 – “Қоф” сурасидан 114 – “Нос” сурасигача муфассал қисмини қамраб олади.

Куръон сураларининг ҳар бирининг номи бор, айримларининг номи иккى ва ундан ортиқ. Кўпчилигига фақат биттадан ном берилган. (1-илова).

Сураларнинг номланиши ўзига хос услубда амалга оширилган. Масалан, энг узун сура бўлмиш “Бақара” (“Сигир”) сурасида сигир ҳақидаги воқеа бир ўринда зикр этилган. Шу каби “Наҳл” (“Асалари”) сурасида асалари бир ўринда ва у билан боғлиқ хабар бир нечта оятлардагина зикр этилган.

Қуръондаги суралар сони 114 та бўлиб, (Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятига кўра) жами оятлар 6236 та. Сўзлар 77937 та, ҳарфлар эса, 323015 тани ташкил қилади. Энг узун сура “Бақара” сураси бўлиб, 286 оятдан иборат, энг қисқаси эса, 3 оятдан иборат “Кавсар”дир. Энг узун оят “Бақара” сурасининг 282-оятибўлиб, унда 128 тасўз, 540 таҳарфишлатилган. Энг қисқаси “Ваз-зуҳ” (Зуҳо: 1) ва “Вал-фажр” (Фажр:1) оятларидир, иккаласида 5 тадан ҳарф, ёзилишда 6 та.

Энг биринчи нозил бўлган оят “Алақ” сурасининг дастлабки 5 ояти, энг охирги нозил бўлган оят “Бақара” сурасининг 281-ояти. Шу каби энг сўнги нозил бўлган оят “Тавба” сурасининг охирги 128–129- оятлари деган қараш ҳам, “Моида” сурасининг 3-ояти, деган қараш ҳам мавжуд.

Суралар Қуръонда ҳажмига кўра тартибланган. Узун суралар Қуръоннинг бошларида, қисқалари кейинги ўринларда жойлаштирилган. Лекин бу мутлақ ёндашув бўлмай, айрим истиснолар мавжуд. Масалан, 13, 14-суралар жойлашган ўрнига нисбатан анча қисқа, яна 40 дан 46 рақамгача “ҳомим” (ҳавомим) ҳарфлари билан бошланган суралар бир жойда жамлангани боис бўлса керак, уларнинг орасидаги ҳажми кичик бўлган 44, 45-суралар жойлашган ўрнига нисбатан анча қисқа бўлиб, кейинги ўринлардаги узунроқ суралардан олдинга чиқарилган.

Сураларнинг тартибланиши саҳобийларнинг ижтиҳоди билан ёки Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан белгиланганлиги олимлар томонидан баҳс-мунозара қилинган. Биринчи қарашга

кўра, ҳозирги суралар тартиби ваҳий асосида белгиланган. Лекин айрим сураларнинг тартиби аниқ бўлмаганлиги саҳобийларга мансуб ривоятларда келган. Шунга кўра, бу қараш кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинмаган.

Иккинчи қарашга кўра, айрим суралар тартиби ваҳий асосида, кўпчилиги саҳобийлар ижтиҳодига кўра амалга оширилган. Муфассир Ибн Атийянинг қарашига кўра, етти узун сура, 2 дан 9 гача ва еттита “ҳомим” билан бошланувчи 40–46 рақамли суралар, муфассал қисмини қамраб олувчи 49 дан 114 гача суралар Пайғамбар (с.а.в.) даврларида кетма-кетлиги аниқ бўлган. Муҳаддис Байҳақий қарашига кўра, “Анфол” ва “Тавба” сураларининг жойлаштирилиши ҳақидаги ривоят мавжудлигига кўра, фақат шу икки сура тартиби саҳобийлар хукмига ҳавола қилинган. Суютий ушбу тартиб қисман Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан, қолгани саҳобийлар ижтиҳоди асосида амалга оширилган, деган қарашни қўллаб-қувватлаган.

Учинчи қарашга кўра, барча сураларнинг тартибланиши саҳобийларнинг ижтиҳоди билан бўлган. Бу Имом Молик ибн Анас ва бошқа айрим уламолар қаршидир.

Сураларнинг нозил бўлиш тартиби ҳозирда таяниладиган Усмон мусҳафи тартибидан фарқ қиласди. (2-илова).

Куръон сураларидаги оятлар сони қироат соҳибларининг наздида турлича бўлиши мумкин. Оятлар сони турлилигига кўра уч қисмга бўлинади:

1. Суралардаги оятлар сонининг умумий ва тафсилий жиҳатдан фарқланмаслиги қисми. Бунга 40 та сура киради. Бу сураларнинг оятлари сони барча қорилар наздида ихтилофсиз бир хил. Яъни оятларнинг бўлинишида ҳам ихтилоф қилинмаган (3-илова).

2. Тафсилий жиҳатдан фарқланниб, жами сони қорилар наздида teng ҳисобланган суралар. Яъни суралардаги оятларни бўлища турлича ёндашувларни қамраб олади.

1). Қасас (88 оятдан иборат) сурасида Куфа қорилари (Ҳамза, Кисоий, Осим) “То син мим” ни оят, қолган қорилар унинг ўрнига “Умматум минан нос ясқун” (Қасас: 22) ни алоҳида оят қилиб ажратганлар.

2). Анкабут (69 оятдан иборат) сурасидаги “алиф лам мим” ни Куфа қорилари оят деб қабул қилганлар, басралиқ қорилар унинг ўрнига “мухлисийна лаҳуд дийн” (Анкабут: 65)ни алоҳида оят деб қабул қилганлар, шомлик қорилар (Ибн Омир) эса, “ва тақтаъунас сабийл”ни алоҳида оят санаганлар.

3). Жин (28 оятдан иборат) сурасидаги “Лан южийруний миналлоҳи аҳад” (Жин: 22) оятини маккалиқ қорилар оят деб ажратганлар, қолганлар эса унинг ўрнига “Лан ажиду мин дуниҳи мултаҳидан” (Жин: 22) алоҳида оят деб қабул қилганлар.

4). Аср (3 оятдан иборат) сураси бўйича Мадина қориларидан (Нофеъ) ташқари ҳамма қорилар “вал аср”ни алоҳида оят деганлар. Мадина қорилари “ва тавасов бил ҳаққ”ни алоҳида оят деганлар.

3. Тафсилий ва умумий сон жиҳатидан ихтилоф қилинган суралар турига 70 та сура киради. Масалан, Фотиҳа сураси кўпчилик қорилар томонидан 7 оятдан иборатлиги таъкидланган. Куфа ва Макка қорилари “басмала”ни бу сура таркибига киритиб, “анъамта алайҳим”ни алоҳида оят санамайдилар. Қолганлари эса бунинг аксини қиласидилар. Сурадаги оятларнинг умумий сони бўйича Ҳасан уни 8 оятдан иборат деб, “басмала”ни ҳам, “анъамта алайҳим”ни ҳам алоҳида оят сифатида ҳисоблайди. Яна баъзи қорилар юқоридагиларни алоҳида оят санамай, уларнинг сони 6 та деганлар. Яна баъзилар юқоридаги иккитани ва “ийяка наъбууду”ни ҳам алоҳида оят санаб, сура 9 оятдан иборат дейдилар.

Шу каби қорилар ўртасида сураларнинг оятлари сонида ихтилофлар юзага келган бўлиб, бунда баъзи қорилар наздида

бир ёки икки оят ортиқ ёки кам деб әмас, балки сурадаги оялтарни бўлиш ва тақсимлашдаги турлилик тушунилади (3-илова).

3.2. Маккий ва маданий суралар, оялтар

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръоннинг Мәкка ва Мадина шаҳарларида тушиши, даврларнинг ўзига хосликлари, маккийлик ва маданийликка бўлиш бўйича турли қарашларни ёритиб бериш.

Таянч иборалар: маккий, маданий, ҳижрат, тавхид, ҳукм.

Қуръоннинг нозил бўлиш даврлари мавзуси ўрта аср олимлари томонидан кенг ўрганилган ҳамда ҳозирги давр тадқиқотчиларининг ҳам диққат-эътиборларида бўлиб келмоқда. Манба ва тадқиқотларда ваҳийнинг нозил бўлиш даврларига алоҳида бўлимларнинг бағишланиши бунга мисол бўла олади. Лекин тадқиқотларда маккийлик ва маданийлик масаласи Қуръоннинг даврларда нозил бўлиши жиҳатидан ўрганилиб, унга жой ва муҳит нуқтаи назаридан ўрганишга камроқ эътибор берилган.

Ислом манбаларида Қуръоннинг нозил бўлиши Мұҳаммад (с.а.в.) 41 ёшдаликларида 17 рамазон 611 йилдан бошлангани ҳамда вафотларига 10 кундан 80 кунгача қолганига қадар давом этгани айтилган.

Қуръоннинг аввал асосий қисми Маккада, сўнг Мадинада нозил бўлган. Маккада “Алақ” сурасининг биринчи бешта ояти нозил бўлиши билан бошланган. Сўнг ваҳй 3 йил давомида тўхтаган, кейин Нун, Муззаммил, Муддассир суралари билан давом этган.

Шунга кўра, Қуръон икки даврда: биринчи Макка даврида 12 йил 5 ой 13 кун, Мадина даврида эса, 9 йил 9 ой 9 кун, жами 22 йил, 2 ой 22 кун давомида нозил бўлган. Бироқ, Қуръон биринчи ваҳий тушгандан кейин уч йил давомида

тўхтагани айирилса, 19 йил давомида нозил бўлгани келиб чиқади.

Куръон сураларининг кўпчилиги кундузи ва Муҳаммад (с.а.в.) Макка ёки Мадинада муқим бўлиб, сафарда бўлмаган ҳолатларида нозил бўлган.

Маккий ва маданий суралар Куръон илмларида алоҳида ўрин тутади. Қисқача таъриф бериб айтилганда, маккий суралар асосан яккахудоликка чақириш, тавҳид мавзусини қамраб олган бўлса, маданий сураларда шаръий ҳукмлар асосий ўрин тутади.

Мусулмон олимлари томонидан маккий, маданий сурга ва оятлар ажратилган. Бу илмнинг эътибор бериб ўрганилишининг сабаби Макка давридаги сурга ва оятларни билиш насх ҳолатини аниқлапда кўмак бериши учундир.

Шу боис, ислом динининг илк даврларидан бу илмни билиш, оят ва сураларнинг нозил бўлиш жойи, замонига қараб ажратишга эътибор қаратилган. Муҳаммад (с.а.в.) томонларидан сурга ва оятларнинг маккий ва маданийлиги ҳақида айтилган ривоятлар мавжуд эмас. Бироқ бу билим саҳобийларнинг айтган сўзлари ва қарашлари асосида шаклланган.

Маккий ва маданийлик ҳолати бўйича асосан қуйидаги таърифлар мавжуд:

1. Маккий сурга ва оятлар ҳижратдан олдин тушганларини, гарчи айримлари Маккада нозил бўлмаган бўлса ҳам қамраб олади. Маданий суралар эса, ҳижратдан кейин нозил бўлган барча сураларни, гарчи Макка фатҳи вақтида нозил бўлган бўлса ҳам қамраб олади.

2. Маккий сурга ва оятлар ҳижратдан кейин нозил бўлса ҳам нозил бўлиш жойига қатъий риоя этган ҳолда маккий саналади, маданий эса барча Мадинада нозил бўлган ваҳийни қамраб олади. Макка деганда, унинг атрофи ҳам, Мино, Арафот, Муздалифалар ҳам киради. Маданийга унинг атрофидаги Бадр, Уҳуд кабилар ҳам киради.

3. Маккий деганда Макка аҳлига хитоб қилинган суралар, маданий деганда эса, Мадина аҳлига хитоб қилинган суралар тушунилади.

Юқоридаги қарашлар орасида ҳижраттагача ва ҳижратдан кейин нозил бўлиши нуқтаи назаридан маккийлик ва маданийликка ажратиш кўпчилик уламолар томонидан қабул қилинган ҳамда бу тасниф мантиқан мақбул бўлгани учун кейинги даврларда қабул этилди.

Энг кенг тарқалган қарашга кўра, маккий суралар 86 та, маданий суралар 28 та. Маккий оятлар 4603 та, маданий оятлар 1633 та. Шунга кўра, Куръоннинг деярли тўртдан уч қисми Маккада, тўртдан бир қисмидан ортиқроғи Мадинада нозил бўлган. Фоиз ҳисобида тақрибан 74% –26%.

Маккий ва маданий суралар ҳақида ҳадис тўпламларида маълумотлар мавжуд. Ушбу ривоятларда баъзан бир нечта суралар, баъзан айримлари қаерда нозил бўлганлиги зикр этилади.

Суютий “Итқон” асарида Ибн Аббос ривоятини келтиради: “Мадинада Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анфол, Тавба, Ҳаж, Нур, Аҳзоб, Мұҳаммад, Фатҳ, Ҳадид, Мужодала, Ҳашр, Мұмтахина, Сафф, Тағобун, Талоқ, Таҳрим, Фажр, Лайл, Қадр, Баййина, Зилзила, Наср суралари нозил бўлган”.

Шу каби ривоятларда бу борада турлича сўзлар нақл этилган бўлиб, кўпчилик қарашларни таҳлил этиш, уларнинг ровийларини аниқлаш орқали ҳозирги кунимиздаги тўхтамга келинган.

Маккий ва маданий оят, сураларни ажратиш ривоят асосида ҳамда уларнинг қамраб олган мавзуси, услубига қараб ажратилади. Шунинг учун бу борадаги рақамлар қисман тахминийдир. Аслида барча уламолар томонидан маданийлиги бир овоздан маъқулланган суралар 18 та, улар: Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анфол, Тавба, Нур, Аҳзоб,

Фатҳ, Ҳужурот, Ҳадид, Мужодала, Ҳашр, Мумтаҳина, Жумъа, Мунофиқун, Талок, Таҳрим.

Маданийлиги бўйича уламолар ўртасида ихтилофли бўлган 21 сура қуидагилар бўлиб, ушбу сураларнинг ҳаммасини ўстида ҳам жиддий баҳс-мунозара бўлмаган:

Фотиҳа, Раъд, Наҳл, Ҳаж, Анкабут, Муҳаммад, Раҳмон, Сафф, Тағобун, Инсон, Абаса, Мутаффифун, Фажр, Лайл, Қадр, Баййина, Залзала, Наср, Ихлос, Фалақ, Нос.

Қолган 75 суранинг маккийлиги баҳс-мунозарасиз қабул этилган.

Манбаларда нозил бўлиш жойи аниқ кўрсатилмаган суралардан: Раъд, Муҳаммад, Раҳмон, Сафф, Тағобун, Инсон, Баййина, Залзала, Наср, Фалақ ва Нос суралари кейинги тадқиқотларда маданий суралар сифатида қабул қилинган. Шунда Маккада 86 та ҳамда қуидаги 28 сура Мадинада нозил бўлганлиги аён бўлади:

№	Сура номи	Сура рақами	№	Сура номи	Сура рақами
1.	Бақара	2	15.	Ҳадид	57
2.	Оли Имрон	3	16.	Мужодала	58
3.	Нисо	4	17.	Ҳашр	59
4.	Моида	5	18.	Мумтаҳана	60
5.	Анфол	8	19.	Сафф	61
6.	Тавба	9	20.	Жумъа	62
7.	Раъд	13	21.	Мунофиқун	63
8.	Ҳаж	22	22.	Тағобун	64
9.	Нур	24	23.	Талок	65
10.	Аҳзаб	33	24.	Таҳрим	66
11.	Муҳаммад	47	25.	Инсон	76
12.	Фатҳ	48	26.	Баййина	98
13.	Ҳужурот	49	27.	Залзала	99
14.	Ар-Раҳмон	55	28.	Наср	110

Юқоридаги ихтилоф ва мунозаралар туфайли кўпчилик Куръон илмларига оид асарларда турли рақамлар келтирилади. Уларнинг орасида маккий ва маданий суралар нисбатини

85/29, 87/27 деган қарашлар ҳам бир нечта уламолар томонидан қўллаб-қувватланган.

Куръоннинг маккий сураларида маданий оятлар ҳамда аксинча маданийларида маккий оятлар мавжуд. Маккада нозил бўлган суралар таркибига маданий оятларнинг киритилиш ҳолати кўпроқ бўлиб, аксинча, Мадинада нозил бўлган суралар таркибига маккий оятлар камроқ киритилган. Бу ҳолатлар бир нечта оятлар устида кечайтганини гувоҳи бўлишимиз мумкин (4-илова).

XIX асрда европалик олимлар бу борада янгича қарашни илгари сурғанлар. Айниқса, Т. Нёльдеке ўзининг тадқиқотида Макка ва Мадинада нозил бўлган сураларни мусулмон олимларининг анъанавий услуби каби ажратган бўлса-да, у Макка даврини яна уч даврга бўлади. Унга кўра, биринчи даврга асосан қасам билан бошланган сураларни киритади. Иккинчи даврга бироз узунроқ сураларни киритиб, Аллоҳнинг барча нарсага қодирлиги баён этилган суралар, қиссалар, Мұхаммад (с.а.в.) нинг фаолияти бошқа пайғамбарлар каби эканлиги, унга эргашганларнинг ҳолати бошқа пайғамбарлар эргашувчилари каби эканлиги айтилади. Учинчи даврда илгариги суралар хусусиятлари янада аниқроқ баён этилади, пайғамбарлар қиссалари тақорланиб, қўшимчалар қилинади.

Бундай бўлишда у асосан сураларнинг услугубларига таянади ҳамда унинг тадқиқотида маккий суралар орасида маданий оятларнинг бўлиши ёки маданий суралар таркибида маккий оятларнинг бўлиши истисно ҳолатларда эканлиги таъкидланади.

Маккий ва маданий сураларни ажратиш ривоятлар асосида аниқланиши билан бирга, уларнинг услугублари бўйича ҳам ўрганилади. Мусулмон уламолари томонидан бу борада айрим қоидалар ишлаб чиқилган:

1. Сажда ояти мавжуд суралар маккий.
2. “Калло” сўзи ишлатилган суралар маккий.
3. Бақарадан ташқари пайғамбарлар қиссанси ва ўтган қавмлар ҳақидаги қиссалар мавжуд суралар маккий.

4. Бақарадан ташқари Одам ва Иблис зикр этилган ҳар бир сурал маккий.

5. Ҳаж сурасидан ташқари “Я айюҳаллазийна оману” ояти бўлмай “Я айюҳаннос” сўзлари мавжуд суралар маккий.

6. Агар сурада фиқхий ҳукмлар, қоидалар келган бўлса у маданий.

7. Агар сурада мунофиқлар ҳақида сўз юритилган бўлса, у маданийдир. Фақат маккий “Анкабут” сурасининг 1 дан 11-оятгача бўлган қисмида мунофиқлар зикр этилган бўлиб, ушбу оятлар Мадинада нозил бўлган.

8. “Я айюҳал лазийна оману” сўзлари билан бошланган сурал маданий.

9. Маданий суралар узун бўлади.

10. Маданий суралар сўзлари осон ва кўпинча кам ишлатиладиган сўзлар келмайди.

11. Аҳли китоблар билан баҳс-мунозараларда кучли ҳужжатлар келтирилиши ва босиқлик услуби суранинг маданийлигини билдиради.

Куръон нозил бўлиши тартибига кўра эмас, балки нозил бўлган оятлар мажмуаси ёки оятлар кўрсатма асосида ҳамда қисман саҳобийлар ижтиҳоди билан тартибга солинган. Натижада, Усмон мусҳафи ва у асосда ҳозирги кунимиз мусҳафи тартиби шаклланган.

Маккий, маданий сураларни аниқлаш ilk даврлардаги ривоятларда тўлиқ ва мукаммал зикр этилмагани боис, бу борада ҳозирга қадар ҳам айрим тадқиқотларда ихтилофлар юзага чиқиб туради. Ҳозирги кундаги Мадинада чоп этилаётган Мусҳаф маккий ва маданий сураларни ажратиш бўйича бир тўхтамга келишда кўмак бермоқда.

Такрорлаш учун саволлар

1. Куръон қандай номдаги қисмларга бўлинади? Ҳозирда қандай бўлинниш кенг тарқалган?

2. Жузъ, пора, суралар оят деганда нимани тушунасиз?

3.2. Маккий ва маданий суралар, оятлар

3. “Ваҳий” сўзининг маъноси ва таърифи ҳақида нималарни биласиз?

4. Қуръоншуносликда “маккий” атамаси нима маънони англатади? “маданий” сўзичи?

5. Маккийлик ва маданийлик тушунчалари ҳақида қандай қарашлар мавжуд?

Мустақил иш мавзулари

1. Замонавий тадқиқотларда Қуръоннинг сурা ва оятлари ҳақидаги қарашлар.

2. Суютийнинг “Итқон фи улумил-Қуръон” асарида маккийлик ва маданийлик тушунчаси

3. Farb қуръоншунос олимларининг маккийлик ва маданийлик тушунчасига доир қарашлари.

Қўшимча адабиётлар

1. Заркаший. *Бурҳон фи улумил-Қуръон*. 4 жилдли. - Қоҳира: Мактаба Дорут турос, 2002.

2. Суютий. *Итқон фи улумил-Қуръон*. 2 жилдли. - Қоҳира: Дорул ҳадис, 2004.

3. Белл Р., Уотт У. М. *Коранистика. Введение*. - Москва-Санкт Петербург: Диля, 2005. -205 б.

4. Муҳаммад Бакр Исмоил. *Диросот фи улумил-Қуръон*. Shamelae-e-book. 2007.

5. Муҳаммад Тоҳир Курдий. *Тарихул Қуръон*. Shamelae-e-book. 2007.

6. Нёльдеке Т. *Қуръон тарихи*. / Араб тилига таржима ва изохлар муаллифи Ж. Томар. -Байрут: 2004. -841 б.

7. Обидов Р. *Қуръон ва тафсир илмлари*.-Т: Тошкент ислом университети, 2003. -468 б.

8. Муҳаммад Шафоат Раббоний. *Маккий ва маданий*. -Shamelae e-book. 2007.

4-БОБ. ЕТТИ ҲАРФ (ЛАҲЖА) ВА ЕТТИ ҚИРОАТ ТУШПУНЧАСИ

4.1. Куръоннинг етти лаҳжада нозил бўлганлиги ҳақидаги ҳадислар таҳлили

Мавзунинг ўқув мақсади: Куръоннинг етти (ҳарф) лаҳжада нозил қилингани ҳақидаги ҳадис ва ривоятлар, уларнинг талқини ҳақида билимни шакллантириш.

Таянч иборалар: етти ҳарф, етти лаҳжа, араб қабилалари.

“Куръоннинг етти лаҳжаси” илк ислом давридан буён олимлар ва тадқиқотчиларнинг доимий эътиборидаги мавзу бўлиб келмоқда. Farb шарқшуносларининг “Куръон лаҳжалари бўйича мусулмон олимлари ҳали ҳануз қониқарли, аниқ жавоб берга олмаяптилар” деган танқидларига жавобан мусулмон олимлари янги изланиш ва таҳлилларини тақдим этмоқдалар.

Куръон илмларини умумий тарзда ўрганган Суютий, Заркашийлар асарларида бу мавзу мухтасар тарзда ёритилган бўлса, алоҳида асарлари билан эътибор қаратган олимлар ҳам мавжуд.

“Куръоннинг етти ҳарфда нозил бўлганлиги” ҳақидаги ҳадислар мазмунидан кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, унинг “етти лаҳжа (шева)да нозил бўлганни” тушунилади. Бу борада ривоят қилган саҳобийлар сони 20дан ортиқ бўлиб, кўпчилиги ишончли ва мутавотир саналади.

Куйидаги ҳадислар бу борада муҳим маълумотларни беради:

4.1. Куръоннинг етти лаҳжада нозил бўлганлиги ҳақидаги ҳадислар таҳлили

Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд, Нисоийлар Умар ибн Хаттобнинг қуийидаги ривоятини келтирганлар: “Пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларида Ҳишом ибн Ҳакимнинг Фурқон сурасини у киши менга ўргатмаган турли лаҳжаларда ўқиётганини эшитиб қолдим. Унинг намозини бузишимга сал қолди. Сўнг сабр қилиб туриб, намозни тугатиши билан кийимидан тортиб, бу сурани сенга ким ўргатди, дедим. У: Расулуллоҳ ўргатганлар, деди. Мен унга ёлғон гапирдинг, менга у киши бошқа ҳарф (лаҳжа)да ўргатганлар, дедим. Сўнг Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига етаклаб олиб бориб: мен мана буни сиз менга ўргатмаган ҳарф (лаҳжа)да ўқиётганини эшитдим. У киши: уни қўйиб юбор, дедилар. Сўнг унга қани ўқи эй Ҳишом, дедилар. У мен олдинроқ эшитганимдек ўқиди. Сўнг у киши шундай нозил бўлган, дедилар. Сўнг менга, эй Умар ўқи, дедилар. Мен ўргатганлариdek ўқидим. Сўнг у киши шундай нозил бўлган, дедилар. Бу Куръон етти ҳарф (лаҳжа) да нозил бўлган. Муяссар бўлганча ўқингиз, дедилар”.

Сўнг шунга ўхшаш ҳолат Убай ибн Каъб ва икки киши орасида ҳам кечади. Ушбу ривоятга кўра, учала саҳобий уч хил лаҳжада ўқишишган ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига боришган. Бу ҳадис Муслим “Саҳиҳи”да келган.

Бу ўқищдаги турлилик борасидағи баҳс-мунозараларга оид ҳадис бўлиб, бошқаларида Пайғамбар (а.с.) га кишиларга ўқишиларида қулайлик бўлиши учун етти лаҳжада Куръон нозил бўлгани зикр этилади. Муслим ва Нисоий тўпламларида бу борада ҳадислар келган:

Ибн Аббос шундай дейди: “Расулуллоҳ дедилар: Жаброил менга бир ҳарфда (лаҳжада) ўқитди. Мен ундан кўпайтиришни сўрадим, у кўпайтирди, охири етти ҳарфга етди”.

Термизий Убай ибн Каъбнинг қуийидаги ривоятини келтиради: “Расулуллоҳ Жаброил (а.с.)ни кўрдилар ва унга: Мен ўқиш ва ёзишни билмайдиган умматга юборилдим, уларнинг орасида қариялар ва болалар бор. У деди: Уларнинг олдига бор, Куръонни етти ҳарфда ўқисинлар”.

Юқоридаги ҳадислардан етти лаҳжада нозил қилинишининг сабаби Қуръонни кишиларга, қария ва болаларга енгиллик бўлиши учун, ҳамма лаҳжада ўқиш мумкинлиги, саҳобийларнинг билмаганларидан бир-бирларининг ўқишларини рад этганлари ҳақидаги мазмунлар келиб чиқади.

Қуръон тушган етти лаҳжа илк ислом уламолари томонидан аниқлашга ҳаракат қилинган: айрим олимлар етти лаҳжа сифатида қурайш, ҳузайл, тамим, азд, рабиъа, ҳавозин, Саъд ибн Бакрларни кўрсатган бўлсалар, бошқалар бу ҳузайл, кинона, қайс, зибба, таймур-рибоб, Асад ибн Хузайма, Қурайшлардир, деганлар. Лекин ҳозирги давр тадқиқотчилари Қуръон қироатларида еттитадан кўп лаҳжалар ишлатилганини таъкидлайдилар.

4.2. Қуръон лаҳжалари бўйича қарашлар таҳлили

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръон лаҳжалари ҳақидаги кўпчилик мусулмон олимларининг фикр ва қарашлари ҳақида билим ва маълумотлар бериш, унинг қироат боғлиқлигини тушунтириш.

Таяинч иборалар: зиёда ва нуқсон, тақдим ва таъхир, лаҳжаларнинг хусусиятлари.

Етти ҳарфдаги турлилик нималарни қамраб олишини аниқлашда уламолар ихтилоф қилганлар. Баъзилар уни етти лаҳжада ҳақиқий адад эмас, балки у бир нечта турдаги ўқиши услубларини қамраб олиб осонлик, қулайлик яратилганини билдиради, деганлар.

Яна баъзилар, у етти қироатни қамраб олади, деганлар. Лекин Қуръонда бир сўзнинг айнан етти хил ўқилгани жуда камчиликни ташкил қиласди. Аксарияти 3-4 хил ёки мутавотирдан бошқа ривоятларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда еттитадан ортиқ турда ўқилган. Етти мутавотир қироатлар

бўйича эса, турли ўқилган ўринларда кўпчилик қориларнинг 2 ва ундан ортиқлари бир хил ўқиганлар. Қироат бўйича асарлар ва тафсирга оид манбаларда камчилик ҳоллардагина бир қорининг бошқалардан ажralиб, фарқли ўқиганини кўришимиз мумкин. Яна бошқа қарашларга кўра, бир сўзни ўқиш 2 хилдан 7 хилгача ўқилади. Лекин бу қараш ҳам ҳақиқатга яқин эмас, Куръонда айрим сўзлар борки, мутавотир қироатлардан ташқари бошқа қироатларни ҳам қўшилганда улар етти хилдан кўпроқ услубда ўқилган. Масалан, “абадат тогута” ва “үфф” сўзлари 7 тадан ортиқ турларда талафғуз этилган.

Шу каби “етти ҳарф”ни шарҳлашда турлича қарашлар юзага келган. Кўпчилик унга лаҳжа сифатида таъриф берганлар, бу ҳолда синоним сўзларни ишлатиш, талафғуздаги турлилик тушунилади.

Етти ҳарф бу – амр ва наҳӣ, ҳалол ва ҳаром, муҳкам ва муташобиҳ ҳамда масаллардир, деган қараш ҳам, улар: възд ва възид, ҳалол ва ҳаром, мавъиза ва масаллар ҳамда ҳужжат келтириш йўналишлари деган фикр ҳам ёки улар: муҳкам ва муташобиҳ, носих ва мансух, хос ва ом ҳамда қиссалар дейилган тажминлар ҳам мавжуд.

Баъзи олимлар араб тилидаги сўзнинг қабилалар томонидан турлича ифодаланиши, деган қарашни илгари сурғанлар. Масалан: асадийлар “таъламун” сўзини “тиъламун” тарзида, ҳузалийлар “ҳатта ҳийн”ни “ъатта ҳийн” деб талафғуз этганлар. Тамимликлар одатда ҳамзани талафғуз этганлар, қурашийлар эса уни талафғуз этмаганлар. Бу йўналишдаги ихтилофлар эса, Усмон мусҳафига қадар давом этган, сўнг бекор қилинган.

Суфён Саврий, Табарий, Таҳовий каби фақиҳ ва муҳаддислар араб тилидаги сўзнинг қабилалар томонидан синонимларини ишлатишлари сифатида тушунганлар. Масалан: “ҳалумма”, “ақбил”, “таъала”, “ажжил”, “асриъ”,

“қасдий”, “наҳвий” сўзлари “кел” маъносидаги синоним сўзлардир.

Ушбу қарашни Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъбларнинг мусҳафларидағи синонимларни ишлатилиши қўллаб-куvvatлайди.

Масалан: Убай мусҳафида

سَعُوا مَشْوَا فِي هُمْ أَضَاءَ كَلَمًا مَنْ شَوَّا تَرْزِيدًا حَمْدًا لِهِمْ أَمْهَلُونَا مَنْ يَقُولُ الْمَنَافِقُونَ وَالْمُنَافِقَاتُ لِلَّذِينَ آمَنُوا أَمْهَلُونَا أَخْرَوِنَا تَرْزِيدًا يُكَيِّغُهُ مِنْ مِسْوَلَتِهِ بُولَادِي

Сўзини Ҳамда Ибн Масъуднинг

أَمْهَلُونَا يَوْمَ يَقُولُ الْمَنَافِقُونَ وَالْمُنَافِقَاتُ لِلَّذِينَ آمَنُوا أَمْهَلُونَا سَعُوا مَشْوَا فِي هُمْ أَضَاءَ كَلَمًا مَنْ شَوَّا تَرْزِيدًا حَمْدًا لِهِمْ أَمْهَلُونَا مَنْ يَقُولُ الْمَنَافِقُونَ وَالْمُنَافِقَاتُ لِلَّذِينَ آمَنُوا أَمْهَلُونَا أَخْرَوِنَا تَرْزِيدًا يُكَيِّغُهُ مِنْ مِسْوَلَتِهِ بُولَادِي

Ушбу фикр тарафдорлари ҳам бу йўналишдаги ихтилофли сўзларнинг Усмон мусҳафи юзага келгандан сўнг бекор қилинганини эътироф этишган.

Шу каби бошқа қарашга кўра, тиловатдаги нутқ сифатида таъриф берганлар ҳам бор. Бунга кўра, етти лаҗжа идғом ва изҳор, тафхим ва тарқиқ, имола ва ишбоъ, мадд ва қаср, ташдид ва таҳфиф, талйин ва таҳқиқни қамраб олади.

Лекин бу қараш лаҗжалардаги ихтилофнинг фақат нутқ талаффузи бўйича жиҳатини қамраб олиб, қолган жиҳатларидан чекланиб қолган.

Қуръон қироатлари лаҗжаларнинг қўйидаги синфлар бўйича ихтилофларини қамраб олган:

1. Қуръон лаҗжаларида сўзларни иштиқоқ қилишдаги ихтилофлар. Масалан, Ҳамза, Кисой, Халафлар “յъкифун” сўзидағи “коф” ҳарfinи касра қилиб қилиб ўқиганлар, бу Асад қабиласининг лаҗжасига мосдир. Юқоридаги учала қорилар ҳам қуфалик бўлганлари уларнинг ўқиш услублари ушбу лаҗжа таъсиридан бўлганини тасдиқлайди. Қолган қорилар “яъкуфун” шаклида ўқиган бўлиб, бу қолган лаҗжалар қабул қилган иштиқоқдир. “La taqnatū” сўзини ҳам шунга ўхшаш, Абу Амр, Кисой, Яъқуб, Халафлар “La taqnitū” сифатида ўқиганлар, бу ҳижоззиклар ва Асад қабиласи лаҗжасига мувофик, қолганлар “ла тақнату” деб ўқиганлар.

Бу ҳам иштиқоқ масаласига доирдир. Шу каби “юбашширука” сўзи Ҳамза, Кисойлар томонларидан “ябшурука” тарзида ўқилган. Қолган қорилар “юбашширука” деб Ҳижоз лаҗжасига мос тарзда ўқиган бўлсалар, олдингиларнинг ўқишлари Тиҳома лаҗжасига мувофиқ. Ушбу иккала қироатнинг ҳам маъноси бир хил.

Сарф этиш нуқтаи назаридан Қуръон лаҗжаларидаги ихтилофлар. Масалан, “Қарҳ” сўзини Шуъба, Ҳамза, Кисоий, Халафлар “Курҳ” тарзида ўқиганлар. Қолганлар “Қарҳ”, деб ўқиганлар. Бу икки сўзининг маъноси “жароҳат” дир. “Руъб” сўзини Ибн Омир, Кисоий, Абу Жаъфар, Яъқублар “руъуб” сифатида ўқиганлар, бу Қурайш лаҗжасига мос. Қолганлар “руъб” деб ўқиганлар, бу Тамим, Асад, Қайс қабилаларининг лаҗжаларига мувофиқ. Иккала лаҗжага кўра маъноси “қўрқув”.

2. Товуш жиҳатидан лаҗжалар орасидаги ихтилофлар. Масалан, ҳамзани талаффуз этиш ва этмаслик лаҗжалар ўртасида ихтилофли масала саналади. Бунда ўзидан олдинги ҳарф ҳаракатига мадд тарзида ўтади: “ал ҳуда иътина” – “ал ҳудатина” сифатида алиф қилиб ўқилади, “аллазий иътамана” – “аллазийтамана” ё ҳарфи билан, “яқулу иъзин лий” – “яқулузин лий” вов ҳарфи билан ўқилади. Ҳижоз, Ҳузайл, Мадина аҳллари каби айрим қабилалар ҳамзани талаффуз этмайди. Лекин шу билан бирга ушбу услуб араб қабилаларида умумий тарзда тарқалган бўлгани учун муайян қабилага хос қилиш ҳам нисбий тушунчадир. Фатҳ ва имола масаласи ҳам лаҗжаларга хос ихтилоф бўлиб, Арабистон ярим оролининг гарбидаги қабилалардан Қурайш, Сакиф, Ҳавозин, Кинона “фатҳ” қилиб ўқиган. Имола тарзида ўқиши эса, Арабистон ярим оролининг маркази ва шарқидаги Тамим, Қайс, Асад, Тай, Бакр ибн Воил, Абдулқайс қабилаларининг хусусияти ҳисобланади. Қироат соҳибларидан имолани кўп ишлатганлар: Варш, Абу Амр, Ҳамза ва Кисоийлар бўлиб, фатҳ қилиб, яъни имоласиз

ўқиганлар: Қолун, Ибн Касир, Ибн Омир, Осим, Абу Жаъфар, Яъқублардир. Фатҳ қилиб ўқиш деганда унли фатҳани фатҳа қилиб ўқиш, имола эса фатҳани касрага яқин қилиб ўқиш алифни ё ҳарфига яқин қилиб ўқиш кабилар тушунилади.

3. Қуръон лаҳжаларини далолат этиш нуқтаи назаридан ихтилофлари. Бунда маълум лаҳжада ишлатиладиган сўзнинг Қуръонда акс этиши. Илгари айтилганидек, Қуръонга араб қабилалари лаҳжаларида ишлатиладиган сўзларнинг кўпчилиги киритилган. Бунда қироат соҳиблари муайян лаҳжа услубига таянмаганлар, балки Усмон мусҳафи бир нечта лаҳжани қамраб олгани учун, ҳар бир қироатда бир нечта лаҳжада қабул қилинган сўзлар ишлатилган.

Юқоридагилар ушбу лаҳжаларнинг Қуръонда акс этиши кўрсатиб берилган фақат айрим мисоллар бўлиб, бу борадаги асарлар ва тадқиқотларда мавзуу янада очиб берилган.

Ибн Кутайба бу ҳақда шундай дейди:

1. Сўзнинг эъробида ёки ҳаракатларида ихтилоф бўлиб, бунда унинг расмидаги ҳолати ва маъноси ўзгармайди. Масалан:

فَوْلَاءَ بَنَاتِي فُنْ أَطْهَرُ لَكُمْ (هود:٧٨) – وَأَطْهَرُ لَكُمْ

يَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالبَخْلِ (النِّسَاءُ: ٣٧) – بِالبَخْلِ

2. Сўзнинг эъробидаги ёки ҳаракатларидаги ихтилоф бўлиб, унинг расмидаги ҳолати ўзгармай, маъноси ўзгаради. Масалан:

رَبُّنَا بَاعِذْ بَنِنَ أَسْفَارَنَا (سبا: ١٩) – بَاعِذْ

إِذَا تَلَقَوْنَهُ بِالْسَّيْئَتِكُمْ (النُّورُ: ١٥) – تَلَقَوْنَهُ

3. Ихтилофнинг сўз ҳарфларида бўлиб, эъробида бўлмаслиги. Бунда маъноси ўзгаради ва сурати ўзгармайди. Масалан:

وَانظُرْ إِلَى الْعِظَامِ كَيْفَ نُشِرِّزُهَا (البَقَرَةُ: ٢٥٩) – نُشِرُّهَا

حَتَّىٰ إِذَا فُرَغَ عَنْ قُلُوبِهِمْ (سِيَّارَةٌ: ٢٣) – فُرَغَ

4. Сўздаги ихтилоф бўлиб, бунда расмида ўзгариб, маъноси ўзгармайди: Масалан:

إِنْ كَانَتْ إِلَّا صَيْحَةً وَاحِدَةً (يَسٌ: ٢٨) – زَفِيرَةً وَاحِدَةً

كَأَعْنَفِ الْمَنْفُوشِ (الْقَارِعَةُ: ٥) – كَالصُّوفِ الْمَنْفُوشِ

5. Сўздаги ихтилоф бўлиб, бунда расми ҳам маъноси ҳам ўзгаради. Масалан:

وَطَلَعَ مَثْضُودٌ (الْوَاقِعَةُ: ٢٩) – طَلْحٌ

6. Оятдаги сўзларнинг тақдим ва таъхиридаги ихтилоф:

وَجَاءَتْ سَكَرَةُ الْمَوْتِ بِالْحَقِّ (قُ: ١٩) – وَجَاءَتْ سَكَرَةُ الْحَقِّ بِالْمَوْتِ

7. Сўзлардаги зиёда ва нуқсонлар бўйича ихтилоф. Масалан:

وَمَا عَمِلْتَ أَيْدِيهِمْ (يَسٌ: ٣٥) – وَمَا عَمِلْتَهُ أَيْدِيهِمْ

إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ (لَقَمَانٌ: ٢٦) – وَإِنَّ اللَّهَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ

Машҳур муфассир Имом Фахрур-Розий кўллаб-куватлаган фикрга кўра, қуйидаги етти жиҳат бўйича ихтилофларни қамраб олади:

1. Сўзларнинг бирлик, иккилиқ, кўплик, муаннас ва музаккардаги ихтилофи. Масалан:

وَالَّذِينَ هُمْ لَا مَانَاتُهُمْ وَعَهْدُهُمْ رَاعُونَ

сўзи шаклида, бирликда ҳам ўқилган.

2. Феълларнинг тусланишида, яъни ўтган замон, ҳозирги-келаси замон ва буйруқ майлида ўзаро ўзгариши асосида юзага келган ихтилоф. Масалан:

فَقَالُوا رَبُّنَا بَاعِدُ بَيْنَ أَسْفَارِنَا

байд байд тарзида, ўтган замон шаклида ҳам ўқилган.

3. Эъробдаги ихтилоф. Масалан:

وَلَا يَضَارُ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ

Бозорида сўзи **бazar** тарзида рафъ ҳолатида ўқилган. Шунда “ла” инкор ҳарфидан кейин музореъ феъли рафъ ҳолатда, агар “ла” наҳй ҳарфи музореъдан кейин сукун бўлиб, бу ҳолатда иккиланган феълларда охири фатҳали бўлади.

Юқоридаги ҳолатларда Усмон мусҳафи ёзувига мувофиқ келиб, унинг доирасидаги ихтилофлар саналади.

1. Нуқс ва зиёдадаги ихтилофлар.

وَأَعْدَ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتَهَا الْأَنْهَارُ

وَأَعْدَ لَهُمْ جَنَّاتٍ مِّنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ

Юқоридаги ҳолатда “мин” ҳарфи қўшилган. Ушбу иккала ўқиши мутавотир саналади. Чунки Усмон мусҳафининг Маккага юборилган нусхасида бу ўринда “мин” ҳарфи бўлган. Қолган мусҳафларда “мин” бўлмаган.

Шу ўринда айтиш лозимки, агар қироат Усмон мусҳафларининг бирортасига мувофиқ келмаса, у ҳолда у қироатлар эътиборга олинмаган.

2. Тақдим ва таъхирдаги ихтилоф.

وَجَاءَتْ سَكْرَةُ الْمَوْتِ بِالْحَقِّ (ق: ۱۹)

وَجَاءَتْ سَكْرَةُ الْحَقِّ بِالْمَوْتِ

Иккинчи қироат Усмон мусҳафига мос келмагани учун қабул қилинмаган. Усмон мусҳафи расмий Қуръон сифатида эълон қилингандан сўнг юқоридаги ҳолатлардаги турлиликларга чек қўйилган.

3. Сўз ҳарфларининг алмаштирилишидаги ихтилофлар.

وَانْظُرْ إِلَى الْعِظَامِ كَيْفَ تُنْشِرُهَا (الْبَقَرَةُ: ۲۵۹) – تُنْشِرُهَا

Бу иккала қироат мутавотирдир.

4. Фатҳ ва имола, тарқиқ ва тафхим каби сўзнинг нутқи ва талафғузидаги ихтилофлар. Бунга “ата” сўзининг “атей” шаклида “Мусо” сўзининг “Мусей” шаклида ўқилишини мисол қилиш мумкин. Бу араб қабилалари ўртасидаги лаҗжалардаги фарқлар доирасидадир. Бу йўналишдаги ихтилофлар доимо Усмон мусҳафига мос келади. Чунки, ёзувда бир хил кўринишда ёзилади.

Етти ҳарф ҳақидаги ҳадисни Куръоннинг етти лаҗжада нозил бўлганини билдиришини таъкидлаш ўринли. Агар ҳадисларни таҳлил этилса, бунга далил кучаяди. Куръон нозил бўлган вақтда арабларнинг ўз лаҗжаларига кўра ўрганишлари осон бўлиши учун етти лаҗжада нозил қилинган. Шунда бошқа лаҗжаларда сўзлашувчи каттаю кичик Куръон ўқувчилари уни осонроқ ўргандилар.

Бу борадаги ривоятлар зоҳиран Мадинада айтилган сўзлар асосида шаклланган. Чунки Пайғамбар атрофларидаги яқин саҳобийларнинг Куръоннинг бошқа лаҗжалардаги ўқилишини эшлиб, ишонқирамай у кишининг олдиларига боргандари ва саволни аниқлагандари бунга далил бўла олади. Масалан, Умар Маккада исломни қабул қилган бўлиб, бундай турлиликни билмаган бўлиши эҳтимолдан йироқ.

Умуман, лаҗжалар масаласини ёритиш бўйича олимлар томонидан турли фикрлар билдирилиб, 35 хил қараш вужудга келди. Уларнинг айримлари ҳақида юқорида тўхталинди. Айримлари эса, мақсаддан узоқлашиб кетгани учун кейинги даврларда ривожлантирилмади.

Куръоннинг етти лаҗжада нозил бўлгани саҳиҳ, мутавотир даражадаги ҳадисларда ўз аксини топиши билан бирга, унинг лаҗжаларда қандай ўқилгани аниқ тарзда келмаган. Яъни, ҳадисларда “Куръон бу лаҗжада мана бундай ўқилади, у лаҗжада бундай ўқилади” дейилган ўринлар топилмайди. Лекин нодир ҳолатларда бу борада саҳобийларнинг бир-бирлари билан баҳс-мунозаралари баён этилган ўринларни кўриш мумкин. Масалан, ривоят қилинишича, Анас ибн Молик Музаммил (73) сураси б-оятидаги:

إِنَّ نَاسِنَةَ الْلَّيْلِ هِيَ أَشَدُ وَطْءاً وَأَقْوَمُ قِبَلَاً

“Ақваму қийлан”ни “Асвабу қийлан” деб ўқиган, унга “Ақваму қийлан” деб ўқилади дейилганда, “аҳнау”, “асвабу”, “ақваму” бир хил”, деган.

Айнан шу турлилук Усмон даврида Қуръонни ягона ўқиш услубига келтиришга турткى бўлган ҳамда у юқорида айтилганидек, Курайш лаҳжасига кўра Қуръонни ёздирган. Бунда Қуръонда бир-бирига қарама-қарши қироатлар мавжуд деган түшүнча чиқмайди, албатта. Чунки, бу лаҳжалар асосида маъноси бир хил турли қабилалар ишлатган синоним сўзлар қўлланилган.

Етти ҳарф етти лаҳжка деган маънодан келиб чиқиб, араб лаҳжаларининг қироатларга таъсирини исботлаш мумкин. Аслида, Мұхаммад (с.а.в.) даврларида қироат турлари ҳақида сўз юритилмаган. Балки лаҳжалар ҳақида сўз юритилган. Гарчи қироатлар асли Пайғамбарга мансуб қилинса-да, илк даврларда бу ибора айнан ишлатилмаган.

Юқорида етти ҳарф ҳақидаги қарашларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, кўпчилик манба ва тадқиқотлар ундан мурод лаҳжалар эканлиги, нутқ ва талаффуз этиш ҳам, сўзларнинг синонимларини ишлатилиши кабилар лаҳжаларга кўра ихтилофларни қамраб олишини тасдиқлайди.

4.3. Қироат түшүнчаси.

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръоннинг қироати (ўқилиши) даги турлилук, унинг мазмун моҳияти, лаҳжалар билан боғлиқлиги ҳақида билим ва тасаввур ҳосил қилиши.

Таянч иборалар: қироат, қори, қурро, муқриъ.

“Қироат” сўзи ўзак бўлиб, “ўқимоқ” маъносини билдиради. “Қори” (кўплиги “қурро”) сўзи “ўқувчи” маъносида бўлиб, қуръоншуносликда “Қуръонни ўз ўқиш услубига эга ўқувчиси ва шу услугуга кўра ўргатувчиси”,

“қироат” эса ривоят асосида ўқиш услуби маъносидадир. Қироат турлари лаҳжалардан бошқа маънода бўлиб, лекин иккиси бир-бири билан боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Кам тарқалган “етти лаҳжадан мурод етти қироатдир”, деган қараш манбалар ва тадқиқотларда рад этилган. Кўпчилик Қуръон илмлари бўйича фаолият кўрсатган олимлар етти лаҳжа ва етти қироат бошқа-бошқа нарсалар, деганлар. Лаҳжалардаги сўзлар ва услублар етти қироатнинг ҳар бирида маълум маънода жамланган бўлиши мумкин.

“Қуръоннинг етти ҳарф (лаҳжа)да нозил бўлиши” ҳақидаги ривоятларнинг таҳлили унда қироатларга ҳам таъсир этган ўринлар мавжудлигини кўрсатади. Ибн Масъуддинг Ҳузайл қабиласидан бўлгани унинг лаҳжасини қуфалик қори Осим ибн Абу Нажуд қироатига таъсири мавжудлиги тадқиқотларда айтилган. Шунга кўра, Усмон мусҳafi айрим ўринларда лаҳжаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда жамланган.

Шундай қилиб, “Қуръон қироатлари” деганда Қуръон сўзларининг ҳарфлари ва ҳаракатларини Усмон мусҳafi имконияти доирасида ривоятга асосланган ҳолда турлича ўқиш маъноси келиб чиқади. Шу ўринда айтиш лозимки, Қуръон тўлиқ, ҳар бир сўзи ва ҳарфи қорилар томонидан турлича ўқилмаган. Балки, баъзи сўзлар турлича ўқилган ҳамда нутқ этишда фарқланади. Шу билан бирга, икки ёки ундан ортиқ қорилар бир хил ўқишни ривоят қилишлари ҳам жуда кўп учрайдиган ҳолат. Қуръон сўзини бир қорининг бошқа бир ёки ундан ортиқ қорига мос тарзда ўқимаслиги жуда камдан кам учрайдиган ҳолатдир.

Бошқа жиҳатдан сўз ва ҳарфлар ҳаракат бир хил бўлганда ҳам уни талафғуз этиш (имола, фатҳ каби) турлича бўлиши мумкин. Бу эса айнан қориларнинг маълум маънода лаҳжаларга боғлиқлигини кўрсатиб берувчи яна бир далолатдир. Чунки, қорилар ўзлари ўрганган ўқиш услуби маълум қабилага тегишли талафғуз қилиш асосига ҳам таянади. Бунда маъно ҳам, ҳарфлар ҳам ўзгармайди.

Умуман, қироатлар мавзуси ҳозирги давримизда кенг очиб берилишга муҳтож бўлган йўналишлардан. Унинг шаклланиш тарихи ва босқичлари, маълум қироатнинг тарқалиш сабаблари, мутавотир қироатларда ҳам айrim сўзларни ўқишда заиф ривоятларга таяниш сабаблари каби саволларга аниқлик киритилиши тадқиқотчилар олдиларида турган вазифалардан.

Қориларнинг яшаган даврлари бир-бирига жуда яқин бўлгани бир даврнинг ўзида бунга катта эътиборнинг юзага келганини кўрсатади. Куръоннинг дастлабки ёзма нусхаларида диакретик ҳаракатлар ва нуқталарнинг бўлмаганлиги бизга маълум. Абул Асвад Дуалий (ваф. 688), икки шогирди Наср ибн Осим (ваф. 707), Яҳё ибн Яъмурлар (ваф. 746) томонидан ундош ҳарфларни ажратиш учун нуқталар қўйиш ва унли ҳарфларни ҳаракатлар қўйиш билан ажратиш амалга оширилган. Кўриниб турганидек, ривоятга асосланган қироатга кўра ҳаракат ва нуқталар қўйилган. Бунда Куръонни китобдан эмас, балки қорилар томонидан ўқитилиши асос бўлгани учун катта қийинчиликлар чиқмаган, дейиш мумкин. Яъни Усмон мусҳафи расмий нусха ҳамда уни қори томонидан ўқитиб, ўргатилган.

Шарқшунос олимлардан Т. Нёльдеке ва И. Гольдциерларнинг фикрича, Усмон мусҳафидаги нуқталар ва ҳаракатларнинг қўйилмаганлиги кейинги даврда уни турлича ўқишга сабаб бўлган. Бу фикрга мусулмон олимлари раддия берганлар. Манбалардаги маълумотларга кўра, Куръон фақат Усмон мусҳафи асосида эмас, балки авлоддан авлодга ёдаки тарзда ҳам ўтиб борган, силсидалар билан илк давр машҳур саҳобийларига етиб борадиган қироатлар асос вазифасини ўтаган. Айrim олимларнинг қарашларига кўра, қориларнинг Куръондаги маълум сўзни ўқиш услубини танлашда ижтиход қилган ўринлари мавжудлигидан унинг турлари кўпайган. Бу қараш ҳам агар тасдигини топса, жуда кам ўринларга нисбатан қўлланилган.

Шу каби кўпчилик мусулмон олимлари томонидан қироат соҳиблари ўз қироатларини саҳобийлардан ва улар Мұхаммад (с.а.в.)дан олганлари қайд этилган. Шунинг учун дастлабки Қуръон илмлари бўйича фаолият кўрсатган олимлар мутавотир қироатларни 25 та, 20 та, 7 та, 10 та каби турлича талқин этилишини кузатиш мумкин. Ушбу қироат турларининг кўпайиб кетишига қориларнинг ўз ўқишиларини тузища бошқа қорилар қироатларидан олар эканлар, бир қоридан бир сўзниг ўқиши услубини олсалар, бошқа ўринда яна бошқасидан олганлар. Шу тарзда маълум маънода қорилар ўз қироатларини тузища турли қироатлардан терма қилиш йўлидан ҳам борганлар.

4.4. Етти мутавотир қироат.

Мавзунининг ўқув мақсади: Етти мутавотир қироат, уларнинг соҳиблари, ровийлари ҳақидаги билим ва тасаввурни шакллантириш, Ҳафснинг Осимдан қылган ривояти асосидаги ўқишининг ҳозирда кенг тарқалгани бўйича маълумот ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: мутавотир, машҳур, оҳод, шозз.

Қироатларнинг кўпайиши Қуръон ҳақида турли нотўғри қарашлар чиқиши мумкинлигидан бўлса керак, Абу Бакр Аҳмад ибн Мусо ибн Аббос ибн Мужоҳид (245–324/859–935) уларнинг сонини имкон қадар камайтириш ва Қуръоннинг етти ҳарфда нозил бўлгани ҳақидаги ҳадисга мос тарзда қироатларни ҳам еттита эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатда ҳам унинг етти қироатни ажратиб бериши, ўз давридаги бу борадаги мӯаммони ҳал этиб, кейинги даврлар учун ҳам ечим берди. Чунки камида еттитадан кейинги учта қироат ҳам мутавотирликда қолишмаслиги олимлар томонидан эътироф этилган.

Қироатларни аниқлашда ривоят асос қилинган, чунки агар Усмон мусҳафидаги нуқталар ва ҳаракатларнинг қўйилмаслиги қироатларни юзага келтирган бўлса, у ҳолда ўша даврнинг

ўзида қироатлар ҳозиргидан ҳам ниҳоятта күпайиб кетган бўлар эди. Чунки араб тилидаги музориъ ҳарфлар нуқталарини маънога таъсир кўрсатмаган ҳолда турлича қўйиш, ёки сўз нуқталарини ўзгартириш билан умуман бошқасига айланиб кетиши, ҳаракатлар бўйича, маълум ва мажхул нисбатларда ўзгаришлар кўпайиб кетиши каби ҳолатларни ҳисобга олинса, бу равshan бўлади. Бунга қўшимча қилиб, фирмә ва оқимларнинг ўз йўналишларига Куръонни мослаштиришга уринишларини бошидан ўтказган қироатларнинг саломат сақланиб қолиши жиддий эътибор натижасидан эканлиги келиб чиқади. Шунинг учун ривоят асосида қироатлар шаклланган деган қараш ҳақиқатга яқинроқдир.

Қироатларнинг турлилигига кичик бир мисол тарзида “Фотиҳа” сурасида бир сўзнинг турлича ўқилишини айтиш ўринли. Сурадаги “شَهْرٌ” – “شَهْرٌ” яъни “молики” – “малики” тарзида ўқилган. Бунга сабаб иккала ўқишининг Мұҳаммад (с.а.в.)дан ривоят қилингани ва Усмон мусҳафи имконияти доирасида турли қироатни қамраб олганлигидир. Мусҳафда алифсиз ёзилган.

Қироатлар бўйича дастлабки изланишини Абу Убайд Қосим ибн Салом (ваф. 224/638) олиб борган бўлиб, 25 турдаги қироат бўйича сўз юритган. Ундан кейин янга олимлар чиқиб, қироат турларини 20 ва ундан ортиқ санаб асарлар ёздилар. Сўнг Абу Бакр Аҳмад ибн Мусо ибн Аббос ибн Мужоҳид ушбу қироатларни 7 тага чегаралади. Ундан кейинги олимлардан Абул Хайр Мұҳаммад ибн Мұҳаммад (ваф. 833) 10 тага етказди. 7 тага қўшимча учта қироат соҳиблари сифатида Язид ибн Қаъқоъ (Мадина), Яъқуб Ҳазрамий (Басра), Халаф Баззор (Куфа) тан олиндилар:

Минтақа	Қорилар	Биринчи ровий	Иккинчи ровий
1 Куфа	Осим ибн Абу Нужуд Баҳдала (ваф. 128/744)	Хафс (ваф. 805)	Шульба (ваф. 809)
2 Куфа	Ҳамза ибн Ҳабиб (ваф. 156/774)	Халаф (ваф. 843)	Халлод (ваф. 835)

4.4. Етти мутавотир қироат

3	Куфа	Али ибн Ҳамза ал Кисой (ваф. 189/804)	Дурий (ваф. 860)	Абул Ҳорис (ваф. 854)
4	Мадина	Нофеъ ибн Нуъайм (ваф. 169/785)	Варш (ваф. 812)	Қолун (ваф. 835)
5	Макка	Абдуллоҳ ибн Касир (ваф. 120/737)	Баззий (ваф. 854)	Күнбул (ваф. 903)
6	Дамашқ	Абдуллоҳ ибн Омир (ваф. 118/736)	Ҳишом (ваф. 859)	Ибн Заквон (ваф. 856)
7	Басра	Абу Амр ибнүл Ало (ваф. 154/770)	Дурий (ваф. 860)	Сусий (ваф. 874)

Манбаларда ушбу етти мутавотир қироатдан кейин қуидаги учта қироат машхур қироат сифатида номланади:

	Минтақа	Қорилар
1	Мадина	Абу Жаъфар (ваф. 130/747)
2	Басра	Яъқуб Ҳазрамий (ваф. /820)
3	Куфа	Халаф (ваф. /843)

Юқоридаги ўнтадан кейинги 4 қироат қуидагилар:

	Минтақа	Қорилар
1	Макка	Ибн Мұхайсін (ваф. 123/740)
2	Басра	Язидий (ваф. 201 /817)
3	Басра	Ҳасан Басрий (ваф. 109 /728)
4	Куфа	Аъмаш (ваф. 147/765)

Қироатларнинг ишончлилiği қуидаги талаблар асосида ажратилған:

1. Қироат араб тили жиҳатларига мувофиқ келиши;
2. Усмон мұсқафига мос келиши;
3. Қироат тавотурлик даражасида нақл этилган бўлиши керак. Кўпчиликнинг кўпчиликка нақл этган бўлиши лозим.

Ушбу шартлар жамланган ҳолда қироат қабул этилган ҳамда мутавотир қироат деб қаралган.

Шартлардан биттаси адo этилмаган ҳолатда ҳам ушбу қироат “шозз қироат” деб аталади. “Шозз”нинг маъноси

“ҳақиқий бўлмаган”, “жамоатдан ажралган”, “яккаланган” бўлиб, қироатда “саҳиҳ бўлса-да, якка тартибда ривоят қилинганд қироат” деб тушунилади. Шу каби “шозз қироат” атамасига бир нечта шарҳлар берилган бўлиб, асосан, араб тилига мос келадиган, аммо Усмон мусҳифига мос келмайдиган қироат тушунилади ва унга “тафсирий қироат” деган ном ҳам берилган. Юқоридагилардан унинг мутавотир қироатнинг тескариси эканлиги аён бўлади.

Қироат соҳибларига қироатни мансуб қилиш деганда, албаттга улар биринчи бўлиб, ушбу ўқишни ўйлаб чиқарганлар деб тушунилмайди. Балки, ушбу ўқишни ривоят асосида ўзларига қадар етиб келган турли ўқиш услубларидан танлаш ишини амалга оширганликлари тушунилади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир қироат имомининг иккитадан ровийлари мавжуд. Агар Осимни мисол тарзида оладиган бўлсақ, унинг икки шогирди: Ҳафс ибн Сулаймон ва Абу Бакр Шуъбалар зикр этилган. Унинг икки шогирди орасида ҳам қисман фарқлар мавжуд. Масалан, Шуъбада 9 та имола, Ҳафсда 1 та имола қилиб ўқилган ўрин мавжуд. Шу каби, Ҳафс ривояти Абу Бакр Шуъбадан афзалроқ экани манбаларда зикр этилган. Осимнинг икки хил услугуга ўргатганининг сабаби сифатида Усмон мусҳифи бўйича ўқишни тарғиб этиш учун Куфага келган Абу Абдураҳмон Сулламийнинг ўқишини Ҳафсга, ушбу ўлкага илгарироқ келган Абдуллоҳ ибн Масъуд ўқишини Шуъбага ўргатган, деган қараш мавжуд. Осим ўз ўқишини тузишда Абу Абдураҳмон Сулламийдан олар экан, Абдуллоҳ ибн Масъуд ўқишига кўра ўргангандарини қиёслаб борган.

Айтиб ўтиш лозимки, ушбу қироатлар ўртасида ақидавий ва фиқҳий масалалардаги устувор тамойилларда фарқлар мавжуд бўлмай, балки жузъий турлиликни қамраб олади. Қироатлар ўртасидаги фарқлар натижасида фирмә ва оқимлар юзага келмаган. Балки айрим ҳолларда фирмә ва оқимлар мутавотир ривоятларга хилоф равиша ўз йўналишларига

мос тарзда ўқиши ҳаракат қилғанлар. Бу каби ўринилар айрим ҳоллардагина бўлиб, фақат маълум оқим доирасидагина қолиб кетган. Масалан, мұтазилийлар “калламаллоҳу Мусо таклиман” “Аллоҳ Мусога гапирди” оятыни ўз ақидаларига мос келмагани учун “калламаллоҳа Мусо таклиман” “Мусо Аллоҳга гапирди” сифатида “Аллоҳ” сүзини фатҳа қилиб, тушум келишигигида, насб ҳолатда ўқығанлар. Чунки, мутавотир қироатдаги ўқиши уларнинг Аллоҳнинг инсонларга гапирмаслиги ҳақидаги ақидаларига мос келмайди.

4.5. Қироат турларининг минтақалар бўйича тарқалиши

Мавзунинг ўқув мақсади: Қироат турларининг тарқалиш тарихи, ҳозирги кундаги ҳолати, Ҳафснинг Осимдан ривоят қилған қироатининг минтақалар бўйича тарқалиши ҳақида билим ва тасаввур ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: қироат турлари, қорилар, мусҳафлар.

Қироат турларидан бири ёки бир нечтаси маълум ўлка ва минтақада, маълум даврларда тарқалган. Бу сиёсий ҳокимииятнинг ўзгариши, яъни бир ўлкадан бошқа ўлкага юриш, мазҳаб, у билан бирга қироатнинг бир ердан бошқа жойга кўчиши каби ҳолатлар таъсирида амалга ошган.

Ҳозирги кунда Ҳафс ибн Сулаймоннинг Осимдан қилған ривояти асосидаги қироат энг кенг тарқалган бўлиб, кейинги ўринда Варшнинг Нофеъдан қилған ривояти асосидаги ўқиш услуби туради. Шу билан бирга, бошқа қироатлар ҳам мусулмон ўлкаларида маълум маънода тарқалган.

Ҳафс Дурийнинг Абу Амр Басрийдан ривоят қилған қироати Сомали, Судан, Чад, Нигерия ҳамда умумий тарзда Африка марказида тарқалган. Араб мағриби ўлкаларида Варшнинг Нофеъдан қилған ривояти асосий ўқиш услуби сифатида тан олинган. Қолган мусулмон ўлкаларида Ҳафснинг Осимдан қилған ривояти бўйича Қуръон ўқилади.

Қироатларнинг тарихи бўйича гарб шарқшунослигига ўзига хос қарааш мавжуд. Унга кўра қироатларнинг тарихи б даврга бўлиниб қўрилади. Улар:

1. Усмон мусҳафига қадар дастлабки мусҳафлар даври;
2. Ўлкаларга тарқатилган Усмон мусҳафлари бўйича ўқиш даври;
3. Қироатларни эркин танлаш даври;
4. Етти ёки ўнта қироат бўйича ўқиш услубининг тўлиқ эгаллаган даври;
5. Ўнта қироатнинг орасидан ўқиш услубини танлаш даври;
6. Ҳафс қироатининг кенг тарқалиш даври ҳамда бу чоп этилган мусҳаф нусхаларининг кенг тарқалиши даври ҳамдир.

Қироат турларининг минтақалар бўйлаб тарқалиши ўзига хос тарихга эга. Айрим қироатлар маълум бир даврда асосий қироатни ифода этиб турган бўлса, вақт ўтгандан кейин ушбу минтақа мусулмонлари бошқа қироатга ўтганлар. Бунда мазҳаб, сиёсий ҳокимиятнинг маълум қироатни устун қилиши таъсир этган. Юқоридаги қироатлар орасида Нофеъ, Абу Амр, Ибн Омир ва Осимдан Ҳафс ривояти бўйича ўқишлари узокроқ вақт ва кенгроқ тарқалган.

Мисрлик Варшнинг Мадиналик Нофеъдан ривоят қилган қироати V/XI асрга қадар араб мағриби ўлкаларида (ҳозирги Жазоир, Марокаш, Мавритания) ҳамда Африка гарбидаги (Сенегал, Нигер, Мали, Нигерия), шунингдек, Миср, Ливия, Чад, Туниснинг гарби ва жанубида тарқалган. Бу қироат илк давларда Мисрда ва бу ердан юқорида зикр этилган ўлкаларга тарқалган. Сўнг Мисрда Абу Амр Басрий қироати устун бўла бошлаган ва бу ердан араб мағриби ўлкаларидан ташқари қолганларига тарқалган. Мисрда ХII/XIX асрга қадар асосий қироат сифатида эътироф этилган. Сўнг эса Ҳафснинг Осимдан қилган ривояти унинг ўрнини эгаллай бошлади.

Колуннинг Нофеъдан ривоят қилган қироати Ливияда расмий қироат сифатида ҳамда Туниснинг аксарият қисмида тарқалган.

Ҳафснинг Осимдан ривоят қилган қироати ҳанафий мазҳабидаги усмонли туркларнинг саъй-ҳаракати билан асосан XIX асрдан ислом машриқи ўлкаларида ҳамда Жазоир ва Мисрда тарқалган. Баъзи қарашларга кўра ҳанафий мазҳаби вакиллари АбуҲанифанинг Осимдан қироатни олган деб қарашлари туфайли ушбу қироатни тарқатганлар.

Илк даврларда, яъни Усмон мусҳафи ўлкаларга тарқатилганда Шомга юборилган Муғийра ибн Абу Шиҳоб унга кўра ўқиши тартибга сола бошлаган. Муғийранинг ўқиш услуги бу ерда итоат тарзида қабул этилиб, унга кўра ўқишига ўтилган. Шом аҳли бунгача саҳобий Абу Дардонинг қироат услуги бўйича ўқишар эди. Унинг айрим мулоҳазалари баён этилган. Масалан, тарихчи Ибн Асокирнинг айтишича, Лайл (92) сураси 3-оятини Абу Дардо “вама холақоз закара вал унсо”ни “ваз закара вал унсо” шаклида ўқиган экан.

Бу ерда Усмон мусҳафи асосидаги қироат шакллангандан сўнг, унинг асосидаги – етти мутавотир қироат ровийларидан Ибн Омирнинг услуги тарқалди. Ибнул Жазарийнинг “Нашр фил қироъотил-ашр” китобида келтирилишича, 500/1100 йилларгақадар (VI/XII аср) Дамашқдан то Фурот дарёсигача (Ироқ) бўлган ҳудудда Ибн Омир қироати билан ўқилган. Кейин эса, бир ироқлик моҳир қорининг бу ерга келиши ва Абу Амрдан Ҳафс Дурий ривояти бўйича қироатни тарқатиши натижасида илгариги қироат ўрнини эгаллай бошлаган. Бу ҳам Усмонли турклар саъй-ҳаракати билан Ҳафснинг Осимдан ривоят қилган қироатини расмий ўқиш услуги сифатида тарқатгунларига қадар давом этган.

Басрада Абу Мусо Ашъарий қироати билан бирга, ҳижозий қироатлар бўйича ўқилган. III/IX асрда Басрада Абу Амр қироати ҳамда басралик Яъқуб қироатлари асосий ўқиш услуги сифатида ёйилган бўлган. 500/1100 йиллардан бошлаб Абу Амр қироати то Ҳафс қироати тарқалгунга қадар Басра ва кўпчилик мусулмон ўлкаларида асосий ўқиш услуги бўлиб

турган. Маълумки, бу ерлик олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қироат илмининг ilk асослари қўйила бошланган. Наҳв илмига тамал тошини қўйган ва мусҳафга ҳаракатлар қўйишни кашф этган Абу Асвад Дуалий (ваф. 69/688), Ҳажжож буйруғига кўра мусҳафни шакллантирган ва ҳарфларга нуқталар қўйиб ажратган Наср ибн Осим (ваф. 90/708), Яҳё ибн Яъмурлар, биринчи бўлиб нуқталар ва ҳаракатлар қоидасини тартибга солган ва китобларга киритган Халил ибн Аҳмад Фароҳидий (ваф. 170/786) каби олимлар алоҳида ўрин тутадилар.

Куфа аҳли исломга доир ilk илмларини саҳобий Абдулоҳ ибн Масъуд Ҳузайллийдан олганлар. Унинг Ҳузайл қабиласи лаҗжасига кўра Қуръон ўқигани ва Умар ибн Хаттоб томонидан бундан қайтарилиб, Қурайш лаҗжасига кўра ўқиши таъкидлангани ҳақида ҳадис тўпламларида зикр этилган. Кейинчалик Усмон томонидан расмий мусҳаф тайёрлангандан сўнг у бир мунча иккиланишлардан сўнг Усмон мусҳафига кўра ўқиши услубига ўтгани ҳам баён этилган.

Бу ерда Усмон мусҳафи услубини тарқатишга юборилган Абу Абдураҳмон Сулламий бўлган ҳолида ҳам Ибн Масъуд қироати кишиларнинг эътиборидан тушмаган. Бу борада Ибн Мужоҳид ўзининг “Етти қироат” китобида шундай дейди: “Сулеймон Аъмаш (ваф. 148/765) деди: Мен сизларда Абдулоҳ ибн Масъуд қироатини худди куфаликларда Зайд қироати (Усмон мусҳафи) каби жуда кам тарқалганини кўрдим. Зайд қироати куфаликларда бир ёки икки киши биладиган даражада”. Абу Абдураҳмон Сулламий Усмон мусҳафи Алиниң ўқиши услубига ҳам мослигини келтириб, уни тарқатишга ҳаракат қилган, Ҳажжож ибн Юсуф (40–95/660–714) ҳокимият тепасига келгандан сўнг Ибн Масъуд мусҳафи бўйича ўқиши услубини истеъмолдан чиқариш ҳаракатини давом эттирган. У Басрада алоҳида ҳайъат тузиб, Усмон мусҳафига хилоф бўлган ҳар қандай мусҳафни 60 дирҳамга сотиб олиб, йўқ қилипши ишни

топширган. Унинг бу иши кўпчилик уламолар томонидан қўллаб-қувватланган. Ҳажжожнинг ўзи қироатларни яхши билгани манбаларда ёзиб қолдирилган.

Куфа аҳли Ибн Масъуд ва Али ибн Абу Толиб қироатлари бўйича ўқишар эди. Али ҳижозлик, Ибн Масъуд Нажддаги Бани Тамим қабиласи лаҳжасига яқин бўлган Ҳузайл қабиласидан бўлган. Лекин Ҳажжожнинг ўтказган зулмлари Куфа аҳлида ёмон таассурот қолдиргани боис, улар унга хилоф равишда Ибн Масъуд қироатини йўқотмасликка ҳаракат қилган бўлишлари эҳтимолдан йироқ эмас.

Сўнг Осим қироати Куфада тарқала бошлади. У Усмон мусҳафи асосида Абу Абдураҳмон Сулламийдан, у эса Алидан олган. Унинг услуби Али ва Абдуллоҳ ибн Масъуд қироатлари асосида тузилган. Чунки унда қурайшликларда учрамайдиган ҳолат, яъни ҳамзалар ифодаланган. Шу тарзда вақт ўтиши билан кўпчилик томонидан ушбу қироат қабул этила борди. Сўнг Ҳамза қироати ҳам тарқалди. У ҳам Али ва Ибн Масъуд қироатлари асосида шаклланган қироатdir. Лекин унинг қироати Осим қироати каби кўпчилик томонидан қабул қилинмади. Ушбу давр машҳур олимларидан Молик ибн Анасининг Ҳамза қироатига муносабати ижобий бўлмагани ривоят қилинган. Ибн Мужоҳид Осим қироати ҳақида шундай дейди: “Куфаликларнинг ҳаммалари ҳам унинг қироатини олмадилар. Шунда ҳам улар унинг шогирдларидан Абу Бакр ибн Иёш ривояти асосидаги қироатни олдилар. Ҳозирги кунимизда эса, (яъни 300 ҳижрий йилларда) кўпроқ Ҳамза қироати тарқалган”. Яъни, Ҳамза қироати кейинчалик тарқалган. Куфалик қироат ровийларидан Кисой ва Халаф ҳам асосан Ҳамза қироатига мос тарзда ўқиганлар.

Сўнг эса, Абу Амр Басрий (ваф. 154/770)нинг шогирдларидан Ҳафс Дурий қироати Басрадан Куфага келиб, вақт ўтиши билан бу ерда ҳам, бутун мусулмон шарқида ҳам кенг тарқалди. Бу ҳолат ҳам усмонли туркларнинг Ҳафснинг

Осимдан ривоят қилган қироатини тарқатгунларига қадар давом этди. Ҳатто бу миңтақадаги шиалар ўртасида ҳам ушбу қироат көнг тарқалди.

Африка шимоли ва Андалусда дастлаб Ибн Омир қироати асосий мавқеда турған. Чунки Шомда яшаган умавийлар бу ерларда ҳокимиятларини ўрнатишга келгандаридан ўзлари билан бирга Ибн Омир қироатини олиб келгандар. Бу ўлкаларда бир аср давомида Ибн Омирнинг шогирди Ҳишом қироати асосий ўринда турди. Кейин эса, аббосий волийлар билан бирга Ҳамза қироати бўйича қорилар Бағдод ва Куфадан келишлари натижасида ушбу қироат ва у билан бирга ҳанафийлик мазҳаби бир мунча тарқалди. Сўнг Ғозий ибн Қайс (ваф. 199/814) Нофеъ қироати ва Имом Моликнинг “Муватто” асарини олиб кирди. Андалус ва араб магрибида Варшнинг Нофеъдан ривоят қилган ўқиш услуби ва моликийлик мазҳаби бир-бирига боғлиқ ҳолда тарқала бошлади. Шу билан бирга имом Молик ҳам Нофеъ қироатига таянгани уни моликийлик мазҳаби қироатига айлантирган. Кейинчалик моликийлик мазҳаби уламоларидан Абу Азҳар Абдуссамад Атақий каби олимларнинг тутган мавқелари туфайли улар таянган Варшнинг Нофеъдан ривоят қилган қироати асосий ўринни сақлаб турди. Шу тарзда ҳозирга қадар бу ўлкаларда мазкур қироат асосий қироат вазифасини бажармоқда.

Ибн Омир қироати Ҳафснинг Осимдан ривоят қилган қироатидан илгари ислом оламида көнг тарқалган бўлиб, кўпчилўк муфассирлар ҳам унинг қироатини асос, қолганларини қиёсий келтирган ҳолда шарҳ ёзганлар.

Ҳозирги кунда Ҳафснинг Осимдан ривоят қилган қироатининг көнг тарқалиш сабабларидан бири ушбу қироатни адо этиш осонлиги, унда имоланинг фақат бир ўринда борлиги; ҳатто бошқа куфалик Ҳамза, Кисоий, Халаф каби қориларда ҳам бу кўп учрайдиган ҳолат. “Ҳамза”да сукут қилиш ундан

4.5. Қироат турларининг минтақалар бўйича тарқалиши

олдинги ҳарфнинг сукунли бўлишида амалга оширилишининг бошқа қироатларда кўп учраши, Ҳамза ва Ҳишом каби ҳамзада вақф қилиш ҳолати, Кисоий каби муаннас “ҳо”да имола қилиниши, Варшнинг Нофеъдан қилган ривоятига кўра маддалардаги хусусиятлар, кўплек мимига ҳарф қўшилиши ва сукун қилиниши, Қолуннинг Нофеъдан ривояти каби мадд қоидалардаги мураккабликлар, Сусийнинг Абу Амрдан ривояти каби ўхшаш ва яқин ҳарфларда катта идғомларнинг кўп келиши, Нофеъ, Ибн Касир, Абу Амр, Ибн Омир қироатлари каби кетма-кет ҳамзалар бир сўзда бўлса ҳам икки сўзда бўлса ҳам алоҳида қоида асосида ўқилиши каби хусусиятлар ушбу қироатлар орасида Ҳафсни алоҳида ажратиб туради. Ҳамда унинг мазкур вазиятлардаги ўқиш услубларининг осонлиги ҳам қабул этилишида муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, Усмонли туркларнинг ушбу қироатни тарқатишга эътибор беришлари ҳам бошқа қироатлардан устун бўлишидаги сабаблардан биридир.

Ҳозирда ҳам Ҳафс қироати бўйича мусҳафларнинг доимий тарзда нашр этилиши ҳам ушбу қироатнинг кенг тарқалишида муҳим омил саналади.

Биринчи магнитли лентага Қуръон тиловати Маҳмуд Ҳалил Ҳусарий томонидан Ҳафс ривояти асосида ёзилгани ҳам ушбу қироатнинг қабул этилишида кўмак берган омиллардандир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Етти ҳарф нимани англатади?
2. Қироат ва лаҳжалар орасида қандай фарқлар бор?
3. Етти мутавотир қироат сохибларининг номларини биласизми?
4. Мутавотир қироатлар орасида қандай фарқлар мавжуд?
5. Ҳафс қироати деганда нимани тушунасиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Абу Бакр ибн Мужоҳиднинг қироатларни саралашдаги ўрни.

2. Суютийнинг "Итқон фи улумил-Қуръон" асарида қироат ва лаҗжалар масаласига оид қараашлари.
3. Фарб қуръоншунослигіда қироат илми масаласи.

Күшімча адабиётлар

1. Заркаший. *Бурхон фи улумил-Қуръон*. 4 жылдли. - Қохира: Мактаба Дорут турос, 2002.
2. Суютий. *Итқон фи улумил-Қуръон*. 2 жылдли. - Қохира: Дорул ҳадис, 2004.
3. Белл Р., Уотт У. М. *Коранистика. Введение*. - Москва-Санкт Петербург: Диля, 2005. -205 б.
4. Мұхаммад Бакр Исмоил. *Диросот фи улумил-Қуръон*. Shamelae-book. 2007.
5. Мұхаммад Тохир Курдий. *Тарихул Қуръон*. Shamelae-book. 2007.
6. Нөльдеке Т. *Қуръон тарихи*. / Араб тилига таржима ва изохлар мұаллифи Ж. Томар. -Байрут: 2004. -841 б.
7. Обидов Р. *Қуръон ва тафсир илмлари*.-Т: Тошкент ислом университети, 2003. -468 б.
8. Абу Бакр ибн Мужоҳид. *Сабъа фил қироот*. / Шавқий Зайф таҳрири остида. <http://adel-ebooks>.

5-БОБ. ҚУРЬОН ИЛМЛАРИ, МАВЗУЛАРИ

5.1. Сабабун нузул ва муносабат илмлари.

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръон илмларидаң сабабун-нузул, муносабат илмлари ҳақида билим ва тасаввурни шакллантириш, уларнинг Қуръонни тўғри шарҳлашдаги аҳамиятини очиб бериш.

Таянч иборалар: сабабун-нузул, муносабат.

Қуръон илмлари тўлиқ тарзда Суютий, Заркаший каби олимлар томонларидан ўрганилган бўлса, унинг доирасидаги мавзулар бўйича ҳам алоҳида асарлар яратилган. Жумладан, сабабун-нузул, носих ва мансух кабилар кенг ўрганилган мавзулар сирасига киради.

1) Сабабун-нузул илми. Сабабун-нузул Қуръон нозил бўлаётган вақтда бирор саволга жавоб, ёки бирор воқеа-ҳодисага боғлиқ бўлиб, ундан кейин нозил бўлган ҳолатда вужудга келади хамда тафсирга оид асарлар ва ҳадис тўпламларида саҳобий ёки тобиийлардан ривоят тарзида келади.

Оятни тафсилотлар ва уни нозил бўлиш вақтидаги ҳолатни билиш Қуръонни тўғри талқин этиш ва шарҳлашда асосий ўрин тутади. Муфассирлар оятнинг нозил бўлиш сабабини очиб берувчи ривоятларни келтириб, қийин ўринларни тушунарли қилиб, маъноларни кенгроқ очиб берадилар. Шунга кўра, оятларнинг нозил бўлиш сабаби, яъни унинг мазмунини очиб берувчи воқеа-ҳодисаларни билиш лозимлиги, акс ҳолда ўзгача шарҳлаш мумкинлиги уламолар тарафидан таъкидланган.

Айниқса, фирмә ва оқимлар томонидан сабабун-нузул илмининг эътиборга олинмаслиги оятнинг муродини ўзгача шарҳлашларига олиб келган. Буэса, ўз-ўзидан маънони

чеклаб турувчи омиллардан тобора узоқлаштирган. Ҳозирда ҳам турли экстремистик ва террористик оқимларнинг фаолиятларида бу ҳолат мавжуд.

Куръонда турли мавзуларда жумладан, фиқхий ҳукмларни қамраб олувчи оятларнинг бирор масалага жавоб тарзида, ёки воқеа кетидан тушиш ҳолатлари учрайди. Шу сабабли Куръон оятлари нозил бўлиш сабабига эга ва эга бўлмаганларга бўлинади.

Шу каби сабабун-нузул бўйича олиб борилган тадқиқотларда уни билишнинг моҳияти, бир нечта нозил бўлиш сабабига эга оятлар ва унга муносабат, бир сабаб учун нозил бўлган оятлар масаласи, лафз умумий тарзда баён этилган ҳолатда сабабнинг маҳсуслиги каби мавзулар ўрганилиб, ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган.

Сабабун-нузулга доир ривоятларни қўйидаги асосий 3 тургабўлишмумкин:

1. Оятнинг мақсади ўша ривоят, уни билмай оятни шарҳлаб бўлмайдиган қисм. Масалан: Мужодала сураси 1-оятида:

قَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّتِي تَحَاجِلُكُ فِي رَوْجَهَا وَتَشْتَكِي إِلَى الَّهِ
وَالَّهُ يَسْمَعُ تَحَاوُرَكُمَا إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ

“Аллоҳ эридан баҳс-мунозара қилаётган ва Аллоҳга шикоят қилинаётган сўзни эшитди. Албатта, Аллоҳ эшитгувчи билгувчи” жумласини очиб берувчи воқеани билмай, уни тўлиқ тушунилмайди. Бухорий ривоятига кўра, Авс ибн Сомит исмли саҳобиј умр йўлдоши Хавла бинт Саълабани “менга онам кабисан”, деб арабларга хос сўз ифодаси билан “зиҳор” қилган. Бу ибора билан исломгача бўлган даврда араблар ўз аёлларини талоқ қилганлар. Шундан сўнг Хавла Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳузурларига бориб, эрининг бу қилмишидан шикоят қилган. Сўнг оят тушиб, аёлларнинг эрларига она бўлмасликлари, балки бу сўздан қайтиш лозимлиги каби ҳукмлар туширилади.

2. Мужмал мазмундаги оятларни тушунтириб берувчи ривоятлар бўлиб, турлича маънолар келиб чиқишини олдини олади. Аниқ бўлмаган оятнинг муроди сабабун-нузул зикр этилган ривоят асосида бошқа тахминлардан ажралади. Бу аввалги турга яқин ва ўхшашдир. Масалан:

وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ

“Кимларки, Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм чиқармас эканлар, бас улар коғирдирлар” (Моида: 44) оятида “ман” (“ким”) мавсул исми маънони умумий, мужмал қилган бўлиб, шунга кўра оятнинг аҳли китоблар ҳақида нозил бўлгани ёки умумий барчага тегишли эканлиги ажратилмаган. Агар оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ривоят келтирилса, унинг насронийлар ҳақида нозил бўлгани билинади ҳамда “ман” сўзи “қайсики” маъносида бўлиб, “нозил қилинган Инжил билан ҳукм юритишни тарқ этгандар, Мұҳаммадга ҳам куфр келтиришлари ажабланарли эмас” деган маъно келиб чиқади. Бу маънони ушбу оядан олдинги ва кейинги келганлари ҳам қўллаб-қувватлайди.

3. Оятнинг маъносини янада кенгроқ тушунишда кўмак берувчи ривоятлар. Масалан:

إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِيرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اغْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطْوِفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلَيْهِمْ

“Дарҳақиқат, Сафо ва Марва (тепаликлари) Аллоҳнинг шиорларидан. Кимки, Аллоҳ уйига Ҳаж ёки Умра қилганида, улар орасида тавоф (саъй) қилса, унга гуноҳ йўқдир” ояти сабабун-нузулга оид ривоятсиз ҳам тушунарли мазмунни касб этса-да, лекин қуйидаги ривоят оятни янада кенгроқ тушунишда кўмак беради. Оишадан қилинган ривоятга кўра, исломдан аввал Сафо тепалигида Исоф бути, Марва тепалигида Ноила бути турган ва араблар уларга илтижо қилишган. Шунинг учун мусулмонлар у иккиси орасида

саъй қилишни гуноҳ санашган, шундан сўнг ушбу оят тушиб, уларнинг орасида саъй қилиш кераклиги баён этилган.

2) Муносабат илми (Сура ва оятларнинг бир-бири билан боғлиқлиги илми). Муносабат илми оятларнинг кетма-кетлиги, тартиби, уларнинг сиёки, ўзаро боғлиқлиги, мувофиқлиги, мослигини ўрганувчи илмдир. Бу боғлиқлик ҳолатлари ақлий, ҳиссий, умумий, хусусий, хаёлий тарзда бўлиши мумкин. Бунда оялтар кетма-кетлигидаги ҳикмат юзага чиқади, мазмун-моҳияти янада тушунарли бўлади.

Лекин ушбу ҳолатга кўпчилик муфассирлар томонидан эътибор берилмайди. Агар мусулмон муфассирлар бу йўналишга кўпроқ эътибор қаратганларида, Куръоннинг янги қирралари кенг ёритилган бўлар эди.

Мисол тарзида, Куръонда келган ҳукм кетидан ваъд ёки ваъид сўзлари келишини айтиш мумкин. Улардан сўнг эса, одатда тавҳидга оид сўзлар келади, бу билан амр қилувчининг улугворлиги намоён этилади.

Кўпчилик суралар ўзидан кейинги сура билан маълум маънода боғлиқ бўлади. Масалан, “Фотиҳа” сурасидаги “Тўгри йўлга ҳидоят этгин” ояти “Бақара” бошидаги “Бу китобга ҳеч қандай шубҳа йўқдир” ҳамда ундан кейинроқдаги “... ана ўшалар Раббиларининг ҳидоятидадирлар” ояллари билан боғлиқ, чунки бунда тўгри йўлни топишда асос бўлган китоб ва имон келтириб, яхши амал қилганиларга ҳидоятда эканликлари айтилмоқда.

Сураларнинг бошланнишидаги ҳуруф муқаттаотлар ўша сурада кўп ишлатилган сўзлардаги ҳарфлардан иборат, масалан, қоф билан бошланган сурада қоф ҳарфли сўзлар кўп ишлатилган, улардан: қалб, Куръон ва ҳ.к. “Алиф лам мим сод” билан бошланган сурада, қисса, садр ҳамда унда одам ва бошқа пайғамбарлар қиссалари баён этилган. Ҳамда кўпчилик шу каби ҳарфлар зикр этилгандан кейин кетидан “Куръон” сўзи келади. Масалан: “Алиф лам мим заликал китаб”, “Қоғ

вал Қуръон”, “Сод вал Қуръон”. Бу “Анкабут”, “Рум” ва “Нун” сураларидан ташқари.

Шу каби, охиратда айнан катта азоб (азобун азим)нинг берилиши Пайғамбарларни ўлдирғанлар, ёки ноҳақ мўмин-мусулмонларни ўлдирғанлар, ёки ер юзида фасод, бузғунчилик қилғанлар ҳақида сўз юритилганда зикр этилади. “Катта азоб (азобун азим)” сўзи кам ҳолатларда қўлланылгани ва асосан юқоридаги ҳолатларда ишлатилишидан мазкур гуноҳларнинг оғир эканлиги назарда тутилган.

Қолган ҳолатларда, яъни кўпинча куфр келтирғанларга нисбатан асосан “аламли азоб (азобун алийм)” сўзи қўлланилади.

Яна жаннатнинг номлари зикр этилган бўлиб, улар “Фирдавс”, “Адн”, “Наъим” жаннатлариидир. Фирдавс жаннати 2, Адн жаннати 5, Наъим жаннати 7 маротаба зикр этилган. Фирдавсдан ташқари “Адн” ва “Наъим” жаннатлари ҳақида сўз юритилганда уларнинг сифатлари зикр этилади. Адн жаннати ҳақида сўз юритилганда, остиларидан дарёлар оқиб туриши, унга кирғанлар тилла тақиб юришлари, ипак кийимда юришлари, истаганларида мевалар берилиши, туну кун зиёфат қилиниши ва ҳ.к. Ҳамда бу жаннатга эришиш 2 та ўринда “буюк ютуқ” деб ифодаланади.

“Наъим” жаннати ҳақида сўз юритилганда, бир маротаба остиларидан дарёлар оқиб туриши, оқ рангли ичимлик қадаҳларда берилиши, мевалар берилиши, парранда гўштлари берилиши, сарирларда суяниб ўтиришлари зикр этилади.

Адн жаннати ҳақида сўз юритилганда имон келтирған ва яхши амаллар қилғанлар зикр этилиши билан бирга тақводорлик сифати баён этилади. Фирдавс жаннати зикр этилганда имон келтирған ва яхши амаллар қилғанлар зикр этилиши билан бирга, намоз, закот, ҳаромдан қайтиш кабилар ифодаланади. Наъим жаннати зикр этилганда, имон келтирған ва яхши амал қилғанлар, тақво қилғанлар зикр этилади.

Шу тарзда суралар, оятларнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда, бир-бири билан алоқадорлиги бўйича қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

5.2. “Носих ва мансух” ҳамда “ом ва хос” илмлари.

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръон илмларидан носих ва мансух ҳамда ом ва хос ҳақида билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш.

Тянч иборалар: носих, мансух, ом, хос.

Қуръон илмлари – носих ва мансух бўйича ҳам алоҳида асарлар битилган. Шу билан бирга умумий тарзда Қуръон илмлари бўйича асарларда алоҳида мавзу остида ўрганилган.

1) Носих ва мансух илми. Қуръонда бир ҳукмнинг бекор қилиниши ва ўрнига бошқа ҳукмнинг келтирилиши мавжуд ҳолатдир. Камчилик олимларнинг қарашларига кўра Қуръонда насх мумкин бўлмаган ҳолат, ҳисобланади. Лекин кўпчилик мусулмон олимлар насх ҳолатини мавжуд деб қараб, унинг турлари ҳақида сўз юритганлар. Шу каби насх ҳолатига алоҳида мавзу ва асарлар бағишланган.

“Насх” сўзи “ўчириш”, “бекор қилиш” ва “кўчириш” маъноларида ишлатилади. Қуръонда “ўчириш”, “бекор қилиш” маъносида ишлатилган.

ما نَسْخٌ مِنْ آيٍ أَوْ نُسِّهَا تَأْتِ بِخَيْرٍ مِنْهَا أَوْ مِثْلِهَا

“Агар бирор оятни бекор қилсан ёки эсингиздан чиқарсан, унинг ўрнига худди ўшандай ёки яхшироқ оятни туширумиз” (Бақара: 106) ояти ушбу масалага оидdir.

Шариятда “Қуръон оятида келган ҳукмни бошқа оятда келган ҳукм билан бекор қилиш” тушунилади. Қуръонда насх ҳолати маълум бир вақт ишлатилган бирор ҳукмни кишиларга қийинчилик туғдирмаслиги учун бошқа ҳукм билан алмаштириш ҳолатлари мавжуд. Суютий кўпчилик

олимлар томонидан иттифоқ қилинган насх ҳолатининг 21 та эканлигини санаб ўтган.

Насх уч турда бўлиши манбаларда айтилган:

- 1) Ҳукми мансух бўлган ва тиловати қолган оятлар.
- 2) Тиловати ва ҳукми мансух бўлган оятлар.
- 3) Ҳукми қолган ва тиловати мансух бўлган оятлар.

1. Муфассирлар томонидан асосий эътибор бериладиган қисм бу ҳукми мансух бўлган ва тиловати қолган оятлардир.

Кўпчилик уламолар томонидан насх содир бўлган деб иттифоқ қилинган оятларга жумладан қўйидагилар киради:

	Носих оят	Сура ва оят рақами	Мансух оят (Ҳукми бекор қилинган оят)	Сура ва оят рақами
1.	لَا يَكُنْ لِّلَّهِ نَفْسًا إِلَّا وَسَعَهَا	Бақара: 284	وَإِنْ تَبْدِوا مَا فِي أَنفُسِكُمْ أَوْ تُخْفِي بِحَاسِبِكُمْ بِهِ اللَّهُ	Бақара: 286
2.	فَلَئِنْ وَلَمْ أَسْتَطِعْهُمْ	Талок: 16	يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَتَقْرَأُ اللَّهُ حَقَّ نَقْرَاءَهُ	Оли Имрон: 102
3.	وَأُولَئِنَّ الْأَرْحَامَ أَوْلَى بِنَفْضِهِمْ	Тавба: 75	وَالَّذِينَ عَدَدْتَ أَيْمَانَكُمْ فَأَتُوْهُمْ تَصْبِيْهُمْ	Нисо: 33
4.	الشَّقْفَتُمْ أَنْ تَقْدِمُوا بَيْنَ يَدَيْ جَوَاهِمْ صَدَقَاتٍ فَإِذَا لَمْ تَفْعَلُوا وَثَابَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ فَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَأَتُوْا الرِّكَانَةَ وَأَطْبِعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ	Мужодала: 13	يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَاجَيْتُمُ الرَّسُولَ فَقَدْمُوا بَيْنَ يَدَيْ جَوَاهِمْ صَدَقَةً	Мужодала: 12
5.	فَوْلَ وَجْهَكَ سُطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ	Бақара: 115	فَأَبْتَمَأَتُوْلَوْ فَقَمْ وَجْهَ اللَّهِ	Бақара: 144

Насхта оид тўлиқ маълумотни мавзуга доир китоблардан, хусусан, Абулқосим Ҳибатуллоҳ ибн Саломанинг (ваф. 410/1019) "Ан-Носих вал-Мансух" асаридан ёки тафсир китобларидан олиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, носих ва мансух оятларнинг барчаси вазият тақозоси билан шаръий ҳукмларнинг ўзгаришига мувофиқ тарзда қисмларга бўлинган ҳолда нозил бўлган, уларнинг нозил бўлиши бир вақтда юз бермаган.

2. Эмикдошлик масаласида нозил қилинан “хамсу разаъатин”, “ъашру разаъатин” оятлари ҳукми ҳам, тиловати ҳам мансух бўлган оятларга киради. Ушбу оятларда эмикдошлик ўн марта, кейин эса, беш марта она сутидан истеъмол қилинганда содир бўлиши назарда тутилган. Сўнгги оятларда юқоридаги оятлар бекор қилиниб, 2-3 ёшгача бўлган гўдакларда бир ёки икки марта бир она сути истеъмол қилинса ҳам эмикдошлик содир бўлиши баён этилган. Шу асосда эмикдошларнинг бир-бирлари билан никоҳлана олмасликлари ўрнатилган.

3. Айрим оятларнинг илк ислом даврида вақтинча ишлатилиб, сўнг ўқиш бекор қилингани ва кишилар ёдидан чиқарилгани ҳақида ривоятлар мавжуд бўлиб, уларда айтилишича, саҳобийлар Бороат (Тавба) сурасига ўхшаш узун сурани ўқиганлари, сўнг эсларидан чиқиб кетгани ҳамда яна бир мусаббиҳот сураларига ўхшаш сурани ўқиганлари, ҳамда эсларидан чиқиб кетгани айтилган. Ҳозирда Қуръонда мавжуд бўлмаган ўша сура оятларидан қўйидагилар ҳақида ҳадис тўпламларида маълумотлар мавжуд. Муслимнинг “Саҳиҳ”ида қўйидаги ҳадислар келтирилади:

لَوْ كَانَ لِابْنِ آدَمَ وَادِيَانِ مِنْ مَالٍ لَا يَتَّغَى وَادِيًّا تَأْلِمًا وَلَا يَمْلُأُ جَوْفَ ابْنِ آدَمَ إِلَّا التُّرَابُ

“Агар одам боласининг икки тоғдек молу дунёси бўлса, учинчисини хоҳлайди, одам боласининг бўғзини фақат тупроқ тўлдирур”.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَمْ تَقُولُونَ مَا لَا تَعْلَمُونَ فَتُكَبِّ شَهَادَةً فِي أَغْنَاقِكُمْ فَشَنَّأْلُونَ
عَنْهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ

“Эй имон келтирғанлар, қилмайдиган ишларингизни гапирманг, бўйнингизга гувоҳлик берилиб, ёзилиб қолур, сўнг қиёмат кунида у ҳақда сўралурсиз”.

Аҳмад “Муснад” ида эса қуидаги ривоятлар мавжуд:

وَلَا تَرْغِبُوا عَنْ آبَائُكُمْ فَإِنَّهُ كَفُرٌ بِكُمْ

“Үз оталарингизни инкор этманг, албатта бу куфрдир”.

لَوْ كَانَ لَابْنِ آدَمَ وَادِيَانِ مِنْ ذَهَبٍ وَفِضَّةٍ لَا يَتَقَى إِلَيْهِمَا أَخْرَ وَلَا يَمْلأُ بَطْنَ ابْنِ آدَمَ إِلَّا التُّرْبَابَ وَيَثُوبُ اللَّهُ عَلَى مَنْ تَابَ

“Агар одам боласида иккита олтин ва кумуш тоғлари бўлса, учинчисини хоҳлайди, одам боласи қорнини тупроқ тўлдирур, Аллоҳ тавба қилувчиларни кечирур”.

2) “Ом ва хос”. Носих ва мансух илмидан ажратиш лозим бўлган илм бу “ом ва хос” илмидир. “Ом” сўзи “умумий”, “хос” сўзи “хусусий” маъносини билдиради. “Ом” маънода келган оятлар назарда тутилган ҳолатларнинг ҳаммасини қамраб олади. Масалан, “ҳожилар” деганда барча ҳаж амалини бажараётганлар тушунилади. Хос эса, битта ёки бир нечта назарда тутилган ҳолатларга тегишли бўлади. Масалан, Мұхаммад деганда муайян шахс, ўн нафар талаба дейилганда, фақат ўша ўн нафар назарда тутилиб, талabalар дегандаги маънодан фарқ қиласи. Чунки бунда умумий талabalар назарда тутилган бўлади.

Куръонда омни ифодаловчи ҳолатлар:

1). “Куллу”, “жамиъ”, “коффа” каби ҳамма, барча маъноларида сўзлар.

خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا

“Сизларга Ердаги барча нарсаларни яратди...”

2). “Ал” аниқлик артикли ишлатилган сўзлар. Бунда ҳам бирлик сонида ҳам, кўплик сонида келса ҳам ом саналади.

السارق والسارقة

“Үгри эркак ва үгри аёл”. Шунга кўра оят ҳамма үгри эркак ва үгри аёлларни ўз ичига олади.

Бу каби ҳолатларда оят ўз ичига олган ҳолат ва шахсларнинг барчаси қамраб олинади. Агар бошқа ўринда хос маънодаги мазмун келса, унда тегишлилик чегараланади.

Ом уч қисмга бўлинади:

1) Қатъий ом. Унда маъно умумий ҳамма нарсани қамраб олиб, хослаш эҳтимоли бўлмайди:

وَمَا مِنْ دَآيَةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رُزْقُهَا

“Ер юзида ҳамма жониворлар ризқи Аллоҳ зиммасидадир”

وَجَعَلْنَا مِنَ الْهَاءِ كُلًّا شَيْئًا حَتَّىٰ

“(Биз) барча нарсаларга сув билан ҳаёт бердик”.

Бу каби ҳолатларда оятлар далолатини хослаш киритилмайди, чунки Аллоҳ баъзиларнинг ризқини бериб, бошқаларига бермайдиган ҳолат бўлмайди. Шу каби айримларни яратиб бошқаларни яратмаган бўлмайди.

2) Омдан қатъий хосни назарда тутилган қисм. Бунда омни инкор қилинади.

وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ

“Аллоҳ учун одамларга (унинг) уйига ҳаж қилиш фарз қилиши (бордир)”.

Бунда барча одамларга фарз қилиниши эмас, балки мусулмонларга фарз қилингани назарда тутилмоқда.

Ом ва хос илмидаги умумий тарзда баён этилган ҳолатлар учун ҳукмлар оят кетидан ёки бошқа ўринда маҳсус баён этилиб, ҳукмда ажратиб берилади. Яъни, бир ўринда келган оятни бошқа ўринда истисно билан ажратилади. “Ом” мазмунидаги оятлар “хос” оятлар билан жуда боғлиқ, усиз Куръонни тўлиқ ва мукаммал шарҳлаб бўлмайди. Акс ҳолда Куръон муроди нотўғри шарҳланиб қолинади. Масалан;

Моида сураси 3-оятидаги “Сизларга ўлимтик ҳаром қилинди” оятидаги ўлимтиклардан Моида 96-оятидаги “Сизларга денгиз (балиқлари) ови ва таоми ҳалол қилинди” хос қилинганди. Бу ҳолда балиқ ўлган бўлса ҳам ейиш ҳалол қилиб, юқоридаги ҳаром қилинганди гўштлардан ажратилган, маҳсус ҳукм берилган.

Яна никоҳ борасидаги оятда Нисо 3-ояти “Аёллардан никоҳингизга олингиз” оятидаги аёллардан уйланиш ҳаром қилинганлари бошқа бир оятда ажратиб, яъни Нисо 23-оятида “Сизларга оналарингизни никоҳингизга олишингиз ҳаром қилинди” деб никоҳи ҳаром қилинган ҳолатлар учун маҳсус ҳукм қилинади.

“Ўлимтиклар” ом, “балиқ” хос, аёлларга уйланиш “ом”, оналарга уйланиш “хос”, яъни умумий тарзда баён этилган ҳукмга кирмайди, у ҳақда маҳсус ҳукм берилиб, истисно қилинади.

5.3. “Муҳкам ва муташобиҳ” ва “муқаттаға ҳарфлар” илмлари.

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръон илмларидан муҳкам ва муташобиҳ, муқаттаға ҳарфлар ҳақида билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш.

Тиянч иборалар: муҳкам, муташобиҳ, муқаттаға ҳарфлар.

1) “Муҳкам ва муташобиҳ” илми. Қуръонда “муҳкам” бир йўналишдаги, аниқ маънони билдирувчи оятлар ҳамда “муташобиҳ” бир-бирига ўхшаш бир нечта маъноларни тақозо этувчи оятлар мавжуд.

Бу ҳақда Оли Имрон 7-оятидабаёнэтилган:

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأَخْرَى مُشَاهِدَاتٍ فَإِنَّمَا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَسْبِقُونَ مَا تَشَاءُهُ مِنْهُ ابْتِقاءُ الْفَتْنَةِ وَابْتِقاءُ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَفْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آتَنَا بِهِ كُلُّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا وَمَا يَذَكُرُ إِلَّا أُولُو الْأَنْبَابِ

“У сизга Китобни туширди. Унда муҳкам оятлар мавжуд. Улар Китобнинг “онасицир”, бошқалари муташобиҳлардир. Қалбларида оғиш бор кимсалар фитна ва таъвилик қилиб, ўхшаш маъноларига эргашадилар. Уларнинг таъвилини Аллоҳдан

бошқа ҳеч ким билмас. Илм берилған зотлар “унга имон келтирдік, барчаси Раббимиз ҳузуриданыр”, дерлар. Фақат ақл әгаларигина әслатма олурлар”.

“Хуруф муқаттаот” деб номланған “алиф лам мим”, “алиф лам ро” каби ҳарфлар билан бошланадын суралар мавжуд бўлиб, ушбуларнинг маънолари ҳам бир нечта йўналиш бўйича шарҳлаш мумкин бўлгани учун муташобиҳ оятлар сирасига киради.

Шунингдек, “Аллоҳнинг арш узра истивоси”, “Аллоҳнинг келиши”, “Аллоҳнинг қўли” ҳақидаги оятлар ҳам муташобиҳ саналади.

“Аллоҳнинг арш узра истивоси” масаласи, Аллоҳ Аршни эгаллади, Аллоҳ махлукотларни яратганидан сўнг Аршни яратишини бошлади, каби маънолар бериб, Аллоҳ Аршга чиқди, деган маънодан узоқлашишга ҳаракат қилганлар. Мушаббиҳа ва мужассима каби оқимлар оятни тўғридан-тўғри тушуниб, Аллоҳни худди инсонларнинг таҳтга ўтириши каби изоҳлаганлар. Шу каби “Аллоҳнинг қўли” масаласини ҳам Аллоҳнинг инсонларницидан бошқача қўли бор деган мазмунда изоҳлаш ҳолатлари учраган. “Аллоҳнинг келиши” масаласи ҳам шу каби бир инсоннинг келиши каби тушунилган. Суннийликда мазкур оятлар шарҳланмай балки, “У каби ҳеч нарса йўқ” ояти асосида Аллоҳни бирор нарсага ўхшатиш қаттиқ қораланган.

Чунки буларнинг маъноларини турлича шарҳлаш мумкин бўлиб, натижада, Аллоҳни тасвирлаш ва унга эмас, балки тасвирларга ибодат қилинишига олиб келиши юзасидан суннийлик йўналиши олимлари уларга эътиқод қилиш ва ортиқча шарҳламаслик йўлини тутганлар.

Ҳақиқатда ҳам уларга шарҳ беришнинг чегараси бўлмаслиги, кишиларнинг онглари билан уларнинг ҳақиқатига етиш мумкин бўлмаганилиги учун шундай тўхтам билан бу борадаги баҳс-мунозараларгаузил-кесилчеккўйилган.

2) Муқаттаға ҳарфлар илми. Муфассирлар ҳуруфи муқаттағаны Куръоннинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган муташобиҳ оят деган фикрга келгандар. Бироқ Ибн Қутайба бу масалага фарқлича ёндашиб, Аллоҳ таоло фақат баңдалари учун фойдали нарсалар нозил қылган ва бу ҳарфлар билан ҳам Ўзи хоҳлаган бирор маънога ишора қылган, деб қараган.

Ибн Қутайба сўзида давом этиб: "Кимдир, Расулуллоҳ (с.а.в.) муташобиҳни билмас эдилар, деб айта оладими? Аллоҳ таолонинг "Ҳолбуки, ундей оятларнинг таъвилини (ҳақиқий маъносини) Ёлғиз Аллоҳгина билур. Илмда событқадам бўлган кишилар эса: "У Китобга имон келтирдик", дейдилар" оятига кўра у зот муташобиҳни билгандар деб қарасак, у ҳолда саҳобийлар ҳам буни билган бўлишлари керак. Чунки у зот Али (р.а.)га тафсирни ўргатгандар. Ибн Аббос (р.а.) нинг ҳақларига дуо қилиб "Аллоҳим, унга таъвил (тафсир)ни билдиригин ва уни динда фақиҳ қилиб кўйгин" дегандар.

Умуман, муфассирлар муташобиҳлар маъносини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди, деб аниқ бир тўхтамга келишмаган, балки суралар бошидаги ҳуруфи муқаттағанинг маъносини очиб бергунча изланишда давом этишган.

Улар ҳуруфи муқаттаға борасида фарқли фикрлар билдиригандар. Улардан айримлар қўйидагилардан иборат:

1) Ҳуруфи муқаттағаны суралар номи деб қарашган. Яъни ҳар бир суралар бирор мавзуни очиб беради, шунга ўхшаш ҳуруфи муқаттаға ҳам муайян нарсаларни билдириган исмларга ишора қилувчи ва уларни бир-биридан фарқловчи белгилардир. Масалан, "Алиф-лам-сад" (الص), "Сад" (ص) ёки "Нун" (ن)ни ўқидим деганда, шу ҳарфлар билан бошланган суралар назарда тутилади.

Баъзан бир неча суралар бир хил ҳуруфи муқаттаға билан бошланади, "Ҳамим" (حم), "Алиф-лам-мим" (اللـم)га ўхшаш. Уларни "Ҳамим ас-Сажда" (حم السجدة) "Алиф-лам-мим ал-

Бақара” (بَقْرَةٌ) тарзида мос номлар билан бир-биридан фарқлаш мумкин, бир хил исмларни қўшимчалар, отасининг исми ва кунялар билан ажратганга ўхшаш.

2) Баъзилар уни қасам деб қарашган. Аллоҳ таоло барча ҳуруфи муқатташа билан қасам ичган, лекин уларнинг ҳаммасини зикр этмай, айримларини айтиши билан чекланган, яъни масалан “Алиф-лам-мим” (أَلِفْ لَمْ مِيمْ) деганда бутун ҳуруфи муқатташани назарда тутган. Масалан, бирор алиф, “ба”, “та”, “са” ни ўргандим деганда, фақат шу ҳарфларни эмас, балки 28 ҳарфдан иборат бутун алифбони назарда тутишига ўхшаш.

3) Яна бир гуруҳ эса уларни Ҳақ таолонинг исм ва сифатларини ифодаловчи сўзлардан олинган ҳарфлар, деб қараганлар. Бу араб тилшунослигидаги ихтисор (қисқартириш) услуби билан боғлиқ.

Шундай қисқартиришлар араб тилида кўп учрайди. Масалан Валид ибн Уқба (Ақаба) ўз ражаз (шеър)ида дейди:

قلت لها قيفي فقالت قاف

Маъноси: Унга тур, дедим У эса, туриб бўлганман, деди. Яъни бунда قاف (қоф) деганда (қод вақафту – туриб бўлганман) назарда тутилади.

Шунга асосан муфассирлар бу ҳарфларни Аллоҳнинг муайян исм ва сифатларига ишора қиласди, деган фикрни илгари сурганилар. Масалан, Ибн Аббос ўз тафсирида “Каф-ҳа-йа-ъайн-сад” (كَافْ هَاءُ يَا نَسَدُ) ни изоҳлаб дейди: Коф – Кофийни, Ҳо – Ҳодийни, Йо – Ҳакимни, Ъайн – Алимни, сад – Содиқни билдиради.

Замонавий ислом олимларининг бу тўғридаги фикрларидан қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- 1) Суралар боши абжад ҳисобига асосланган.
- 2) Ҳуруфи муқатташа Қуръоннинг 29 сурасида келган;
- 3) Бу сураларнинг 27 таси маккий, қолган 2 таси – Бақара ва Оли Ймрон суралари эса маданийдир;

5.4. Қуръон мавзулари

Мазкур 2 сура – Бақара ва Оли Имрон Мадина даврининг бошларида нозил бўлган, бу даврда мусулмонлар муқим ҳаёт тарзига эга бўлмаган, шунга кўра бу давр Макка даврига ўхшаш бўлган.

Юқорида Қуръон илмларининг асосийларидан намуналар бўлиб, маккий ва маданийлик, етти лаҳжა, қироатлар каби илмлар қўлланмада алоҳида мавзулар остида кўриб ўтилди.

5.4. Қуръон мавзулари

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръон карим қамраб олган асосий мавзулардан тавҳид, ҳукмлар, қиссалар ҳақида билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: тавҳид, фикҳ, ҳукмлар, қисса.

Қуръоннинг кўплаб оятларида унинг ўзига хосликлари, алоҳида жиҳатлари баён этилган. Масалан, Исро сураси 9-оятида “Дарҳақиқат ушбу Қуръон тўғри нарсага (йўлга) бошлайди ҳамда имон келтирган ва яхши амаллар қилаётгандарга ажр-мукофотлар берилиши ҳақида хушхабар беради”, Нисо сураси 82-оятида “(Қуръон) агар Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганида унда кўп ихтилофларни кўришган бўлишар эди”, каби оятлар Қуръон хусусиятларини кўрсатиб беради.

Қуръон Аллоҳ томонидан ваҳийни қабул қилиб олувчи Мұҳаммад пайғамбарга билдирилган сўзларини қамраб олади. Қуръон қофияли сажъ услубида бўлиб, оятларнинг тугалланишида ишлатилади. Шеърий услубдан тамомила фарқ қиласи. Баъзан Аллоҳ Қуръонда бирлик сонида, баъзан кўплиқда мурожаат этса, баъзан учинчи шахсда келади.

Қуръондаги мавзулар асосий уч йўналишга бўлинади: 1. Яккахудоликка чақирав (Ақидавий масалалар). 2. Тарихий қиссалар. 3. Шаръий ҳукмлар.

Куръондаги ақидавий масалалар. Қуръон таълимотлари жуда кенг мавзуни қамраб олади. Шу билан бирга Қуръон илгари сурган ғоялар яккахудога имон келтириш мавзуси атрофида айланади. Шу билан бирга, имон келтиришга чақирилган мавзулар доирасида фаришталар, муқаддас китоблар, пайғамбарлар, тақдир, охират куни, жаннат ва дўзах кабилар асосий ўринга чиқарилади. Эътиқодга доир жузъий масалалар юқоридаги асосий масалалар доирасидадир.

Қуръонда Яратувчининг мавжудлиги масаласи шак-шубҳасиз ўрнатилган. Аллоҳ барча мавжуд нарсаларни, осмон ва ерни, инсон ва ҳайвонот оламини яратган. Бунга далил сифатида Қуръонда ўша давр мушрикларига нисбатан бутларнинг ҳеч нарсани, ҳатто пашшани ҳам яратадолмасликлари илгари сурилади.

وَلَقَدْ حَفَظْنَا السُّمَاءَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا يَنْتَهُ مَا فِي سَمَاءٍ أَيْمَانٍ

“Осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидагиларни олти кунда яратдик”. (Қоф: 38).

Шу каби Аллоҳ бирор нарсани яратишни хоҳласа унга “Бўл” дейиши билан яратилиши зикр этилади:

فَإِذَا قَضَى أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ

“Агар бирор нарсани хоҳласа унга “бўл” дейди ва у бўлади”. (Ғоғир:68).

Барча мавжудот ва коинот Аллоҳ томонидан яратилган, деган ғоя Қуръонда асосий ўрин тутади ҳамда ўша даврдаги кўпхудолик динига қарама-қаршиғояларилгарисурилади.

Фаришталар гуноҳдан маъсум зотлар экани, Аллоҳнинг буйргуни бажарувчи, доимо тоат ва ибодатда эканликлари, Таврот, Инжил, Забур китобларининг муқаддас Аллоҳ томонидан нозил этилганлиги айтилган.

Куръондаги имон келтирган ва яхши амаллар қилган кишилар учун жаннат, имон келтирмаган ва гуноҳ ишлар қилганларга дўзах азоби берилиши, охират кунининг содир бўлиши энг кўп такрорланган мавзулардан саналади.

Асосий эътиқодий масалалар билан бирга, ақидага доир турли бошқа мавзулар ҳақидағи тушунчалар берилган. Жумладан, Аллоҳнинг сифатлари, пайғамбарларнинг гуноҳдан маъсумликлари кабилар ҳам Қуръон асосида тартибга солинган.

Куръонда инсоннинг ихтиёри масаласи турли ўринларда, бир-бирига бояланмаган ҳолда белгиланган. Үнта кўра, айрим оятларда инсоннинг тўлиқ Аллоҳ ихтиёрига боғлиқлиги, мустақил ихтиёрининг йўқлиги, бошқа оятларда эса, унинг ихтиёр эгасилиги, ўз қилмишига масъул эканлиги уқтирилади. Шунинг учун кейинги даврда турли оқимлар ўз йўналишларига мослаштириш мақсадида инсонда ихтиёр йўқлиги, ёки инсонлар амал ва ишларини ўзлари яратадилар каби тушунчаларни Қуръон асосида исботлашга ҳаракат қилгандар. Бу оятларни тушунишдаги хатоликлар бўлиб, кейинги давр олимлари хусусан, мутакаллимлар инсон ихтиёрга эга ва ўз қилмишига масъул эканлигини қатъий ўрнатганлар.

Юқоридаги масалага боғлиқ бўлган тақдир масаласи Қуръонда муолажа қилинган. Аллоҳ барча нарсани белтилаб, аниқ ёзиб қўйгани баён этилади. Бу оятлар мусулмонларнинг кулфат ва мусибатлар ҳақида ўйлаб, ғам-ғуссага ботган ҳолларида улардан халос этишда асосий ўрин тутган:

فَلَنْ يُصِيبَنَا إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَنَا هُوَ مَوْلَانَا وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ

“Айтинг: Бизга Аллоҳнинг ёзиб қўйганидан бошқа ҳеч нарса етмайди. У Хожамиздир. Ва Аллоҳга фақат мўминлар таваккул қиссинлар”. (Тавба: 51).

Шунга кўра, Қуръонда мўминлар қўллаб-қувватланиб, уларга зарар етадиган бўлса ҳам фақат тақдирда битилган нарсалар этиши айтилмоқда.

Бошқа ўринда Аллоҳ ҳоҳлаган кишининг имон келтириши, унга буни осон қилиб қўйиши, ёки у ҳоҳлаган кишини йўлдан адаштириши ҳақида баён этилади. Масалан:

فَمَنْ يُرِدُ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَ تَشَرَّخَ صَدْرَةً لِلإِسْلَامِ وَمَنْ يُرِدُ أَنْ يُضْلِلَ يَجْعَلُ صَدْرَةً ضَيْقَا حَرَجًا كَأَنَّمَا يَصْنَعُ فِي السَّمَاءِ كَذَلِكَ يَجْعَلُ اللَّهُ الرَّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ

“Аллоҳ кимни ҳидоятга йўллашни хоҳласа, унинг кўкси (қалби)ни Ислом учун кенг очиб қўяди. Кимни адаштиришни истаса, кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва сиқиқ қилиб қўяди. Шундай қилиб, Аллоҳ имон келтирмайдиганларга (лойик) жазонираво кўргай”. (Анъом: 125).

Шунга кўра, Қуръонда Аллоҳ ўзининг барча нарсага мутлақ қодирлигини намоён этиб, ҳамма хоҳиш, ихтиёр ҳам униклиги билдирилади ҳамда қуийдаги оятларда инсоннинг ўз қилмишига ўзи масъул эканлиги аниқ ифода этилади:

إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ لَا يَهْدِيهِمُ اللَّهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

“Аллоҳнинг оят (мўъжиза, аломат)ларига имон келтирмаганларни Аллоҳ тўгри йўлга бошламайди”. (Наҳъл: 104).

وَإِنِّي لَفَقَارٌ لِمَنْ تَابَ وَأَمْنَ وَعَمِلَ صَالِحًا ثُمَّ اهْتَمَ

“Мен (Аллоҳ) тавба қилган, имон келтирган ва яхши амаллар қилганлар, сўнг тўғри йўлдан юрганларни кечиругман”. (Тоҳа: 82).

Қуръондаги ақидага доир оятларда яратилган нарсаларга эътибор қаратиш ва улар ҳақида тафаккур этиш, уларнинг яратилганлиги бежиз эмаслиги ҳақида кўп тўхталинган ҳамда баъзи mavjudotlarning яратилиши умумий тарзда, айримлари муфассал баён этилган. Коинот, инсоннинг яратилиши, инсоннинг туғилиши масалалари алоҳида эътибор қаратилиб, нисбатан кенгроқ баён этилган.

Қуръон қиссалари. Тарихий қиссаларга Қуръонда кенг ўрин берилган. Қуръонда илгари ўтган пайғамбар, қавмлар, шахсларнинг фаолиятлари ва ҳаётларидан лавҳалар келтирилган бўлиб, улар 1000дан ортиқ оятни қамраб олади.

Куръон қиссалари борасидаги тадқиқотлар ҳозирда етарли даражада қамраб олинган деб бўлмайди. Бу борада бир қанча асар ва тадқиқотлар яратилган бўлса-да, олдинда амалга ошириладиган ишлар талайгина. Куръон илмларига бағишлиланган асарларда қиссалар алоҳида мавзу остида ўрганилмаган. Европа тадқиқотчилари томонидан ҳам ёзилган ишларда қиссаларнинг айrim жиҳатлари баён этилган. У ҳам бўлса, Куръонда келган итоатсизлик қилувчилар ва уларга туширилган жазо ҳақидаги оятлар таҳдил этилган. Бу албатта Куръон қиссаларининг бир қисми саналади.

Куръонда 25 та пайғамбар ҳамда улар ҳаёти ҳақидаги кенг ёки қисқача хабарлар келтирилган. Тарихий қиссаларни баён этишда Куръон ўзига хос услубни қўллайди. Унга кўра, Куръон тарихий воқеаларнинг санасини келтиришга ёки қачон содир бўлгани, қайси воқеадан кейин ёки олдин бўлганини зикр этишга асосланмайди. Қиссаларни зикр этиш воқеа ва ундан олинадиган насиҳат, фойдаларни ҳосил қилишга қаратилган.

Куръонқиссаларини қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Пайғамбарлар фаолияти, унга эргашувчилар билан кечган воқеа- ҳодисалар, мўъжизалар, уларга эргашмаганларнинг оқибатлари кабилар баён этилган қиссалар. Масалан, Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Юсуф, Исо ва ҳ.к.

2. Бўлиб ўтган воқеалар баён этилган бўлиб, Куръонда шахслари аниқ тарзда ўрнатилмаган кишилар ва қавмлар ҳақидаги қиссалар. Масалан: Асҳобул уҳдуд, Асҳобул Каҳф, Зулқарнайн ва ҳ.к.

3. Муҳаммад пайғамбар даврларидаги бўлиб ўтган воқеа- ҳодисалар баёни. Масалан: Исро воқеаси, ҳижрат, Бадр ва Уҳуд жангидаги бўлган воқеалар ва ҳ.к.

Биринчи турга барча Куръонда зикри келган 25 пайғамбар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги хабарлар киради. Улар: Одам, Идрис, Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Лут,

Шуъайб, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Зул Кибл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Илёс, Довуд, Сулаймон, ал-Ясаъ, Закариё, Яҳё, Исо, Мұхаммад.

Анфол сурасида уларнинг кўпчиликлари бир ўринда санаб ўтилган:

وَتِلْكَ حُجَّتُنَا أَتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِ تَرْفَعَ دَرْجَاتٍ مَّنْ نَشَاءَ إِنْ رَبُّكَ حَكِيمٌ
غَلِيلٌ (۸۳) وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًا هَدَيْنَا وَثُوحاً هَدَيْنَا مِنْ قَنْلٍ وَمِنْ ذُرَيْتِهِ
ذَاؤدَ وَسُلَيْمَانَ وَأَيُوبَ وَبُوئْسَفَ وَمُوسَى وَهَارُونَ وَكَذِيلَكَ نَجْزِي الْمُخْسِنِينَ (۸۴) وَرَكَرَيَا
وَبَحْرَيِي وَعِيسَى وَإِلْيَاسَ كُلُّ مِنَ الصَّالِحِينَ (۸۵) وَإِسْمَاعِيلَ وَالْيَسْعَقَ وَبُوئْسَنَ وَلُوطًا
وَكُلًا فَضَّلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ (۸۶)

Бу ерда илгари ўтган пайғамбарлардан 18 нафари ўзига хос тартиб асосида санаб ўтилган. Одам, Идрис, Ҳуд, Солих, Шуъайб, Зул-Кифл, Юнуслар ушбу ўринда санаб ўтилмаган.

Куръонда пайғамбарлар фаолиятларининг ёритилишида баъзиларига кенг, баъзиларига қисқароқ тўхталиниди. Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Ҳорун, Юсуф, Исо ҳаёт ва фаолиятлари улар билан кечган воқеа-ҳодисалар кенг ёритилган.

Масалан, Мусо ҳақида келган хабарлар орасида Қасас, 3-43, Тоҳа, 10-98, Шуаро, 10-68 оятларида анча кенг ёритилган. Қолган оятларда қисқача тўхталиш асосида айрим такрорлар ва кечирғанларига ишора қилинади. Умуман, бошқа пайғамбарларга нисбатан Мусо фаолиятига Куръонда энг кўп эътибор қаратилган. Турли ўринларда 300 дан ортиқ оятлар унинг фаолиятини ёритиб беради.

Юсуф қиссасида Мисрға 7 йил давомида қаҳатчилик, бало ва мусибат келишидан олдин пайғамбарнинг ҳалқни очлик ва қаҳатчиликдан қутқариб қолиши, жамиятта манфаат етказиши асосий ўринга кўтарилиган. Унга кўра, Юсуф пайғамбар сифатида асосан 7 йил тўқинлик даврида кейинги келажак 7 йиллик қаҳатчилик даври учун захира қилиш ва шу орқали Миср ва унинг атрофидаги ҳалқларни очикдан қутқариш вазифасини бажаради ҳамда уларга яккахудоликка имон келтиришга даъват, акс ҳолда азобга дучор қилиниш ҳақида сўз юритилмайди. Мисол тарзида сурада Миср подшоҳи ва

унинг аъёнлари, умуман халқини яккахудоликка даъват этишга ҳаракати бошқа қиссалардагидан (масалан, Иброҳим, Мусо ва ҳ.к.) яққол фарқ қиласди. Фақатгина бир ўринда суранинг 38–40-оятларида, Юсуф зиндандалигида икки зинданбандга яккахудога имон келтирганини айтиб, уларнинг кўпхудоларга ишонишларини танқид қиласди.

Улардан кейинги ўринда, яъни ҳаёт, фаолиятларининг айрим муҳим даврлари ҳақида хабар берилганлар сифатида: Юнус, Довуд, Сулаймон, Исҳоқ, Яъқуб, Айюб, Закариё, Яҳё, Ҳуд, Солих, Шуъайб, Лут, Исмоил пайғамбарларни зикр этиш мумкин.

Куръонда энг қисқа сўз юритилган пайғамбарлар бу ал-ЯсаъваЗул Кифллардир. Уларнинг икки ўринда номлари зикр этилиб, сифатлари ифодаланган, яъни сабр қилувчи ва яхши инсонлар деб мақталган. Илёс, Идрис пайғамбарлар ҳақида ҳам жуда қисқа сўз юритилган. Юқоридаги пайғамбарлар фаолиятлари ҳадисларда бир мунча очиб берилган.

Иккинчи турга кирувчи илгари бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлар ва пайғамбарликлари аниқ ўрнатилмаган кишилар ва қавмлар ҳақидаги қиссаларга Толут ва Жолут, Одам (а.с.)нинг икки боласи орасида кечган воқеа, Каҳф аҳли, Зулқарнайн, Луқмон, Қорун, Сабт аҳли, Марям, Уҳдуд аҳли, Туббаъ аҳли, Фил аҳли ҳақидаги хабарларни мисол келтириш мумкин.

Масалан, Каҳф аҳли ҳақидаги хабар фақат бир ўринда Каҳф сурасида такрорларсиз зикр этилиб, бир нечта имон келтирган кишиларнинг мўъжизавий тарзда 310 йил ухлатиб қўйилгани, сўнг уйғонганлари зикр этилган. Бу билан бошқа кишиларга ҳам мўъжиза намоён этилиб, қайта тирилишга ишора қилинган. Зулқарнайн қиссансида бир шоҳнинг бутун ер юзида ҳукмрон бўлиб, имон келтирган ҳолда ҳаёт кечиргани, Яъжуҷ ва Маъжуҷ зараридан бир халқни қутқаргани кабилар ёритилган. Луқмоннинг ўз ўғлига одоб ва ахлоқ ҳақидаги ўйтлари айнан тарбиявий аҳамиятга эга.

Ушбу шахсларнинг ким эканлиги, қайси даврда яшаганлари аниқ тарзда баён этилмаган. Бу йўналишдаги қиссалар тарбиявий аҳамиятга молик бўлиб, кишиларга эзгулик ва ёмонлик ажратиб берилган.

Учинчи турга кирувчи қиссалар Мұҳаммад (с.а.в.) даврларидағи айрим воқеа ва ҳодисаларни баён этиб беради. Масалан, ҳижрат билан боғлиқ хабарлар, Исро кечасидаги воқеалар, Бадрда мушриклар билан кечган уруш ва шу кабиларни зикр этиш мумкин.

Куръондаги қиссаларни ташкил этувчи унсурлар бу шахс, воқеа ва мулоқотdir.

Куръонда қиссалар баёнидаги услуб ўзига хос бўлиб, кўпчилик қиссалар турли сураларнинг ичидаги ўрин эгаллайди. Улар баъзан бир-бирини тўлдирса, баъзан бир-бирини шарҳлайди. Шунга кўра турли ўринларда келган оятлар кўпчилик ҳолларда такрор ҳолда келади. Бунда қисса ёки унинг маълум қисми, бирор вазият, муносабат давомида баён этилади ва шунга кўра ислом уламолари қиссалардаги такрорлик нисбий тушунчалигини таъкидлайдилар. Чунки муносабат ўзгарган сари такрорий келган қиссадан олинадиган фойда ўзгаради. Юсуф, Зулқарнайн, Мусо ва Хизр ўртасида кечган воқеа, Асҳобул-Қаҳф, Исмоил пайгамбарнинг қурбонлик келтирилиши ҳақидаги қисса такрор келмаган. Шу билан бирга, Куръон қиссаларидан фақат Юсуф пайгамбар қиссаси тўлиқ ҳолда бир сурада келган.

Қиссалар мазмуни қўйидаги тамоилиларга қаратилган:

1) Барча пайгамбарлар яккахудоликка даъват этувчи, ширк келтиришга қарши бўлиб, умумий бир йўлдаги бир диндаги инсонлар эканлиги;

2) Барчаларининг фаолиятларида қийинчиликларга учрашлари, уларга имон келтириб эргашганлар ва эргашмаганларнинг бўлгани;

3) Яккахудога имон келтирсан қавмларга марҳамат кўрсатилгани ва уларни асралгани, имон келтирмаган, бузгунчи қавмларга азобларнинг келиши;

4) Сабрлилик, гўзал хулқларнинг жиҳатларини очиб бериш ва кишиларни уларга чақириш.

Қиссаларнинг баён этилиш сабаблари сифатида уларнинг кишилар учун ибратлиги, кишиларнинг ахлоқий тарбияларини тузатиш, Муҳаммад (с.а.в.) нинг илоҳий пайғамбар эканлигини тасдиқлаш мақсадида ўша давр яҳудий ва христиан динларидағи қиссаларни тасдиқлаши ва тузатишлар киритиши кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Куръонда қиссаларнинг келтирилиши ҳам нозил этилиш жойига, яъни маккий ва маданийлигига қараб фарқланади. Масалан; Мусо ҳақидаги тарихий қиссалар Мадинада нозил бўлган. Чунки Муҳаммад (с.а.в.) нинг аҳли китоблар билан муносабатларга киришуви Мадинада бошланган эди.

Ҳукмлар. Куръонда “ҳукм оятлар” мавжуд бўлиб, маъноси “шаръий ҳукмлар ечимлари”. Зеро, Куръон шариатнинг асосий манбаси ҳисобланади. Ислом динининг асосий қоидалари, амаллар йўсини унда келган. Мусулмон олимларининг айтишича, Куръонда тахминан 500 та шаръий ҳукмларга доир оятлар мавжуд. Ислом динининг 5 устунидан бири имон бўлиб, қолган 4 таси ибодат амаллари саналади.

Фақиҳлар наздида ҳукм оятлари икки хил турда бўлади:

1. Тўғридан-тўғри ҳукм зикр этилган оятлар.

2. Бирор масалани ечишда истинбот қилишда, бошқа оят билан қўшиб масалани ечиладиган оятлар.

Биринчи турдаги ҳукмларга таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж билин бирга, никоҳ, талоқ, васият, қасам ва унинг каффоратлари, савдо-сотик, эмиқдошлиқ, мерос, жиноят жазолари каби масалалар ҳақида ҳукм ва қоидалар баён этилгани киради. Буларнинг доирасидаги жузъий масалаларда тортишув кечган бўлиб, ўз фикрларини исботлашда иккинчи турдаги оятлар фақиҳлар томонидан истифода этилган.

Айтиб ўтиш лозимки, ушбу масалаларнинг барча жиҳатлари Куръонда тўлиқ кўрсатилмаган, балки уларга доир сўзлар ҳадисларда келган бўлиб, ушбу икки манба асосидаги

тартиб-қоидалар шариатни қамраб олади. Унда амаллар тартиб-қоидаларининг асосий тамойиллари көлтирилган.

1) Намоз ибодати тартиб-қоидалари умумий тарзда баён этилган. Улар түлиқ тарзда ҳадислар билан бирга қўшилганда юзага чиқади. 5 вақт намоз ўқиши айнан кўрсатилмаган бўлиб, ишоралар қилингани ҳақида манбаларда зикр этилган. Масалан: қўйидаги оятларда шом, бомдод, хуфтон ва пешин вақтларидаги намозларга ишора қилинган:

فَسُبْحَانَ اللَّهِ حِينَ تُمْسَوْنَ وَحِينَ تُصْبِحُونَ {١٧} وَلَهُ الْحَمْدُ فِي السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضِ وَعَشِيًّا وَحِينَ تُظَهَّرُونَ {١٨}

“Кеч (пайти)га кириш пайтингизда ҳам, тонгга кириш пайтингизда ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтингиз. Осмонлар ва Ердаги (айтилаётган) барча ҳамд Унга хосдир. Тунги пайтда ҳам Қуёш заволи пайтига киришингизда ҳам (Унга тасбеҳ айтингиз)”. (Рум: 17, 18).

حَفِظُوا عَلَى الصَّلَواتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى وَقُوْمُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ

“Намозларни, хусусан ўрта намозни сақлантиз ва (намозда) Аллоҳга бўйсуниб, турингиз!”. (Бақара: 238). Мазкур оятда эса, аср намози вақтига ишора қилинган.

Шу билан бирга, қиблани Байтул-мақдисдан Маккага ўзгартирилиши ва Каъба тарафга юзланиб намоз ўқиш бу ибодат бўйича Куръонда ўрнатилган қоидаларданdir.

2) Закотнинг берилиши кейинчалик ўрнатилган шаръий қоида бўлиб, Куръонда аввал нозил бўлган оятларда эҳсон, инфоқ, садақа қилиш тарзида келган. Кейинчалик фарз бўлгандан сўнг амалга оширилиши ўрнатилган. Шу билан бирга кишида қанча маблағ тўпланса берилиши ва қанча миқдорда берилиши ҳадисларда баён этилган.

3) Рўзага оид оятларда Рамазон ойида тутилиши, саҳардан то кун ботгунга қадар ейиш ва ичишдан тийилиш баён этилган. Бунга қўшимчалар ҳадисларда зикр этилган бўлиб, иккала манба асосида бу ибодат тартиб-қоидалари тўлиқ бўлади. Куръонда ушбу амал ҳақида қўйидаги оятни мисол қилиш мумкин:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كَتَبَ عَلَيْكُمُ الصَّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَفَلَكُمْ تَنْتَهَى

“Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди”. (Бақара: 183). Кейинги 184-оятда ҳам бу борада зикр этилади. Жумладан, саноқли кунларда рўза тутилиши, бемор ёки сафардаги кишилар бошқа кунларда рўза тутишлари, рўза тутишга мадори етмайдиганлар бир мискинга бир кунлик таом бермоқлари ҳамда рўза тутиш яхшироқ эканлиги баён этилган.

4) Ҳаж амали борасида ҳам Қуръонда тўлиқ тарзда баён этилмай, асосий жиҳатлари баён этилган. Масалан, Оли Имрон сурасининг 97-оятида бу борада шундай дейилади:

وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنْ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا

“Инсонлар учун имконияти борларнинг Аллоҳ уйини ҳаж қилишлари фарз қилинди”, оятида ушбу амалнинг бош тамойили, яъни ислом динидаги ўрни баён этилган бўлиб, “Бақара” сураси 196–203-оятларида ушбу тартиб-қоидалардан: қурбонлик қилиш, қодир бўлмаган кишининг уч кун Маккада, етти кун ўз ватанига қайтганида, жами ўн кун рўза тутиши лозимлиги, сочни олдириш, қодир бўлган кишиларга ҳажнинг фарзлиги, маълум ойларда ҳаж бўлиши, ҳаж вақтида урушиш, фиск-фужур ишларни қилиш тақиқланганлиги, Арафотданчиққандан кейин Аллоҳни кўп зикр этилмоғи, саноқли кунларда Аллоҳни зикр этиш, кимки шошилиб, икки кунда кетмоқчи бўлса унга мумкинлиги кабилар айтилади. Кўриниб турганидек, ҳаж амалининг асосий жиҳатлари баён этилиб, унинг тартиби ҳамда барча амаллари зикр этилмаган. Балки ҳажнинг тўлиқ тартиби ҳадисларда келган ривоятлар асосида тизимланган.

Кўйида яна шариат ҳукмларига оид ояtlар келтирилади:

5) Никоҳ ва талоқ масаласи. Исломдан илгариги даврда арабларнинг ҳаётларида никоҳ ва талоқ масалалари издан чиққан бўлиб, бир аёлнинг бир нечта эркакка турмушга чиқиши мумкин бўлган, ёки бир эркакнинг чегарасиз тарзда

аёлларни никоҳга олиши каби одатлар тарқалган бўлган. Куръонда ушбу масалада ўша давр учун янгича қарааш илгари сурилади. Талоқ масаласида ҳам ажрашган аёлнинг бошқа турмушга чиққунга қадар 4 ой идда сақлаши лозимлиги айтилган. Бунга кўра мерос масаласига ҳам ойдинлик киритилган. Чунки бунда боланинг ҳақиқий отаси ва кимнинг меросхўри эканлиги аниқланади.

6) Таомланиш бўйича қўйилган чегаралар. Ислом кириб келиши билан таомланишдаги тартиб-қоидалар ҳам белгиланган. Айрим ҳолларда араблар ҳалол нарсаларни ўзларига ҳаром қилиб олсалар, айримлар ҳаром нарсаларни ҳалол деб ҳисоблаганлар. Куръонда бу борада аниқлик киритилиб, бир оятнинг ўзида ушбу масалага ойдинлик киритилган:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالدُّمُّ وَلَحْمُ الْخَنْزِيرِ وَمَا أَهْلَ لِغَنِيرِ اللَّهِ بِهِ وَالْمُنْخِنَّةُ الْمَوْقُوذَةُ
وَالْمُتَرَدِّيَةُ وَالنَّطِيْحَةُ وَمَا أَكَلَ السَّبُّعُ إِلَّا مَا ذَكَيْنَاهُ وَمَا ذُبِحَ عَلَى النُّصُبِ

“Ўлимтик, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан ўзганинг номи айтиб сўйилган, бўғилиб ўлган ва йиртқич ҳайвон (қисман) еган (ҳайвонлар) сизларга ҳаром қилинди, илло шаръан сўйганингиз ҳалолдир, яна бут-санамларга атаб сўйилган ҳайвонлар (гўшти) (ҳаромдир)”. (Моида: 3).

5.5. Куръонда ахлоқий тарбия масалалари ва диний таассубга муносабат

Мавзунинг ўқув мақсади: Куръоннинг тарбиявий аҳамиятини атрофлича ёритиш, унинг диний ақидапарастликка қарши моҳияти ҳақида билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: таассуб, гулу, бағрикенглик, ахлоқ, одоб.

Куръонда тарбиявий аҳамиятга эга оятларни айнан ажратилмай назар солинса, унда унинг умумий тарзда ахлоқий тарбия масалаларига қаратилганини билиш мумкин. Агар ҳар қандай мавзуларга назар солинса, унда албатта таълим-тарби ягадоиржиҳатлар бўлади.

Шу каби тарбия ва ахлоқ-одобга тааллуқли оятлар сони 1000 ортиқ бўлиб, баъзан қиссалар баёнида мавзуга доир ўгитлар берилса, баъзан тўғридан-тўғри мурожаат тарзида чиройли хулқларга даъват этилади. Куръонда “илм” сўзи билан алоқадор 700дан ортиқ оятлар мавжуд бўлиб, жуда кўпчилик оятларда инсонлар ақл эгалари сифатида аталган ва кўп ўринларда кишилар тафаккур қилишга чақирилган.

Куръонда ахлоқ-одобга турли услубларда чақирилади:

1. Аллоҳ томонидан амр ва мавъиза сифатида.
2. Ибрат ва намуна кўрсатган ҳолда чақириш.
3. Масал келтирган ҳолда чақириш.

1. Амр ва мавъиза сифатида Исро сураси 23–38-оятларни мисол келтириш мумкин. Ушбу ўринда кетма-кет тарзда ахлоқий тарбияга оид масалалар кўрилгани учун бунга эътибор қаратиш ўринли. 23-оятда Аллоҳдан ўзгага ибодат қиласлик ва ота-онага яхшилик қилиш кетма-кет келади, кейинги оятларда уларга яхши сўз сўзлаш ва дуо қилишга чақирилади. Сўнг 26-оятдан қариндош-уругларга, мискинларга, мусофиirlарга ҳақларини адо этишга буюрилади. Кейин эса, исрофгарлар танқид остига олинади. 29-оятда ортиқча исроф билан сахийлик қилиб юбориш ёки баҳил бўлиш қораланади ҳамда ризқни Аллоҳ бериши зикр этилади. Сўнг гуноҳ ишлардан зино, одам ўлдириш, етимнинг молиниейиш, тарозидан урмаслик қаттиқ гуноҳ эканлиги зикр этилади. Сўнг 36-оятда билмаган нарсасига қаттиқ туриб олмаслик, ер юзида кибрланиб юрмаслик уқтирилади. Анъом сураси 151–152-оятларида ҳам ушбу ахлоқий ўгитларнинг кўпчиликлари зикр этилган.

Шу каби “Албатта, Аллоҳ адолат ва яхшилик қилиш, қариндошларга эҳсон қилишга чақиради. Фаҳш, ёмон ишлар ва исёнкорликдан қайтаради ва сизларга эслатма олишингиз учун ваъз-насиҳатқилади” (Наҳл: 90) ояти ҳам мазкур услугба доир.

5.5. Куръонда ахлоқий тарбия масалалари ва диний таассубга муносабат имкониятларга эга эканликлари белгиланган кўрсатмалардан огиб кетмасликлари, ўзларича ҳалол наralардан тийилишлари мумкин эмасликлари, кийинишда ҳам ўзларича чегара қилиб, чиройлик кийимлардан ўзларини ман этишлари мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бунга қуидагиларни мисол қилиш мумкин:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُحْرِمُوا طَبِيعَاتِ مَا أَخْلَى اللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَغْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ
الْمُغْتَدِينَ

“Эй имон келтирганлар, Аллоҳ ҳалол қилган яхши нарсаларни ҳаром қилиб олманг. Ҳамда тажовуз қилманг”. (Моида: 87).

Аъроф сурасида кийинишда ортиқча тийилиш ва ейиш ичишдан ортиқча қайтиш ва чегаралашдан қайтарилади.

يَا بَنِي آدَمَ خُذُوا زِينَتَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُّوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُشْرِفُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ
الْمُسْرِفِينَ

“Эй одам боласи, масжид олдига чиққанингизда зеб-зийнатингизниолинг, енглар, ичинглар, исрофқилманлар. Аллоҳисрофгарларнисевмайди” (Аъроф: 31).

قُلْ مَنْ حَرَمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ لِعِبَادِهِ وَالْطَّبِيعَاتِ مِنَ الرِّزْقِ

“Айтинг, ким Аллоҳ бандаларига чиқарган зийнатлар ва покиза ризқларни ҳаром қилди... (Аъроф: 32).

يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْفُسْرَ

“Аллоҳ сизларга енгилликни истар ва қийинликни истамас” (Бақара: 185).

Шу йўналишдаги оятлар ҳаётдан узилиш ва динни тор тушунишдан қайташишга қаратилган оятлардир.

Бошқа дин вакиллари билан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш ҳам Куръонда зикр этилган:

وَلَوْ شاءَ رَبُّكَ لَأَمَنَ مَنْ فِي الْأَرْضِ كُلُّهُمْ جَمِيعًا أَفَأَنْتَ ثُكْرُهُ النَّاسَ حَتَّىٰ يَكُونُوا

2. Ибрат ва намуна күрсатган ҳолда чақириш услубига қуйидаги оят мисол бўла олади:

“Сизларга Расулulloҳда Аллоҳдан (марҳамат) истаганлар ва охират кунида (марҳаматни) истаганлар учун гўзал намуна бордир...” (Аҳзоб: 21).

3. Масал келтирган ҳолда чақиришга мисол тарзида “Аллоҳнинг йўлида молларидан эҳсон қияғанлар бамисоли ҳудди бир уруғдан етти бошоқ ва ҳар бирида 100 дондан етиштиргани каби савобга эришадилар...” (Бақара: 261) оягини келтириш мумкин.

Шу каби Қуръонда турли услублар билан кишиларни гўзал хулқли бўлишга чақирилади.

Динда таассубга берилиш, чуқур кетиш масалалари. Ушбу масала Қуръонда ҳар томонлама муолажа қилинган мавзулардан саналади. Таассуб ва гулуга кетишга далил мавжуд бўлмай, аксинча инсонлар охират куни ҳақида огоҳлантирилар эканлар, дунёвий ҳаётдан, жамиятдан ажралмасликка даъват этиладилар. Шунга кўра, айrim ўринларда тўғридан-тўғри диний таассуб ва жиноятлар қораланса, айримларида мусулмон кишининг диний ҳаёти тартибга солинади. Биринчи қисмга, одам ўлдириш, Ер юзида фасод-бузғунчилик ишларини қилиш қаттиқ қораланганд оятларни мисол қилиб келтириш мумкин:

مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَانَمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَخْتَاهَا
فَكَانَمَا أَخْتَاهَا النَّاسَ جَمِيعًا

“Кимки одамларни ноҳақ, ёки Ер юзида бузғунчилик билан ўлдиrsa, ҳудди у барча инсонларни ўлдирган кабидир. Агар ўлимдан сақласа, гўё барча одамларни ўлимдан сақлаган кабидир”. (Моида: 32).

Иккинчи қисмда эса, кишиларнинг дунёвий ҳаётларидаги юриш-туришлари белгиланган. Яъни кишиларнинг динни тор йўналишда тушунмасдан, ҳаётлик чоғларида кенг

مُؤْمِنَيْنَ

“Агар роббингиз хоҳласа эди, Ер юзидағи барча инсонлар ёппасига имон келтирған бўлур эдилар. Сиз улар мўмин бўлмагунларича ёмон кўрасизми” (Юнус: 99).

وَلَوْلَا دَفَعَ اللَّهُ النَّاسَ بِغَضَّةِهِمْ يَنْفَضِّلُ مَهْدَمَتْ صَوَامِعَ وَبَيْعَ وَصَلَوَاتٍ وَمَسَاجِدٍ يُذَكِّرُ
فِيهَا اسْمَ اللَّهِ كَبِيرًا وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقَوْيٌ عَزِيزٌ

“Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф этиб турмас экан, албатта, Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларда) узлатгоҳлар, (насронийларда) бутхоналар, (яҳудийларда) ибодатхоналар ва (мусулмонларда) масжидлар вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ ўзига (динига) ёрдам берадиганларга ёрдам берур. Шубҳасиз, Аллоҳ кучли ва қудратлидир” (Ҳаж: 40).

لَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقَاتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرُجُوكُمْ مِنْ دِيَارِكُمْ أَنْ تَبْرُؤُهُمْ
وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ

“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар” (Мумтаҳана: 8.)

Ушбу оятларда гайридинларнинг ибодатхоналарига ҳам худди масжидлар каби эътибор қилиниб, эҳтиром қилиниши, яхшилик қилиш Куръондаги бағрикенгликни кўрсатиб беради.

Куръонда илм олишга тўғридан-тўгри давват қилинади:

“Биладиганлар билан билмайдиганлар teng бўлурларми” ояти билан бирга коинот, инсоннинг яратилиши, тиббиётга оид оятларнинг Куръонда зикр этилиши кейинги даврларда ислом оламида дунёвий илмлар мукаммал эгалланишига туртки бўлди.

Куръон кўплаб мавзуларни қамраб олиб, юқорида асосий жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Куръон илмларидан қайсиларини биласиз
2. Куръондаги ҳукмларни бекор қилиш қайси илмлари турига киради ва унинг таърифи қандай?
3. Оятларнинг нозил бўлиш сабаби илмининг аҳамияти нималардан иборат?
4. Куръон қайси асосий мавзуларни қамраб олади?
5. Куръоннинг тариявий аҳамиятини мисоллар билан ёритинг?
6. Динда чуқур таассубга берилишга Куръонда қандай муносабат билдирилган?

Мустақил иш мавзулари

1. Куръонда қиссаларнинг баён этилишидаги услуб.
2. Фирқа ва оқимларнинг Куръондаги ақидавий масалалар талқин этишдаги услублари.
3. Куръонда ахлоқий тарбия масалалари.

Қўшимча адабиётлар

1. Суютий. *Итқон фи улумил-Куръон*. 2 жилдли. - Қоҳира: Дорул ҳадис, 2004.
2. Белл Р., Уотт У. М. *Коранистика*. Введение. – Москва-Санкт Петербург: Диля, 2005. -205 б.
3. Муҳаммад Бакр Исмоил. *Диросот фи улумил-Куръон*. Shamelae-book. 2007.
4. Муҳаммад Тоҳир Курдий. *Тарихул Куръон*. Shamelae-book. 2007.
5. Нёльдеке Т. *Куръон тарихи*. / Араб тилига таржима ва изоҳлар муалифи Ж. Томар. -Байрут: 2004. -841 б.
6. Обидов Р. *Куръон ва тафсир илмлари*.-Т: Тошкент ислом университети, 2003. -468 б.

6-БОБ. ТАФСИР ИЛМИ ВА МОВАРОУННАХР МУФАССИРЛАРИ

6.1. Тафсир ва таъвил.

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръоннинг шарҳи ва тафсири ҳакидаги қараашлар бўйича билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: тафсир, таъвил, шарҳ, изоҳ.

Тафсир сўзининг лугавий маъноси “изоҳ”, “шарҳ”дир. Арабларда илмий, фалсафий асарларга ёзилган шарҳлар ҳам тафсирлар деб аталган. Қуръонда ҳам “тафсир”–“шарҳ” мазмунида қўлланилган:

وَلَا يَأْتُوكُمْ بِمَثْلِ إِلَّا جِئْنَاهُ إِلَيْهِ وَأَخْسَنَ تَفْسِيرًا

“Улар сизга бирон мисол келтирсалар, албатта, Биз сизга ҳақ ва энг гўзал шарҳни келтириб қўйдик”.

Тафсирга берилган таърифларни умумлаштириб шундай дейиш мумкин: “тафсир араб тилини мукаммал билган ҳолда Қуръон, ҳадис, саҳобий ва тобиийлар ривоятидан истифода этиб, инсон қудрати доирасида Қуръон оятларини шарҳлаш, изоҳлашдир”.

“Ал-Қомус ал-муҳит” асарида “фаср тафсир каби шарҳлаш ва беркинган нарсани кашф этиш маъносини билдиради”, дейилади. “Лисонул-араб” асарида эса: “Фасрнинг маъноси шарҳлаш, изоҳлаш бўлиб, тафсир ҳам шу каби маънони англатади, яна “фаср” нинг маъноси беркинган нарсани кашф этиш. “Тафсир” эса турли сўзлардан муродни кашф этишдир, дейилган. Абу Ҳаййон “Баҳрул-муҳит” асарида: “тафсир сўзи ялангочлаб бўшатиш, эркин қўйиш маъноларида ҳам ишлатилади. Бунда у кашф этиш маъносига қайтади”, деб шарҳ берган.

6.1. Тафсир ва таъвил

Ушбу сўзнинг истилоҳий маъноси ҳақида баъзи уламолар: “Тафсир илми бошқа илмлар каби чекланган қоидалар асосидаги илм эмас. Чунки у қоидалар, ёки бошқа илмларга ўхшаб қоидаларнинг амалиётида шаклланган ўзига хосликлар эмас. Тафсигни Аллоҳ қаломининг шарҳи, ёки Куръоннинг сўзлари ва тушунчаларига шарҳ дейиш кифоя”, деганлар.

Яна баъзи уламолар “Тафсир жузъий масағалар, қоидалар, ёки қоидалар амалиётида шаклланган хусусиятларга эга илмдир. Унга таъриф ҳам бор. Ушбу таърифда Куръонни фаҳмлаш учун фойдаланиладиган лугат, сарф, наҳв, қироат ва бошқа бир нечта илмлар зикр этилади”, дейдилар.

Тафсир чекланган қоидалар асосидаги илм деган уламолар таърифларига назар солинса, уларни кўплаб таъриф айтганларини кўришимиз мумкин. Лекин ушбу таърифларнинг ҳаммаси тузилиш жиҳатидан ҳар хил бўлса ҳам маъно жиҳатидан бир мақсадга йўналади.

Суютий таърифлардан айримларини зикр этади: “Бу илм оятларнинг нозил бўлиш сабабларини, уларнинг кичик қиссаларини, маккий ва маданийлиги тартибларини, аниқ ва ўхшашларини, носих ва мансужларини, хос ва умумийларини, мутлақ ва чегаралангандарини, мужмал ва муфассалларини, ҳалол ва ҳаромларини, ваъда ва ваъидларини, чақиргандарини ва қайтаргандарини, ибрат ва мисолларини ҳамда шунга ўхшашларни ўрганадиган илмдир” .

Заркаший: “Тафсир – бу Аллоҳнинг пайғамбари Мұҳаммад (а.с.)га нозил қилган китобининг маънолари, ҳукмлари тушуниладиган илм. Бунда лугат илмидан, наҳв ва сарфдан, баён илмидан, фиқҳ илми асосларидан, қироатлардан фойдаланилади ҳамда бу илм оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ва носих, мансухларни билишга муҳтож”, деб таъриф берган.

Яна бошқа таърифга кўра, “Тафсир илми ислом илмларидан бири бўлиб, муфассир қудратича ҳукмларни истинбот қилишда Куръон оятларини шарҳлашга ихтисослашади” .

“Таъвил” сўзи “авл” сўзидан олинган бўлиб, қайтиш маъносини ҳамда тафсир, шарҳлаш маъноларини билдиради:

فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَبَعُونَ مَا تَشَابَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفَتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ وَمَا
يَعْلَمُ تَأْوِيلُهِ إِلَّا اللَّهُ

“Аммо, дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Куръоннинг) муташобиҳ оятларига эргашадилар. Ҳолбуки ундай оятлар таъвилини (тафсирини) фақат Аллоҳнинг ўзигина билур”.

Шу каби таъвил сўзининг изоҳ, шарҳ маъноларида келган кўплаб оятлар мавжуд.

Уламолар тафсир ва таъвилни фарқлашда турлича фикрлар билдиридилар. Баъзи уламолар уларнинг иккиси бир хил маънони билдиради, десалар, бошқалари уларнинг орасини фарқлайдилар.

Имом Мотуридий: “Тафсир бу сўзининг маъноси қатъий мана шу дейиш ва Аллоҳ ўша сўздан мана шуни назарда туттган деб, гувоҳлик беришдир. Агар бунга далили бўлса у жолда сўзи тўгри, агар ундай бўлмаса, унда фақат ўзининг раъйи билан тафсир қилган бўлади. Бу ман этилган. Таъвил эса, бирор сўзининг тахминий маъносини қатъий деб айтмай ва Аллоҳнинг назарда тутгани мана шу, деб гувоҳлик бермай ўша маънони бошқа маъноларидан устун қилишдир”.

Абу Убайда: “Тафсир ва таъвил бир хил маънони билдиради”, деган. Бу фикр илгари ўтган тафсир олимларининг ораларида кенг тарқалган эди.

Рогиб Исфаҳоний “Тафсир таъвилдан кўра чуқурроқ маънони билдиради. Тафсир сўзлар учун кўп ишлатилса, таъвил маънолар учун кўпроқ ишлатилади, туш таъвили (таъбири) каби. Таъвил илоҳий китоблар учун ишлатилади. Тафсир эса илоҳий китоблар учун ҳам, ундан бошқалари

6.1. Тафсир ва таъвил

учун ҳам ишлатилади. Тафсир кўпинча алоҳида сўзларга ишлатилади. Таъвил эса, жумлаларга ишлатилади”.

Саълабий тафсир ва таъвил ҳақида шундай дейди: “Тафсир сўзнинг ҳақиқий ёки мажозий вазиятини баён этади. Худди “сирот” сўзи “ториқ(йўл)” деб тафсир қилинганидек. Таъвил эса сўзнинг ботинини шарҳлайди. Таъвил қайтиш, яъни нарсанинг аслига қайтиши маъносини англағади. Таъвил исталган нарсани ҳақиқатидан хабар бериш. Тафсир исталган нарсанинг далолатини хабар қилишдир”.

Бағавий: “Таъвил – бу оятнинг ўзидан олдинги ва кейингиларига мувофиқ ҳолда эҳтимолли (бўлиши мумкин бўлган) маънога ишлатиш бўлиб, истинботда Қуръон ва ҳадисга зид бўлиб қолмаслиги керак. Тафсир эса оятнинг нозил бўлиш сабаблари ва қиссалари ҳақида сўз юритишдир”, деган.

Яна бир қанча уламолар шундай таъриф берадилар: “Тафсир ривоят асосида бўлиб, таъвил эса билим асосидадир”.

Заҳабий у иккиси ҳақида шундай дейди: “Тафсирнинг маъноси кашф, баён этиш. Яъни Аллоҳнинг муродини кашф этиш. Бунда Расулидан келган хабарларга қараб ёки баъзи саҳобийлар хабарларига қараб шарҳланади. Чунки саҳобийлар ваҳий тушишига шоҳид бўлганлар, ўша вақтдаги ўраб турган воқеа-ҳодисаларни идрок этганлар ва Расулулуҳ (с.а.в.) билан учрашиб турганлар ҳамда улар Қуръоннинг маъноларини тушунишга қийналганларида унга мурожаат қилганлар. Таъвил бу сўзларнинг бирорта эҳтимолини бошқасидан устун қилишдир. Устун қилиш эса ижтиҳодга таянади. Бу эса сўзларнинг араб тилидаги маъноларини билишни, жойларига қараб ишлатишни, араб тили услубларини билган ҳолда маъноларини чиқаришни талаб этади”.

6.2. Мұхаммад (с.а.в.) ва саҳобийлар даврида тафсир. Дастлабки тафсир мактаблари

Мавзунинг ўқув мақсади: Тафсир илмининг дастлабки даври, унинг ривожланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билим ва тасаввурларни шакллантириш.

Таянч иборалар: тафсир илмининг ривожланиш босқичлари, тафсир мактаблари. Макка тафсир мактаби, Мадина тафсир мактаби, Ироқ тафсир мактаби.

Тафсир илми бир неча босқичларни босиб ўтгани тадқиқотларда ўрганилган.

Илк ислом даврида тафсир илми ўзига хос жиҳатлар билан ажralиб турди. Бу ҳам бўлса, Қуръонга оид шарҳларнинг Мұхаммад (с.а.в.)нинг тушунтириш беришлари билангина кифояланилди. Бу давр ва саҳобийлар даври ҳақида Маҳмуд Ҳусайн Заҳабий ўз тадқиқотида “Мұхаммад (с.а.в.) ва саҳобийлар даврида тафсир” мавзуси остида бирлаштириб ёзган. Буни иккига ажратиб кўриб чиқиш ҳам мумкин. Биринчиси, Мұхаммад (с.а.в.)нинг ҳаётлик вақтларида саҳобийларнинг саволларига жавоб тарзда Қуръон оятлари ва сўзларига шарҳ беришлари. Бу ҳақда Ибн Халдун “Муқаддима” асарида шундай ёзади: “Набий (с.а.в.) саҳобийларга Қуръоннинг мужмалларни айтиб, носих ва мансухларини ажратиб, уларга ўргатар эдилар”. Иккинчиси, саҳобийларнинг Мұхаммад (с.а.в.) вафотларидан кейин ҳадислар, араб тили, оятнинг нозиг бўлиш сабаблари, ўз билим имкониятлари ва ижтиҳодларига таяниб Қуръонга шарҳ бериш даврлари.

Мұхаммад (с.а.в.) вафотларидан сўнг саҳобийлар Қуръон шарҳлашда манбаларга суюнган ҳолда яна қўшимча равища ўз ижтиҳодларини ҳам баён этганлар. Саҳобийлар бу даврда Қуръонни шарҳлашда тўрт асосий манбага суюнганлар. Улар: Қуръон, Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари, саҳобийларнинг

ижтиҳодлари ва яхудий ва насронийларнинг қадимги пайғамбарлар ҳақидағи қиссалари.

Сағобийлар тафсир қилишда эңг аввало, Куръон ва ҳадисга мурожаат этгандар. Шу билан бирга, Куръон ва ҳадисларда шарҳ мавжуд бўлмаса, ўзларининг ижтиҳодларига ҳам таянганлар. Масалан, Бақара сурасининг 266-ояти:

أَيُّوْدُ أَحَدُكُمْ أَنْ تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِّنْ تَحْيِلٍ وَأَغْنَابٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ لَهُ فِيهَا
مِنْ كُلِّ النَّمَرَاتِ وَأَصَابَهُ الْكِبِيرُ وَلَهُ ذُرَيْثٌ ضُفَقَاءٌ فَأَصَابَهَا إِعْصَارٌ فِيهِ نَارٌ فَاحْتَرَقَتْ كَذَلِكَ
يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ

“Бирортангиз хурмо ва узумлари бор, остидан дарёлар оқиб турадиган, турли меваларга эга бўлиб, заиф болалари бор вақтида қаттиқ шамол туриб олов билан ёқиб юборишини хоҳлайдими? Аллоҳ шундай тарзда ўз аломатларини баён этур” оятини Умар ибн Хаттоб сағобийлардан шарҳлаб беришларини сўрайди. Шунда Ибн Аббос қўйидагича шарҳлайди: Бир бой кишининг богу бўстонлари бўлиб, у тоат-ибодатда машғул бўлади. Шунда шайтон келиб уни йўлдан оздиради, сўнг гуноҳ ишларни қилгани учун солиҳ амаллари гарқ бўлади.

Шундай қилиб, ilk даврда Пайғамбар (с.а.в.) Куръонни динга кирған арабларга ўргатганлар. Араблар умумий тарзда уни тушунганлар. Лекин уни янада тушунтириб бериш зарурати мавжуд бўлган. Умар ва Ибн Аббос каби сағобийларнинг Куръоннинг айрим сўзларини билмаганлари ва сўраб ўрганганлари ҳадис тўпламларида зикр этилган. Шу каби сағобийлар тушунмаган ўринларини Пайғамбардан сўраб билганлар. Бу даврда Куръон тўлиқ шарҳланмаган.

Пайғамбар вафотларидан кейин сағобийлар у кишидан нақллари ҳамда ўз тажрибалари асосида айрим қўшимчалар билан тафсир илмини янада бойитдилар. Улар бунда араб тили, урф-одатлар, аҳликитобларнинг ривоятларини билишлари асосий ўрин тутди.

Саҳобийлар Қуръонда қисқартириб берилган қиссаларни яхудий ва насронийларнинг исломни қабул қилган олимларидан сўраб, Қуръонга қилган шарҳларини бойитганлар. Уларнинг Қуръон нозил бўлаётган даврда яшаганлари учун уларнинг тафсирлари энг ишончли деб тан олинган. Уларнинг баъзилари Қуръонга берган шарҳлари билан шуҳрат қозондилар. Суютий ўзининг “Итқон” ида муфассир саҳобийларнинг исмларини келтирган, улар: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Ибн Масъуд, Ибн Аббос, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Мусо Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Зубайр.

Асосан, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос, Убай ибн Каъблар саҳобийларнинг энг машҳур муфассирлари саналади.

Саҳобийлардан Ибн Аббос (ваф. 68/687) Макка мактабига, Убай ибн Каъб Мадина мактабига, Ибн Масъуд Ироқ мактабига асос солдилар. Улардан илм олган тобиийларнинг аксарияти ўз мактаблари услубидан келиб чиқсан ҳолда турлича тафсир қилдилар. Лекин улар орасидаги ихтилоф улардан кейинги вақтлардаги ихтилофларга нисбатан кўп эмас.

Кейинги даврда тобиийлар ўз минтақаларидағи саҳобийлардан ўрганганларини нақл этишлари билан бирга ўз даврларида кўплаб араблардан бошқа халқларнинг исломга киришлари натижасида юзага келган масалаларга жавоб топиш мақсадида бу илмни кенгайтирдилар. Айтиб ўтиш лозимки, бу даврларда Қуръон тўлиқ тартибли тарзда шарҳланмаган, балки тарқоқ ҳолда оятларга шарҳ берганлар.

Тобиийларнинг Қуръонга шарҳларини қабул қилишга муносабат турлича бўлган. Айримлар уларнинг сўзларини қабул қилиш керак деб ҳисобласалар, айримлар қабул қилишни маъқул кўрмаганлар. Бу борада Абу Ҳанифанинг сўзи ўринли: “Пайғамбардан келган сўзни эҳтиром билан қабул этдик, саҳобийлардан келган сўзларни танлаб оламиз, тобиийларнинг сўзлари эса улар ҳам биз кабидирлар”. Шунга

күра, тобиийларнинг тафсирдаги сўзларини қабул этиш кейинги давр олимлари учун мажбурий бўлмаган. Бироқ сақобийларнинг ўзаро ва тобиийларнинг ўзаро бирор шарҳ бўйича бир хил фикрда бўлишлари кейинги давр олимлари наздида қабул этилган. Шу каби илк уламоларнинг шарҳларида бир-бирларига хилофликдан кўра турлилик кузатилади.

1) Макка тафсир мактаби:

Ибн Аббос асос соглан Макка мактаби тафсир илмининг энг илғор мактаби ҳисобланади. Ибн Аббоснинг шогирдлари – Сайд ибн Жубайр, Мужоҳид, Ато ибн Абу Рабоҳ, Икрима, Товус каби тобиийлар тафсир илми бўйича шуҳрат қозондилар.

Сайд ибн Жубайр Асадий. Куняси – Абу Мұхаммад. У тафсир, ҳадис, фиқҳ илмлари бўйича замонасанининг етук олимларидан бўлиб, Ибн Аббос ва Ибн Умардан илм ўрганган. Қироатларни яхши билган. Лекин у билими кенглигига қарамай, ўз раъи билан тафсир қилишни истамаган. 95/713 йилда 49 ёшида ўлдирилган.

Мужоҳид ибн Жабр. 21/642 йилда туғилган. Тобиийларнинг олимларидан, ўткир зеҳнлилиги билан машҳур бўлган. Мужоҳид Ибн Аббосдан энг кам ривоят қилган. У мұжаддислар наздида энг ишончли ровийлардан. Бухорий ва Шофеъий унинг Қуръонга қилган шарҳларига таянганлар. Лекин Мужоҳиддининг баъзи Қуръон оятларини эркин тафсир қилгани кейинчалик мўтазилийлар тафсирлари учун йўл бўлиб қолди.

Ато ибн Абу Раббоҳ. 27/648 йилда туғилган. Маккадаги илм ва амалда ҳурмат-эътиборли олим. 200га яқин сақобийлар билан судбатлашган. Ато ибн Абу Раббоҳ Ибн Аббосдан кўп ривоят қилмаган. 114/732 йил вафот этган.

Икрима. Абу Абдуллоҳ Икрима ибн Абдуллоҳ Барбарий Маданий. Ибн Аббос ва кўплаб олим сақобийлардан таълим олган. Пайғамбар сийратларини энг яхши биладиган олим ҳисобланади. Лекин уламолар ундан қилинган ривоятнинг ишончлилигига турлича фикр билдирганлар. У 107/725 ҳ.й. да Мадинада вафот этган.

Товус. Абу Абдураҳмон Товус ибн Кайсон. 50 саҳобий билан суҳбатлашган, кўпроқ Ибн Аббосдан ҳадис ривоят қилган. У ишончли ровий бўлиб, олти ҳадис китобларида унинг ривоятлари келтирилди. Ундан Қуръон шарҳланган ривоятлар кам етиб келган. Ундан кам тафсир етиб келгани ва фиқҳ ҳақида кўп гапиргани сабабли, уни муфассир эмас, фақиҳ деювчи уламолар ҳам бор. 106/724 йил ҳажни адо этаётуб вафот этган.

Ушбу мактаб тафсир қилишда нақл ва ақлдан биргаликда истифода этишга асосланган мактаб саналади. Ибн Аббос муфассирлар наздида энг кўп мурожаат этиладиган олимдир. Шу билан бирга шогирдларидан Сайд ибн Жубайр, Мужоҳид, Икрима шарҳлари ҳам тафсир асарларида кенг ўрин олган.

2) Мадина тафсир мактаби:

Мадинада кўп илмли саҳобийлар яшаган, уларнинг аксарияти фатҳ юришларида иштирок этган бўлса ҳам бошқа юртларга кўчиб кетмаган ва ўтроқ яшаб, шогирдлар этиштириш билан машғул бўлганлар. Бу мактаб Убай ибн Каъб раҳбарлигида ташкил топган. У Мадинадаги бошқа саҳобий муфассирлардан машҳурроқ бўлган ва Қуръонни шарҳлаш бўйича ундан ривоятлар келтирилган. Лекин тафсирга бағишлиланган асарларда унинг ривоятлари бошқа тафсир мактаблари устозларига нисбатан камлигига гувоҳ бўламиз. Лекин унинг шогирдлари ривоятлари ва шарҳлари тафсир асарларида кўпроқ истифода этилганини кўришимиз мумкин.

Убай ибн Каъб тафсир мактабига мансуб бир неча авлод шогирдлари Мадинада илмий фаолият юритишган. Улардан Зайд ибн Аслам, Абул Олия ва Мұҳаммад ибн Каъб Қуразийларнинг Қуръонга қилинган шарҳлари бизгача етиб келган.

Зайд ибн Аслам. Абу Усома. Олти ҳадис китобларининг ишончли ровийларидан, фақиҳ, муфассир. 130/747 йил вафот этган.

Абул-Олия Рафиъ ибн Михрон ар-Риёхий. Жоқилия даврида ҳам яшаган, Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан иккى йилдан кейин исломни қабул қылган. Али, Ибн Масъуд, Ибн Умар, Убай ибн Каъб ва бошқалардан ривоят қылган. Олти буюк муҳаддислар уни ишончли ровий деб тан олганлар. 90/709 йил вафот этган.

Мұхаммад ибн Каъб Қуразий. Қуняси Абу Ҳамза. Али, Ибн Масъуд, Ибн Аббос ва бошқа сақобийлардан ривоят қылган. Олти буюк муҳаддисларнинг ишончли ровийларидан, 108/726 йил вафот этган.

3) Ироқ тафсир мактаби:

Ироқ тафсир мактабига Абдуллоҳ ибн Масъуд асос солған. Ироқда фиққ бўйича ижтиҳод ва раъй билан фикр юритиш кенг тус олган. Шу каби тафсир бўйича ҳам ижтиҳоддан фойдаланиш бошқа юртларга нисбатан кўпроқ бўлган. Алқама ибн Қайс, Масруқ, Омир Шаъбий, Ҳасан Басрий, Қатода ибн Даома каби машҳур олимлар айнан шу мактаб вакиллари ҳисобланади.

Алқама ибн Қайс Абу Шибл Куфий. Ибн Масъуднинг катта шогирдларидан. Олти ҳадис асарларининг ишончли ровийларидан. 61 ҳ.й.да вафот этган.

Масруқ. Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва бошқалардан ривоят қылган. У Ибн Масъуднинг энг билимдон шогирдларидан. Олти буюк ҳадис асарларида унинг ривоятлари келтирилади. 63/682 йил вафот этган.

Омир Шаъбий. Абу Амр. Буюк тобиийлардан, Куфа қозиси, фақиҳ. Қатор фанларни билган. Кўплаб сақобийлар билан замондош бўлган. Умар, Али, Ибн Масъуд ва бошқалардан ривоят қылган. У “500 саҳоба билан суҳбатлашдим” деган. Олти ҳадис асарлари ишончли ровийларидан. Ўз раъий билан тафсир қилишга журъат этмаган. 104/722 йилда вафот этган.

Абу Саид Ҳасан ибн Абу-л-Ҳасан Басрий тобиийларнинг энг машҳур олимларидан, фақиҳ, ишончли ровий. Ҳасан ўз тафсирида Аллоҳ ва унинг сифатларини тафсирлашда салаф

уламолари йўлларига асосланади. Ақлга ҳуррият бериб юбормайди. Ҳасан ўз ақлини оят ва тафсирларни тушунишга ишлатади. 110/728 йилда вафот этган.

Абул-Хаттоб Қатода ибн Даома Басрада яшаган, тобиийларнинг уламоларидан. Анас ибн Моликдан ва бир қанча тобиийлардан ривоят қилган. У ўткир зеҳнили бўлиб, араб шеърларини жуда яхши билган, тафсир қилишда ўз фикрини ҳам билдирган. 117/735 йил вафот этган.

Саҳобий ва тобиийларнинг Куръонга шарҳлари ҳадислар билан бир қаторда Мовароуннахр муфассирлари томонидан кенг истифода этилди. Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъудларнинг шарҳ ва ривоятлари айниқса таяниладиган манба бўлди.

Тафсирнинг саҳобийлар даври II/VIII аср бошларида ниҳоясига етди. Улардан кейин тобиий олимлар анъанавий тарзда Куръоннинг ўзига, ҳадислар, саҳобийларнинг сўзларига ҳамда аҳли китобларнинг ривоятларига ҳамда ўз ижтиҳодларига таянганлар. Умуман, китоб шаклига келтириш давридан бошлиб ёзилган асарларда тобиийларнинг шарҳлари кўпчиликни ташкил қиласиди. Яъни бу тортишув илк тобиийлар даврига хос бўлиб, кейинги давр олимлари учун тобиийларнинг сўзлари ҳам асосий манбага айланган.

Саҳобий ва тобиийлар даврларида тафсир китоб шаклига келтирилмади. Тобиийлардан кейин тафсирнинг китоб шаклига келтириш давриннинг бошланиши умавийлар ҳукмроилигининг (661–749) охири аббосийлар ҳалифалигининг (749–1258) бошига тўғри келади. Бу даврда тафсир ҳадислар таркибида ривоят қилиб борилди. Тўлиқ тафсир асарларининг ёзилиши эса, **Ҳасрга тўғри келади.**

Тобиийлардан кейинги даврда уларнинг ўзларидан олдинги авлодларнинг тафсирга сўзларини жамлаш ва нақл этишга асосланилди. Бу даврда ўз ўлкаларидағи тобиийлардан

илем олишлари билан бошқа ўлкаларға ҳам сафар қилиб ўз билимларини оширишга ҳаракат қылғанлар.

Бу даврга қадар тафсир ҳадис таркибида бир боб сифатида қайд этилди. Чунки илгари айттылғанидек, қироатлар ҳам ривоят асосида авлоддан авлодға етказилған. Ровийлар зикр этилған ҳолларда уларнинг ишонччилігі текширилиб, уларнинг ривоятлари истифода этилған. X аср бошидан тафсир илми ҳадисдан алоҳида ажралиб мустақил илем сифатида шаклланған.

Илк даврларда Қуръонға қилинған шарҳларнинг ҳақиқийлігі, соғлигига эътибор қаратылған бўлса, кейинги даврларда ислом олимлари ҳар қандай шарҳларни жамлашга эътибор қаратдилар.

Ислом илмларининг жамланиши аввало Қуръонни китоб шаклига келтиришдан бошланған бўлса, кейинги даврларда исломга доир бошқа илмлар ҳам бу босқичга ўтди. VII асрда Қуръон китоб шаклига келтирилғач, суннани китоб шаклига келтириш аста-секинлик билан бошланған. Гарчи манбаларда баъзи сақобийларнинг бир ёки бир нечта ҳадисларни ёзиб борганлари зикр этилған бўлса ҳам Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзларига мансуб ҳадисларнинг барчасини йиғиб, саҳиҳ ва носаҳиҳини ажратиб китоб таълиф этиш IX асрдан бошланди. Бундан илгари VIII асрда Пайғамбар (с.а.в.), сақобий ва тобиийларнинг сўзлари аралаш ҳолда жамланған тўпламлар яратиш босқичи босиб ўтилди. Бу борада Молик ибн Анаснинг “Муватто” асари, Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (118/736–181/798)нинг “Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоиқ” асарини зикр этиб ўтиш ўринли. Уларнинг тўпламларида Мұхаммад (с.а.в.) ҳадислари билан бирга, сақобий ва тобиийларнинг сўзлари ҳам жамланған. Тафсир ҳам бу даврларда ҳадислар, сақобийлар ривоятлари таркибида, тўпламларда бир бўлим сифатида қайд этиб борилди.

Сўнг тафсир соҳаси такомиллашиб, йўналишлар бўлина бошланди, масалан: маъсур тафсир, раъй билан қилинған

тафсир, фиқҳий тафсир, тасаввуфий тафсир, фирмә ва оқимлар тафсирлари каби.

Тафсир илмидаги муаммолар ҳам мавжуд. Бу асосан Қуръонга шарҳ берилган ривоятлар орасида ишончсиз, тўқилганларининг мавжудлигига кўринади. Саҳобийлардан кейинги даврларда Ибн Аббос ва Али ибн Абу Толиб, Ибн Масъудларга нисбат берилган кўпчилик ривоятларнинг тўқиб чиқарилгани олимлар томонидан қайд этилган. Ибн Аббосдан ривоят қилинган Қуръон шарҳлари тафсир асарларида жуда кўпчиликни ташкил қилишига қарамасдан саҳиҳ ва ишонччиларининг 100 дан ошмаслиги айтилган.

Тобиийлар орасида Икрима ҳадис илми олимлари томонидан ишонччилорига шубҳа остида қолган бўлиб, бошқа машҳур муфассир тобиийлар ишонччилор ровийлар сифатида тан олинган.

Табаъа тобиийлар орасида Калбий, Муқотил ибн Сулаймон кабилар ривоят ва ровийлар ишонччилоригини аниқловчи олимлар томонидан ҳадис ва унинг таркибида шаклланган Қуръон шарҳига оид ривоятларни тўқиб чиқарганлари қайд этилган.

Шу билан бирга айтиш лозимки, умуман саҳобийларга нисбат берилган ривоятлар илмий жиҳатдан ўз қадрига эга, улар орасида тафаккур ва ижтиҳод натижаси сифатида юзага келган мустаҳкам шарҳлар бор. Фақат уларнинг саҳобийларга нисбат берилиши тўқиб чиқарилган. Балки бу мусулмонларнинг тафсирга оид сўзларнинг қадрини ошириш учун уларни саҳобийларга нисбат берган ҳолда уларга эътибор қаратишга бўлган ҳаракатдан келиб чиқсан дейиш мумкин.

Дастлабки давр хусусиятларидан яна бири бу – аҳли китобларнинг исломга киришлари натижасида тафсир илмига бегона нарсаларнинг аста-секин кириб қолишидир. Тобиийларнинг шариат ҳукмларига алоқадор бўлмаган ҳолларда текширув ва танқидсиз нақлларни келтиришлари

6.3. VIII-IX асрларда Мовароунахрда тафсир илми

натижасида яхудий ва насроний қиссалари тафсирда кенг истифода этила бошланган. Аҳли китоблардан исломни қабул қилган ва энг кўп ривоят қилган кишилар: Абдуллоҳ ибн Салом, Каъбул-Аҳбор, Ваҳб ибн Мунаббиҳ ва бошқалар.

Шундай қилиб, агар ҳозирги кунимизгача етиб келган дастлабки тафсир асарларидаги ишончсиз ривоятлар чиқариб ташланса, у ҳолда оятлар шарҳига оид Пайгамбар ва саҳобийлардан келган жуда кам нақлий шарҳлар қолиб, ижтиҳод ва раъйга асосланган шарҳлар кўпчилик қисмни ташкил қилиши маълум бўлади.

6.3. VIII–IX асрларда Мовароунахрда тафсир илми.

Мавзунинг ўқув мақсади: Мовароунахрда тафсир илмининг шаклланиши, унинг хусусиятлари, машҳур муфассирлар ҳақида билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: ҳадис тўпламлари, тафсир боблари, фазоилул Куръон.

Мовароунахрда тафсир илми ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга. Бу даврда тафсир илми ҳадис ва фикҳ илмлари каби тараққий этмаган эди. Гарчи ушбу даврга оид тафсир илми бўйича кам маълумот етиб келган бўлсада, тафсир илмининг бошқа ислом ўлкаларидаги тараққиёт босқичларини тадқиқ этган ҳолда юртимиз олимлари томонидан яратилган ҳозирги кунимизгача етиб келган асарлар орқали тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бу даврда раъй билан тафсир қилиш муфассирнинг фикри Куръон, суннатга, саҳобийларнинг сўзларига хилоф бўлмаган ҳолда амалга оширилган. Куръон ва суннат, саҳобийлар сўзлари бўлмиш мўътабар манбаларга хилоф равишда раъй (ижтиҳод, фикр) билан шарҳлашга барча давр олимлари қарши бўлғанлар. Чунки бунда маълум бир гуруҳлар, оқимлар

Куръон оятларининг шарҳини ўз ғояларига мослаштиришга ҳаракат қилишлари мумкин.

Мовароуннахр тафсир илми тарихи ҳадис илмининг кириб келиши билан боғлиқ. Чунки Мұҳаммад (с.а.в.) ва саҳобийларнинг Қуръонга шарҳлари ҳадислар таркибида жамланган. Илгари зикр этганимиздек, Умар ибн Хаттоб буйруғига кўра араблар Марвгача етиб келиб, шу ерда 70 йил қолиб кетишиди ва ўзлари ўрганган илмлардан ҳадисларни маҳаллий халққа ўргатадилар. Сўнг Марвда ривоят қилинган ҳадислар Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларга кириб келади. Мовароуннахрда Самарқанд ҳадис илми маркази, Бухоро эса фиқҳ илми марказига айланади.

Самарқанд бошқа Мовароуннахр шаҳарларидан фарқли равишда бир нечта муфассирларни етиштириб чиқариши ҳамда калом илмининг ҳам марказига айланганини ёритиш ҳали тадқиқотчилар олдида турган мұхим вазифалардан.

Тахмин қилиш мүмкінки, ҳадис илми ривожлангандан сўнг тафсирга доир маълумотлар ҳам унинг таркибида ривоят тарзида ҳадис маркази бўлмиш Самарқандда тарқалган. Шунинг учун бўлса керак ҳар томонлама ривоятлар кенг тарқалган Самарқандда ривоятларни жамлаб, тафсирга доирларини саралаб чиқиши биринчи бўлиб амалга оширилган.

Бу даврдаги тафсир илми тарихи жуда кам ўрганилган. Бу манбаларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Бу даврга мансуб баъзи олимлар ҳақида биографик манбаларда “тафсир асарини ёзган” дейилса-да, уларнинг тафсирдаги услублари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилмаган. Лекин Мовароуннахр ва Хуросонда фаолият кўрсатган олимларнинг бизгача етиб келган асарларида тафсирга доир фикрлари қисман мавжуд бўлганига кўра, бу ҳақда сўз юритиш мумкин.

VIII асрда тобиийлардан таълим олган Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг тафсир соҳасидаги фаолиятини таъкидлаб ўтиш ўринли. У Ўрта Осиёда ўтган илк мұхаддис, муфассирлардан саналади. У Марвда яшаб ижод этган, отаси турк, онаси хоразмлик эди. У ёшлиқ даврида Имом Аъзам Абу

Ҳанифага шогирд бўлди. Шунингдек, тобийлардан Рабиъ ибн Анас ибн Зиёд Бакрий унга таълим берган. У шеърлар ҳам битиб, одоб-ахлоқ, инсонийлик нафосатини улуглаган. У тафсир соҳасида ҳам фаолият олиб борган. Унинг “Китоб аз-зухд ва-р-рақоик” китоби илм аҳли орасида машҳур китоблардан саналади. У биринчилардан бўлиб ҳадисларни китоб шаклига келтирган олимдир. Унинг юртимизда ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси юқори. Шунингдек, унинг “Тафсир” асари ёзганлиги ҳақида баъзи манбаларда зикр этилган. Лекин унинг тафсири бизнинг давримизгача етиб келмаган. Лекин “Китоб аз-зухд ва-р-рақоик”, “ал-Бирр ва-с-сила” асарларидаги ҳадислар орасида баъзи Қуръон оятларига берилган шарҳларни кузатиш мумкин. У ўз асарларида оятлар шарҳига оид ҳадислар билан бир қаторда, саҳобий ва тобийларнинг ҳам шарҳларини келтиради. Унинг бу нақллари кейинги давр олимлари асарларида истифода этилди. Тафсирга оид ривоятларидан қўйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

وَاحْفِظْ لَهُمَا جَنَاحَ الْذَّلِيلِ مِنَ الرَّحْمَةِ

“Уларга хорлик қанотини паст тут” оятига оид Ҳишом ибн Урванинг отасидан ривоят қилган шарҳини келтиради: “Улар хоҳлаган нарсаларини ман этмагин ёки қилмай қолмагин”. “Ал-Бирр ва-с-сила” асарида 10дан ортиқ оятларга шарҳлар ривоят қилинган.

Юртимиздаги бу давр олимларидан Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс Кабир Бухорий (150/768–216/832) бўлиб, Мовароуннахрда 2-жижрий асрдан ҳанафий мазҳабини тарқатган. У Абу Ҳанифанинг шогирди Мұхаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийдан таҳсил олган. Бухорода биринчилардан бўлиб ҳанафий мазҳабини тарқатиб, кўплаб шогирдлар этишитирган. Лекин унинг тафсир соҳасидаги асарлари бизгача етиб келмаган.

Улардан кейинги даврда муфассирлар сифатида зикр этилган Имом Доримиий (798–869), Имом Бухорий (810–870)

ва Ҳаким Термизий (820–905)ларнинг тафсир борасидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг илмий меросида тафсир асарлари зикр этилиб, давримизгача етиб келмагани айтилади. Бу алломаларнинг сақланиб қолган асарларидаги тафсир илмига оид ривоят ва маълумотларини таҳдил этиш уларнинг тафсиршуносликда тутган ўрнини кўрсатиб беради.

Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадис тўпламида тафсирга оид боблар келтирилиб, уларда баъзи бир сураларнинг шарҳлари Муҳаммад (с.а.в.) дан ривоят қилинган ҳолда келтирилган. Асарда “ат-Тафсир” номли алоҳида китоб (боб) келтирилган, ундаги боблар Куръондаги суралар тартибига биноан тартиблangan бўлиб, ояtlар шарҳи ёритилган ҳадислар берилган. Унда Куръондаги 400 га яқин оятга шарҳ берилган, шунингдек, ҳадислардан ташқари, саҳобий ва тобиийларнинг Куръонга шарҳлари ҳам киритилган. Баъзи сураларнинг шарҳига кўпроқ, баъзисига камроқ ҳадислар берилган. Ҳадислар орасида оятнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақидаги ривоятлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бухорий фақат саҳиҳ ривоятларни жамлагани учун асарида Куръоннинг ҳамма ояtlарига ҳам шарҳлар бермаган. Асарга саҳобий ва тобиий муфассирлардан Ибн Аббос, Анас ибн Молик, Оиша бинт Абу Бакр, Абдуллоҳ ибн Умар, Мужоҳид, Икрима, Саид ибн Жубайрлар томонидан қилинган шарҳлар киритилгани эътиборга молик. Бухорий муфассирлар сингари саҳобий ва тобиийларнинг сўзларидан келтирганда ривоят қилувчилар силсилаарини зикр этмайди. Маълумки, муфассирлар саҳобий ва тобиийларнинг сўзларини келтирганларида ҳар доим ҳам силсилани зикр этмаганлар, тўғридан-тўғри сўз эгасига мурожаат этилган ҳолатлар ҳам учрайди.

Бухорий муҳаддис сифатида Доримий ва Абу Исо Термизийдан фарқли равишда ояtlарни шарҳлашда саҳобий ва тобиийларнинг сўзларидан ва ўз билимларидан ҳам фойдалангани сабабли уни Мовароуннахр тафсиршунослигига тамал тошини қўйган аллома дейиш мумкин.

Ҳаким Термизий ҳам моҳир муфассирлардан саналган. Унинг сақланиб қолған асарлари орасида баъзи бир оятларга берилган шарҳларни кўриш мумкин. Жумладан, унинг “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарида Қуръондаги “ҳидоят”, “куфр”, “ширк”, “ҳикмат”, “ислом”, “имон”, “шукр”, “ҳақ” каби 80 та сўзга шарҳ берилган. Унда Қуръон сўзлари маъноларини тасаввуфий шарҳлашга эътибор берилган. Асарда Термизий Қуръонда кўп учрайдиган сўзларнинг асосий маъносидан ва унга алоқадор маъноларга кўчиши мумкинлигини зикр этади.

Жуюший ўз тадқиқотида Ҳаким Термизийнинг тафсирдаги услуби уч йўналишда намоён бўлишини зикр этган: 1. Оятларни фаҳмлашда зоҳирий йўналиш бўлиб, бу барча муфассирларнинг тафсирдаги услублари ҳисобланади. 2. Тасаввуфий йўналиш, яъни Қуръоннинг зоҳирий ва ботиний маънолари бор ҳисобловчи йўналиш. 3. Араб ҳарфларидан ишора олиш. Яъни у Аллоҳнинг исми ва сифатлари илмининг асли ҳарфлардир деб қараши.

Ҳаким Термизийнинг ҳадисларни тасаввуфий шарҳлашга оид “Наводир ал-усул” асари одоб-ахлоқ, имон масалаларига багишлиданади. У 291 бобдан иборат бўлиб, турли мавзуларга бўлинган. Шу билан бирга асарда Қуръон оятларининг шарҳлари ҳам мавжуд. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, асарнинг барча бобларидаги ҳадисларнинг мазмуни Қуръон оятларидан фойдаланилиб кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинган. Унинг шарҳлаш услубида нақлга таяниб тафсир қилишдан кўра, оятларни тасаввуфий шарҳлаш, маъноларининг ботинига кўпроқ эътибор бериш кучли эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, “Васвасанинг имонни тўсиши” ҳақидаги бобда шундай шарҳ берилади:

حَبَّ إِلَيْكُمُ الْإِيمَانَ وَزَيْنُهُ فِي قُلُوبِكُمْ

“У (Аллоҳ) сизларга имонни суюкли қилди ва уни қалбларингизда зийнатлади” оятидаги қалбни “Қалб бу бир парча ботиний ва бир парча зоҳирий нарсадир. Уни “фуад” ҳам дейилади. Унда икки кўз ва қулоқ бор. Қалбни Аллоҳ ўзи бурувчидир”.

Шунингдек, “Илм ал-авлиёй” асарида Куръондаги “ҳикма” сўзига бошқа муфассирлар каби “ҳадис” деб шарҳ бермай, қўйидаги шарҳни беради:

وَيُقْلِمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةُ

“Уларга Китоб (Қуръон) ва ҳикматни ўргатадиган...” оятидаги “ал-китоб” Куръоннинг зоҳири, “ал-ҳикма” эса, унинг ботини, яъни яширин маънолари деб шарҳлайди.

Ҳаким Термизийнинг тафсирдаги услубини гарчи тафсири бўймаса-да, унинг бизгача етиб келган асарларидағи Куръонга берилган шарҳлар орқали аниқлаш мумкин. Унинг кўпинча оят шарҳларига оид ривоятларни келтирмай, Қуръонни тасаввуфий шарҳлашга, эътибор қаратишига кўра, уни Мовароуннаҳрда Куръонни ўзига хос тасаввуфий шарҳлаш йўналишини бошлаб берган олим дейиш мумкин.

Имом Доримий ҳам тафсиршунослиқда ўзига хос ўринни эгаллади. Унинг “Сунан” асарида “Фазоил ал-Қуръон” номли китоб (боб) бўлиб, у 35 кичик бобдан ташкил топган. Унда тафсир илмига алоқадор бўлган ривоятлар, баъзи сурга ва ояларнинг фазилатлари ҳақидаги маълумотлар жамланган. Жумладан, биргина “қинтор” сўзининг маъноси бўйича бир нечта ривоятларни келтирган. У ривоятларни Муҳаммад (с.а.в.) ёки саҳобийлардан санадлар билан келтиради. Бу эса олим илмий услубининг пухталигини кўрсатади.

Абу Исо Термизий ҳам ўзининг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида “Китоб фазоил ал-Қуръон”, “Китоб ал-қироот” ва “Китоб тафсир ал-Қуръон” номли мавзуларни келтириб, унда тафсирга алоқадор ривоятларни баён қилган. Айниқса, асарнинг “Китоб тафсир ал-Қуръон” бобида Куръоннинг барча суралари анъанавий тартибда “Фотиҳа (I)” сурасидан “ан-Нос(114)” сурасигача берилган ва уларнинг фазилатлари ҳақида Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларидан келтирилган. Асар “Ўз раъи билан тафсир қилувчи киши ҳақида ҳадислар” боби билан бошланади. Унда “Кимки ўз раъи билан Қуръонни шарҳласа, демак хато қилибди” ҳадиси каби раъй билан

6.4. X асрда Мовароуннаҳрда тафсир илмининг тараққиёти

шарҳлашдан қайтарувчи, сўнгра сураларнинг фазилати ҳақидаги ҳадисларни келтирилади. Эътиборли жиҳати асарда “ан-Набаъ”, “ан-Нозиот”, “Хумаза”, “Одиёт”, “Фил”, “Аср” каби сураларнинг фазилатлари ҳақидаги ҳадислар берилмаган.

Абу Исо Термизий тафсир қилишнинг ўта масъулиятли эканини таъкидлагани боис “Тафсир ал-Қуръон” бобида ўз ижтиҳоди билан тафсир қилишнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳадисларни биринчи бўлиб келтиради.

Демак, IX асрда тафсир илми бошқа мусулмон мамлакатларидаги каби Мовароуннаҳрда ҳам асосан ривоятга асосланган тарзда бўлиб, унинг ҳадис таркибидан алоҳида ажралиб чиқиб, мустақил илмга айланишининг бошланиш даври бўлган. Бу даврда Имом Бухорийнинг бошқа муҳаддислардан фарқли равишда саҳобий ва тобиийларнинг шарҳларини келтириши унинг ўзига хос хусусиятини кўрсатади.

6.4. X асрда Мовароуннаҳрда тафсир илмининг тараққиёти.

Мавзунинг ўқув мақсади: X асрда яшаб ижод этган мовароуннаҳрлик машҳур муфассирлар ва уларнинг тафсирдаги услублари, бу илм ривожидаги ўринлари ҳақида билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш

Таянч иборалар: Абу Лайс тафсири, Мотуридий тафсири.

Бу даврда Мовароуннаҳрда тафсир илми тараққий этди. Илгари ҳадислар таркибида бир боб сифатида зикр этиб борилган Қуръонга шарҳлар замон талабларига тўлиқ жавоб бермай қўйди. Мовароуннаҳр муфассирларининг (бошқа ўлкалар олимларининг ҳам) тафсир асарларининг кириш қисмида араб тилини билмаган, оятнинг нозил бўлиш сабаблари, ҳадисларни билмаган кишиларнинг Қуръон ояти ҳақида фақат ўз фикрларидан келиб чиқиб шарҳлашлари мумкин эмаслигини уқтиришларига кўра, оятларнинг бузуб

шарҳланиши авж олган, ҳар бир фикр эгаси ўз томонига шарҳларни оғдиришга ҳаракат қилган. Абу-л-Лайснинг “ҳеч ким араб тилини, оятнинг нозил бўлиш сабабларини билмай тафсир қилиши мумкин эмас”, деган фикри бу даврда ҳанафий мазҳаби олимларнинг тафсир қилишга ўта эҳтиёткорона ёндашганлигини билдиради. Умуман, бу даврда Мовароуннаҳр ва Хурросон ўлкаларида тафсирларнинг ёзилиши асосан икки сабабга кўра амалга ошиди.

1. Мовароуннаҳрда турли оқимларнинг Куръоннинг ҳар хил жойларидан ўзларининг ақидаларига мос келувчи оятларни далиллашлари натижасида Куръоннинг бошидан охиригача шарҳлаш зарурати.

2. Куръон тафсирига оид ҳадислар, саҳобийлар ривоятлари, шарҳларни бир жойда жамлаш.

Бу иккиси бир-бирига боғлиқ сабаблар, чунки оятларни бузиб талқин этилиши оятнинг ҳақиқатда маъноси нима бўлиши лозимлигини келтириб чиқаради. Шунинг учун муфассирлар манбаларга асосланиб шарҳлашга эҳтиёж сездилар. Бу даврда бир нечта муфассир алломалар фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг асарлари бизгача етиб келган. Ҳар бир муфассирнинг бу борадаги турлича услублари албатта дикқатга сазовор.

Куръонни тўлиқ шарҳлаш даврига мансуб бизгача етиб келган илк манбалар сифатида – Табарий, Имом Мотуридий ва Абу Лайс Самарқандийларнинг тафсирларини зикр этиб ўтиш ўринли.

Бу давр муаллифлари ўз шарҳларида мўътабар манбалар –Муҳаммад (с.а.в.), саҳобий ва тобиийлар ривоятларидан кўп истифода этдилар, уларнинг ривоятларини силсилалари билан зикр этдилар. Бу турдаги тафсир асарлари “маъсур тафсирлар” деб аталади. Заҳабий ўзининг “ат-Тафсир ва-л-муфассирун” асарида шу туркумга мансуб бўлган асосий 8 та тафсир асарларини келтириб ўтади. Лекин у Мотуридийнинг “Таъвилот аҳлис-сунна” асарини тадқиқотида умуман зикр этмайди. Аслида ушбу тафсир асари нақл ва раъйдан истифода

этиб яратылған. Уни маңсур тафсирлар ёки раъй-ижтиҳод билан яратылған тафсирлар түркүмінгө киритиши мүмкін зди.

Улардан кейинги даврларда тафсир мұytабар манбаларға асосланиш чегарасидан чиқиб кетмаган ҳолда ривоят құлувчилар силсилаларини қысқартыриб яратыла бошланды. Муфассирлар ўзларидан илгари ўтган олимларнинг сўзларини айтган кишиларнинг исмларини зикр этмасдан келтирдилар. Шу тариқа тафсирларға турли ривоятлар кириб, саҳиҳ ривоятларнинг иллатли ривоятлар билан аралашиш ҳоллари юзага келди.

Лугат, нахъ, сарф илмларининг китоб ҳолига келтирилиши натижасида Куръонни шарҳлаш ҳам кенгая бошлади. Фиқҳ ва қаломга оид масалалар ихтилофтарни келтириб чиқарди. Аббосийлар даврида исломий фирмалар мутаассибликка берилиб, кишиларни ўз ақидаларига чақира бошладилар. Айнан шу вақтда нақлий тафсирнинг ўрнини ақлий тафсир әгаллай бошлади. Лекин оятларнинг нозил бўлиш сабабларига алоқадор ривоятлар мұytабар манбалардан олинишда давом этди.

Абу Лайс Самарқандий (911–985)нинг тафсири ва Абу Мансур Мотуридий (870–944)нинг “Китоб таъвиilot аҳли ас-сунна” асари Мовароуннаұрда ёзилған тўлиқ китоб ҳолатидаги илк асарлардан саналади. Мотуридий ақидавий масалаларни ечишда Куръон боп манба бўлиб хизмат қылгани учун ҳам ундан кенг истифода этган.

Мотуридий тафсир ёзишда турли оқим ва фирмаларга раддиялар беришга кўпроқ асосланған бўлса, Абу Лайс кўпроқ мұytабар манбаларға суюнишга ҳаракат қылған, баъзи ўринларда диний-сиёсий оқимларга раддиялар ҳам беради. Мотуридий тафсир соҳасида ўзига хос янгича ёндашувни киритган. У ақидавий масалалар кенг шарҳланған ягона тафсир асарининг муаллифи ҳисобланади. Шу каби у бу оятларни таҳлил этиш орқали шарҳлаш услугуга таянгани билан ажralиб туради. Ҳозирда мазкур асар 10 жилдда Миср Араб Республикасида чоп этилған.

Бунга турткى бўлган асосий сабаб ақидавий фирмә ва оқимларнинг Куръонни далил қилишларида суиистеъмол қилишлари бўлган. Чунки унинг тафсири ақидавий масалаларни кенгроқ шарҳлашга, оқимларни номмамом келтириб уларнинг тушунчаларига радия беришга қаратилади. Унинг тафсирини ўқиган кишида И мом Мотуридий ақидавий масалалар шарҳларини жамлашга аҳамият бергандек кўринади.

Абу Лайс Самарқандий эса, ўз асарида Куръон илмларини жамлагани билан ҳам ажратлиб туради. Чунки унда қироатлар, сабабун-нузул, тафсир бўйича ҳадис ва ривоятлар, носих ва мансух ҳолатларига ўз давридаги муфассирларга нисбатан кенгроқ мурожаат этилиб, кейинги даврлар учун муҳим манба бўлишига сабаб бўлган. Айниқса, қироатлар бўйича етук олимлиги тафсирида яқъол намоён бўлади.

Ульрих Рудольф ушбу давр муфассирлари сифатида Абу Қосим Каъбий (ваф. 319/931), Мұҳаммад иби Масъуд Аёший (ваф. 320/932)ларни кўрсатиб, Абу Лайснинг тафсири ҳақида шундай дейди: “Маълумки, Абу Лайс ислом таълимоти масалаларига гоят консерватив ёндашган. Шу боис, унинг асари Шарқнинг илк ҳанафий тафсирларини ўрганишда, айниқса, катта самаралар бериши мумкин”.

Юқорида зикр этилган муҳаддис алломаларнинг тафсирдаги услубларидан фарқли равишда Мотуридий ва Самарқандийлар илк бора Куръонни бошидан охиригача шарҳлаганлар.

Кейинги даврда Куръонни шарҳлашда раъй-ижтиҳодни ишлатиш кенг тус ола бошлади. Абу Ҳафс Насафий, Алоуддин Самарқандийларнинг ўз раъй ва ижтиҳодларини қўллаган ҳолда шарҳ ёзганлари бунга мисол бўла олади. Бу даврда нафақат Мовароуннаҳрда балки бошқа ўлкаларда ҳам раъига асосланиб тафсир асарлари ёзила бошланган эди.

Мовароуннаҳрда тафсир илми бошқа ислом ўлкаларида каби ривожланди ҳамда Куръонни шарҳлашда турлилик кузатилади. Бу ўз навбатида Куръонни тушуниш ва шарҳлаш бўйича маъсур тафсир, раъй билан тафсир қилиш,

6.5. XI-XII асрларда Мовароунарда тафсир илми

ақидавий йўналишда шарҳлаш, тасаввуфий йўналишда шарҳлаш, луғавий шарҳлаш бўйича мукаммал мактаблар шаклланганини кўрсатади.

6.5. XI-XII асрларда Мовароунарда тафсир илми.

Мавзунинг ўқув мақсади: XI-XII асрларда Мовароунарда Куръонни шарҳлашдаги хусусиятлар, раъй ва ижтиҳоднинг фойдаланилиши, мфассиранинг услублари ҳақида билим ва тасаввурларниҳосил қилиш.

Таянч иборалар: раъй, ижтиҳод, ножоиз раъй, фирмә ва оқимлартафсирлари.

XI-XII асрларда Куръонни шарҳлашда раъй-ижтиҳодни ишлатиш кенг тус ола бошлади. Илгариги даврдан фарқли равишда оятларни шарҳлашда олимлар қатор ривоятларни келтирмай, балки айрим ҳоллардагина уларни келтира бошладилар. Бундан албатта, Куръонни шарҳлашда бутунлай ривоятлардан истифода этилмай қолди, деган фикр келиб чиқмайди. Олимлар илгари зикр этилган ривоятларни қайтармай, оят шарҳини ривоятлар мазмунига зид бўлмаган, балки мувофиқ келадиган тарзда ўз сўзлари билан шарҳлашга ўтдилар. Улар тафсир борасида олдинги асрда ёзилган Имом Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли-с-сунна” асарини шарҳлашга эътибор қаратишлирага кўра, ақидавий масалалар бўйича ихтилофлар кўпайган кўринади. Шунинг учун олимлар ақидага оид оятларни талқин этишда мустаҳкам ақидавий тизим бўлмиш мотуридийлик ақидасига таянганлар.

XI асрда Абу-л-Муъйин Маймун ибн Мұҳаммад Насафий (459–508/1067–1114)ни алоҳида таъқидлаб ўтиш жоиз. Унинг Имом Мотуридий таълимотини ривожлантиришдаги ҳиссаси улкан. У Куръондаги ақидавий оятларнинг чуқур мазмунини тушунган ва талқин этган. Бу борада Алоуддин Самарқандий ҳам тафсирга багишиланган асарининг кириш қисмида сўз юритиб, Имом

Мотуридий тафсирини ўзидан илгари устози Абу-л-Муъийн Насафий шарҳлаганини зикр этади: “Бу китобни усул ва фурӯз илмларида ўз замонасида тенги йўқ Абу-л-Муъийн Насафий шарҳлаб бериб, лойиқ ўринларда қийин сўзларни тушунтириб, мутлақларини ажратиб берган...” (Алоуддин Самарқандий. Ат-Таъвилот ал-мотуридия фи баён усул аҳлис-сунна ва усул ат-тавҳид”. – Кўлёзма. ЎзР ФАШИ Кўлёзмалар фонди № 3249. – В. 1в.). Демак, ақидавий масалаларни шарҳлаш жараёнида Насафий Мотуридий услубига таянган ҳолда Қуръонни шарҳлаган. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, бу маълумот Насафийнинг Қуръонни тўлиқ шарҳламагани, балки тушуниш қийин ўринларга эътибор берганини кўрсатади.

Абу-л-Муъийн Насафийдан кейин – XII асрда Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 537/1143), Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандийлар (ваф. 538/1144) Имом Мотуридий тафсирига шарҳлар битиб тафсир асарлари ёзганлар. Бу даврда нафақат Мовароунархда, балки бошқа ўлкаларда ҳам раъйга асосланиб тафсир асарлари ёзила бошланган эди.

Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ таъвилот ал-Қуръон” номи билан танилган “Ат-Таъвилот ал-мотуридия фи баён усул аҳлис-сунна ва усул ат-тавҳид” асари бу давр тафсир тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этувчи асарлардан ҳисобланади. У ўз устози Насафий йўлидан бориб, Мотуридийнинг тафсирини шарҳлашга катта эътибор қаратди. Тафсирида Мотуридийнинг сўзларини шарҳлаши билан бир қаторда ўз фикрларини ҳам баён этган. Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий (1075–1144) ҳам тафсир тарихида алоҳида ўрин тутди. У тафсир қилишда лугавий жиҳатга эътибор берди ва унинг Қуръонни балогий шарҳлашдаги ўрни такрорланмас бўлди.

Улардан кейинги даврда Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 710/1311) тафсир соҳасида фаолият олиб борди. У ўз даврида ақида, фикҳ, ҳадис, лугат соҳалари бўйича етук олим сифатида шуҳрат қозонган.

Тафсирда бошқа муфассирлар каби ҳадисдан, саҳобий ва тобиийлар фикрлари билан бир қаторда ўзидан олдин ўтган муфассирлардан Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли-с-сунна”, Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф”, Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ ат-таъвилот” асарларидан истифода этган. Асар раъига оид тафсир бўлиб, унда лугат имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда Куръон сўзларининг маъноларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Бу даврда раъи билан тафсир қилиш муфассирнинг фикри Куръон, суннатга, саҳобийларнинг сўзларига хилоф бўлмаган ҳолда амалга оширилган. Куръон ва суннат, саҳобийлар сўзлари бўлмиш мўътабар манбаларга хилоф равишда раъи (ижтиҳод, фикр) билан шарҳлашга барча давр олимлари қарши бўлганлар. Чунки бунда маълум бир гурӯҳлар, оқимлар Куръон оятларининг шарҳини ўз ғояларига мослаштиришга ҳаракат қилишлари мумкин.

Мовароуннахрда тафсиршунослик ўзига хос тарзда ривожланиб, турли даврларда ўраб турган муҳит шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда Куръон шарҳи бойитиб борилган. Илк даврларда тафсир ҳадиснинг ажралмас қисми сифатида ҳадис тўпламларида зикр этилиб, авлоддан-авлодга етказилган бўлса, X асрдан бошлаб, Куръон тўлиқ шарҳланган асарлар битилди. XI-XII асрларда Куръонни шарҳлашда нақл билан бирга раъи-ижтиҳодни ишлатиш кенг ўрин эгаллади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тафсир ва таъвил орасидаги фарқ нималардан иборат деб ўйлайсиз?
2. Тафсир илмиинг ilk даври хусусиятлари нималардан иборат?
3. Мовароуннахр муфассирларидан кимларни биласиз?
4. Мотуридийнинг тафсирдаги услуби ҳақда нималарни биласиз?
5. Абу Лайс Самарқандийнинг тафсир илми ривожига қўшган хиссаси қайси жиҳатларда кўринади?

Мустақил иш мавзулари

1. Тафсир мактаблари ва уларнинг намояндлари.

2. Абу Лайс тафсирида Куръон илмлари.
3. Мотуридий тафсирида ақидавий масалалар.

Кўшимча адабиётлар

1. Заркаший. *Бурҳон фи улумил-Куръон*. 4 жилдли. - Қоҳира: Мактаба Дорут турос, 2002.
2. Суютий. *Итқон фи улумил-Куръон*. 2 жилдли. - Қоҳира: Дорул ҳадис, 2004.
3. Белл Р., Уотт У. М. *Коранистика. Введение*. - Москва-Санкт Петербург: Диля, 2005. -205 б.
4. Муҳаммад Бакр Исломи. *Диросот фи улумил-Куръон*. Shamela e-book. 2007.
5. Нёльдеке Т. *Куръон тарихи*. / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж. Томар. -Байрут: 2004. -841 б.
6. Обидов Р. *Куръон ва тафсир илмлари*.-Т: Тошкент ислом университети, 2003. -468 б.
7. Гольдциер И. *Ислом тафсири йўналишлари*. / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулҳалим Нажжор. - Қоҳира. 1955. - 418 б.
8. Заҳабий. *Ат-Тафсир вал-муфассирун*. 3 жилдли. - Қоҳира: Мактаба ал-Ваҳба, 1995.

ХУЛОСА

Дунё олимлари ислом динининг муқаддас китоби – Куръоннинг ўрганилишига бағишлиланган кўплаб тадқиқотлар яратганлар.

Мазкур “Куръоншунослик” ўқув қўлланмасида талабалар учун ушбу соҳа бўйича тарихий, замонавий тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда мавзулар бўйича асосий ва бирламчи билим ҳамда кўнижмалар берилган. Жумладан, унда Куръоннинг таркибий тузилиши, қироатлар ва қорилар, Куръон илмлари, Куръон мавзулари каби ўқувчилар учун зарур маълумотлар, мунозарали ўринлар илмий холислик асосида тақдим этилди.

ИЛОВАЛАР**1-илюва****Сураларнинг номлари**

№	Сура номи	Суранинг бошқа номлари
1	Фотиҳа	Уммул-Китоб, Уммул-Қуръон, Ас-Сабъул-Масоний, Дуо, Ҳамд, Шукр,
2	Бақара	Саномул-Қуръон, Фустотул-Қуръон
3	Оли Имрон	Аз-Заҳро; Бақара ва Оли Имрон – Аз-Заҳровани
4	Нисо	Нисои Кубро сураси дейилади
5	Моида	Ал-Уқуд, Ал-Манқаза
6	Анъом	Хужжат
7	Аъроф	Мийқот сураси, Мийсоқ сураси
8	Анфол	Бадр сураси
9	Тавба	Бароъат, Азоб, Ал-Фодиҳа, Ал-Ҳафира, Ал-Масийра, Ал-Махзийя
10	Наҳл	Наъм
11	Исро	Субҳон сураси, Баний Исроил сураси
12	Каҳф	Асҳобул-Каҳф сураси
13	Марям	Каф ҳа ўай сод сураси
14	Тоҳа	Мусо сураси, Калим сураси
15	Нур	Сатр сураси, Ҷафоғ сураси
16	Шуъаро	Жомиъа
17	Намл	Сулаймон сураси
18	Сажда	Мадожиъ сураси
19	Фотир	Малоика сураси
20	Ёсин	Қалбул-Қуръон, Ҳабийбун-Нажкор, Ад-Дофиъа, Ал-Қодийя
21	Сод	Довуд сураси
22	Зумар	Ғураф сураси
23	Ғоғир	Мўъмин сураси, Тул сураси, Биринчи Ҳа-мийм сураси
24	Фуссилат	Ҳамийм ас-Сажда сураси, Масобиҳ сураси
25	Шўро	Ҷасқ сураси
26	Жосия	Шариат сураси, Даҳр сураси
27	Муҳаммад	Қитол сураси
28	Қоғ	Босиқот сураси
29	Қамар	Иқтаробатис-саъату сураси
30	Раҳмон	Аруслул-Қуръон

Иловалар

31	Ҳашр	Баний ан-Назир сураси
32	Мумтаҗана	Имтиҳон сураси, Маръя сураси
33	Соф	Ҳавориййун сураси
34	Талок	Кичик Нисо сураси
35	Таҳрим	Мутаҳаррим сураси, Ламма Таҳаррама сураси
36	Мулк	Мониъя, Мунжийя, Мужодала, Дофиъя, Шофиъя, Мухъиса
37	Қалам	Нун сураси
38	Ҳакқо	Силсила сураси
39	Маъориж	Саъала саъилүн сураси, Вөкөъ сураси, Зул-Маъориж сураси
40	Инсон	Ҳал ата сураси
41	Набаъ	Ҷамма сураси, Тасаул сураси, Муъассирот сураси
42	Нозиъот	Соҳира, Томма
43	Балад	Ҷақаба сураси
44	Баййина	Ахлул-Китоб сураси, Мунфаккийн сураси, Коййима сураси
45	Хұмаза	Хутома сураси
46	Коғириүн	Ибодат сураси, Дин сураси
47	Наср	Тавдийъ сураси
48	Масад	Абу Лаҳаб сураси
49	Ихлос	Тафрийд, Тавҳид, Тажрийд, Нажот, Маърифат, Жамол, Самад, Мониъя
50	Фалақ өн Нос	Муъаввизатан

2-илова Маккада суралар қуйидаги тартибда нозил бўлган:

1	Алақ	31	Қиёма	61	Фуссилат
2	Қалам	32	Хұмаза	62	Сажда
3	Мұззаммил	33	Мұрсалот	63	Шўро
4	Муддассир	34	Қоф	64	Зухруф
5	Фотиҳа	35	Балад	65	Духон
6	Таббат	36	Ториқ	66	Жосия
7	Таквир	37	Қамар	67	Ахқоф
8	Аъло	38	Сод	68	Зориёт
9	Лайл	39	Аъроф	69	Ғошия
10	Фажр	40	Жин	70	Қаҳф
11	Зухо	41	Ёсин	71	Наҳл

Иловалар

12	Иншироҳ	42	Фурқон	72	Нух
13	Аср	43	Малоика	73	Иброҳим
14	Одиёт	44	Марям	74	Анбие
15	Кавсар	45	Тоҳа	75	Мўминун
16	Такосур	46	Вокеа	76	Сажда
17	Моъун	47	Шуаро	77	Тур
18	Кофирун	48	Намл	78	Мулк
19	Фил	49	Қасас	79	Маориж
20	Фалақ	50	Исройл	80	Набаъ
21	Нос	51	Юнус	81	Нозиот
22	Ихлос	52	Худ	82	Инфитор
23	Нажм	53	Юсуф	83	Иншиқоқ
24	Абаса	54	Ҳижр	84	Рум
25	Қадр	55	Анъом	85	Анқабут
26	Ваш Шамс	56	Софбот	86	Мутаффифун
27	Буруж	57	Лукмон		
28	Тин	58	Сабаъ		
29	Қурайш	59	Зумар		
30	Қориња	60	Ғоғир		

Мадинада суралар қўйидаги кетма-кетликда нозил бўлган:

87	Бақара	97	Раҳмон	107	Ҳижр
88	Анфол	98	Инсон	108	Таҳрим
89	Оли Имрон	99	Талоқ	109	Сафф
90	Аҳзоб	100	Байина	110	Жумъа
91	Мумтаҳина	101	Ҳашр	111	Тағобун
92	Нисо	102	Наср	112	Фатҳ
93	Залзала	103	Нур	113	Моида
94	Ҳадид	104	Ҳаж	114	Тавба
95	Муҳаммад	105	Муноғиқун		
96	Раъд	106	Мужодала		

Иловалар

З-илюва

Манбаларда оялтар сони бир хил деб қаралган суралар

№	Сура номи	Иттифоқ қилинганин адад	№	Сура номи	Иттифоқ қилинганин адад
1.	Юсуф	111	1.	Инсон	31
2.	Хижр	99	3.	Мурсалот	50
4.	Нахл	128	5.	Таквир	29
6.	Фурқон	77	7.	Инфитор	19
8.	Аҳзоб	73	9.	Саббих	19
10.	Фатҳ	29	11.	Татфиғ	36
12.	Хужурот	18	13.	Буруж	22
14.	Тағобун	18	15.	Фошия	26
16.	Қоғ	45	17.	Балад	20
18.	Зориёт	60	19.	Лайл	21
20.	Қамар	55	21.	Иншироҳ	8
22.	Ҳашр	24	23.	Тийн	8
24.	Мумтаҳана	13	25.	Такосур	8
26.	Сағф	14	27.	Хумаза	9
28.	Жұмъя	11	29.	Фийл	5
30.	Муноғиқун	11	31.	Фалак	5
32.	Зұҳо	11	33.	Масад	5
34.	Одиёт	11	35.	Коғириүн	6
36.	Таҳрим	12	37.	Кавсар	3
38.	Нун	52	39.	Аср	3

Қорилар наzdida оялтар сонидаги иктилоғли қарашлар

№	Сура номи	Иттифоқ қилинганин адад	Болшқа қарашлар	№	Сура номи	Иттифоқ қилинганин адад	Болшқа қарашлар
1.	Фотиҳа	7	6, 8, 9	36.	Зухруғ	89	88
2.	Бақара	286	285, 287	37.	Духон	56	57, 59
3.	Оли Имрон	200	199	38.	Жосия	36	37
4.	Нисо	175	176, 177	39.	Ахқоф	34	35
5.	Моида	120	122, 123	40.	Мұхаммад	40	39, 38
6.	Анъом	165	166, 167	41.	Тур	47	48, 49
7.	Аъроф	205	206	42.	Нажм	61	62

Иловалар

8.	Анфол	75	76, 77	43.	Ар-Раҳмон	77	76, 78
9.	Тавба	130	129	44.	Вокиа	99	97, 96
10.	Юнус	110	109	45.	Ҳадид	38	39
11.	Худ	121	122, 123	46.	Мужодала	22	21
12.	Раъд	43	44, 47	47	Талоқ	11	12
13.	Иброҳим	51	52, 54, 55	48.	Мулк	30	31
14.	Исрө	110	111	49.	Ҳокка	51	52
15.	Каҳф	105	106, 110, 111	50.	Маориж	44	43
16.	Марям	99	98	51.	Нуҳ	30	29, 28
17.	Тоҳа	130	132, 134, 135, 140	52.	Муззаммил	20	19, 18
18.	Анбиё	111	112	53	Муддассир	55	56
19.	Ҳаж	74	75, 76, 78	54.	Қиёма	40	39
20.	Муъминун	118	119	55.	Набаъ	40	41
21.	Нур	62	64	56.	Нозиот	45	46
22.	Шуаро	226	228	57.	Абаса	40	41, 42
23.	Намл	92	94, 95	58.	Иншиқоқ	25	24, 23
24.	Рум	60	59	59.	Ториқ	17	16
25.	Лукъмон	33	34	60.	Фажр	30	29, 32
26.	Сажда	30	29	61.	Шамс	15	16
27.	Сабаъ	54	55	62.	Алақ	20	19
28.	Фотир	64	65	63.	Қадр	5	6
29.	Ясин	83	82	64.	Баййина	8	9
30.	Софғот	181	182	65.	Зилзила	9	8
31.	Сод	85	86, 88	66.	Қориа	8	10, 11
32.	Зумар	72	73, 75	67.	Қурайш	4	5
33.	Ғоғир	82	84, 85, 86	68.	Моъун	7	6
34.	Фуссилат	52	53, 54	69.	Ихлос	4	5
35.	Шуро	53	50	70.	Нос	7	6

Маккий сурә ва таркибидаги маданий оятлар:

№	Маккий сурә номи	Сурадаги маданий оятлар рақами	№	Маккий сурә номи	Сурадаги маданий оятлар рақами
1.	Анъом	20, 23, 91, 93, 114, 141, 151, 153	18.	Лукмон	27-29
2.	Аъроф	163-170	19.	Сажда	16-20
3.	Юнус	40, 94-96	20.	Сабаъ	6
4.	Худ	12, 17, 114	21.	Ясин	45
5.	Юсуф	1-3, 7	22.	Зумар	52-54
6.	Иброҳим	28, 29	23.	Фоғир	56, 57
7.	Ҳижр	87	24.	Шўро	23-25, 27
8.	Наҳл	Охирги уч оят	25.	Зухруф	54
9.	Исрө	26, 32, 33, 57, 80	26.	Аҳқоф	10, 15, 35
10.	Каҳф	28, 83, 101	27.	Қоғ	38
11.	Марям	58, 71	28.	Нажм	32
12.	Тоҳа	130, 131	29.	Қамар	44-46
13.	Фурқон	68-70	30.	Вокиа	81, 82
14.	Шуаро	197, 224-226	31.	Қалам	17-33, 48-50
15.	Қасас	52-55	32.	Музаммил	10, 11, 20
16.	Анкабут	1-11	33.	Мурсалот	48
17.	Рум	17	34.	Моъун	4-7

Маданий сурә ва таркибидаги маккий оятлар:

№	Мадина нозил бўлган сурә номи	Маданий сурә таркибидаги маккий оятлар рақами
1.	Бақара	281 (Мино, ҳажжатул вадоъ)
2.	Моида	3 (Арафот, ҳажжатул вадоъ)
3.	Анфол	30-36
4.	Тавба	Охирги 2 оят
5.	Ҳаж	52-55 (Макка ва Мадина оралиғида)
6.	Муҳаммад	13 (ҳижрат вақтида йўлда)

Мусҳафлардаги суралар тартиби

№	Али мусҳафи	Убай мусҳафи	Ибн Масъуд мусҳафи	Ибн Аббос мусҳафи
1	Бақара	Фотиҳа	Бақара	Алақ
2	Юсуф	Бақара	Нисо	Нур
3	Анкабут	Нисо	Оли Имрон	Вад-духа
4	Рум	Оли Имрон	Алиф-лам-мим-сад	Муззаммил
5	Лукмон	Анъом	Анъом	Муддассир
6	Сажда	Аъроф	Моида	Фотиҳа
7	Зориёт	Моида	Юнус	Таббат
8	Ҳал ата ъалал-инсан	Анфол	Бароат (тавба)	Куввирот
9	Алиф-Лом-Мим Танзил	Тавба	Наҳл	Ал-Аъла
10	Сажда	Худ	Худ	Вал-лайл
11	Нозиъот	Марям	Юсуф	Вал-фажр
12	Таквир	Шуъаро	Бани Исройл	Аlam нашроҳ
13	Инфитор	Ҳаж	Анбиё	Рахмон
14	Инишиқоқ	Юсуф	Мұйминун	Аср
15	Аъла	Қаҳф	Шуъаро	Кавсар
16	Лам якун	Наҳл	Соффат	Такосур
17	Оли Имрон	Аҳзоб	Аҳзоб	Дайн
18	Худ	Бани Исройл	Қасас	Фил
19	Ҳаж	Зумар	Нур	Кофирун
20	Ҳижр	Ғоғир	Анфол	Ихлос
21	Аҳзоб	Тоҳа	Марям	Наҳл
22	Духон	Анбиё	Анкабут	Аъло
23	Ҳаққа	Нур	Рум	Қадр
24	Саъала саъидун	Мұйминун	Ёсин	Ваш-шамс
25	Ҷабаса ва тавалла	Ҳамим ал-мұймин	Фурқон	Буруж
26	Шамс	Раъд	Ҳаж	Тин
27	Инна анзалихау	То син мим	Раъд	Курайш
28	Иза зулзилат	Қасас	Сабаъ	Кориъа
29	Ҳумаза	То син	Малоика	Қиёмат
30	Фил	Сулаймон	Иброҳим	Ҳумаза
31	Курайш	Соффат	Сод	Мурсалот

Иловалар

32	Нисо	Довуд	Мұхаммад	Қоғ
33	Наҳл	Сод	Қамар	Балад
34	Мұйминун	Ёсін	Зумар	Ториқ
35	Ёсін	Асқобул-Ҳажр	Ҳавамим	Қамар
36	Ҳа-мим-ъайн-син-қоғ	Ҳамим-ъайн-син-қоғ	Ҳамим ал-муъмин	Сод
37	Воқіға	Рум	Зухруф	Аъроф
38	Табарока ал-Мулк	Зухруф	Сажда	Жин
39	Муддассир	Сажда	Аҳқоф	Ёсін
40	Ароайта	Иброҳим	Жосийа	Фурқон
41	Таббат	Малоика	Духон	Малоика
42	Ихлос	Фатҳ	Фатҳ	Марям
43	Вал-ъаср	Мұхаммад	Ҳадид	Тоҳа
44	Ал-Қориға	Ҳадид	Саббаҳа	Шуъаро
45	Буруж	Зумар	Ҳашр	Намл
46	Тийн	Мулк	Танзил	Қасас
47	То-син	Фурқон	Сажда	Бани Исроил
48	Намл	Алиф-лам-мим Танзил	Қоғ	Юнус
49	Моида	Нұх	Талоқ	Худ
50	Юнус	Аҳқоф	Хужурот	Юсуф
51	Марям	Қоғ	Мулк	Ҳижр
52	То-син-мим	Раҳмон	Тағобун	Анъом
53	Шуъаро	Воқеға	Мұноғиқун	Соффат
54	Зухруф	Жин	Жұмъя	Луқмон
55	Хужурот	Нажм	Ҳавориййун	Сабаъ
56	Қоғ	Нұн	Құл авҳа	Зумар
57	Иқтарарабатис-саъату	Ҳакқо	Нұх	Мұймин
58	Мұмтағана	Ҳашр	Мұжодала	Ҳамим ас-Сажда
59	Ториқ	Мұмтағана	Мұмтағана	Шўро
60	Балад	Мұрсалот	Таҳрим	Зухруф
61	Алам нашроқ лака	Набаъ	Раҳмон	Духон
62	Вал-Ҳадийат	Инсон	Нажм	Жосийа
63	Кавсар	Лауқсиму	Зорийот	Аҳқоф

Иловалар

64	Кафирун	Куввирот	Тур	Зорийот
65	Анъом	Нозиъот	Қамар	Ғошийә
66	Субҳон	Ҷабаса	Ҳакқо	Қаҳф
67	Иқтаробат	Мутоффифун	Воқеа	Наҳл
68	Фурқон	Иншиқоқ	Қалам	Нұх
69	Мусо	Тин	Нозиъот	Иброхим
70	Фиръавн	Алақ	Маориж	Анбиә
71	Ҳа-мим	Хужурот	Муддассир	Мұғынун
72	Мұғын	Мұноғиқун	Мұззаммил	Раъд
73	Мұжодала	Жумъа	Мутоффифун	Тур
74	Ҳашр	Набий	Ҷабаса	Мұлк
75	Жумъа	Фажр	Даҳр	Ҳакқо
76	Мұноғиқун	Мулк	Қиёмат	Маориж
77	Нұң вал-қалам	Вал-лайл	Мұрсалот	Нисо
78	Нұх	Инфитор	Набаъ	Нозиъот
79	Жин	Шамс	Таквир	Инфитор
80	Мұрсалот	Буру:ж	Инфитор	Иншиқоқ
81	Вад-духа	Ториқ	Ғошийә	Рұм
82	Такосур	Аъла	Аъла	Анқабут
83	Аъроф	Ғошийә	Лайл	Мутоффифун
84	Иброхим	Ҷабаса	Фажр	Бақара
85	Қаҳф	Сағф	Буруж	Анғол
86	Нур	Зұҳо	Иншиқоқ	Оли Имрон
87	Сод	Шарқ	Алақ	Ҳашр
88	Зұмар	Қориъа	Балад	Аҳзоб
89	Шариат	Такосур	Вад-духа	Нұр
90	Мұхаммад	Халаъ	Шарқ	Мұмтаҳана
91	Ҳадид	Ҳадид	Ториқ	Фатҳ
92	Қиёма	Қунут дуоси	Вал-ъодийот	Нисо
93	Набаъ	Залзала	Моъун	Залзала
94	Ғошийә	Ҷодийот	Қориъа	Ҳаж
95	Вал-Фажр	Фил	Байина	Ҳадид
96	Вал-лайл	Тин	Шамс	Мұхаммад
97	Наср	Кавсар	Тин	Инсон
98	Анғол	Қадр	Хұмаза	Талоқ
99	Бароат	Коғириүн	Фил	Байина
100	Тоҳа	Наср	Курайш	Жумъа

Иловалар

101	Малоика	Масад	Такосур	Алиф- лам-мим ас-Сажда
102	Соффат	Курайш	Лайлатул қадр	Мунофиқун
103	Аҳқоф	Ихлос	Вал-ъаср	Мужодала
104	Фатх	Фалақ	Наср	Хужурот
105	Тур	Нос	Кавсар	Тахрим
106	Нажм		Кофирун	Тағобун
107	Соф		Масад	Соф
108	Тағобун		Ихлос	Моида
109	Талок			Тавба
110	Мутоффифун			Наср
111	Муъаввизатайн			Воқиъа
112				Вал-ъодийот
113				Фалақ
114				Нос

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

Методологик адабиётлар

1. "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири)". Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Тошкент, Адолат, 1998.
2. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – нировард мақсадимиз. Асарлар 8-жилд. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, "Маънавият", 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар 1-жилд. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996.

Манбалар

5. Куръон маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – 6176.
6. Абу Бакр ибн Мужоҳид. Сабъа фил қироот. / Шавқий Зайф таҳрири остида. <http://adel-ebooks>.
7. Али ибн Аҳмад Найсабурий. Оятларнинг нозил бўлиш сабаблари. // таржимон А. Турсунов. – Т: Мовароуннаҳр, 2009. – 407 6.
8. Мотуридий. Таъвилот аҳлис-сунна / Маждий Босаллум таҳрири остида. 10 жилдли. – Байрут, 2005.
9. Абу Лайс Самарқандий. Абу Лайс тафсири. Баҳру-л-улум / Али Мұхаммад Муавваз, Одил Аҳмад Абдулмавжуд, Закариә Абдулмажид Нутий таҳрири остида. 3 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб илмия, 1993.
10. Абу-л-Баракот Насафий. Тафсир ан-Насафий. 3 жилдли. – Дамашқ-Байрут-Дор ибн Касир. 1999.
11. Заркаший. Бурҳон фи улумил-Куръон. 4 жилдли. – Қоҳира: Мактаба Дорут туроc, 2002.
12. Суютий. Итқон фи улумил-Куръон. 2 жилдли. – Қоҳира: Дорул ҳадис, 2004.
13. Суютий. Таҳбиr фи усулият тафсир / Фатҳий Абдулқодир Фари таҳрири остида. – Риёз: Дорул улум. 1982. -518 6.

Тадқиқотлар

14. Абдуллаев А.. *Абу-л-Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиришунослигига тутган ўрни: Тарих фанлари номзоди.. дис.* Автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 286.
15. Али ибн Сулаймон Абийд. *Жамъул Куръон ҳифзан ва китобатан.* – Shamelae-book. 2007.
16. Белл Р., Уотт У.М. *Коранистика. Введение.* – Москва-СанктПетербург: Диля, 2005. – 205 б.
17. Гольдциер И. *Ислом тафсири йўналишлари. / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулҳалим Нажкор.* – Қоҳира. 1955. – 418 б.
18. *Encyclopedia of Islam / New edition. V. IV.* – Leiden, 1977. – pp. 1020-1022.
19. *До'ират ал-ма'ориф ал-'исломийя. 15 томлик.* / Аҳмад Шантановий, Иброҳим Закий Хуршид, Абдулҳамид Юнус нашрга тайёрлаган. Қоҳира: До'ират ал-ма'ориф. Т. VIII.
20. Заҳабий. *Ат-Тафсир вал-муфассиран.* З жилдли. – Қоҳира: Мактаба ал-Ваҳба, 1995.
21. Иброҳим Закий Хуршид, Аҳмад Шантановий, Абдулҳамид Юнус. *Доиратул-маориф ал-исломия.* Ж. 13 – Қоҳира, 1980.
22. Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. *Ўрта Осиёлик қирқ олим.* – Т.: Ўз фанакаднашр, 1961. – 102 б.
23. *Ислом энциклопедияси.* – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004.
24. *Ислам: Энциклопедический словарь.* – М.: Наука, 1991.
25. *Ислам. Историографические очерки под ред. С.М.Прозорова.* – М.: Наука, 1991.
26. *Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь.* Вып. 3. – М.: Восточная литература, 2001.
27. Караматов Ҳ. С. *Куръон ва ўзбек адабиёти.* – Т.: Фан, 1995. – 69 б.
27. Муҳаммад Шафоат Раббоний. *Маккий ва маданий.* – Shamelae-book. 2007.
28. Клинович Л.И. *Книга о Коране.* – Москва. Политиздат, 1988. – 2846.
29. Муҳаммад ибн Лутфий Саббоғ. *Ламаҳот фи улумил-Қуръон ва иттижоҳот ат-тафсир.* Байрут: Мактаб исломий, 1990. – 357 б.
30. Муҳаммад Бакр Исмоил. *Диросот фи улумил-Қуръон.* – Shamelae-book. 2007.
31. Муҳаммад Тоҳир Курдий. *Тарихул Қуръон.* – Shamelae-book. 2007.
32. Нёльдеке Т. *Қуръон тарихи. / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж. Томар.* – Байрут: 2004. – 841 б.
33. Обидов Р. *Қуръон ва тафсир илмлари.* – Т: Тошкент ислом университети, 2003. – 468 б.
34. Ozdes T. *Maturidinin tafsir anlayisi.* – Turkiya / Insan Yayınlari, 2003. – 319 s.

ГЛОССАРИЙ

Амр ва наҳӣ – буюриш ва қайтариш. Қуръонда ҳайрли ишни қилишга буюрилган (амр) ва ёмон ишлардан қайтарилган (наҳӣ) оятлар. Мас: “Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф ва наҳӣ мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир”. (Оли Имрон (3): 104)

Ақида (араб. “ақд” – бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш; кўплиги – ақоид) – Қуръон ва ҳадисларда келган имон келтирилиши лозим бўлган масалалар. Ақида ислом динида ишониладиган, имон келтириледиган қисми бўлиб, амалий ибодатлар фиқҳ қисмига киради. Қуръонда ақидавий оятлар Аллоҳ, унинг сифатлари, фаришталар, китоблар, пайгамбарлар, тақдир каби масалаларни қамраб олади.

Аҳли китоблар – мусулмонлар каби илоҳий китобга эга бўлган умматлар. Қуръонда Таврот, Забур, Инжил китоблари юборилган кишиларга нисбатан қўлланилади. Ислом ақидасига кўра аҳли китоблар деганда христиан ва яхудийлар тушунилади.

Баён илми – стилистика. Қуръоннинг тил ва бадиий услуби илми. У балоғат илмининг бир қисми бўлиб, унда лафз бир маънога аниқ далолат қилишида унинг маъносини турли йўллар билан келтириш ўрганилади.

Байтул-Мақдис – 1) Қуддуси шариф. 2) Қуддуси шарифдаги Масжидул-Ақсо.

Басмала – “Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳим” нинг қисқартма шаклда айтилган лафзи.

Ваъд – “ваъд” имон келтирганларга охиратда бериладиган хушхабар ваъда.

Ваъид – “ваъид” имон келтирмаганларга охиратда бериладиган азоб ҳақидаги таҳдид ваъдаси.

Вақф ва ибтидо – (араб. “тұхташ ва бошлаш”). Қуръон қироат қилинаётгандың калима охирида қисқа вақтта овозни тұхтатиши бўлиб, бунда ўқувчи қироатини яна бошлаш мақсадида нафас олади. Вақф оятдаги бирор бир ўринде тұхташ мумкин ёки мумкин эмаслигига кўра, яъни тўғри маънога олиш бориши ёки аксинча жиҳатидан турларга бўлинади:

Тўлиқ вақф – бу жумланинг маъноси тамом бўлгандаги вақф бўлиб, ўзидан кейинги жумлага лафз жиҳатидан ҳам, яъни нахв қоидаси бўйича ва маъно жиҳатидан ҳам алоқаси бўлмайди. Кейинги маънони билдирувчи жумла тўхталганидан кейин бошланади. Асосан, оятлар тугаши тўлиқ вақфдир; Ҳасан вақф – бу тўғри маънога олиш борадиган вақф бўлиб, фақат жумла ўзидан кейингисига лафзий томондан боғлиқ бўлади. Бунда тўхтаб нафас олиш мумкин бўлиб, бироқ оят тушунарли бўлиши учун олдинроқдан қайта ўқилади; Қабиҳ вақф – бунда тұхташ мумкин бўлмайди, акс ҳолда маъно бузилади ва ақидага таъсир этадиган маъно келиб чиқиши мумкин. Бунга кўра, музоф ва музоф илайҳ, аниқловчи ва аниқланмиш кабиларнинг орасида тўхтамаслик лозимдир. Вақф нафас олиш каби мажбурий ҳолатларда юзага келса, ибтидо эса, фақат ихтиёрий ҳолатда юза келади. У ҳам маънони бузмаслик жиҳатидан вақфга ўхшаш. Ҳамда унда маъно жиҳатидан нотўғри йўналишга олиш мумкин эмасдир.

Ваҳий – (араб. “тез суръатда, маҳсус, маҳфий тарзда тегишли кишига (ёки томонга) билим ва маълумотни билдириш”). Қуръонда “ваҳий” сўзи “васваса” маъносида жин ва шайтонларнинг бир-бирларига маҳфий тарзда маълумот берипши ҳамда “илҳом” маъносида Аллоҳнинг асалариларга йўл-йўриқ кўрсаттанида, “амр” маъносида Исо ҳаворийларига нисбатан имон келтиришга буюрилганларида ишлатилган. Лекин “ваҳий” сўзи асосан Аллоҳ томонидан пайғамбарларга билдирган сўзларига нисбатан ишлатилган бўлиб, юқоридаги ҳолатларда илҳом ва васваса сифатида шарҳ берилган.

Истилоҳда ваҳий “Аллоҳ таоло бандалари ичидан танлаб олганларига, яъни расуллар ва набийларга хабардор қилишни хоҳлаган ҳидоят ёки илмларни инсоният учун ғайриоддий бўлган йўл билан билдириши тушунилади. Бунда расуллар ва набийлар Аллоҳ таолодан Жибрил (а.с.) воситасида ҳамма қабул қилгандарини тўлиқ англаб идрок қилиб турадилар”.

Исломда ваҳий “Пайғамбарлар (а.с)га тусида ёки уйгоқлигига қалбида маънога эга сўзниг фаришта кўринмаган ҳолда жо этилиши, Жаброил воситасида Пайғамбарга сўзлаши” тушунилади. Куръон ваҳий асосида нозил қилинган деб тушунилади.

Дуои қунут – Хуфтон намозидан кейин ўқиладиган З ракаатли вожиб намознинг З-ракаатида ўқиладиган дуо. “Аллоҳумма инна настаъийнука...” билан бошланади. Айрим саҳобийлар уни Куръондан санаб, мусҳафга киритганлар. Усмон (р.а.) томонидан тайёрланган мусҳафга киритилмагани натижасида бу ихтилофга чек қўйилган.

Жаброил – Аллоҳ таоло ва пайғамбарлар ўртасида воситачи, ваҳий элтувчи фаришта. Куръонда Жаброил “муқаддас рӯҳ”, “олижаноб элчи” номи билан тилга олинади.

Жаннат ва дўзах – Жаннат – имон келтирган, яхши амаллар қилган кишилар нариги дунёда роҳат ва фарогатда яшайдиган, абадий неъматлар ато этиладиган жой. Куръонда ҳам шу маънода келади, шунингдек, унда Ади, Наим, Фирдавс номли жаннатлар борлиги хабари берилган. Дўзах – имон келтирмаган ва гуноҳ амаллар қилганлар охиратда жазоланадиган жой. Барча динларда Жаннат дўзахга қарама-қарши қўйилади.

Жузълар (араб. қисм) – Куръон поралари. Ҳозирги мусҳафларда 10 варақни қамраб олади. Куръонда 30 та жузъ мавжуд. Куръонни бундай таркибларга ажратиш кейинги даврларда уни тўлиқ ёдлашга қулайлик яратиш учун амалга оширилган.

Заиф ривоятлар – Ҳадис турларидан бири. Унга кўра, ровийлар рўйхатидан бир ёки ундан ортиқ саҳобий ёхуд

ровий түшиб қолған ривоят. Шу билан бирга, ровийларда нұқсон бўлған ҳолда ҳам ривоят заиф бўлади. Ровийларнинг қайси табақадан түшиб қолишига қараб алоҳида номдаги турларга бўлинади.

Закот – Ислом динининг учинчи рукни, мол-мулк ва даромаддан маълум бир қисмини муҳтожларга беришни назарда тутади. Шариатга мувофиқ, 82 г. олтин миқдоридан ортиқ маблағга эга бўлған балоғат ёшидаги мусулмон закот беради. Бунда закот берувчининг маблағи ўзи ва қарамогидагиларнинг зарурий эҳтиёжларидан ортиқча бўлиши лозим. Закот миқдори мазкур ортиқча маблағнинг 1/40 қисмига (2.5%) teng. Қуръонда қанча маблағдан қанча берилиши зикр этилмаган бўлиб, бу нарсалар ҳадисларда келган. Қуръонда асосан закот бериш, хайр-эҳсон, унинг савоби ҳақида, садақа, хайр-эҳсон олиши мумкин бўлган кишиларнинг турлари баён этилган.

Зиёда ва нұқсон – сўзларда маънени кучайтирадиган бирор қўшимчанинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги. Дастребки мусҳафларда бир мусҳафда бор сўз бошқасида бўлмаслиги мумкин бўлган. Усмон мусҳафидан кейин бу ҳолатга чек қўйилган.

Зулқарнайн – Қуръонда номи зикр этилган шахс. Ривоятларга кўра, дунёнинг Чин (Хитой)га қадар ерларини забт этиб, Яъжуҷ ва Маъжуҷ қавмлари йўлига улкан тўсиқ қурган. Қуръоннинг “Каҳф” сураси 83–102 оятларида у билан боғлиқ воқеа ҳикоя қилинади. Зулқарнайнининг пайғамбар ёки пайғамбар эмаслиги тўғрисида аниқ маълумот мавжуд эмас.

Идғом – (араб. бир нарсани бошқа бир нарса таркибиға сингдириш, уйғунлаштириш). Атама сифатидаги маъноси “бир ундош товушни бошқа бир ундош товушга ассимиляция – уйғунлаштириб талаффуз қилиш”. Яъни сукунли ҳарфни ундан кейинги ҳаракатли ҳарф ичига киритиб, иккинчи ҳарфни ташдидли қилиб, яъни иккилантириб талаффуз қилиш. Бундай ҳарфлар олтита: بِرْمَوْنُ کالimasидаги ҳарфлар.

Ижтиҳод (араб. гайрат қилиш, интилиш) – фақиҳ томонидан шаръий ҳукмни ҳосил қилиш учун барча билим ва имкониятни ишга солиш. Ижтиҳод шаръий ҳукми келмаган ишнинг маҳсус қоидаларни ишга солиб шаръий ҳукмини аниқлаш учун қилинади.

Изҳор – (араб. бир нарсанинг асл кўринишини тўлиқ ифодалаш). Атама сифатидаги маъноси “сукун”ли “нун” товушини ундан кейин келаётган муайян ундош товушлар сабаб ҳеч бир ўзгаришсиз (ҳатто димог оғанги ёрдамисиз), аниқ талаффуз қилишdir. Яъни сукунли нун (ں) ёки танвиндан кейин келган муайян ҳарфларни ўз маҳражи (чиқиш жойи) дан аниқ чиқариш. Бундай ҳарфлар олтита: Ҳ ڦ ڦ ڻ ڻ ڻ. Шу ҳарфлардан кейин сукунли нун (ں) ёки танвин келса, сукунли нун (ں) билдириб ўқиласи.

Имола – бу “фатҳа”ни “касрa”га ва “алиф”ни “йо”га тўлиқ айлантиրмасдан яқинлаширишdir. Бошқа қироатлардан фарқли равишда Ҳафс қироати бўйича Куръонда бир ўринда “Худ” сурасида келган сўзда имола қилиб ўқиласи: مَجْرِيٰ مَاجْرَىٰ “мажрэйҳа”. Бунда, ҳарфидан кейин чўзиладиган товуш ўзбек тилидаги “э” унли товушига ўхшатиб талаффуз қилинади.

Имон – (араб. ишониш) Ислом динининг биринчи рукни. Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига ва тақдирга ишонишни назарда тутади. Имоннинг шартлари бўйича турли ақидавий оқим турлича фикрлар билдирганлар. Мотуридий адашган оқимларга раддия сифатида “имон тил билан айтиш ва дил билан тасдиқлаш” эканлигини ва амалнинг шарт сифатида бунга кирмаслиғини таъкидлаган.

Инфоқ – мол-мулқдан маълум қисмини сарф қилиш. Куръонда закот беришга амрни ҳам қамраб олади.

Исрo воқеаси – Ислом тарихида Мұҳаммад (с.а.в.)нинг тунда Маккадан Қуддусга мўъжизавий тарзда боришлири. Куръонда “Исрo” сурасида бу борада сўз юритилган. Сўнг Қуддусдаги Ақсо масжидидан осмонга кўтарилишлари воқеаси меъроj дейилади.

Истинбот – бирор шаръий ҳукмни ишлаб чиқиш. “Истинбот” сўзи лугатда “чиқариш, қазиб олиш” маъносида ишлатилади. Истилоҳда эса, далиллардан маъноларни кучли фаҳм-фаросат воситасида чиқариб олиш кўзда тутилади.

Ишбоъ – Ҳарфнинг тўлиқ айтилиши.

Иштиқоқ – бир асос (сўз ўзаги)дан бошқа сўзларни ясаш.

Калом илми – ислом илоҳиёти, ақидасини ўрганувчи илм. Бу илм билан шугулланувчилар мутакаллимлар деб аталади.

Каъба – Макка шаҳрида жойлашган масжид. Байтул-Ҳаром (Муқаддас уй), Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи) деб ҳам юритилади. Уни зиёрат қилиш ҳаж ва умранинг асосий амалларидан бири.

Каҳф аҳли – (араб. “каҳф” – гор). Яъни гор аҳли. Қуръоннинг “Каҳф (18)” сурасида уларнинг қиссаси келтирилган. Унга кўра, бир неча имон келтирган кишилар мўъжизавий тарзда горда 310 йил ухлатиб қўйилади, уйғонганларидан сўнг кишиларга мўъжиза сифатида кўрсатиладилар, кейин эса вафот этадилар.

Кофири – Ислом таълимотида дин қонун-қоидасига кўра ишониш ва тасдиқлаш шарт қилинган ҳар қандай масалани инкор этган киши кофири ҳисобланади. Мотуридий ақидасига кўра, ишонган ва тасдиқлаган, лекин амал қилмаган киши кофири саналмайди, балки гуноҳкор бўлади. Айрим фирмә ва оқимлар бунга хилоф қарашларни ҳам илгари сурадилар.

Луқмон – Қуръонда номи зикр этилган тарихий шахс. Қуръоннинг 31-сураси Луқмон номи билан аталади. Унда Луқмоннинг ўғлига қилган панд-насиҳатлари келтирилган. Кўпчиллик муфассирлар унинг пайғамбар бўлмаганини, балки солиқ инсон сифатида зикр этганлар.

Лугат илми – тилшунослик.

Мавъиза – ваъз, панд-насиҳат.

Мадд ва қаср – (“мадд” – араб. чўзиш, бир нарсанинг ҳажмини ошириш; “қаср” – араб. қисқартириш). Мадд бу табиий чўзиладиган ҳарфларнинг ҳажмини янада зиёда қилиб чўзиш маъносини билдиради. Мадд, чўзиқ унли ёки “лий”

(олдидан қисқа “а” унлиси – “фатҳа” ҳаракати келган “сүкун” ли “вав” ёки “сүкун” ли “йа” дифтонг) товушларидан сүнг “хамза” ёки “сүкун” белгиларидан бири келгани боис иккidan олти қисқа унли талафузи микдорича чўзиб талафуз қилишидир. Қаср эса табиий чўзиш мақомида қолдириш ва ортиқча зиёда қилмасликдир.

Мазҳаб (араб. йўналиш, йўл, таълимот) – Истилоҳда фикъий масалаларни ўз ичига олган диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлариdir. Яъни, шариат мазҳаблари исломда диний ҳуқуқ тизимлариdir. Мазҳабларнинг юзага келишига асосий сабаблардан бу масалага ўз қоидаларига кўра ёндашув, юзага келган бир масала бўйича Мұхаммад (с.а.в.) томонларидан турлича ечимлар берилиши, саҳобий ва тобиий фақиҳларнинг шарт-шароит ва замон ўтиши билан маълум масалаларга турлича ечимлар беришлари мазҳаблар имомларининг ҳам уларга ечим беришларида жузъий ихтилофларни юзага келтирган. Натижада, 8-9-асрларга келиб ислом ҳуқуқшунослиги – фикъ соҳасида кўплаб мазҳаблар юзага келган. Ҳозирги вақтда суннийликда тўртта – ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийлик; шиаликда – жаъфарийлик, имомийлик, зайдийлик сақланиб қолган. Шариат мазҳаблари диний фирмалардан фарқ қиласи. Фирқа ва оқимлар ислом таълимотининг ақидавий масалаларида ихтилоф қилишса, ушбу тўрт мазҳаб фикъий масалаларда бир-бирларидан фарқ қиласи. Суннийликда тўрталла мазҳаб ҳам тенг ҳисобланади. Ушбу мазҳаблар томонидан ишлаб чиқилган ечимлар асоси Қуръон ва сунна доирасида амалга оширилган. Шу муносабат билан мазҳаблар вакиллари бир-бирларини эҳтиром қилишлари лозим бўлиб, бир мазҳабнинг қоидаларини қабул эттиришга ҳаракат, бошқа ўлкада тарқалган мазҳабга қарама-қарши тарзда даъват этиш каби жиддий ихтилофларни юзага келтирувчи ҳолатлар олимлар томонидан қораланади. Йирик мусулмон университетларида тўрт мазҳаб вакилларига ўз мазҳаблари бўйича алоҳида дарс ўқитилилади. Мазҳаблар анъанавий диний-ҳуқуқий, амалий

ибодатлар бўйича шариат масалаларида ўз қоидаларига кўра хукм чиқаришлари билан бир-бирларидан фарқ қилади.

Маккий ва маданий суралар – Маккий суралар – Маккан мукаррамада – ҳижратдан олдинги ўн уч йил муддат мобайнида нозил бўлган. Маданий суралар – Мадинаи мунавварада – ҳижратдан кейинги ўн йил муддат мобайнида нозил бўлган. Маккий суралар таркибида маданий оятларнинг киритилиши кўпроқ бўлиб, аксинча маданий суралар таркибига маккий оялтар кам ҳолларда киритилган. Маккада нозил бўлган суралар 86 та, Мадинада нозил бўлган суралар 28 тадир.

Марям – Қуръонда бир нечта ўринда номи зикр этилиб, мақталган аёл. Имроннинг қизи, Исо (а.с.)нинг онаси. Қуръоннинг 19-сураси Марям номи билан аталган.

Масал – Қуръон масаллари илми. Бу ном билан номланган асарлар ҳам мавжуд. Қуръон услубларидан бири, унга кўра айрим ҳолларда масал келтирган ҳолда яхши ёки ёмон амал қилгандарнинг оқибатлари баён этилади. Бу орқали ўтит ва насиҳат қилинади.

Машҳур – ҳадис ва қироат илмларида ривоят қилувчилар йўлларининг сонига кўра тури. У мутавотирдан қуи ва оҳоддан юқори турадиган тур бўлиб, ҳар бир табақада З кишидан ортиқ ровийларнинг маълум ривоятни нақл этган бўлсалар шундай номланади.

Мақоми Иброҳим – Каъба эшиги рўпарасида жойлашган мавқе. Ривоятларга кўра, Каъбани тиклаётганда Иброҳим (а.с.) тошда туриб дуо қилгандар. Тошда одам оёғи излари ботиб қолгандан кейинги ҳосил бўлган излар билиниб туради. Ҳозирда ушбу мавқе одам бўйидан баландроқ, ойнали маҳсус қоплама билан қопланган. Қуръонда мақоми Иброҳим зикр этилган ҳамда Каъба зиёрат этилганда у мавқеда намоз ўқиш буюрилган.

Мужассима оқими – “Аллоҳ жисмга эга” деб ишонувчи оқим. Улар Қуръонда Аллоҳга мажозий маънода қўл, юз каби аъзоларни нисбат қилинганини зоҳиран далил қилиб, Унинг инсонлар каби қўл, юз каби аъзолари бор деб ишонадилар.

Суннийликка кўра, мазкур ояллар чуқур шарҳланмайди ҳамда инсонлар бу оялларга ишонишлари, лекин Аллоҳга аъзоларни мансуб қилмаслик лозимлиги ақидасини илгари сурадилар. Бунга далил сифатида Куръондан “У каби ҳеч нарса мавжуд эмас” оятини далил қилганлар.

Муносабат илми – Сура ва оялларнинг бир-бири билан боғлиқлиги илми. Муносабат илми оялларнинг кетма-кетлиги, тартиби, уларнинг сиёки, ўзаро боғлиқлиги, мувофиқлиги, мослигини ўрганувчи илмдир. Бу боғлиқлик ҳолатлари ақлий, ҳиссий, умумий, хусусий, хаёлий тарзда бўлиши мумкин. Бунда ояллар кетма-кетлигидаги ҳикмат юзага чиқади, мазмун-моҳияти янада тушунарли бўлади.

Мунофик – Куръонда тилида имон келтириб, дилида коғир бўлиб қолган кишиларга нисбатан шу сўз қўлланилган. Куръоннинг 63-сураси Мунофиқун (Мунофиқлар) номи билан аталади.

Мусаббиҳот суралари – “Саббаҳа” (سبح) калимаси билан бошланадиган суралар.

Мусҳаф – “Саҳифаланган”, яъни “китоб” маъносини билдиради. Куръон номларидан бири.

Мутавотир – Ривоятнинг ҳар бир табақада 10 кишидан кам бўлмаган кўпчилик томонидан нақл этилиши. Яъни бир ривоятни турли йўллар билан ривоят қилиниши. Бундай ривоят ёлғонлигига келишиб бўлмайдиган даражадаги ривоят ҳисобланади ва исломда далил ҳисобланиб, ривоят қилувчиларнинг ишончли ёки ишончли эмаслиги масаласи текширилмайди.

Қироатларнинг ишончли бўлиши учун мутавотир тарзда ривоят қилиниши шарт қилинган. Бу орқали Куръон қироатлари тури чегараланган.

Мутакаллимлар – ислом илоҳиёти олимлари. Улар ислом диний-ақидавий таълимоти – қаломни асослаб берган. Ҳозирги ислом уламоларига нисбатан мутакаллим атамаси қўлланилмайди, у тарихий тушунчага айланган.

Мутлақ ва муқайяд оятлар – “Мутлақ” сўзи луғатда “озод, эркин” маъносида ишлатилади. Истилоҳда эса, бирор бир сифат билан қайдланмаган ва муайян бўлмаган бир маънога далолат қилган лафзга айтилади. “Муқайяд” сўзи луғатда “чекланган” маъносида келади. Истилоҳда эса, сифатларидан бири билан қайдланган маънога далолат қилувчи лафз тушунилади. “Мутлақ” бу далолат қилиши нўқтаги назаридан, чегаралаш қайд этилмаган ҳолда мутлақ далолатни англатади. “Муқайяд” эса мутлақнинг далолат доирасини чегаралайди, ёки аниқлайди. Бу “ом ва хос”га ўхшашидир. Масалан: Қуръонда васият қилишда гувоҳнинг адолатли бўлиши шарт қилинган. (Моида: 106). Шунга кўра, гувоҳнинг ҳозир бўлиши мутлақ, унинг одиллиги муқайяддир. Агар қандай гувоҳ бўлиши аниқланмаганида оятдан мутлақ далолат сифатида фойдаланилиб, ҳар қандай гувоҳнинг ҳозир бўлиши мумкин бўлар эди. Шунинг учун бу илм фиқҳ соҳасида ҳам аҳамиятга моликдир. Яна бир мисол:

فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيْكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ

“...юзингиз ва қўлларингизни тирсакларгача ювингиз...” оятидаги “қўллар”ни чекловчи сўз бу “тирсаклар”дир, яъни қўллар мутлақ бўлиб, тирсакларгача ювилиши муқайяд, яъни чегарадир.

Муфассирлар – тафсир илми олимлари, Қуръон шарҳловчилари. Муфассирларга бир нечта илмларни билишлари шарт қилинади. Жумладан, араб тилини мукаммал билган, сабабун нузул каби Қуръон илмларини яхши билган олимлар Қуръонга шарҳ беришлари мумкин бўлиб, улар муфассирлар деб аталадилар.

Муфтий – Мусулмонларда диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиш ва тавсия этиш ҳуқуқига эга шахс. У чиқарган ҳукмлар фатво дейилади.

Мушаббиҳа оқими – Аллоҳни маҳлуқотларга ўхшаш феъл ва ҳаракатлар қиласиди, деб ишонувчи оқим, мужассима оқимиға ўхшаш. Бироқ мужассима айнан маҳлуқотлар

аъзоларига ўхшаш аъзоларни Аллоҳда мавжуд деб ишонсалар, мушаббиҳалар Аллоҳ маҳлукотлар иш-ҳаракатларига ўхшаш ишларни қилишини ҳам қамраб олиб ишонадилар.

Мушрик – Ислом таълимотига кўра, Аллоҳни ягона илоҳ деб билмайдиган, Унинг шериклари бор деб ишонадиган ва Ундан бошқасига сигингган киши.

Муъаввазатайи – “Паноҳ тиланилган икки сурә”, яъни “Фалақ” ва “Нос” суралари. Ҳар иккисининг ҳам биринчи ояти “Аъзуз” калимаси билан бошлангани учун шундай аталади.

Муқаддас китоблар – Аллоҳ таоло томонидан пайғамбарларга нозил қилинган китоблар. Улар 4 та – Таврот, Забур, Инжил ва Қуръон бўлиб, Қуръон таълимотига кўра, аввалги 3 таси кишилар томонидан ўз мақсадларига бўйсундириш ниятида ўзгартирилган ва бузилган деб қаралади. Ислом шариатида аввалги 3 китоб шариат қоидалари бекор қилинган ҳамда амалда охирги тушган Қуръонга таянилиши белгиланган.

Муқаттаға ҳарфлар – суралар бошида алоҳида ҳарфлар ҳолида келган қисмлар бўлиб, уларнинг таъвили борасида уламолар аниқ бир тўхтамга келишмаган. Ушбу ҳарфлар муташобиҳ ояtlар туркумига киритилган. Қуръонда 29 сура муқаттаға ҳарфлар билан бошланади. Уламолар ҳуруфи муқаттаға борасида фарқли фикрлар билдирганлар. Улардан айримлари қуйидагилардан иборат: 1) Ҳуруфи муқаттағани суралар номи деб қарашган. Яъни ҳар бир сура бирор мавзуни очиб беради, шунга ўхшаш ҳуруфи муқаттаға ҳам муайян нарсаларни билдирган исмларга ишора қилувчи ва уларни бир-биридан фарқловчи белгилардир. Масалан, “Алиф-лам-сад” (الص), “Сод” (ص) ёки “Нун” (ن)ни ўқидим деганда, шу ҳарфлар билан бошланган суралар назарда тутилади. Баъзан бир неча суралар бир хил ҳуруфи муқаттаға билан бошланади, “Ҳамим” (ح), “Алиф-лам-мим” (اـمـ) га ўхшаш. Уларни “Ҳамим ас-Сажда” (حـمـ السـجـدـةـ) “Алиф-лам-мим ал-Бақара” (اـلـ الـبـقـرـةـ) тарзида мос номлар билан бир-биридан фарқлаш мумкин, бир хил исмларни қўшимчалар, отасининг исми ва

кунялар билан ажратганга ўхшаш; 2) Баъзилар уни қасам деб қараптган. Аллоҳ таоло барча ҳуруфи муқатташа билан қасам ичган, лекин уларнинг ҳаммасини зикр этмай, айримларини айтиш билан чекланган, яъни масалан “Алиф-лам-мим” (الـ) деганда бутун ҳуруфи муқатташани назарда тутган. Масалан, бирор алиф, “ба”, “та”, “са” ни ўргандим деганда, фақат шу ҳарфларни эмас, балки 28 ҳарфдан иборат бутун алифбони назарда тутишига ўхшаш; 3) Яна бир гуруҳ эса уларни Ҳақ таолонинг исм ва сифатларини ифодаловчи сўзлардан олинган ҳарфлар, деб қараганлар. Бу араб тилшунослигидаги ихтисор (қисқартириш) услуби билан боғлиқдир.

Муқриъ – Усмон мусҳафи асосида ривоятга таянган ҳолда Куръонни ўқитувчи, ўргагувчи киши.

Мұҳаддис – “Мұҳаддис” сўзи лугатда “ҳикоя қилувчи, сұхбатдош” маъноларини билдиради. Ҳадисларни түплаш, саралаш, шарҳлаш ва ровийлар ҳолини ўрганиш каби ишлар билан шуғулланувчи олим.

Мұхаммад (с.а.в.) – Сўнгти пайғамбар. 571 йил туғилиб, 632 йил вафот этганлар. Ислом динини араблар ва бошқа халқларга етказувчиси сифатида 610 йилдан вафотларига қадар фаолият кўрсатганлар. У зотга мұқаддас Куръон нозил қилинган. Шу билан бирга ҳадислар у кишининг айтган сўзлари ва қылган ишларини қамраб олиб, ислом шариатининг асосларидандир.

Мұхаммадийлик манбалари. Ислом шариати манбаларининг асосийлари. Улар Куръон ва ҳадисдир.

Мұхкам ва муташобиҳ – “Мұхкам” сўзи лугатда “мукаммал, мустаҳкам” маъносида келади. Истилоҳда эса, лафздан кўзланган маъно аниқ ва қатъий бўлиб, мансух бўлмаган ва бошқа маънони ҳам эҳтимол қилмаган. “Муташобиҳ” сўзи лугатда “ўхшаш, ўхшайдиган ва шубҳали” маъноларида қўлланилади. Истилоҳда эса, сўзнинг тушунилиши маҳфий ва идрок қилиб бўлмайдиган маъносига айтилади.

Куръонда “муҳкам” – бир йўналишдаги, аниқ маънони билдирувчи оятлар. Ҳамда “муташобиҳ” – бир-бирига ўхшаш

бир нечта маъноларни тақозо этувчи оятлардир. “Муташобиҳ” сўзи лугатда “ўхшаш, ўхшайдиган ва шубҳали” маъноларида қўлланилади. Истилоҳда эса, лафздан тушунилиши махфий ва идрок қилиб бўлмайдиган маънога айтилади. Яъни бир-бирига ўхшаш 2 ёки ундан турли маъноларни тақозо этувчи оятлар. Бунга “Аллоҳнинг юзи”, “Аллоҳнинг қўли”, “Аллоҳнинг Арш узра истивоси” каби оятлар, шунингдек, муқаттаа ҳарфлар киради. Суннийлик эътиқодига кўра ушбу оятлар чуқур шарҳланмайди, бу билан Аллоҳ инсонлар каби иш ва ҳаракатлар қиласи деган тушунчанинг олди олинган.

Мўъжиза – Пайғамбар этиб танланган кишига Аллоҳ таоло томонидан берилган гайриоддий, бошқалар амалга оширолмайдиган иш. Бу билан пайғамбарлик берилган кишининг ростгўйлиги исботланади. Ислом таълимотига кўра, у сеҳргарликдан пок ҳолда пайғамбарларгагина Аллоҳ томонидан ато этиладиган хусусиятдир. Ҳар бир Пайғамбарга алоҳида мўъжиза берилган. Баъзиларига илоҳий китобларнинг берилиши уларнинг умумий мўъжизавий ишларидир. Шу билан бирга, Мусо (а.с.)нинг ҳассаси, Исо (а.с.)нинг мўъжизавий тарзда инсонларни даволаши каби мўъжизалари Куръонда айнан зикр этилган. Муҳаммад (с.а.в.)га берилган асосий мўъжиза бу Куръоннинг алоҳида услубидир.

Мўъмин – Илк ислом даврида Мадина мусулмонлари шу ном билан аталган. Кейинчалик мўъмин ва мусулмон атамалари бир хил мазмун касб этган. Куръонда бу сўз 2 хил мазмунда қўлланилган: 1.Аллоҳнинг сифати. 2.Мусулмон киши эътиқодининг ички, ахлоқий томонини акс эттирувчи алоҳида ном. Куръоннинг 23-сураси шу ном билан аталади.

Мўътазила – Ислом динидаги дастлабки ақидавий йўналишдаги оқим. Мўътазила оқими ўз ақида ва ишларини беш асосга қурадилар. Улар: тавҳид (яккахудодликка имон келтириш), адолат, манзила байнал манзилатайн (оралиқ ҳолат), ваъиднинг содир бўлиши (гуноҳкорларга азоб ҳақидаги ваъданинг амалга ошиши), амр маъруф ва наҳй мункар (яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш).

Биринчи бўлиб, мўътазилийлик ғоясини тарғиб этган шахс Восил ибн Ато бўлиб, у устози Ҳасан Басрий билан “гуноҳи кабира қилган кишининг охиратдаги мақоми” бўйича ихтилоф қилган. Мўътазилийликка кўра, гуноҳи кабира соҳиби, бу дунёда мўмин ҳам коғир ҳам эмас, балки оралиқ ҳолатда бўлиб, охиратда дўзах аҳли деб қаралади. Шу ва бошқа қарашларни ҳимоя қилиш мақсадида мўътазила оқимига мансуб муфассирлар Куръонни ўз йўналишларига мослаштириб шарҳлашга ҳаракат қилганлар. Бу борада суннийлик йўналиши муфассирлари қаторида Мотуридийнинг раддиялари кенгқамровлидир.

Намоз – Исломда 5 руқндан иккинчиси. Меъроj кечасида фарз қилинган амал. Бир кеча-кундузда 5 маҳал ўқиш белгиланган. Куръонда намоз вақтлари ва ракаатлари аниқ кўрсатилмаган, улар ҳадисларда қайд этилган.

Насҳхати – (насх – араб. бекор қилиш, ўчириш; кўчириш). Араб ёзувидаги мумтоз хат услубларидан бири. X асрда Ибн Муқла томонидан куфий ёзуви асосида яратилган. Унинг бу номланиши ҳақида асосан икки хил қараш мавжуд: 1) кенг истеъмолга кириши, куфий ёзувидан устун бўлиб кетгани ва уни амалда бекор қилгани учун; 2) китобларни кўчиришда кенг қўлланилгани учун шу ном билан аталган.

Нозил бўлиш – “тушиш”, яъни Аллоҳ таоло кўрсатмалари, китоблари ва саҳифаларини Жаброил фаришта воситаси билан пайғамбарларга етказилиши.

Танзил. “Танзил” сўзи лугатда “тушириш” маъносидadir. Истилоҳда эса, жамиятда содир бўлган воқеа-ҳодисалар эҳтиёжидан келиб чиқиб, ваҳий воситасида Мұҳаммад (с.а.в.) қалбларида Куръоннинг зоҳир бўлиши тушунилади.

Носих ва мансух – (араб. “носих” – “бекор қилувчи”; “mansuh” – “бекор қилинган”). “Носих” сўзи истилоҳда, ўзидан олдинги шаръий ҳукмнинг амал қилиш муддатини ва ҳукмини бекор қилувчи шаръий далил тушунилади. “Мансух” истилоҳда, кейинги келган далил билан ҳукми бекор қилинган ва амал қилиш муддати тутаган шаръий ҳукмга айтилади.

Куръонда “насх” ибораси “бекор қилиш” маъноларида келиб, бир ҳукмнинг бекор қилиниши ва ўрнига бошқа ҳукмнинг келишига нисбатан ишлатилади. Шариатда “Куръон оятида келган ҳукмни бошқа оятда келган ҳукм билан бекор қилиш” тушунилади. Уламолар наздида “оят ҳукмининг бекор қилиниши” масаласида турлича ёндашувлар бўлиши мумкин, яъни айримлар наздида бекор қилинмаган деб саналган оят бошқа олим наздида бекор қилингандек қаралади. Кўпчилик уламолар томонидан турли ўринларда фикҳий ҳукмларга оид 20 та оятнинг бекор қилиниши қайд этилган.

Ом ва хос – “Ом” сўзи “умумий” маъносини билдиради. “Ом” маънода келган ояtlар назарда тутилган ҳолатларнинг ҳаммасини қамраб олади. Яъни, маълум маъно учун қўйилган ва англатган ҳамма бирликларини ўз ичига олган ҳар қандай лафзга айтилади. “Хос” сўзи лугатда “алоҳида, маҳсус ва шахсий” маъноларини билдиради. Истилоҳда эса, маълум маъно учун қўйилган ва ундан бошқасини англатмайдиган ҳар қандай лафзга айтилади.

Масалан, “ҳожилар” деганда барча ҳаж амалини бажараётганлар тушунилади. Хос эса, битта ёки бир нечта назарда тутилган ҳолатларга тегишли бўлади ва умумий ҳукм келган ҳолатдан истисно қилинади. Масалан; Моида сураси 3-оятидаги “Сизларга ўлимтик ҳаром қилинди” оятидаги ўлимтиклардан “Моида (5)” сураси 96-оятидаги “Сизларга денгиз (балиқлари) ови ва таоми ҳалол қилинди” хос қилинганди. Бу ҳолда балиқ ўлган бўлса ҳам ейиш ҳалол қилиниб, юқоридаги ҳаром қилингандек гўштлардан ажратилган, маҳсус ҳукм берилган.

Охират куни – дунёning туташ куни. Бу тушунча ислом дини билан бир қаторда бошқа динларда ҳам қўлланилади. Куръонда Охират куни сифатлари ҳақида кенг тафсилотлар берилган.

Оят (араб. илоҳий белги, мўъжиза) – Куръон сураларининг бандлари. Куръоннинг 7-асрга оид илк нусхаларида ёқ суралар ояtlарга бўлинганди. Ҳар сура доирасида оятларни

тартиб билан рақамлаш кейинроқ амалга оширилган. Оятларнинг айримлари қисқа иборадан, баъзилари бир неча жумладан ташкил топган. Оятларни ажратиш Мұҳаммад (с.а.в.) томонларидан саҳобийларга Қуръонни ўргатаётган вақтларида бироз тўхташ (вақф) қилишлари ва сўнг давом эттиришлари натижасида келиб чиққан. Қорилар ўртасида оятларга тақсимлашда турлилик бўлиши мумкин. Чунки, Мұҳаммад (с.а.в.) дастлабки ўргатиш жараёнида тўхтаб оятлар орасини узган бўлсалар, кейинчалик қисқароқ тўхтаганларидан ушбу ихтилофлар юзага келган. Ҳафснинг Осимдан қилган ривояти бўйича Қуръон оятлари 6236 тани ташкил этади.

Оҳод – бир ривоятни ҳар бир табақада бир кишидан уч кишигача сондаги ровийларнинг нақл этиши. Мутавотир даражасига етмаган ривоят.

Пайғамбар – Аллоҳдан ваҳий олган ва уни одамларга етказадиган шахс. Ислом динида ҳам, яҳудийлик ва насронийлик динида ҳам мавжуд тушунча. Ривоятларга кўра, дунёда 124 минг пайғамбар яшаб ўтган. Қуръонда 25 пайғамбарнинг номи зикр этилган. Қуръонда келган яна баъзи шахслар эса пайғамбар ёки пайғамбар эмаслиги маълум бўлмаган.

Расмий бўлмаган Қуръон – Усмон мусҳафига қадар турли лаҳжаларга кўра саҳобийлар томонидан жамланган мусҳафлар. Улар Усмон мусҳафи билан айrim қоидаларда фарқ қилиши мумкин. Расман қабул қилинган мусҳафдан сўнг улар бекор қилинган.

Рафъ ҳолати – сўзнинг бош келишикдаги ҳолати. Бунда сўз дамма ёки танвин даммага тугайди.

Расмул-мусҳаф илми. Усмон мусҳафи ёзилган хат услуби, унинг нусхаларида қабул қилинган қоидаларни ўрганувчи илмдир.

Ривоят – воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя. Қуръон ва ҳадиси шарифларни жамлашда етакчи аҳамият касб этган. Ривоятлар ишончли ёки

ишончли эмаслигини аниқлашда ровийларнинг ҳолатлари ҳар томонлама ўрганилгач, турларга бўлинган.

Ровий – ривоят қилувчи шахс. Ривоятларни қабул қилишда мазкур кишиларнинг ишончли ёки ишончсиз экани, улар номи билан бирга келган бошқа ровийлар билан алоқаси текширилгач, уларнинг ҳолатлари аниқланган.

Рўза – Исломда 5 рукидан учинчиси. Қуръоннинг “Бақара (2)” сураси 183–187-оятларида Аллоҳ Қуръонни Расууллоҳ (с.а.в.)га Рамазон ойида нозил қилгани таъкидланиб, ҳар йили шу ойда рўза тутиш фарз қилинган. Рўза тутиш ислом динидан бошқа динларда ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилган.

Сабабун-нузул (ёки асбоб ан-нузул) – Қуръон оятларининг нозил бўлиш сабаблари. Қуръон оятлари бирор бир воқеа, савол юзага келганда жавоб сифатида масалани ойдинлаштириш учун ҳам нозил қилинган. Шу сабабли оятларни тафсир қилишда, бирор оятдан ҳукм олишда унинг нозил бўлиш сабабини билиш, оятни тўғри шарҳлашда оятларнинг нозил бўлиш сабабини билиш асосий ўрин тутади. Сабабун-нузулга оид ривоятлар ҳадис тўпламларида саҳобий ёки тобиийлардан ривоят тарзида келади. Айрим оятларни сабабун-нузулсиз тушуниб бўлмайди.

Сабтаҳли – (“сабт” – араб. шанба) – ўз даврида тақиқланган кун – шанбада балиқ тутган қавм. Улар бу ишлари учун маймунга айлантирилган. Маймунга айлантиришларининг қай ҳолатда экани турлича талқин қилинади: айримлар қиёфалари маймунга айланган деб ҳисобласалар, бошқалар фаолиятлари шундай бўлиб қолган деган фикрни илгари сурадилар.

Санај – Ривоят қилувчилар силсиласи

Сарф ва нахъ – Араб тили грамматикасининг морфология ва синтаксис бўлимлари.

Саъй қилиш – Ҳаж ва умра амалларида Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти марта у ёқдан бу ёқса бориб келиш.

Саҳиҳ – (араб. соғлом; ишончли). Ҳадис турларидан бири, ишончли ҳадисга нисбатан қўлланилади. Ҳадиснинг ишончли

бўлиши учун қуидаги шартлар белгиланган: 1) санаднинг давомийлиги; 2) барча ровийларнинг одил бўлиши; 3) ровийлар ёзиш ва хабар қилиш жиҳатидан аниқ бера олиши; 4) ровий ривоятининг ўзидан ишончли бўлган одамларга хилоф бўлмаслиги; 5) турли иллатлардан холи бўлиши. Бухорий ва Муслим ҳадис тўпламлари саҳих ҳадисларни жамлашга бағишиланган.

Саҳобий – Мұҳаммад (с.а.в.)нинг сафдошлари, у зот билан мусулмон бўлган ҳолатида мулоқотда бўлган, лоақал у кишини бир маротаба, гўдаклик чогида бўлса ҳам кўрган ва мусулмонлигича вафот этган кишилар саҳобий деб аталади. Саҳобийнинг ислом тарихидаги алоҳида аҳамияти шундаки, Мұҳаммад (с.а.в.) вафотларидан сўнг ислом таълимотлари (ҳадислар), шунингдек, шахсий ўрнаклари ва фикрлари бўлган ислом ахлоқий таълимоти – суннанинг энг муҳим таркибий қисмини кейинги авлодга етказган.

Сунан (араб. “сунна” нинг кўплиги) – Фақиҳлар ҳукмларни ҳадислардан чиқариб олишларига асос бўлиши учун фикҳ боблари асосида ёзилган ҳадис тўпламлари.

Суннат – Мұҳаммад (с.а.в.) нинг тутган йўллари, қилган ишлари, феъллари. Суннат Қуръон билан чамбарчас боғлиқdir. Шунингдек, суннатнинг тарихи Қуръон ва ислом тарихи билан бирдир.

Суннийлик – Ислом динида 2 асосий йўналишлардан бири ва энг кенг тарқалгани. Суннийликда 4 та диний-хуқуқий мазҳаб мавжуд: ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик, ҳанбалийлик.

Сура (араб. тизма, қатор, қўргон, манзил ва шараф маъносида) – фақат Қуръонга хос тушунча, унинг бўлимлари сура дейилади, уни шартли равишда бобга қиёслаш мумкин. Уламолар истилоҳида эса, сура – Қуръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тоифасидир. Қуръон суралардан иборат бўлиб, ҳар бир сура уч ёки ундан кўп оятни ўз ичига олади. Қуръон 114 сурадан таркиб топган.

Сұхұф (араб. “саҳиға”нинг кўплиги) – Қуръонда нозил бўлган суралар ёзиладиган саҳифалар маъносида келган.

Сұхұф бакрия– “Абу Бакр саҳифалари” ёки “Абу Бакр мусҳафи”. Илгариги даврда тери, тош, пўстлоқ каби турли ашёларга ёзилган Қуръон суралари Абу Бакр (р.а.) халифалик йилларида қоғоз саҳифаларига кўчирилган ва бир жойда жамланган ва мазкур ном билан аталган. Унинг Усмон мусҳафидан фарқли жиҳати етти лаҳжани ўз ичига олганидир. Кейинги Усмон мусҳафи эса, етти лаҳжадан фақат биттаси ва энг машҳури – Қурайш лаҳжасига кўра ёзилган эди. Абу Бакр мусҳафи аввал Абу Бакрда, унинг вафотидан сўнг Умар ибн Хаттобда, кейин эса, унинг қизи Ҳафсада сақланган. Мусҳаф Умавий халифа Марвон ибн Ҳакам буйруги билан Ҳафса бинт Умар вафотидан сўнг унинг уйидан олиб ёқиб юборилган. Марвон ибн Ҳакам бу ишини “ундаги ёзувлар Усмон мусҳафига кўчириб сақланиб бўлинган, бундан кейин кишилар шубҳаланиб, яна ихтилофлар чиқмаслиги” учун қилгани билан изоҳлаган.

Таассуб (мутаассиблик) – ўз эътиқоди тўғрилигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш. Ислом дини мутаассибларка хайриҳоҳлик билдиrmайди. Аксинча, теран ўйлашга, бошқаларга нисбатан муросали бўлишга чақиради. Қуръонда бу борада алоҳида муносабат билдирилган. Динда таассубга берилиш, чуқур кетиш масалалари Қуръонда ҳар томонлама муолажа қилинган. Таассуб ва ғулуга кетишга далил мавжуд бўлмай, аксинча инсонлар охират куни ҳақида огоҳлантирилар эканлар, дунёвий ҳаётдан, жамиятдан ажралмасликка даъват этиладилар. Шунга кўра, айрим ўринларда тўғридан-тўғри диний таассуб ва жиноятлар қораланса, айримларида мусулмон кишининг диний ҳаёти тартибга солинади. Биринчи қисмга одам ўлдириш, Ер юзида фасод-бузгунчилик ишларини қилиш қаттиқ қораланган оятларни мисол қилиб келтириш мумкин: “Кимки одамларни ноҳақ, ёки Ер юзида бузгунчилик билан ўлдирса, худди у барча инсонларни ўлдирган кабидир.

Агар ўлимдан сақласа, гүё барча одамларни ўлимдан сақлаган кабидир". (Моида (5): 32).

Иккингчى қисмга эса, кишиларнинг дунёвий ҳаётларидағи юриш-туришлари белгиланган оятларни келтириш мүмкин. Яъни кишиларнинг динни тор йўналишда тушунмасдан, ҳаётлик чоғларида кенг имкониятларга эга эканликлари белгиланган кўрсатмалардан оғиб кетмасликлари, ўзларича ҳалол нарсалардан тийилишлари мумкин эмасликлари, кийинишда ҳам ўзларича чегара қилиб, чиройли кийимлардан ўзларини ман этишлари мумкин эмаслиги кўрсатилган: "Эй имон келтирғанлар, Аллоҳ ҳалол қилган яхши нарсаларни ҳаром қилиб олманг. Ҳамда тажовуз қилманг". (Моида (5): 87). Аъроф сурасида кийинишда ортиқча тийилиш ва ейиш-ичишдан ортиқча қайтиш ва чегаралашдан қайтарилади: "Эй одам боласи, масжид олдига чиққанингизда зеб-зийнатингизни олинг, енглар, ичинглар, исроф қилманглар. Аллоҳ исрофгарларни севмайди" (Аъроф (7): 31); "Айтинг, ким Аллоҳ баңдаларига чиқарган зийнатлар ва покиза ризқларни ҳаром қилди..." (Аъроф (7): 32); "Аллоҳ сизларга енгилликни истар ва қийинликни истамас" (Бақара (2): 185); бошқа дин вакиллари билан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш ҳам Куръонда зикр этилган: "Агар роббингиз хоҳласа эди, Ер юзидағи барча инсонлар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Сиз улар мўмин бўлмагунларича ёмон кўрасизми" (Юнус (10): 99); "Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф этиб турмас экан, албатта, Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларда) узлатгоҳлар, (насронийларда) бутхоналар, (яҳудийларда) ибодатхоналар ва (мусулмонларда) масжидлар вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ ўзига (динига) ёрдам берадиганларга ёрдам берур. Шубҳасиз, Аллоҳ кучли ва қудратлидир" (Ҳаж (22): 40); "Дин тўғрисида сизлар билан урупмаган ва сизларни ўз юрtingиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли

кишиларни севар” (Мұмтаңана (60): 8.). Ушбу оятларда гайридинларнинг ибодатхоналарига ҳам худди масжидлар каби эътибор қилиниб, эҳтиром қилиниши, яхшилик қилиш Куръондаги бағрикентгликтин күрсатиб беради.

Табаъа тобиий (араб. тобиййининг тобиййлари) – тобиййлардан кейинги мусулмон олимлари.

Тавотурлик дарајасидаги нақл – мутавотир ривоят. Ёлғонга чиқариб бўлмайдиган дарајада қўп сондаги кишилар томонидан нақл қилиниши.

Тавҳид (араб. – якка санаш) – Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Аллоҳ таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ деб эътиқод қилишдир.

Талйин – ҳарфни юмшоқлик билан тилга бирор маşaққатсиз чиқариш. Лийин ҳарфлари иккита: ўзидан олдинги ҳарфлари фатҳали бўлган сукунли, ва ڦ ҳарфлари: بیت، خوف

каби.

Тарқиқ – Қироатда ҳарфларни ингичка талаффуз қилиши ва оғиз унинг садоси билан тўлмайди. Истивола ҳарфи касралик бўлганда тарқиқ қилинади, истифола ҳарфларининг эса барчаси тарқиқ қилинади, уларни тафхим қилиш жоиз эмас (фақат муайян ҳолатларда , ва ڢ ҳарфлари тафхим қилинади).

Тасаввуфий шарҳ – Тасаввуфий йўналиш, яъни Куръоннинг зоҳирий ва ботиний маънолари бор деб ҳисобловчи йўналиши. Тафсир илмида тасаввуфий тафсирлар алоҳида турни ташкил этади. Дастребаки даврда айрим оятлар тасаввуфий олимлар томонидан шарҳланган бўлса, кейинчалик тўлиқ тасаввуфий тафсирлар яратилган. Тасаввуфий тафсир йўналиши олимлари сифатида Ҳаким Термизий, Қушайрий каби олимларни зикр этиш мумкин.

Тафсир – (араб. баён қилиш, шарҳлаш ва равшан қилиш) – араб тилини мукаммал билган ҳолда Куръон, хадис, саҳобий ва тобиййлар ривоятидан истифода этиб, инсон имконияти доирасида Куръон оятларини шарҳлаш, изоҳлашдир. Арабларда илмий, фалсафий асарларга ёзилган

шарҳлар ҳам тафсирлар деб аталган. Куръонда ҳам “тафсир” – “шарҳ” мазмунидаги қўлланилган. *Маъсур тафсир* – тафсир турларидан бири бўлиб, унга кўра муфассир асосан, нақлга таяниб Куръонни шарҳлайди. *Раъй билан қилинган тафсир* – муфассирнинг Куръонни шарҳлашда ўз фикр ва қарашларини ишлатиши. У икки турга бўлинади, жоиз *раъй*, яъни муфассирнинг нақл билан бирга унга хилоф бўлмаган ҳолда Куръонни шарҳлаши. *Ножоиз раъй* эса, фирмә ва оқимларнинг Куръонни шарҳлашларини қамраб олади.

Тафсир илми – Куръондаги Аллоҳнинг муродини инсон қудрати етган даражада ўрганадиган илм. Бу илм Пайғамбар (с.а.в.) даврларида юзага келган. Саҳобийлар ва тобиийлар даврида эса тафсир қамрови кентгайди. Бу даврда ёзма тўлиқ тафсирга оид асаллар яратилмади. Х асрга келиб тўлиқ тафсирга оид асаллар ёзилган.

Тафхим – (араб. “тўйдириш”, “тўлдириш”). Атама сифатидаги маъноси, муайян ундош товушлар талаффузида иштирок этадиган йўғон, тўла оҳангидир. Яъни йўғонликдан иборат бўлиб, ҳарфнинг овозига киради ва оғиз унинг садоси билан тўлади. Истиъола ҳарфлари **ضغط قهص** тафхим билан, яъни йўғон ўқиладиган ҳарфлардир.

Ташдид – ҳарфни иккилантириш.

Таъвил – “Таъвил” сўзи “авл” сўзидан олинган бўлиб, лугатда қайтиш маъносини ҳамда тафсир, шарҳлаш маъноларини билдиради.

Тақводорлик – Куръон ва ҳадисларда Аллоҳдан қўрқиш, дўзахдан сақланиш, парҳезкорлик каби мазмунларда қўлланилган.

Тақдим ва таъхир – Куръонда кетма-кет келган икки сўзнинг қайси бири аввал, қайси бири кейин келиш масаласи. Куръон жамланиш даврида бу борада ихтилофлар юзага келган. Бундай фарқларнинг келиб-чиқиши сабаблари соҳа олимлари томонидан Куръон лаҳжаларидаги фарқлар билан боғлиқ деб эътироф этилган.

Тақдир – инсон ҳаёти ва фаолияти ҳамда оламдаги барча ҳодисаларнинг Аллоҳ иродасига боғлиқлиги. Тақдирга ишониш исломда имон шартларидан биридир. Қуръонда тақдир бўйича турлича қарашлар бир-бири билан боғланмаган ҳолда келган. Айрим оятлардан барча нарса Аллоҳнинг ҳоҳиши билан бўлиши, инсонда ихтиёр йўқлиги мазмуни чиқиб келса, айримларига кўра инсон ўз ихтиёрига эга ва ўз ишларида масъулдир. Мотуридий барча ишлар Аллоҳнинг азалий илмида ва ҳоҳиш иродаси билан бўлишини эътироф этган ҳолда кишиларнинг ўз ихтиёrlари бўлиши ва қилган ишларида масъул эканликларини таъкидлаган.

Таҳорат – намоз ўқиш, ибодат олдидан ювениш, покланиш. Қуръон оятларида таҳоратнинг юз, қўлнинг тирсаккача қисми, бош, оёқларни ювиш зикр этилган бўлиб, оғиз, бурунни чайиш, аъзоларни уч маротаба ювиш каби қоидалар ҳадислар асосида ўрнатилган. Фақиҳлар уни ҳукм оятларининг тўғридан-тўғри ҳукм зикр этилган оятлар турига нисбат берганлар.

Тиловат – Қуръонни ўқиш. Қироат билан тиловатнинг фарқи шундаки, араб тилида қироат илоҳий оятлар, вахийни ўқишга ҳам, инсон томонидан битилган ёзув ва шеърларни ўқишга ҳам ишлатилиши мумкин. Тиловат эса, асосан вахий этилган оятларни ўқишга ишлатилади.

Тобиий (араб. қарам, издош) – саҳобалардан кейин улар билан кўришган ва суҳбатлашган олимлар.

Умра – Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида ўрнатилган амал. Ҳаж каби фарз амаллар доирасига кирмайди. Умра амали эҳром кийилган ҳолда Каъбани тавоф этиш ва Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти марта юриш ҳамда сочни қирқиб, эҳромдан чиқишдан иборат. Ҳаждан фарқли равишда исталган мавсумда бажариш мумкин.

Усмон мусҷafi – Қуръоннинг халифа Усмон ибн Афон (р.а.) даврларида кўчирилган нусхалари. Абу Бакр ва Умар вафотларидан кейин ҳокимият Усмонга ўтгандан сўнг илгариги жамланишдан 19 йил ўтиб, 651 йилда Қуръон жамланди. Ривоятга кўра, саҳобий Ҳузайфа ибн Ямон

Озарбайжон ва Армания билан урушда иштирок этиб, мусулмонлар ўртасида ўша даврдаги бир нечта мусҳафлар бўйича ихтилофнинг жиддийлашиб бораётганидан халифа Усмонни хабардор қиласи. Усмон Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъийд ибн Ос, Абдураҳмон ибн Ҳорисларни чақиради. Ҳафсада сақланаётган саҳифалар асосида китоб шаклидаги, бир хил лаҳжадаги, яъни Қурайш лаҳжасидаги ўқиш услубини китоб шаклига келтириш вазифасини юклайди. Усмон уларга “агар сизлар Зайд ибн Собит билан ўқишида ихтилоф қиласангиз, унда Қурайш лаҳжасида ёзинг, Қуръон Қурайш лаҳжасида нозил бўлган”, дейди. Расмий мусҳаф тайёрлангандан сўнг уларни тўрт нусхага кўчиритирилиб, ушбу давргача бўлган мусҳафларни ёқиб юборишни буюради. Зайд ибн Собит Мадина мусҳафини ўқитишга масъул қилинган бўлса, Абдуллоҳ ибн Соиб Маккага, Муғийра ибн Шиҳоб Шомга, Абу Абдураҳмон Сулламий Куфага, Омир ибн Абдулқайс Басрага мусҳафлар билан ўқитиш учун масъул қилиб юборилганлар. Улар эса ўз минтақалари бўйича кишиларга Қуръонни ўргатиб, шогирдлар етишири бошлиганлар. Ибн Касир (ваф. 774/1373) ўз давридаги Усмон мусҳафи ҳақида маълумот беради: “Усмон мусҳафлари орасида энг машҳури Дамашқдаги жомеъ масжидда шарқий руқнида сақланаётганидир. Ушбу мусҳаф илгари Табарияда бўлган, сўнг 518/1124 йил Дамашққа олиб келинган. У жуда буюк, улкан, чиройли хатда, тушунарли, сиёҳ билан ёзилган. Фикримча, тия терисига ёзилган бўлса керак”. Бу ҳақда яна Абу Абдуллоҳ Зинжоний Шом мусҳафини Ибн Фазлуллоҳ Умрий VII аср ўрталарида кўрганини зикр этиб, ушбу мусҳаф Санкт-Петербургдаги Кўлләзмалар фондида бирмунҷча вақт сақланиб, кейин Британия музейига кўчирилганини тахмин қиласи”.

Усмон мусҳафи шакллангунга қадар Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Аббосларга тегишли нусхалардаги сура ва оятлар тартиби бир-биридан фарқ қиласи.

Фарз – Шариатда адо этиш жазм билан ҳамда шубҳасиз ва қатъий талаб қилинган амал. Ислом ақидасига кўра, фарз амални фарз эмас деб жиiddий инкор қилған киши куфр келтирган бўлади.

Фаришталар – Ҳар хил шаклларга кира оладиган нуроний латиф жисм. Аллоҳнинг амрини бажарувчи мавжудотлар. Фаришта тушунчаси исломдан ташқари, яхудийлик, насронийлик динларида ҳам мавжуд. Улар ейиш-ичиш, ужлаш каби инсоний фаолиятларни бажармайдилар.

Фатво (араб. тушунтириш, изоҳ, ҳукм, қарор) – муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Исломнинг дастлабки даврида Муҳаммад (с.а.в.) сафдошлари, айниқса, дастлабки тўрт халифа (чорёллар)нинг турли ҳуқуқий масалалар юзасидан берган изоҳлари, шунингдек, уларнинг фикрҳга доир чиқарган қарорлари фатво деб айтилган. Фатво барча диний-ҳуқуқий мазҳаб асосчилари томонидан фикрҳга оид қўшимча манба сифатида қаралган. Ҳуқуқий масалаларда берилган фатво диний жамоалар, мусассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Фатво Қуръон, ҳадислар ва шариатга ёки илгари берилган фатволарга асосланиб чиқарилади.

Фатҳ – Қуръон қироатида фатҳа ва алифни қандай бўлса шундайлигича талаффуз қилиш. Яъни имола қилмаслик.

Фақиҳ – шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шугуулланувчи олим.

Фил аҳли – Муҳаммад (с.а.в.) дунёга келмасларидан бурун Каъбани вайрон этиш учун филлардан қўшин тузиб келган ҳабаший қавм. Аллоҳ таоло уларни яксон қилиш учун Абобил қушларини юборган. Кушлар қўшинни майда тошчалар билан тошбўрон қилиб ҳалок этишган. Қуръоннинг 105-сураси Фил номи иблан аталади.

Фикрҳий масалалар – шариат қонун-қоидалари билан боғлиқ амалий (эътиқод ва ахлоққа оид бўлмаган) масалалар.

Фиқхий ҳукмлар – шариатда бирор амални бажариш ёки бажармаслик түгрисидаги ҳукм.

Хат турлари – Куръонни ёзиб жамлашда қўлланилган арабий хатлар турлари. Улардан куфий, девоний, сулс, насх, настаълик, риқъа кабилар кенгроқ тарқалган. Улар бир-биридан тафовут қиласди. Дастребки даврда куфий хати асосий ўрин туттган, кейинчалик араб хати такомиллашиб насх хати вужудга келган. Сўнг ушбу хат бошқаларидан устун бўла бошлиган. Ҳозирги кунда ҳам ушбу хат турни араб давлатларида асосий хат турни сифатида қўлланилади.

Христиан (насроний) – жаҳонда энг кенг тарқалган христианлик дини вакиллари. Йињил – уларнинг муқаддас китоби, Исо (а.с.) – пайғамбарлари. Куръонда уларнинг Исо (а.с.)ни “Аллоҳнинг ўели” деб даъво қилганлари ва Йињилга ўз ихтиёрларига кўра ўзгартиришлар киритганлари учун танқид қилинган ва залолатта кетган қавм саналган.

Шариат – 1) Куръон ва сўнна асосида келган амалий ҳукмлар мажмуаси, шу маънода шариат фиқҳ маъносида ҳам тушунилади. Самовий динларнинг барчасидаги амалий қисм шариат деб аталади. Ислом шариати ҳукмлари Куръон, суннат, ижмоъ ва қиёсдан олинади. 2) Куръон, суннат, ижмоъ ва қиёс асосида собит бўлган фиқҳий, ақидавий ва ахлоқий ҳукмлар.

Шаръий ҳукмлар – 1) фиқҳий ҳукмлар; 2) фиқҳий, ақидавий ва ахлоқий ҳукмлар.

Шиалик – исломда 2 асосий йўналишдан бири. Тарқалиши ва тарафдорлари микдори жиҳатдан суннийликдан кейин туради. Ақидавий ва фиқҳий масалалардаги қарашларида ислом дини таълимотларга тўгри келмайдиган жиҳатлар мавжуд.

Ширк – Аллоҳга шерик нисбат бериш ва Ундан ўзгага сигиниш. Куръонда ширк кечирилмайдиган гуноҳ сифатида эътироф этилган.

Шозз – “ҳақиқий бўлмаган”, “жамоатдан ажралган”, “яккаланган” маъноларини беради. 1) Қироатда “саҳиҳ бўлсада, якка тартибда ривоят қилинган қироат” деб тушунилади.

Шу каби “шозз қироат” атамасига бир нечта шарҳлар берилган бўлиб, асосан, араб тилига мос келадиган, аммо Усмон мусҳафига мос келмайдиган қироат тушунилади ва унга “тафсирий қироат” деган ном ҳам берилган. Мутавотир қироатнинг акси. 2) Ҳадис ривоятида ровий ривоятининг ўзидан ишончли бўлган одамлар айтган ҳадис маъносига хилоф тарздаги ривоят.

Эъжозул-Қуръон – Бу борада ёзилган асарларнинг умумий номи. У Қуръон услубиятининг инсонларни ожиз қолдириши бўйича соҳага бағишлиланади ҳамда шу ном билан Қуръон илмлари доирасида қайд этилади.

Эъжом белгилари (эъжом нуқталари, забт нуқталари) – араб ҳарфлари усти ва остидаги нуқталар. Дастребки араб ёзувидаги жумладан, мусҳафларда бўлмаган. Бу нуқталар Қуръонни ўқишда турли ихтилофлар ва қарама-қаршиликлар чиқиши натижасида янгилишларга чек қўйиш мақсадида ёзувга киритилган. Шу асосда ҳозирга қадар араб ёзувидаги нуқталар билан ҳарфлар ажратилиши қўлланилади.

Эъроб ҳаракатлари – сўзнинг гапдаги грамматик ўрнига кўра келишикларининг ҳаракат (қисқа унлилар)даги ифодаси. Диакретик белгилар.

Эътиқод – “ақида” сўзи билан синоним, боғлаш маъносини билдиради. Яъни “ишониш” маъносида қўлланилади.

Эҳсон – Яхшилик қилиш.

Яъжуҷ ва Маъжуҷ – Қуръонда номи зикр этилган қавм. Унда Зулқарнайн томонидан улар ва бошқа қавмлар ўртасида ўтиб бўлмас девор қурилгани зикр этилган.

Қасам сўzlари – Қуръонда қасамни ифодалаш учун қўлланилган сўзлар. Ислом таълимотига кўра, истаган нарсаси билан қасам ичиш Аллоҳ таолонинг ихтиёридир. Бандаси эса, Ундан бошқанинг номи билан қасам ичишга ҳақли эмас.

Қибла – Мусулмонларда намоз ўқиётганда юзланиб турадиган томон. Исломнинг илк давларида намоз Қуддус томонга қараб ўқилган. Ҳижратнинг 2-йилида Каъба мусулмонлар қибласи деб белгиланган.

Қиёмат – Ислом таълимотида қайта тирилиш куни. Унда барча ўлғанларга қайтадан жон ато этилади, сўнг улар қилган амаллари, эътиқодларига кўра Жаннат ёки Дўзахга юбориладилар.

Қироат – (араб. ўқиш) – ислом анъанасида Қуръон оятларини ҳар бир қироат соҳиби ва қабул қилинган тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзига хос ўқиш. Қироатлар ичидаги ҳозирги кунда ислом оламида энг кўп тарқалгани – Ҳафс (ваф. 805 й.) ривояти билан нақл қилинган Осим (ваф. 744 й.) қироатидир. Қуръоннинг барча мамлакатларда қайта қайта нашр этилаётган Миср нашри (1919, 1923, 1924), Саудия Арабистонида 1984 йил ташкил этилган “Қирол Фаҳд номидаги мусҳаф нашри бўйича мажмуа” асосан шу қироатга асосланган мусҳафни нашр этади.

Қироат турлари – Қуръоннинг турлича қоидалар асосида ўқилиши. Қироат турларининг юзага келиш сабаблари Қуръоннинг етти лаҳжада нозил бўлганидаги турлиликка бориб тақалади. Қироатлар ўртасидаги фарқлар асосан икки йўналишда бўлади: бири, сўзниң маъноси ўзгариши, бунда умумий маънога таъсир қилимайди ёки умумий Қуръон таълимотларига қарама-қарши бўлмайди. Иккинчиси, сўз ва ҳарфларни талаффуз этишдаги шевалар ўртасидаги турлиликдир, бу ҳолда маъно ўзгармайди.

Қироатларни етти мутавотирга чегаралаш – Усмон мусҳафи бўйича ўқиши бир хилликка келтириш учун қироатлардан еттига энг машхурини қолдириб, булардан бошқа ўқиши услубларига чек қўйиш. Бу иш Қуръонни ўқиши бўйича юзага келаётган ихтилофларга нуқта қўйиш мақсадида Абу Бакр ибн Мужоҳид (ваф. 324/935) томонидан амалга оширилган.

Киртос (араб. қофоз) – Қуръонда нозил бўлган суралар ёзиладиган қофозлар маъносида келган.

Қори – (араб. ўқувчи) – 1) Исломда алоҳида ўқиш услуги ва қоидалар асосида Қуръонни ўқувчиси ва ўргатувчиси. 2)

Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва қироат билан ўқидиган киши.

Қорун – Қуръонда номи келган шахс. Мусо (а.с.)нинг замондоши. У жуда бой, бадавлат бўлган, бироқ кибрга кетиб, Аллоҳга куфр келтиргани учун унинг барча бойлигини ер ютган.

Қуръон – (араб. ўқимоқ, қироат қилмоқ) – мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Қуръон Аллоҳ таоло томонидан Жаброил орқали Мұхаммад (с.а.в.)га нозил бўлган. Қуръон нозил бўлиш жараёни Маккада ўн уч йил, Мадинада ўн йил, қарийб йигирма уч йил давом этган. Мұхаммад (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида яна ваҳий тушиб қолиш эҳтимоли назарда тутилган ҳолда китоб ҳолига келтирилмаган. Вафотларидан сўнг Усмон ибн Аффон даврларида Қуръонни жамлаш иши амалга оширилган. Қуръон ислом динига оид барча ҳукмларнинг асоси ва биринчи манбаи ҳисобланади.

Қуръон илмлари – Қуръон лаҗжалари, қироатлар, сабабун-нузул, носих ва мансух, омм ва хос, муҳкам ва муташобиҳ, муносабат илми каби кўплаб илмларни қамраб олади. Қуръон маъноларини тушуниш ва талқин этишда муҳим ўрин тутади. Қуръон илмлари яхлит тарзда ўрганилган асарлар орасида Суютийнинг “Итқон фи улумил-Қуръон” асари мукаммал бўлиб, 80 та илмга таъриф берилган.

Қуръон лаҗжалари – Қуръонни турли лаҗжалар бўйича ўқищдаги хилма-хиллик бўлиб, дастлабки даврда амалда бўлган, сўнг Усмон мусҳафи бирхилликка келтирган. Ушбу турлилик Қуръон таълимотлари, ақидага таъсир этмаган ҳолда бўлган, “Қуръоннинг етти ҳарфда нозил бўлганлиги” ҳақидаги ҳадислар мазмунидан кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, унинг “етти лаҗжа (шева)да нозил бўлгани” тушунилади. Бу борада ривоят қилган саҳобийлар сони 20дан ортиқ бўлиб, кўпчилиги ишончли ва мутавотир саналади.

Қуръоннинг жамланиши – Қуръоннинг жамланиши илк даврда уч босқичда амалга ошган. Биринчи босқичда Мұхаммад (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида тери, хурмо дарахти

пўстлоғи, тош, сұяқ қаби нарсаларга ёзилған. Иккінчи босқичда Ямома жангидан кейин Умар ибн Хаттобнинг таклифига кўра Абу Бакр буйруғи билан Зайд ибн Собит саҳифаларга ёзиб жамлайди. Учинчи босқичда Хузайфа ибн Ямоннинг Усмон ибн Аффонга Куръоннинг турлича ўқилиши кишилар орасида адоватни кучайтираётгани ҳақидаги хабаридан сўнг Усмон яна Зайд ибн Собит ва бир нечта саҳобийларга Куръонни жамлаш ишини топшیرади.

Куръоншунослик – бу фан ўрта асрларда юзага келган Куръон илмлари, тафсир илми қаби фанларни қамраб олади. Куръоншунослик атамаси XIX асрда ғарбда Куръоннинг ўрганилиши натижасида юзага келган. Ушбу тадқиқотларда асосан Куръон тарихи, услугубияти ўрганилган.

Куръон эъроби – Куръондаги сўзлар охиридаги ҳаракат ва ҳарфларни сўзнинг грамматик ўрнига кўра ифодалаш. Ўзбек тилида келишикларга тўғри келади.

Куръон қиссалари – Куръон қиссалари асосан қўйидаги турларга бўлинади: 1) Пайғамбарлар фаолияти, унга эргашувчилар билан кечган воқеа-ҳодисалар, мўъжизалар, уларга эргашмаганларнинг оқибатлари кабилар баён этилган қиссалар. Масалан, Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Юсуф, Иско ва ҳ.к; 2) Бўлиб ўтган воқеалар баён этилган бўлиб, Куръонда шахслари аниқ тарзда ўрнатилмаган кишилар ва қавмлар ҳақидаги қиссалар. Масалан: Асҳобул ухудуд, Асҳобул Каҳф, Зулқарнайн ва ҳ.к.; 3) Муҳаммад пайғамбар даврларидағи бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар баёни. Масалан: Истро воқеаси, ҳижрат, Бадр ва Уҳуд жангидаги бўлган воқеалар ва ҳ.к. Биринчи турга барча Куръонда зикри келган 25 пайғамбар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги хабарлар киради. Улар: Одам, Идрис, Нуҳ, Худ, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Лут, Шувайб, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Зул Кибл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Илёс, Довуд, Сулаймон, ал-Ясаъ, Закариё, Яҳё, Иско, Муҳаммад. Иккинчи турга кирувчи илгари бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлар ва пайғамбарликлари аниқ ўрнатилмаган кишилар ва қавмлар ҳақидаги қиссаларга Толут ва Жолут, Одам (а.с.)нинг икки

боласи орасида кечган воқеа, Каҳф аҳли, Зулқарнайн, Луқмон, Корун, Сабт аҳли, Марям, Ухдуд аҳли, Туббаъ аҳли, Фил аҳли ҳақидаги хабарларни мисол келтириш мумкин. Учинчи турга киравчы қиссалар Мұхаммад (с.а.в.) даврларидағи айрим воқеа ва ҳодисаларни баён этиб беради. Масалан, ҳижрат билан боғлиқ хабарлар, Исрө кечасидаги воқеалар, Бадрда мушриклар билан кечган уруш ва шу кабиларни зикр этиш мумкин.

Ғарибул-Қуръон. Қуръондаги түшуниш қийин сўзларга шарҳ беришга бағишиланган асарларнинг умумий номи. Қуръон илмларидан бири сифатида саналади.

Ҳадислар – Мұхаммад (с.а.в.) нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Ислом шариатининг Қуръондан кейин турувчи асоси. Дастраси даврда Қуръон нозил бўлиш чоригида ҳадислар билан аралашиб кетиш хавфи туфайли ҳадисларни ёзиб боришга ружсат берилмаган. Кейинчалик ҳадисларни нақл қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат билан бир гуруҳ мусулмонлар ҳадисларга бегона сўзлар аралашиб кетиши ҳамда саҳобийлар вафот этишлари билан ҳадислар зое бўлиши ҳолати юз бермаслиги учун уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. 7-аср ўрталаридан бошлаб ҳадисларни ёзиб бориш кенг тарқалган. Кейинчалик ҳадисларга мусулмонлар ҳаётида сиёсий, ижтимоий ҳолатлар таъсирида тўқима ривоятлар аралашиб кетди. Фақат 9-асрга келиб Бухорий ва Мұслим саъй-ҳаракатлари билан уларнинг ишончлилари ажратилиб, алоҳида тўпламлар яратилди.

Ҳаж – Ислом дини 5 рукнининг бешинчиси. Эс-ҳуши бут, соғлом, балогат ёшига етган ва оиласи нафақасидан ташқари сафар харажатларига кифоя қилгудек маблаги бўлган ҳар бир мусулмонга умрида бир марта ҳаж қилиш фарздир. Қуръоннинг 22-сураси Ҳаж номи билан аталади.

Ҳазф – ёзувда ёки талафғузда қулайлик учун бирор ҳарфнинг тушириб қолдирилиши.

Ҳалол ва ҳаром – рухсат этилган хатти-ҳаракатлар, ейиш мумкин таомлар (ҳалол) ва қилиш ман этилган хатти-ҳаракатлар, ейиш ман этилган таомлар (ҳаром).

Ҳижрат – (араб. “кўчиш”). Мұҳаммад (с.а.в.) тарафдорларининг Маккадан Мадинага 622 милодий йил юз берган кўчиши. 638 йилдан эътиборан ҳижрий йил ҳисоби амалга киритилган. 622 йил бу йилнинг боши деб белгиланган.

Ҳукм – “шаръий ечим”. Масала юзага келган ҳолда Қуръон нозил бўлиши ёки Мұҳаммад (с.а.в.) суннатлари орқали ечилган. Қуръон шариатнинг асосий манбаси бўлиб, ислом динининг асосий қоидалари, амаллар йўсими унда келган. Мусулмон олимларининг айтишича, Қуръонда 500 га яқин шаръий ҳукмларга тегишли оятлар мавжуд. Фақиҳлар наздида ҳукм оятлари икки хил турда бўлади: 1) Тўғридан-тўғри ҳукм зикр этилган оятлар; 2) Бирор масалани ечишда истинбот қилишда, бошқа оят билан қўшиб масалани ечиладиган оятлар. Биринчи турдаги ҳукмларга таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж билан бирга, никоҳ, талоқ, васият, қасам ва унинг каффоратлари, савдо-сотик, эмикдошлиқ, мерос, жиноят жазолари каби масалалар ҳақида ҳукм ва қоидалар баён этилгани киради. Буларнинг доирасидаги жузъий масалаларда тортишув кечган бўлиб, ўз фикрларини исботлашда иккинчи турдаги оятлар фақиҳлар томонидан истифода этилган.

ҚУРЪОНШУНОСЛИК

(Ўқув қўлланма)

Тузувчи:

тарих фанлари номзоди А. Ф. Абдулаев

Муҳаррир: С. Очилов

Саҳифаловчи: И. Караджаев

Босишига 2011 йил 26 апрелда рухсат этилди.

Бичими 84×108 ½. Шартли б.т. 10,08. Нашр т.10,04.

Адади 50 дона. Буюртма № 69.

Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашиёт-матбаа

бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

